



# МУЧАЛ\*

ВА БУРЖЛАР:  
ТОЛЕНОМА



# МУЧАЛ ВА БУРЖЛАР: ТОЛЕНОМА



  
**ЯНГИ АСР АВЛОДИ**  
**ТОШКЕНТ**  
**2016**

**УЎК: 133.526**

**КБК: 86.42**

**М-81**

Мучал ва буржлар: толеномалар / Тузувчи муаллиф К.Юнусов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 304 бет.

ISBN 978-9943-27-450-1

Ушбу рисола минг йиллар давомида авлодларимиз томонидан ҳаёт синовларидан ўтказиб, ўрганиб келинган, турли ҳалқлар ўртасида кенг тарқалган нужум илми сирлари билан танишиди.

Китобхон ўзи ва яқин кишиларининг мучал ва буржлари бўйича ижобий ва салбий, кучли ва кучсиз, заиф томонларини, руҳий, жисмоний, жинсий имкониятларини, ким билан оила қуриши мумкин-у, ким билан мумкин эмаслиги ва яна бошқа кўплаб сирли жиҳатлари, хусусиятлари ҳамда имкониятларини астрологик нуқтаи назардан чуқурроқ билиб олишида ва шунга мувофиқ тарзда одамлар билан муносабатда бўлишида ундан фойдаланиши мумкин.

Китобда мучал ва буржларга оид билимлар асосида оиласда эр-хотиннинг ўзаро бир-бирига жисмоний, жинсий, руҳий-психологик, ижтимоий ва маънавий йўналишларда мос келиши ёки тафовутли жиҳатлари чуқур таҳдил қилинган.

Рисола кенг китобхонлар учун мўлжалланган.

**УЎК: 133.526**

**КБК: 86.42**

Тузувчи муаллиф: сиёсий фанлар доктори  
КАМОЛИДДИН ЮНУСОВ

*Рисола кўплаб китобхонларнинг талабларига  
биноан қайта (учинчи маротаба)  
нашр қилинди.*

ISBN 978-9943-27-450-1

© «Мучал ва буржлар: толенома». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## **СЎЗБОШИ**

Мазкур китоб муаллифнинг кўп йиллик ҳаётий кузатишлари, илмий изланишлари ва манбалар устида ишлаши, социологик тадқиқотлар, сўровлар натижалари асосида ёзилганлиги боис, ҳар бир кишига берилган таърифлар жуда мос келади. Айниқса, оиласиб муносабатларда эр-хотиннинг ўзаро бир-бирларига нечоғли мос келиши социографитация қонунияти асосда тушунтириб берилган.

Жамият, ундаги кишилар ҳаёти бутун олам тортишиш қонунига бўйсунади. Ер – коинотнинг заррачалик бир бўлаги бўлиб, унда кечеётган ҳодисалар коинотдаги ўзгаришлар таъсирида бўлади. Социографитацияга оид билимлар айнан ана шу жараёнлар ҳақидадир.

Худди табиатдагидек, кишилар, ижтимоий гурӯҳлар, халқ, миллат, давлат ва давлатлараро муносабатларда ўзаро гравитация – тортишишга ёки, аксинча, ўзаро бир-бирларидан қочишига мойиллик бўлади. Ана шундай муносабатлар социографитация қонуни сифатида амал қиласи.

Социографитация (лот., «sosiotas» – жамият, лот. «gravitas» – тортилиш) қонуни биз – инсон онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган тарзда кечиб, объектив характерга эга.

Социогравитация қонунининг жамият ҳаётида амал қилиш механизми нималардан иборат?

Маълумки, гравитация, бутун олам тортишиш қонуни сифатида амал қилиб, олам – коинот, хусусан, табиатда мавжуд барча материя кўринишлари мазкур қонуниятга бўйсунган ҳолда уюрмали ҳаракат қиласди. Уюрмали ҳаракат гравитацияни юзага келтирувчи, асосий манба ва сабабчидир.

Социогравитация жараёнида кишилар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўриш, ёқтириш, севиш, муҳаббат, меҳр-оқибат, қўллаб-қувватлаш ёки буларнинг акси, инсонлар ўртасидаги ўзаро бир-бирларини хуш кўрмаслик, ёқтирмаслик, ёмон кўриш, нафрат, разабланиш, адоват каби хусусиятлар ҳам намоён бўлади.

Табиатдагидан фарқ қилиб, жамият ҳаётида бу қонуният ўзига хос хусусиятларга эгадир. У ақл кучи, биоқувват, характер, темперамент, майл, таб, одат, тарбия, дид, эътиқод, севги, муҳаббат, қизиқиши, ҳиссиёт, манфаат, руҳий кечинмалар ва шу каби ижтимоий-руҳий омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мураккаб гравитацион асосини ташкил қиласди. Шундай муносабатлар асосида кишилар, оила ва унинг аъзолари ўзаро бир-бирларига тортиладилар, яқинлашадилар, ўзаро муносабатда бўладилар ёки узоқлашадилар, зиддиятда, адоватда бўладилар.

Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарида шундай фикрларни ёзив қолдирган: «...одамлар ўртасидаги боғланиш робиталяри шу одамларнинг хулқ-автори, табиати, феъли ва тилининг умумийлигига асосланади. Ҳар бир халқ ўзига хос мана шундай хусусиятларга эга. Шу туфайли ҳар бир халқ вакиллари бошқа халқ вакилларига араласиб, қўшилиб кетмаслиги керак.

Чунки, турли халқдар худди ана шу хусусиятлари билан фарқланиб туради<sup>1</sup>. Бундан кўриниб турибдики, узоқ ўтмишда яшаган олимлар социогравитация қонунининг кишилий жамияти ҳаётида амал қилиши тўғрисида муайян, аниқ тасаввурларга эга бўлганлар.

Шахслараро муносабатларда рўй берадиган барча воқеа-ҳодисалар, кечинмалар, қандай кўринишида бўлмасин, охир-оқибат, социогравитация қонуниятига бўйсунади. Улар ўртасида кечадиган дўстлик, хуш кўриш, ёқтириш, севги-муҳаббат, фидойилик ёки, аксинча, ёқтираслик, нафрат, адоват кабиларнинг барчаси мазкур қонуниятнинг шахслараро муносабатларда намоён бўлишини англатади. Бундай муносабатлар замирида эса шахс фаолиятини бошқарувчи, социогравитацияни юзага келтирувчи муҳим омиллардан бири – турли манфаатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро тўқнашуви ётади.

Социогравитация қонунияти, айниқса, оиласий муносабатларда, кичик ижтимоий гуруҳларда яқъол намоён бўлади ва ўзининг амалий аҳамиятига эга.

Оила ижтимоий-руҳий, маънавий муносабатларнинг мураккаб йигиндисидан иборат бўлган жамоа бўлиб, жамиятнинг бир бўлагидир. Шунинг учун ундаги социогравитация холати ҳар қандай давлат ҳаётига, тараққиётiga жиҳдий таъсир кўрсатади.

Оиласида эр-хотиннинг ҳар жиҳатдан ўзаро уйгунлиги, яъни социогравитацияси бир неча йўналишларда: жисмоний, жинсий, руҳий-психологик, ижтимоий ва маънавий соҳаларда намоён бўлади. Эр-хотин характер хусусиятларининг ўзаро мос

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил. 173 бет.

келиши эса уларнинг мучал ва буржлари ўзаро му-вофиқдигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Мучал ва буржлар эса инсон ва коинот объектлари ўрта-сидаги ўзаро узвий гравитацион боғлиқдикни ўзи-да ифодалайди.

Социологик сўровлар ва олиб борган эмпи-рик-социологик тадқиқотлар шуни тасдиқлайди-ки, мучал ва буржлари ўзаро уйғун эр-хотинлар характери, руҳий-психологик жиҳатлари, жисмо-ний кўрсаткичлари ва жинсий майллари ҳам ўза-ро мувофиқ бўлиб, улар узоқ йиллар биргаликда ҳаёт кечирар эканлар. Кўп йиллар биргаликда ҳаёт кечирган эр-хотинларда қалбан яқинлик, ўза-ро уйғунлик бўлиб, уларнинг нафақат ички дунёси, ҳаттени ташки кўринишлари ҳам бир-бирлари-га жуда ўхшаб қолар экан. Бундай уйғунликдаги ҳаёт уларнинг ўзаро муносабатларига, саломатли-гига, узоқ умр кўришларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Мучал ва буржлари ўзаро мос бўлмаган эр-хо-тинларда характери, ҳиссий майллари, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ихтилоф, зиддиятли хусусият-лар мавжуд бўлади. Социологик тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки, ҳозирда, бундай жуфтликлар-нинг қарийб 47 фоизи ажралишлар билан якун топмоқда. 2014 йилдаги оиласвий ажралишлар 2013 йилдагига нисбатан 3993 тага кўп. Ачинар-лиси шуки, уларнинг асосий кўпчилиги 5 йилгача бўлган ёш оиласларга тўғри келади.

Фарб давлатларида «Оммавий маданият»нинг кучи юви, унинг турли кўринишлари социогравита-ция қонунининг амал қилишига путур етказмоқда. Фикримизга мисол сифатида қўйидаги маълумот-ларни келтирамиз. Ҳозирда гарбда, ота-оналар ўз фарзандлари билан бир суткада 15 дақиқагина

ўзаро мулоқотда бўлар экан. Бу эса улар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бораётганини билдиради. АҚШда ҳозирда 37 миллион нафақадагиларнинг ярми қариялар уйларида истиқомат қиляпти. Ачинарлиси шуки, уларнинг кўпчилигининг вояга етган фарзандлари бор<sup>2</sup>.

Социогравитация қонунининг намоён бўлиш хусусиятлари жуда мураккабдир. Мучал ва буржаларга оид билимлар эса социогравитация қонунини тўғри англашга, билишга ва унга амал қилиб яшашга ёрдам беради.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан хуоса қилиб айтганда, мазкур рисола ҳар бир кишига ўз баҳту иқболини топишида амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда билдирилган кўрсатмалар, таърифлар эса ўзининг илмий қимматига эга.

**Тўланбой ОРТИҚОВ,**  
**Фалсафа фанлари доктори**  
**(физика-математика фанлари номзоди),**  
**профессор.**

---

<sup>2</sup> <http://korrespondent.net/world/>.

## **КИРИШ**

*Биз Ер ҳаётидан күра, күпроқ  
коинот ҳаёти билан яшаймиз.  
Коинот эса Ерга нисбатан чексиз  
күламга, массага ва вақтга эгадир.*

**К.Э.Циалковский**

Жуда қадим замонлардан бошлаб инсон ўзини ўзи англашга интилиб яшаган. Астрология ҳам ўзининг узоқ ўтмишига эга. Энг замонавий илмий соҳалардан саналмиш –космобиология ҳам астрология билан кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Оlam ягона тизим бўлиб, ундаги барча нарса ва ҳодисалар ўзаро чамбарчас боғлиқ. Чексиз кўлам ва вақтга эга бўлган коинот курраи заминимизга, унда кечайётган барча ҳодисаларга: иқдим ўзгаришларига, микроорганизмлардан тортиб, барча тирик организмларга, флора ва фаунага, шу жумладан, инсон ҳаёти, унинг дунёга келиши, ривожланиши, улфайиши, саломатлиги, кайфияти, характеристери ва иш фаолиятига мунтазам ва жиддий таъсир кўрсатади.

Ушбу жараёнлар объектив характеристерга эга бўлиб, бизнинг онгимиз, иродамизга боғлиқ бўлмаган қонуният тарзида кечади. Мазкур қонуниятлар уларни англаб, ўрганиб бориш ҳамда ушбу жараёнларниң муҳим тамойилларига амал қилиб яшашимизни тақозо этади. Акс ҳолда, бунинг оқибатида ҳаёти-мизда, турмушимизда муайян қийинчилликлар, муаммолар юзага келади. Баъзида эса йўл қўйилган хатоларимизни ўнглаб бўлмайди ва натижада кўплаб қўнгилсизликлар рўй беради.

Мучал ва буржларга оид билимларни ўрганиб ва унинг муҳим натижаларига амал қилиб бориши эса, ўз навбатида, ҳаётимизни гўзал ва ҳузурли тарзда олиб боришимизга ёрдам беради ва турли кўнгил-сизликлардан огоҳлантиради.

Астрология жуда кўхна илм соҳаси бўлиб, қадимдан ҳозирги замонгача ривожланиб ва ўрганилиб келинаётган астрономия фани билан чамбар-час боғлиқдир. Шунингдек, мучал ва буржларга оид билимлар, олинган натижалар ҳозирги замон педагогика, психология, тиббиёт, социология, сиёсатшунослик, бизнес, жисмоний маданият каби фан соҳаларида ҳам унумли ва самарали фойдаланиб келинмоқда.

Мучал ва буржларга оид билимлар қадимда Месопотамия (икки дарё оралиғи), Мисрда эрамиздан аввалги 5000–3000 йилларда пайдо бўлган. Археологик қазишмаларда топилган тош ва сопол парчаларида астрологик қонун ва қоидалар, белгиларни ифодаловчи чизмалар акс этганлиги фикримизга далил бўла олади. Бизгача етиб келган 25 мингдан зиёд ана шундай археологик топилмалар дунёning кўплаб музейларида сақданмоқда.

Юқорида билдирилган фикрлардан аёнки, қадим замонлардан аждодларимиз мучал ва буржларга оид қонун-қоидаларга амал қилиб яшашга одатланганлар. Муайян давлат ҳаётида содир бўлган муҳим воқеалар: ҳарбий юришлар, давлат бошлигининг ҳокимият тепасига келиши ва шу билан боғлиқ тантанали маросимлар, сарой ва ибодатхоналарнинг қурилиши, никоҳ маросимлари аниқ астрологик қонун-қоидалар, хулосаларга мувофиқ тарзда ўтказилган.

Қадимги Миср фирмъавни Рамзес II (эрамиздан аввалги 1300 – 1216 йиллар) 60 йил ҳукмронлик қилган ва астрологияга жуда қизиқкан. Унинг то-

бути ҳам астрологик белгилар билан безатилғанлигы маълум. Рамзес II ўз салтанатида астрологияга оид кутубхона ташкил қилган. Ушбу кутубхонада астрологик қонун-қоидалар битилган ўн мингдан зиёд папирус қофозлари сақланган.

Қадимги Миср ва Месопотамиядан астрологияга оид билимлар қадимги Юнонистон (ҳозирги Греция) га кириб келган ва давлат ҳамда фуқаролар ҳаётида кенг қўлланилган.

Қадимги юон файласуфлари Анаксагор, Демокрит, Фалес, Протагор, Пифагор, Афлотун, Арасту, Прокл астрология илми билан жиҳдий шугулланганлар. Анаксагор астрологияни бутун ҳаёти давомида ўрганганд. Тибиёт фанининг отаси санаалмиш Гиппократ: «Астрологияни инкор этган табиб эмас, балки аҳмоқ, деган ном қозонади», деб айтган. «Бирорта табиб, – деб таъкидлаган Гиппократ, – агар у астрология билан таниш бўлмаса, тибиёт билан муваффақиятли шугулдана олмайди».

Қадимги Юнонистонда фалсафа мактаблари билан бир қаторда, астрология мактаблари ҳам фаолият кўрсатган. Эрамиздан аввалги 280 йилда таниқди юон мунажжими Беросу (эрамиздан аввалги 350–277 йилларда яшаган) Кос оролида ташкил этган мунажжимлар мактаби фикримизга мисол бўла олади.

Астрология одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлашда, тартибга солишда ва ўзаро уйғунаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, оила қуришда, дўстлашувда, иш жойида, умумий яшаш жойларида ва меҳнат жамоаларида кишиларнинг ўзаро муносабатлари, улар фаолиятининг ижобий самарасига ёки ижтимоий-психологик муаммоларни бартараф этишда муҳим рол ўйнайди.

Ўзаро мос бўлмаган мучал ва буржлар ўртасида қурилган оилада эр-хотин характери, жинсий майллари, жисмоний ва руҳий жиҳатдан ўзаро ихтилофли, зиддиятли хусусиятлар мавжуд бўлади. Ана шу омиллар туфайли улар бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Бунинг оқибатида оилада турли зиддиятлар юзага келади. Юлдузи юлдузига тўғри келмаган эр-хотиндан туғилган фарзандлар тарбиясида ҳам турли қийинчиликлар пайдо бўлади. Эр-хотиннинг кўнгил ришталари ўзаро бир-бири билан кучли боғланмаган оилада жанжал, гина-кудурат одатий ҳол бўлади. Бундай муҳитда вояга етаётган болалар тарбиясида салбий аҳамият касб этувчи одатлар кучайиб боради.

Мучал ва буржлари мувофиқ келмаган эр-хотиннинг ўзаро жинсий муносабатларида ҳам турли қийинчиликлар, муаммолар юзага келади. Ҳозирда Фарб давлатларида, кўплаб ривожланган мамлакатларда оила қураётган ёшлиар оиласиий муносабатларнинг ана шу нозик жиҳатларига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқдалар. Чunksи эр-хотиннинг ўзаро жинсий майларининг мувофиқ келиши, уларнинг бошқа муносабатларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, ривожланган Фарб давлатларида аҳолига астрологик ҳизмат кўрсатиш марказлари кенг фаолият кўрсатмоқда.

Олиб борилган социологик сўровлар натижаларига кўра, кўплаб оиласиий ажримларнинг келиб чиқишида эр-хотин мучал ва буржларининг ўзаро мувофиқ эмаслиги муҳим роль ўйнашини тасдиқла-моқда. Унга кўра, ҳозирда оиласиий ажралишларнинг 86–90 фоизига яқини эр-хотиннинг ўзаро мучал ва буржлари мос келмаганигини кўрсатмоқда. Фақат 10–14 фоизидагина бошқа сабаблар туфайли ажралишлар юз берадигани аниқланган. Олиб бо-

рилган социологик сўров натижаларига кўра, қўп-лаб нотинч оилаларда, аксарият ҳолларда эр-хотин мучал ва буржларининг ўзаро мувофиқ эмаслиги, улардаги носоғлом муҳитни юзага келишига асосий сабаб эканлигидадир.

Оилавий ажримлар туфайли тирик етим бўлиб қолаётган болалар тақдири янада аянчли бўлади. Ота ёки она тарбияси ва меҳрини олмай вояга етган болалар руҳан ўксик, ҳатто мажруҳ бўлиб шаклла-надилар. Бундай ҳолат уларнинг келажак ҳаётида ҳам жиддий ва салбий из қолдиради.

Мучал ва буржлари мувофиқ келмаган оилаларда вояга етаётган болалар ҳаёти ҳам ҳавас қиласиган даражада бўлмайди. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирларини тушунмасликлари оқибатида юзага кела-диган келишмовчилик, можаро ва жанжалларнинг одатий ҳолга айланиши, ўз навбатида болалар тар-биясида, уларнинг асаб тизимида, руҳиятида, шахс бўлиб шакланишида салбий асоратлар қолдиради. Бундай оилаларда вояга етган болаларнинг харак-тери бошқа тенгқурлариникидан анчайин фарқ қиласиди. Уларда жиззакилик, асабийлик, худбинлик ва иродасизлик каби хусусиятлар кўп учрайди.

Мучал ва буржлари ўзаро мос келган оила – мус-таҳкам оила ҳисобланади. Бундай оилада эр-хотиннинг ҳар жиҳатдан ўзаро уйғулашуви натижасида оилада ижобий маънавий-психологик муҳит юзага келади.

Қадимдан ҳалқимизда келин-куёвлар ҳақида кенг тарқалган: «юлдузи юлдузига мос тушибди», деган ибора ҳам айнан уларнинг мучал ва буржла-ри ўзаро мувофиқ келганлигига қарата айтилган. Бундай оилаларда гўёки ердаги жаннат мисол муҳит юзага келади. Эр-хотин бир-бирларини сўзсиз, ҳат-то кўз қарашларидаёқ тушуна оладилар ва уларнинг кўнгил ришталари ўзаро узвий боғланган бўлади.

Бундай оилада әр-хотин ўзаро бир-бирларини күллаб-қувватлашлари, ўз навбатида, юзага келиши мүмкін бўлган ҳаётий қийинчилкларни, муаммоларни енгиди үтишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мучал ва буржлари ўзаро мувофиқ келган оилада ҳар жиҳатдан мукаммал, жисмоний, руҳий-психологик ва маънавий соғлом фарзандлар вояга етади. Улар эркин, баҳтиёр бўладилар ва келажакда етук инсонлар бўлиб етишадилар.

Мучал ва буржларга оид маълумотлар йигит ва қизларни келажакда қандай касб эгаси бўлишлари, қайси мутахассисликни эгаллашлари, танлашлари, бу борада қандай лаёқатга, қобилиятга эга эканлигини аниқлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир инсон туғилиши билан қайси мучал ва буржга мансублигига қараб улардаги хусусиятларга эга бўлади.

Ўз мучали ва буржига хос ва мувофиқ соҳани, мутахассислик ва касбни эгаллаши уларнинг келгусидаги ҳаёт йўлини танлашида ва жамият ҳаётида ўз ўрнини эгаллашида, юксак ютуқларга эришишида муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳар бир инсон ўз мучал ва буржига мос бўлган лаёқатга, салоҳиятга ва қобилиятга эга бўлади.

Шунингдек, таълим муассасаларида, оилада бола тарбиясида, уларнинг қайси спорт тури билан шуғулланиши лозимлигини аниқлашда ҳам мучал ва буржларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Боланинг мучали ва қайси буржга тааллуқли эканлиги унинг қайси спорт турига лаёқати борлигини белгилайди. Сув белгисидаги буржларда туғилган болаларда табиатан сувга интилиш кучли бўлади. Шунинг учун улар сув спорти турларида шуғуллансалар, кўплаб муваффақиятларга эришадилар. Булар: Қисқичбақа, Чайон ва Балиқ белгисида туғилганлардир.

Кичик гуруҳдаги меҳнат жамоаларини ташкил қилишда, талабалар туарар-жойларида бир хонада истиқомат қилувчи талаба ёшларни ҳам ўзаро мос келувчи мучал ва буржларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Ҳозирда АҚШ, Россия Федерацияси каби давлатларда космик кемаларда коинотга парвоз қилаётган фазогирлар гуруҳларини шакллантиришда, уларнинг мучал ва буржларининг ўзаро мувофиқ келишига алоҳида эътибор қаратилади. Чунки улар бир неча ойлаб кичик гуруҳ таркибида биргаликда ҳаёт кечирадилар ва фаолият кўрсатадилар. Уларнинг физиологик, ижтимоий, руҳий-психологик, маънавий жиҳатдан бир-бирларига мувофиқ келиши, ўзаро уйғулашуви бажарадиган иш фаолиятига ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Ҳар бир киши дунёга келиши билан ўзининг муайян характери нисбатан барқарор, умрининг охиригача сақданиб коладиган ички «Мен»ига, асосига эга бўлади. Мана шу «Мен» ҳар бир шахснинг индивидуаллигини белгилаб беради.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Оврупадаги бир қатор мамлакатларда, Японияда оила қурувчи ёшлар, оилавий ҳаётини қайта қурмоқчи бўлган кишилар, албаттга илми нужум – астрология маълумотларига асосланган ҳолда иш тутадилар.

Астрология инсон моҳиятини, унинг тақдирини ва ҳаётини ташқи-самовий жисмлар, кучлар таъсири асосида тушунтиради. Бундай талқинга кишилар турлича муносабатда бўладилар: баъзилар уни рад этсалар, бошқалар эътироф этадилар.

Гапни, аввало, астрология, гороскоп сўзларининг маъносини тушунтиришдан бошласак.

Астрология юононча сўз бўлиб, «астро» – юлдуз, «логос» – таълимот маъносидадир, яъни инсон

ҳаётини, тақдирини буржлар таълимоти асосида тушунтириш демакдир. Астрология коинот, табиат ва инсон түғрисидаги, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, эволюцион ҳаракати, ривожланиши ҳақидаги фан. Астрология у ёки бу бурж вакилининг ўзига хос жиҳатларини, жисмоний, жинсий, ақдий имкониятларини, лаёқатини кўрсатиб беради. Масалан, нужум илми ҳикматларига кўра буюк, етакчилик қобилиятига эга шахсларнинг етмиш фоизи Қавс буржи вакиллари дир. Ҳут ва Қовға буржлари остида туғилганларда олдиндан билиш хислати юқоридир. Дунёдаги барча гипнозчиларнинг 70 фоизи Саратон (Кучик белгиси)да туғилганларга тўғри келади.

Ҳамал, Асад ва Қавс буржларида туғилганлардан кўплаб раҳбар шахслар, йўлбошчилар етишиб чиққанлиги маълум. Ақраб буржи (Чаён белгиси)да туғилган шахсларда сирли ҳодисаларга қизиқиш юқоридир. Улар мансаб пиллагоясининг юқорисида ҳам, энг пастида ҳам ўзларини яхши ҳис этадилар. «Энг нуфузли ва омадли (бадавлат)кишилар Сумбула (Пари белгисидаги) ва Ақраб буржлари (Чаён белгиси)да туғилганларга тўғри келади»<sup>3</sup>.

Аёллар(қизлар)нинг гўзаллик бобида Мезон (Тарози белгиси), Даљ (Сув қуювчи белгиси) ва Ҳут буржлари(Балиқ белгиси) остида туғилганлари алоҳида ажralиб турадилар.

«Гороскоп» сўзи ҳам юононча бўлиб, «вақтни кузатмоқ» маъносини беради. Бу, инсон туғилиши билан унинг характеристи, хулқи ва фаолияти тўғрисида астрологияга асосланган ҳолда фикр юритиш, демакдир. Чексиз коинот қаърида бизнинг табаррук сайёрамиз – Ерни борлиқдан ажralган ҳолда, алоҳида олиб қарамаслик керак. Ўзга сайёralар

<sup>3</sup> Қаранг: Буржлар ва пуллар. –Т.: «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 2011 й. 117-бет.

ўзаро, шу жумладан, бизнинг сайёрамиз билан ҳам таъсирда бўлади. Ҳатто Қуёш тизимидан ташқари-даги коинот буржлари ҳам биз яшаётган маконга муайян таъсирни кўрсатади.

Бутун юлдузли осмон 88 бўлакка – юлдуз туркум-ларига, яъни буржларга бўлинган. Уларнинг ҳар бири ўз номига эга. Баъзилари қадимги афсоналар номи билан аталса, бошқалари ҳайвонлар, яна бир хиллари эса буюмлар номи билан аталади.

Барча 88 бурждан 12 таси алоҳида ўрин тутади. Чунки улар Қуёш тизимининг йил давомидаги ҳара-кат йўналишининг оғиш йўлида жойлашган (осмон экваторига нисбатан оғиш бурчаги  $23^{\circ} 27'$  га тенг). Уларни зодиак буржлари (юононча – зодиакос – ҳай-вон ёки жонивор, куклос – айланा) деб атаб келина-ди ва шартли белгилар билан белгиланади. Булар: Қўй, Сигир (УД), Эгизаклар (Эрантиз), Қисқичбақа (Кучик), Арслон, Пари, Тарози (Улгу), Чаён (Ақраб), Ёй (Ўқчи), Така (Ўғлоқ), Қовға (Кўнак) ва Балиқdir.

Ўз навбатида, бу буржлар бизнинг куррамиз би-лан ҳам ўзаро алоқада, таъсирда бўлади. Алоҳида олинган инсон ҳам, кишилар жамоалари ҳам коинот қонуниятларига бўйсунади. Ўзаро тортишиш кучига асосланган самовий ўзгаришлар Ердаги об-ҳавонинг, иқлимининг ўзгаришига, тирик орга-низмлардаги ўзгаришларга сабаб бўлиб, шу билан бирга инсон ҳаётига: унинг туғилишидан то умри-нинг охиригача таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ўз моҳиятига кўра ҳам салбий, ҳам ижобий аҳамият касб этиши мумкин. Ҳатто инсон организмидаги қон айланиш жараёни ҳам ҳар мавсумда бошқача, кундуз кундагига нисбатан ярим тунда бошқача тарзда бўлишини фан тасдиқдаган.

Бундай кўп ёқлама таъсир, айниқса, инсон ву-жудида, унинг руҳий фаолиятида, характеристида ва кайфиятида ўзини қўпроқ намоён қиласади.

Табиий муҳитда рўй берадиган турли жараёнлар, ўз навбатида, ижтимоий воқеаликда катта оқибатларга олиб келяпти. Астрологик нуқтаи назардан тушунтирганда, бир-биридан узоқда жойлашган икки сайёра – Сатурн ва Нептун ҳар 36 йилда ўзаро яқинлашади. Уларнинг яқинлашуви кишилардаги, жамиятдаги яширин кучларнинг тўпланишига, ошкора кучайишига, маънавиятдаги куч ва энергиянинг қайта шакланиши, тўпланиши, жонланишига, миллий онгнинг портлашига, руҳий янгиланишига сабаб бўлади. Масалан, 1881–1882 йилларда Чор Россияси подшоси Александр II нинг ўлдирилиши, турли сиёсий гуруҳлар фаолиятининг кучайиши, 1917 йил икки рус исёнининг содир бўлиши, 1953 йилда Сталин вафотидан сўнг Шўро давлати сиёсатида, маънавиятида рўй берган йирик ўзгаришларни олиш мумкин. Ва ниҳоят, 1989–1990 йилларда – Сатурн ва Нептуннинг 3 март, 24 июн ва 13 ноябрлардаги яқинлашувининг оқибати бутун йил давомида сиёсий, ижтимоий, миллий воқеаларга кучли таъсир кўрсатган.

Муштариј (Юпитер) ва Зуҳал (Сатурн) сайёralарининг Қуёш атрофидаги ҳаракати ҳар 800 йилда бир маротаба ўзаро мос тушади. Шу даврда туғилганлар орасида жаҳоншумул аҳамиятга эга кишилар дунёга келиши кузатилган. Тарихдан жаноби Расулуллоҳ Мұхаммад алайҳиссалом, Соҳибқирон<sup>4</sup> Амир Темур Кўрагон, Александр Македонскийларни мисол сифатида келтириш мумкин. Улар тарихий шахс сифатида жаҳон тараққиётидага оламшумул роль ўйнаганлар.

<sup>4</sup> Соҳибқирон сўзининг маъноси: соҳиб – эгаси, қирон – яқинлашув, яъни Муштариј (Юпитер) ва Зуҳал (Сатурн) сайёralари ҳар 800 йилда бир маротаба ўзаро яқинлашиши кузатилган. Ана шу даврда, қирон кечасида туғилган чақалоқ келажакда буюк шахс бўлиб етишади.

Аммо юқорида келтирилган мисоллар туфайли тарихий тараққиёт қонуниятлари инкор қилинади, деб тушунмаслик керак.

Хулоса қилиб айтганда, маълум инсон характерининг шаклланиши коинот узра Ер курраси билан муайян алоқадорликда бўлган самовий жисмларнинг таъсири остида бир тарздаги қонуният асосида изчил боради. Жуда қадим замондан кишилар инсон тақдирида юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни ана шу қонуниятдан келиб чиққан ҳолда тушунтиришга ҳаракат қилганлар ва ҳаётий тажрибада кузатиб келгандар. Масалан, қадимги Миср, Хитой, Бобил, Япония, бир қатор Шарқ ва Овропа мамлакатларида инсон тақдири бу ҳудудларда кенг тарқалган 12 йиллик мучал йиллари ва йилнинг 12 ойга бўлиниши – буржлар билан боғлаб тушунтирилган.

Шарқ халқарида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам инсон тақдири бу ерда қўлланиб келинган ҳижрий йил ҳисобининг Шамсия йўналишидаги ўн икки йиллик мучал ва буржлар, яъни Қуёшнинг осмон қуббасидаги йўлида жойлашган юлдуз туркумлари асосида тушунтирилади.

## I БОБ МУЧАЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Мучал санаси асосида Қуёшнинг йиллик, Мушта-рий (Юпитер)нинг 12 йиллик, Зуҳал (Сатурн)нинг 60 йиллик (икки цикллик) ва Ойнинг айланма ҳаракатлари ётади.

Мучал санаси 12 йиллик даврни ўз ичига олиб, улар қўйидаги 12 ҳайвон номлари билан аталади: Сичқон, Сигир, Йўлбарс, Қуён, Балиқ, Илон, От, Қўй, Маймун, Товуқ, Ит, Тўнғиз.

Мучал дастлаб қадимги Осиё [қадимги Хитой, Ҳиндистон, Бобил (ҳозирги Ироқ давлати ўрнида бўлган), Эрон, Япония], Турон замин, Африка мамлакатлари (қадимги Миср)да пайдо бўлиб, кейинчалик дунёнинг бошқа ҳудудларига кенг тарқалган.

Мучал туркий халқдар ўртасида ҳам қадим замонларданоқ маълум бўлган. Энг қадимги ёзма манбаларда кўрсатилишича, ажоддодларимиз қадим замонлардан нужум илмидан яхши хабардор бўлганлар. Фикримизнинг далили сифатида зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш Авестода мучал ва нужум илми тўғрисида қимматли маълумотлар кўрсатиб ўтилганлигини келтиришимиз мумкин. Қадимшунос олимларнинг фикрига кўра, зардуштийлик динида асослаб берилган астрологик таълимот, қадимги Бобил (Месопотамия), Эронда кенг тарқалган астрологик таълимотларнинг шаклланишига туртки берган.<sup>5</sup>

Авестода шундай баён қилинади: «Сўрадилар: (Ахурамаздадан) «Ахурамазда томонидан дўзахга, гу-

<sup>5</sup> Zaehner R.C. Zurvan, a Zoroastrian Dilemma. Oxford, 1955. vol. 9.

ноҳкорларнинг руҳини жазолаш учун кимдир вакил қилиб қўйилганми?» «Жавоб бердилар: «Ахурамазда томонидан дўзах ичida ҳеч ким вакил қилиб қўйилган эмас. Аммо улар (гуноҳкорлар) Сириус, Альдебаран, Вега ва Катта Айик юлдуз туркumlари томонидан назорат қилинадилар».<sup>6</sup> Зардуштийликда амал қилинган нужум имига кўра Сириус, Альдебаран, Вега ва Катта Айик юлдуз туркumlари инсонларга яхшилик келтирувчи осмон қўриқчилари ҳисобланган. Унга кўра, Сириус – шарқ, Альдебаран – жануб, Вега – фарб, Катта Айик юлдуз туркуми – шимолнинг қўриқчилари сифатида қарабган.<sup>7</sup>

Кейинги ёзма манбаларидан бири Маҳмуд Қошфарийнинг «Девони луготит турк» асари бўлиб, унда мучал хусусида қимматли маълумотлар беришган: «Турклар ўн икки хил ҳайвон исмини ўн икки йилга қўйганлар. Туғилиш, жанг тарихлари ва бошқаларни ана шу йиллар айланишидан ҳисоблайдилар. Бунинг келиб чиқиши шундай: турк хоқонларидан бири ўзидан бир неча йил олдин ўтган урушни ўрганмоқчи бўлган, шунда у уруш бўлиб ўтган йилни аниқлашда янглишган. Бу масала юзасидан (хоқон) қавми билан кенгашди ва айтди: «Биз бу тарихни (аниқлашда) қанчалик янглишган бўлсак, биздан кейин ҳам шу қадар янглишадилар. Шундай бўлгач, биз энди ўн икки ой ва осмондаги ўн икки буржга асосланиб, ўн икки йилга (ном) қўйишимиз керак, токи биздан кейин йил ҳисоби шу йилларнинг айланишига қараб олинсин ва бу нарса абадий бир ёдгорлик бўлиб қолсин». Улар: «айтганингиздек бўлсин», – дейишди.

<sup>6</sup> Памятники письменности Востока. Изведать дороги и пути праведных. – М.: «Наука». Главная редакция Восточной литературы. 1991 г. С. 94 – 95.

<sup>7</sup> Ўша асар, 121-бет.

Хоқон овга чиқди ва одамларга түқай ҳайвонларини Ила дарёси томон қувишни буюрди, бу жуда катта сув. Одамлар ов қилиб, ҳайвонларни сув томон ҳайдай бошладилар, шунда ўн икки ҳайвон сувдан ўтди. Ўн икки йилни ана шу ўн икки ҳайвон номи билан атадилар. Энг олдин сувдан ўтган ҳайвон сичқон бўлди. Шунинг учун йил боши унинг номи билан аталди, шу сўзга йил қўшиб, сичқон йили деб атадилар. Ундан кейин ўтганлари қуидаги тартибда бўлди: уд (сигир), барс (йўлбарс), товушқон (қуён), нак (тимсоҳ, ҳозирда балиқ дейилади), йилон (илон), йунд (от), қўй, маймун (бижин), тақафу (товук), ит, тўнғиз.

Мучал тўғрисида яна бир муҳим ёзма манба – Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия») асаридир. Ушбу асарда нужум илмига оид кўплаб маълумотлар берилган.

Беруний мазкур асарининг 104-саҳифасида туркий халқлар тақвими ҳақида гапириб «Турк жадвали» деган сарлавҳа остида ўн икки ҳайвон номи билан аталаған ўн икки йиллик мучал ҳисобининг номларини ҳам келтиради: 1. Сичқон. 2. Уд (сигир). 3. Барс. 4. Товушқон (қуён). 5. Луй (балиқ) 6. Йилон (илон). 7. Юнт (от). 8. Қўй. 9. Пичин (маймун). 10. Товук. 11. Ит. 12. Тўнғиз<sup>8</sup>.

Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган мучал йиллари 12 ҳайвон номлари билан аталиб, кимки қайси ҳайвон йилида туғилган бўлса, ўша ҳайвонга хос хусусиятларга эга бўлиши айтилади. Масалан, Аждарҳо йилида туғилганлар – аждарҳо каби қудратли, омадли бўладилар. Йўлбарс йилида туғилганлар оддиндан айтиб бўлмайдиган, ноизчил характерга

<sup>8</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. I том. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: «Фан» нашриёти. 1968 йил. 104-бет.

эга инсонлардир. Мучал ҳам буржлар каби инсонларнинг ўзига хос жинсий хусусиятларини ифодалайди. Ҳар бир мучал эгаси ўзига хос бўлган жиҳатлари билан севади, ўз сўзини айтади ва мучалига тегишли бўлган хусусиятларни намоён қиласди.

Шарқ тақвимида 12 мучал йили ўзаро ўхшаш жиҳатлари билан тўртта учталика ажратилади. **Биринчи учталик – Сичқон, Аждарҳо ва Маймун** мучаллари ҳисобланади. Мазкур мучал йилларида таваллуд топғанлар ҳаракатчан ва фаол бўладилар. Улар жуда ҳам яхши феълли ёки жоҳил бўлишлари мумкин. Сичқон ва Аждарҳо мучал йилларида туғилганларда ҳукмронлик қилиш ҳисси кучли бўлса, Маймун мучалидагиларда муроса қилиш, келишиш устувордир.

**Иккинчи учталика Сигир, Илон ва Товуқ** мучалида туғилганлар киради. Мазкур мучалдагиларга хос хусусият: ҳар қандай муваффақиятларга зўр машиққат, меҳнат ва ирова кучлари илиа эришадилар.

**Учинчи учталика Йўлбарс, От ва Ит** мучал йилларида туғилганлар кирадилар. Улар ўзаро бир-бirlари билан оҳанрабодек тортиладилар ва ҳаётга, ўзига хос инсонпарварлик қарашлари билан ажralиб турадилар. Мазкур мучалдагилар кўплаб дўстларга эга бўлсалар-да, ягона ишончли дўст қидирадилар.

**Тўртинчи учталика Қуён, Қўй ва Тўнғиз** мучалида туғилганлар кирадилар. Улар гўзал ва тўқис ҳаётга интилишлари билан бошқалардан ажralиб туради. Бу учталика ижодкорлик, артистлик хос бўлиб, улар кучли интуицияга эга бўладилар. Уларнинг қалби севигига тўлган бўлса-да, ички қатъийлик, қувват етишмаслиги туфайли, ҳаётда муваффақиятларга эришишларида маълум қийинчиликларга учрайдилар.

Ҳар бир инсонга баҳо бераётганда, унинг мучал ва буржининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятларини

ҳисобга олиш талаб этилади. Масалан, ҳақпарвар ва түгрисүз, интизомли бўлган Тўнғиз мучалида ҳамда Эгизаклар буржидаги туғилганлар қўшимча равишда шу буржга хос бўлган чаққон, уддабурон, мунофик, тез ўзгарувчан каби жиҳатларни ҳам ўзида намоён этадилар.

Шарқ тақвими турли мамлакатларда турли ойлардан бошланади. Масалан, баъзи ҳалқларда январдан, баъзиларида февралдан, Марказий Осиё ҳалқларида эса 21 март йил боши саналади. Шунинг учун мучалини аниқлашда, масалан, январь билан март оралиғида туғилганлар эски мучал билан белгиланадилар.

Айрим одамлар икки мучал оралиғида туғилган бўладилар. Шунинг учун уларнинг характер-хусусиятлари икки мучалга хос бўлади. Уларнинг ҳаёти давомида, иш фаолиятида, жисмоний ва жинсий муносабатларида икки мучалнинг таъсири ўз ифодасини топади. Бундай одамлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажralиб турадилар.

Қуйида мучал йиллари эътиборингизга ҳавола қилинади. Уларнинг ҳар бири ўн икки йилда бир маротаба келади.

**СИЧҚОН МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1924, 1936,

1948, 1960, 1972, 1984, 1996, 2008, 2020

**СИГИР МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1925, 1937,

1949, 1961, 1973, 1985, 1997, 2009, 2021

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1926, 1938,

1950, 1962, 1974, 1986, 1998, 2010, 2022

**ҚҮЁН МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1927, 1939,

1951, 1963, 1975, 1987, 1999, 2011, 2023

**АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** –

1928, 1940, 1952, 1964, 1976, 1988, 2000,  
2012, 2024

**ИЛОН МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1929, 1941,

1953, 1965, 1977, 1989, 2001, 2013, 2025

**ОТ МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1930, 1942, 1954, 1966, 1978, 1990, 2002, 2014, 2026

**ҚҮЙ МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1931, 1943, 1955, 1967, 1979, 1991, 2003, 2015, 2027

**МАЙМУН МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1932, 1944, 1956, 1968, 1980, 1992, 2004, 2016, 2028

**ТОВУҚ МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1933, 1945, 1957, 1969, 1981, 1993, 2005, 2017, 2029

**ИТ МУЧАЛИ ЙИЛЛАРИ** – 1934, 1946, 1958, 1970, 1982, 1994, 2006, 2018, 2030

**ТҮНФИЗ МУЧАЛ ЙИЛЛАРИ** – 1935, 1947, 1959, 1971, 1983, 1995, 2007, 2019, 2031

### **СИЧҚОН МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУГИЛГАНЛАР**

*1924, 1936, 1948, 1960, 1972, 1984, 1996, 2008  
йилларда таваллуд топғанлар*

Сичқон мучали йилида туғилғанлар харakterига худбинлик, ўз ҳузур-ҳаловатини күпроқ күзлаш хос бўлиб, ўз жуфтининг ҳиссиятлари, қизиқишилари ва эҳтиёжлари билан у қадар ишлари йўқ. Тасодифий учрашиб қолган аёл билан эса фақат жисманий ва жинсий эҳтиёжини қондириш билангина чекланади. Ҳақиқий севганини учратмагунича тинчимайди. Чин муҳаббати орқалигина ўзлигини намоён этади. Шундагина у мулоим ва таъсирил бўла олади.

Сичқон йилида туғилғанлар ташқи кўринишларидан ёқимтой бўладилар. Ўзларининг ҳаёти давомида мақсад сари интилувчан, тартибли, тежамкор, меҳнатсевар, ўзининг хусусий мулкига, бойликка эга бўлишга интиладилар. Севган кишисига эса сахий бўладилар. Ўзларини бошқара олсалар-да, тез ғазабланадиган бўладилар. Ҳаётий, турмуш юмушларида анчайин майдакаш ва иззатталабдирлар. Ҳаёти давомида ўз мақсадларига эришадилар. Улар ҳалол-пок ва вижданли кишилардир.

Сичқон мучалида түғилганлар ўз даврининг ҳурматли кишилари саналадилар. Ушбу мучал йилида таваллуд топганлар ҳокимиятга интиувчи, айёр, мансаб пиллапояларининг энг юқори чўққисига интиувчан бўладилар. Ўз мақсадига етишлари учун ҳеч қачон тўғридан-тўғри ҳаракат қилмайдилар, балки энг қисқа ва хавфсиз йўлни танлайдилар. Уларнинг ичидаги аҳмоқлари деярли бўлмайди. Ақдий жиҳатдан яхши ривожланган бўлиб, эҳтиросга берилмайдилар. Шунинг учун улар атрофидаги ёру дўстлари, оила аъзолари ва қариндош-уругларининг ҳис-туйгуларини у қадар тушуна олмайдилар. Ҳаётда аллақачон фойдаланилмай қолган нарсаларини ҳам эҳтиётлаб, сақлайдилар. Ўзлари учун зарур бўлган нарсалар учун эса аямай пул сарф қилишга қодирлар.

Севги-муҳаббат бобида улар худбинликка мойилдир. Мазкур мучалдагилар билан турмуш қурганлар ҳеч қачон ночор аҳволга тушмайдилар, чунки уларнинг уйида доимо зарур егулик ва пул бўлади.

**Сичқон мучалидаги эркаклар:** улар табиатан жуда элпатак, киришимли ва дўстлашувчандир. Севги бобида шунчалар чуқур «шўнгийдиларки», бошқа ҳеч нарса уларни қизиқтирмаслиги мумкин. Улардаги бундай хусусият ҳаётда кўплаб севги саргузаштларини бошларидан кечиришига сабаб бўлади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг охир-оқибати никоҳ билан якун топади.

**Сичқон мучалидаги аёл(қиз)лар:** доимо ўзларининг келажаги тўғрисида қайгурадилар. Кераксиз бўлган нарсаларни тўплаш билан овора бўлишади.

Ўз оиласидаги турмушларида мол-дунёни жуда севиб, ўзлари устидан назорат қилишларини ёқтирамайдилар. Уларнинг ақл тарозусида, дунёқарашида бошқалар устидан ҳукмрон бўлишдан бошқача ҳолатда бўлиш, аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблайдилар.

Сичқон мучали соҳибалари жинсий жозибанинг мужассамлашган тимсолидирлар. Ўзларининг очиклиги бошқаларни ўзларига оҳанрабодек тортишлари билан ҳамманинг, айниқса, эркакларнинг дикқат-эътиборида бўладилар. Чунки мазкур мучал бекалари топқир, киришимли, барча билан дўстлашувчан бўлиб, уларнинг дўстлари, айниқса, хушторлари кўп бўлади.

Мазкур хонимлар ажойиб уй бекалари ҳамдир. Ўз уйига, оила аъзоларига жуда ҳам эътиборлидирлар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Сичқон мучали ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуяндагилардан иборат.**

### **1. Металл унсуридаги Сичқон мучал йиллари: 1900, 1960, 2020 йиллар.**

Мазкур мучал йилидагилар шуҳратпараст ва ҳақ-гўйдирлар. Ўз мақсадларига етишлари учун узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтадилар. Улар метиндек мустаҳкамдир. Уларнинг қайсарликлари туфайли ижодий тафаккур юритишлари чекланиб қолиши мумкин.

**Металл унсуридаги Сичқон мучали йилида тугилганлар бошқалар билан муросага келишилари учун юмшоқроқ ва очик кўнгилли бўлишилари талаб қилинади.**

### **2. Сув унсуридаги Сичқон мучали йиллари: 1912, 1972, 2032 йиллар.**

Ушбу мучал йилида таваллуд топганлар атрофи-дагиларни ўз фикр ва қарашларига ишонтира олиш қобилиятига ва келажакда рўй бериши кутилаётган воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш хусусиятига эга бўладилар. Уларнинг салбий жиҳати: кўплаб маълумотлар гирдобида қолиши, кўп нарсани «сув тубида» маҳфий сақлашлари оқибатида рўй берадиган толиқишидир. Сув унсуридаги Сичқонлар жуда ҳам

қизиқувчан бўлиб, бошқаларнинг эркинликларига зиён етказишлари мумкин.

*Сув унсуридаги Сичқон мучал йилида тугилганларга ҳаётда муваффақиятга эришишлари учун очик кўнгилли, киришимли бўлишлари ва баъзан ташаббусни ўз қўлларига олишлари маслаҳат берилади.*

**3. Ёғоч унсуридаги Сичқон мучал йиллари: 1924, 1984, 2044 йиллар.**

Дараҳт яратувчи унсур ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур мучал йилларида туғилган Сичқонларда артистлик хусусиятлари бўлади. Ўзларига ишонгандилклари туфайли мансаб пиллапояларидан дадил кўтарилиб борадилар. Шунингдек, улар ўз фаолиятларини жуда ҳам кенгайтириб юборадилар ва қўл остидагиларни назорат қилишда қийинчиликларга учрашлари мумкин.

*Ёғоч унсуридаги Сичқон мучал йилида тугилганлар ўзларидаги кўп нарсаларга эришишлари борасидаги фаолиятларини назорат қила билишлари ва бу борадаги имкониятларини ҳисобга олишлари лозим бўлади.*

**4. Олов унсуридаги Сичқон мучал йиллари: 1936, 1996, 2056 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилган Сичқонлар қатъийдилклари, доно ва муваффақиятларга олиб борадиган ташаббускорликлари билан ажralиб турадилар. Улар вазиятга, шароитга мослашувчан бўладилар. Баъзан эса улар жуда эҳтиросга берилган бўлиб, тилига эрк бериб юборадилар. Бунинг оқибатида эса кўп ҳолларда барча эришган нарсалари йўққа чиқиши билан якун топади.

*Олов унсуридаги Сичқон мучал йилида тугилганлар тилларига эҳтиёт бўлишлари ва барча муаммоларни тинч, муроса йўли билан ҳал этишига ҳаракат қилмоқлари жоиз.*

#### **4. Тупроқ унсуридаги Сичқон мучал йиллари: 1948, 2008, 2068 йиллар.**

Тупроқ унсуридаги Сичқон мучалийи йилида туғилғанлар ўзларидаги амалий хатти-ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Оқыл, масъулиятли ва оғир ишларни бажара олиш каби қобиляттарга әгадирлар. Бошқаларга нисбатан бир оз босиқроқ бўлиб, берилган вазифа ва топшириқларни имиллаб бажарадилар. Шу сабабли ташаббусни бой бериб қўйишлари мумкин.

*Тупроқ унсуридаги Сичқон мучал йилида туғилғанлар ўзларидаги масъулиятни бошқарган ҳолда кун тартибидан орқада қолмасликка ҳаракат қилмоқлари лозим.*

**Сичқон мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қилмасликлари лозим**

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Уларнинг ўзаро оиласидеги муносабатлари нозик бўлади. Чунки ўзаро бир-бирлари билан жуда ҳам ўхшаш бўлганликлари сабабли вақт ўтиши билан жонга тегишлари мумкин.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Сичқон ва Сигир мучалидагилар билан қурилган турмуш жуда ҳам муваффақиятлайдир. Ҳар иккисининг бир-бирла-рига мувофиқлиги бор. Сигир мучалидагилар Сичқон мучалидаги жуфтини хотиржам қиласиди ва шундай беҳаловат, турли тасодифларга тўла замонда унинг хавфсизлигини таъминлайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Сичқон ҳамда Йўлбарс мучалида туғилғанлар билан оиласидеги ришталарнинг боғланиши ўзаро муроса қилиш шар-

ти билан рухсат берилади. Чунки Сичқон мучалидагилар сокин, тинч ҳаёт кечиришни, пул топишни хуш кўрадилар, қандайдир жаҳоншумул масалалар уларни қизиқтирмайди. Бу эса Йўлбарс мучалидаги жуфтини жунбушга келтириши мумкин.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ҚУЁН МУЧАЛИ.** Қуён мучалидагиларнинг юмшоқ табиатлигига алданиб қол-маслик керак. Сичқон ва Қуён мучалидагиларнинг ўзаро оиласавий муносабатлари мувофиқ эмас. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагиларнинг Аждарҳо (Балиқ) мучалида туғилганлар билан ўзаро оиласавий ришталари уйфундир. Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар Сичқон мучалидаги жуфтларига куч-қудрат бағишлийдилар, ўзлари эса Сичқон мучалидаги жуфтидан танқидий мулоҳазалар, зарур ва жўяли маслаҳатлар олади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан ҳам оиласавий ришталарни боғлашлари мумкин. Улардан бири ўзини баҳтли, деб ҳисоблаши мумкин, аммо иккинчиси ўзини баҳтли, дея олмайди. Чунки Илон мучалидагиларнинг енгиллиги Сичқон мучалидаги жуфтини кўп ранжитиши кутилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** Сичқон ва От мучалидагилар ўзаро мувофиқ эмаслар, айниқса, олов унсуридаги От мучалида туғилганлар билан қурилган оила баҳтсизлик келтиради. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалида туғилганлар Сичқон мучалидагининг қанча пули, даромади ва бойлиги борлигини билиб қолса, ҳеч иккиланмай унга мойил бўладилар. Чунки Қўй мучалидагилар оиласавий муносабатларда тўқислик,

моддий-молиявий таъминланганлик шароитида ўзларини яхши ҳис этадилар. Аммо Сичқонлар ўз жуфтларининг бундай эркаликлариға чидай олмайдилар. Уларнинг ўзаро узоқ вақт баҳтли ҳаёт кечиришлари қийин кечади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагиларнинг Маймун мучалида туғилганлар билан ўзаро оилавий ришталари уйғундир. Маймун мучалидагилар уларнинг устидан кулсалар ҳам Сичқон мучалидагилар уларни ўзларига ром қила оладилар. Маймун мучали соҳибини севиб қолган Сичқонлар ўз йўлдошини кечирадилар. Маймунлар эса Сичқон мучалидаги жуфти олдида ўзларини жуда ҳам қулай ҳис этадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалидагилар билан оила қуришлари мумкин. Фақатгина Сичқон мучалидагилар Товуқ мучалидагиларни севиб қолган тақдирда. Бунинг боиси улар ўзаро фарқ қилувчи хусусиятларга эга: бирлари ишлаб пул топсалар, бошқаси жуда тезлик билан сарф-харажат қилишга мойилдир. Сичқон мучалидагилар пулга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлади, тежаб-тергаб сарф-харажат қиласи. Мабодо, Сичқон мучалидаги Товуқ мучалидагини севиб қолган бўлса, ўз жуфтининг пулга бўлган муносабатига чидайди. Оилавий муносабатларда бу жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ҳозирги бозор муносабатлари, молиявий инқизорзининг кучайиб бориши шароитида. Чунки бу омиллар оилавий муносабатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмаяпти.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Ит мучалидагилар билан бирмунча вақт биргаликда яшашлари мумкин. Бундай оилада Ит мучалидагилар кўпроқ

манфаат кўради. Ақлли ва ўзига тўқ, моддий жиҳатдан таъминланган Сичқонлар билан биргаликда яшаш Ит мучалидагиларга жуда ҳам хуш ёқади. Бунга жавобан Ит мучалидагилар ўз жуфтига нисбатан вафо ва садоқат кўрсатадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ – ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагиларнинг Тўнғиз мучалида таваллуд топганлар билан қурган турмушки жуда ҳам муваффақиятлидир. Уларнинг иккиси ҳам ўзаро жуда ўхшашдирлар – ақлли ва ишлаб пул топишни яхши биладилар. Бир-бирларига монанддирлар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИЧҚОН МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУГИЛГАН МАШҲУР ВА ТАНИҚЛИ ШАҲСЛАР:** Умар Хайём, Соҳибқирон Амир Темур, Галилео Галилей, Уильям Шекспир, Нодира-бегим (Моҳларойим), Жорж Вашингтон, П.И. Чайковский, Луи Армстронг, Аброр Ҳидоятов, Акмал Қосимов, Эркин Воҳидов, Ботир Зокиров, Муножат Йўлчиева, Юлдуз Усмонова ва бошқалар.

### **СИГИР МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУГИЛГАНЛАР**

*1925, 1937, 1949, 1961, 1973, 1985, 1997, 2009  
йилларда таваллуд топганлар*

Сигир мучалида туғилганлар меҳнаткаш, оилапарвар ва ватанпарвар бўладилар. Ёлғизликни, барқарорликни севиб, ҳаётий ўзгаришларни хуш кўрмайдилар. Ўз ишига, дўстларига ҳамда ўз ёрига (агар севиб турмуш қурган бўлса) меҳрли бўладилар. Ушбу мучал йилида туғилган синфдошлар, тенгқурлар ўзаро узоқ йиллар давомида дўстлик ришталарини маҳкам боғлаган ҳолда тез-тез дийдорлашиб турадилар.

Сигир мучалида туғилганларни бошлиған иши ёки ўйлидан тўхтатиб қолиш, ушлаб қолиш ёки ўрнидан

қўзратиш қийиндир. Улар табиатан жуда катта ички қувватга, қайсарликка эга бўладилар. Шунинг учун улар ўз мақсадлари сари дадил қадам ташлайдилар ва меҳнаткаш бўладилар. Ҳаётнинг мураккаб муаммолари олдида эсанкирамайдилар. Балки барчасини сабр-тоқат билан бартараф этиб борадилар. Кўп меҳнат қиласидилар, аммо доим ҳам муваффақиятга эришавермайдилар.

Атрофидагилар уларни имиллаганликда ва тезда бир қарорга кела олмаслиқда айблайдилар. Бу гапларда ҳақиқат бордир.

Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари моддийлик билан боғлиқдир. Маънавий ва интеллектуал бошқотирмаларга эътибор бермайдилар.

Савдо-сотиқ ва ижтимоий муносабатларда паст-баландни яхши ажратса олмайдилар. Саломатлигига таъсир кўрсатадиган, осойишталикларини бузувчи иш жойларини, жойини ўзгартириш билан боғлиқ бўлган касблар уларга тўғри келмайди. Афсуски, ўжарлиги, бадгумонлиги ва эскилил тарафдори бўлганликлари туфайли камдан-кам одам уларнинг феъл-атворига чидай олади.

Севги-муҳаббат бобида улар жуда одми, содда ва гўл бўлиб, кучли ҳис-ҳаяжон ва эҳтирослардан ҳолидирлар. Турмуш қурганларида оиласига катта аҳамият берадилар. Фарзандларини яхши кўриб, улар билан фахрланадилар. Буйруқ беришга мойилликлари туфайли уларга ҳам ўшқириб, қўполлик қилиб турадилар. Шунга қарамай, мазкур мучал йилида туғилганлар ўз оиласини ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан таъминловчи меҳнаткаш кишилардир.

Сигир мучалидаги эр-хотинлар хушмуомала, садоқатли, ҳиссиётли бўладилар. Болалик ва ёшлик чоғларида катта воқеа сифатида ёдда қоладиган деярли ҳеч нарса юз бермайди. Мактаб ёшдагиларнинг

ўқишига қизиқиши қийинроқ бўлади. Ёшликларида оғир меҳнат билан шуғулланишларига тўғри келади, кексалик чоғларида эса хотиржам тин олишиб, кексалик гаштини сурадилар. Аммо баъзи ҳолларда кексайганларида ҳам мушкул аҳволга тушиб қолишлари кутилади, айниқса, молиявий жиҳатдан. Мушкул ҳолатдан чиқишиларида уларнинг яқинлари ёрдам бериши мақсадга мувофиқ. Чунки уларнинг ички куввати ва иродаси у қадар кучли бўлмаганлиги туфайли бундай қийинчиликларни енгишилари мушкул.

**Сигир мучалидаги эркаклар:** Мазкур мучалйилида туғилган эркаклар кўпроқ ёлғизликни ёқтирадилар. Борига шукур қилиб, уйидаги шарт-шароитни ўзгартиришга хоҳишлари йўқ. Характерларига кўра, кўпроқ эскилиқ тарафдорларидир. Қизларнинг калта юбка, шим кийиб, қорнини очиб юришлари, ўғил болаларнинг соч ўстириб юришлари каби ҳолатларга тоқат қила олмайдилар. Оиланинг асосий боқувчиси сифатида тиним билмай меҳнат қиласидилар. Уларнинг жаҳдини чиқара кўрманг! Акс ҳолда ҳолингиз вой бўлади.

**Сигир мучалидаги аёл(қиз)лар:** Мазкур мучалйилида туғилган аёл(қиз)лар жуда ҳам очиққўнгил ва сезигир бўладилар. Ҳар қандай ишда уларга ишонса бўлади. Ўз уйларини севганликлари учун яшаш жойини доимо шинам ва кўркам қилишга интиладилар. Ушбу мучалда туғилган аёллар ўз оиласари учун жон куйдирадилар. Фарзандларини қаттиққўллик билан бошқарадилар.

Сигир мучалида туғилган аёл(қиз)лар юксак даражадаги ўй бекаси бўлиб, оиласи, болалари ва турмуш ўртоғи учун бор кучи, саъй-ҳаракатини аямайди. Ҳаётдаги қизиқиш доираси у қадар ҳам кенг бўлмаса-да, ўз оиласига бўлган садоқатига ҳавас қилса арзийди.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Сигир мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуийдагилардан иборат:**

**1. Металл унсуридаги Сигир мучал йиллари: 1901, 1961, 2021 йиллар.**

Мазкур мучал йилларида туғилганлар ўзига ишонган ва темирдек иродага эга кишилардир. Улар ўйлаганини гапирадиган, очик ва тўғрисўз бўлади. Кучли иродаси, қайсар ва ўжарлиги, қатъийлик билан мақсадига эришадилар. Баъзан эса ўзларига ортиқча ишониб, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмасликлари ҳам мумкин. Бу эса уларга зиён етказиши мумкин. Улар ҳақиқатпарвар бўлиб, ишончли дўстга айланана оладилар.

**Металл унсуридаги Сигир мучал ишида туғилганлар ўз мақсадлари сари интилганда бошқаларнинг фикр ва мулоҳазалари билан ҳам ҳисоблашишлари лозим.**

**2. Сув унсуридаги Сигир мучал йиллари: 1913, 1973, 2033 йиллар.** Мазкур мучалда туғилганлар ажойиб ташкилотчилик қобилиятига эга бўладилар. Мучалдошларига нисбатан узоқни кўзлайдилар. Улар юксак даражадаги ахлоқий фазилатларга эга бўлиб, аксарият ҳолларда жамоатчилик ишлари билан шугулланадилар. Яхши характерга эга бўладилар. Ёш болалар билан ҳам яхши чиқишадилар. Мазкур мучалда таваллуд топганлар шу қадар ўзларига ишонган ва дўстлашувчан бўладиларки, ўз мақсадларига этишлари учун у қадар кўп куч сарф қилмайдилар. Улар ўз даврининг таниқли кишилариdir.

**Сув унсуридаги Сигир мучал ишида туғилганлардан камчилик топишнинг ўзи қийин.**

**3. Ёғоч унсуридаги Сигир мучал йиллари: 1925, 1985, 2045 йиллар.** Улар ҳар қандай жамиятда ўз-

ларини тута оладилар ва вазиятни бошқарадилар. Ўзига ишонган бўлиб, атрофидагиларга нисбатан тўғри муносабатда бўладилар. Иродаси мустаҳкам бўлиб, кучли хотирага эгадирлар. Яқинларига, оила-сига жуда меҳрибон ва садоқатли бўлишади.

**Ёгоч унсуридаги Сигир мучал йилида тугилганлар атрофидаги ижтимоий муҳит билан муроса қилишилари ва бошқалар билан муомала қилишининг нозик жиҳатларига зътибор қаратишлари мақсаддага мувофиқ.**

**4. Олов унсуридаги Сигир мучал йиллари: 1937, 1997, 2057 йиллар.** Олов унсуридаги Сигир мучалида туғилганлар табиатан кучли ва ҳароратли бўладилар. Ўз ишини биладиган ва меҳнаткашдирлар. Ҳар қандай ҳаётий масалалар бўйича ўз фикри ва қарашлари билан ҳисоблашмайдилар. Уларда етакчилик қобилияти ҳам яхши ривожланган бўлиб, ижтимоий қатламнинг юқори даражасидан жой оладилар ва моддий жиҳатдан таъминланган бўладилар. Одатда, улар тор доирадаги ишончли дўстларга эгадирлар. Улар оиласа ва дўстларга содиқдирлар.

**Олов унсуридаги Сигир мучал йилида тугилганлар атрофидагиларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ҳисоблашишлари зарур. Чунки улар ҳам ҳақ бўлишилари мумкин. Кескин вазиятларда ўзларини тута билишилари ҳам фойдадан ҳоли эмас.**

**5. Тупроқ унсуридаги Сигир мучал йиллари: 1949, 2009, 2069 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар ҳаётнинг барча юмушларига жиддий, тиниқ ақл-заковат билан қарайдилар. Улар табиатан меҳнаткаш бўлиб, кўзлаган мақсадига етишлари учун кечаю кундуз меҳнат қилишилари мумкин. Тупроқ унсуридаги Си-

гир мучалидагилар оғир-босиқ, мулоҳазакор бўлганликларидан атрофидагиларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўладилар. Ўз яқинларига содиқдирлар. Уларнинг фикр ва таклифлари доимо ўринли бўлади ва бошқалар томонидан эътиrozсиз қабул қилинади.

**Тупроқ унсуридаги Сигир мучал йилида тугилганларга ақл-заковат бобида ҳеч қандай эътиroz йўқ, аммо бир оз ҳис-ҳаяжон, жўшқинлик ҳам зарур.**

**Сигир мучал йилида тугилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари дозим**

**СИГИР МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда тугилганлар ўзаро баҳтли ҳаёт кечиришлари кузатилган. Чунки иккиси ҳам меҳнат ва сарф-харажат қилишни жойига қўядилар. Бу борада Сичқон мучалида тугилганлар ўз жуфтларига нисбатан уддабурон ва эпчиликроқдир. Ушбу жуфтлиқда Сичқон мучали соҳиблари ўзларини Сигир мучалидаги жуфтлари оғушида хавфсиз ва ҳар жиҳатдан қулай ҳис этадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИГИР МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда тугилганларнинг ўзаро оила қуришлари ҳам омадли никоҳ саналади. Иккиси ҳам эскилиқ тараффорлари, хурофотга берилмайдилар ва бир-бирларига нима керак эканлигини яхши тушунадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИГИР МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда тугилганларнинг ўзаро никоҳи – ўзаро жанжал, тўполон билан барҳам топади. Бир оила бўлиб яшасалар, бир-бирларини адойи тамом қиласадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИГИР МУЧАЛИ – ҚУЁН МУЧАЛИ.** Қуён мучалидагилар билан оилавий ҳаёти (Қуён мучалидаги аёл

киши бўлса) кўнгилдагидек кечиши мумкин. Қуён мучалидаги аёллар масъулиятли, тартибли ва устомон бўлганликлари билан оилани сақлай биладилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

### **СИГИР МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.**

Мазкур мучалда туғилганларнинг ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди. Чунки Аждарҳо (Балиқ) мучали соҳиблари учун Сигир мучалидагилар зерикарли бўлиб, уларнинг қўполликларини ҳам кўтара олмайдилар.

**СИГИР МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганлар ўзаро оилавий муносабатларда бирмунча мураккабликлар, тушунмовчиликлар юзага келади. Биринчидан, Илон мучалида туғилганлар жўшқин жинсий ҳаёт кечиришга мойилдирлар. Бунга эса Сигир мучалидаги жуфтлари тоқат қила олмайди. Иккинчидан, Сигир мучалидагилар ўз табиатига қўра, гумондор бўлиб, ўз жуфтининг хатти-ҳаракатидан шубҳа-гумонга боради ва руҳан қийналади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИГИР МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганларнинг оилавий ҳаёти ҳам дуруст кечмайди. Мустақил ва эркин ҳаётга интилевчи От мучалидагилар Сигирлардан узоқроқ бўлишга интиладилар. Чунки Сигир уларнинг эркинликларини чеклаб қўйиши мумкин. Эртами-кечми От мучалидагилар ўз жуфтидан қочиб кетадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИГИР МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганларнинг ҳам ўзаро оилавий ҳаёти барқарор эмас. Қўй мучалидагиларнинг инжиқдиклари ва беқарорликларини Сигир мучалидагилар кўтара олмайди. Сигир мучалидагилар Қўй мучалидаги умр йўлдошига нима кераклигини бир умр билмаслиги мумкин. Қўй мучалидагилар эса, Сигир мучалидаги-

лар билан биргә яшаганларида ўз жуфтидан фахрлана олмасликлари, уларда хүшмуомалалик етишмаслигидан азият чекадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИГИР МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Маймун мучалида туғилғанлар Сигир мучалидагиларни ўзларига мафтун эта оладилар. Чунки маймунда бор хислатлар Сигирда йўқ-да. Шунинг учун Сигир мучалидагилар Маймун мучали соҳибларига ошиқу бекарор бўладилар. Агар Маймун мучалидагиларнинг ҳам Сигир мучалидагига нисбатан кўнгли бўлса, бундай жуфтлик баҳтли ҳаёт кечиради. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИГИР МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилғанлар ўзаро мувофиқ бўлиб, иккиси ҳам эскича қарашларга мойилдир. Товуқ мучалидагилар ўзларини ҳар жиҳатдан намоён қилишга интилсалар, Сигир мучалидаги турмуш ўртоғи бунга йўл қўяди ва ўз имкониятини ишга солишига ёрдам беради. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**СИГИР МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилғанларнинг оилавий ҳаёти ўзаро мувофиқ тушмайди. Чунки Ит мучалидагиларнинг инқилобий тарздаги ҳаёт кечиришлари, турмуш тарзи, Сигир мучалидагиларни мутлақо қониқтирумайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СИГИР МУЧАЛИ – ТЎНФИЗ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилғанларнинг оилавий муносабатларида ҳам бирмунча мураккабликлар юзага келиши кутилади. Кўнгилчан Тўнфиз мучалидагилар ҳар нарсага чидашлари мумкин, фақат зўравонликни кўтара олмайдилар. Уларга нисбатан қаттиққўлликни ёқтирамайдилар. Тўнфиз мучалидаги жуфти билан узоқ ва баҳтли ҳаёт кечиришни истасалар, Сигир мучалидагилар ўз жуфтига нисбатан сабрли, қаноатли ва босик бўлишлари талаб этилади.

**Сигир мучал йилида туғилған машхур ва таниқди шахслар:** Аҳмад Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро, Жованни Бокаччо, М.И. Кутузов, Наполеон Бонапарт, Завқий, Чарли Чаплин, Саида Зуннунова, Саодат Қобулова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳамза Умаров, Нажмиддин Комилов, Теша Мўминов ва бошқалар.

### **ЙЎЛБАРС МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1902, 1914, 1926, 1938, 1950, 1962, 1974, 1986,  
1998, 2010 йилларда таваллуд топганлар*

Қадимги Хитойда ўзининг ҳаётий қуввати, кучи билан Йўлбарслар эркаклик ибтидоси, яъни «Ян», оқ Йўлбарс эса аёллик ибтидоси «Ин» ҳисобланиб, куз ва гарбнинг тимсоли бўлган. Қадимги шарқ халқарида Йўлбарсларга ёвуз кучларни, инсу жинсларни қува оладиган куч тимсоли сифатида қаралган. Шунинг учун уларнинг ҳайкалчалари ясалиб, кириш эшиклигига ўрнатилган.

Йўлбарслар ўта сезувчан, тез таъсирланадиган, эҳтиёткор, ҳаракатчан бўладилар. Ҳаётий воқеаларни тафаккур ила мулоҳаза қиласидилар. Иш жойида, жамоада ҳурматга сазовор бўладилар. Аммо уларда ўзларидан катталар ҳамда бошлиқлари билан зиддиятларга бориш хусусиятлари ҳам бор. Уларга гумондорлик ва худбинлик ҳам хосдир. Табиатан кучли ҳамда матонатлидилар. Аксарият ҳолларда бошқаларга етакчилик қиласидилар ва инқилобий ўзгаришлар қилишга мойилдирлар.

Йўлбарс мучал йилида туғилғанлар ўзларининг қўрқмас, мард ва жасурлиги билан ном қозонадилар ва атрофидагиларнинг ҳурматига сазовор бўладилар. Ушбу мучалда туғилғанлар мақсад сари интилаётганга ўхшасалар-да, аслида уларнинг хатти-ҳара-

катлари бекарор бўлади. Шунинг учун ота-оналар мазкур мучал йилида туғилган фарзандларининг фаолиятини доимо эътиборда тутмоқлари талаб этилади ва муайян мақсад сари йўналтириб бормоқлари лозим бўлади.

Улар дилбар ва ёқимлидирлар. Ўзлари интилмасалар-да, ҳамманинг эътиборида бўладилар. Агар бирорта кўзлаган кишисига эришмоқчи бўлсалар, ишонингки, бунга жуда тез, осон ва бир умрга эришадилар. Бошқа томондан эса Йўлбарслар ўзларининг ёқимтойликларидан, энг аввало, ўзлари азият чекадилар. Чунки атрофида уларнинг кучлилигидан ҳамда ўта ишонувчанлигидан ўз мақсадларини кўзлаган ва қулай фурсатни пойлаб юрувчи айёр кимсалар доимо топилади.

Улар табиатан курашувчан, қўрс ва ўзбилармон бўлиб, кўзлаган режалари учун ўзларини қурбон қилишга ҳам тайёрдирлар. Йўлбарс мучалида туғилганлар яшайдиган уйга ўгри тушмаслиги, сув ва ўт балосидан ҳоли бўлиши, алданмаслик ҳолатлари кузатилган.

Йўлбарс мучалидагиларнинг ўзларига хос кучли жиҳати – фавқулодда вазиятларда қатъий қарор чиқара олишлари, фаоллик кўрсатиш керак бўлганида, ўйлаб ўтирмасдан, дадил ҳаракат қилишидадир. Ҳеч кимга ишонмайдилар, доимо олдинда юришни ҳуш кўрадилар.

Йўлбарс мучалида туғилганлардан яхши ҳарбий бошлиқлар, корхона раҳбарлари, дин уламолари чиқади. Улар жуда жўшқин ва кучли севги соҳибидирлар. Дастребки ҳаётлари осуда ва ҳаловатли ўтади, вояга етган сари эса кучли ва шиддатли кечинмаларни бошдан кечирадилар. Шунга қарамай, кексайгунча яшай олсалар, қолган умрларини тинч ва хотиржам ўтказадилар.

**Йўлбарс мучалидаги эркаклар:** Йўлбарс йилида таваллуд топган эркаклар – ярқ этиб кўзга ташланадиган, эҳтиросли, жўшқин ва кучли шахслар саналадилар. Ўзлари яшаб турган жамият билан доимий курашда бўладилар. Жамоатчилик ишларига уста бўлиб, ўз оиласини барпо этишда ҳам ўrnак кўрсата оладилар. Ўз табиатларига кўра, улар чўрткесар, ўжар, ўз фикрида қатъий тура оладиган, қайсар ва курашчандирлар. Баъзан эса майдакаш ҳамдирлар. Улар бошқа бирорларга ишонмайдилар, таваккалчиликлари ҳам бор. Пул билан боғлиқ масалаларга у қадар қизиқмасалар-да, ўз бойликларини тежаб-тергаб сарф қилишни яхши биладилар.

Мазкур мучал соҳиблари жуда ҳам сезгир, ҳиссиётли бўлиб, чуқур ҳиссий кечинмаларни бошларидан ўтказадилар. Севги бобида камдан-кам ҳолларда баҳтли бўла оладилар: янги маъшуқаси билан бошланган кечинмалари эскиси, ҳақиқийсини нуратиб, барбод этади, ҳаёт эса ўтиб бораверади.

**Йўлбарс мучалидаги аёл(қиз)лар:** одатдаги ҳаёт, турмуш уларнинг жонига тегади ва кўплаб ҳаётий саргузаштларни бошларидан кечиришларига тўғри келади. Бундай ҳаёт кечириш доимо ҳам кўнгилдагидек оқибатларга олиб келавермайди. Оилада ҳам ўзларининг эркинликларини сақлаб қолишга интиладилар.

Мазкур мучал соҳибалари эркаклардаги қатъийлик ва ўзларига бўлган ишончни қадрлайдилар. Эскича қарашларни, айниқса, аёлларни иккинчи даражада кўрсатадиган тартиб-қоидаларни ёқтиримайдилар.

Йўлбарс мучалидаги аёл(қиз)лар севги бобида жуда ҳам жўшқин ва қизғин бўлиб, умр йўлдошидан ўзига нисбатан муносиб равишда муносабатда бўлишни талаб этадилар. Мабодо, танлаган жуфтлари хиёнат қилса, уларни бурдалаб ташлашга тайёрдирлар.

Ушбу мучалда таваллуд топган аёл(қыз)лар чуқур хиссий кечинмаларга эга ва ўз ёрига садоқатли бўлиб, улардаги бундай хислатни уйгота олмоқ зарур бўлади. Ана ўшанда улар ўз турмуш ўртоғига нисбатан бир умрлик садоқатли ёр бўлиб, бутун ҳаётини сизга бағишлади.

Оилада Йўлбарс аёл бағрикенг, сахий, оилапарвар бўлиб, рўзгор ишларини ҳам уddeлайди, меҳмон кутишни ҳам қойиллатади.

Мазкур мучал соҳибаларининг таълим-тарбия соҳасидаги қобилияtlари, истеъоди бўлиб, уларнинг қўл остиларида тарбиялананаётган ўқувчилар ўзларини баҳтли, ҳар томонлама эркин ҳис этишлари билан бирга, ҳавас қиласлик даражада тарбия оладилар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра Йўлбарс мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуийдагилардан иборат.**

### **1. Металл унсуридаги Йўлбарс мучал йиллари: 1950, 2010, 2070 йиллар.**

Металл Йўлбарс йилида туғилганлар жуда ҳам тиришқоқ ва ўзига бино қўйган бўладилар. Ўз мақсадига етмагунларигача тинмай меҳнат қиласдилар. Улар қаноатсиз, тез жаҳди чиқадиган бўладилар. Уларнинг ташқи кўринишлари хушбичим, кўркамдир.

### **Металл Йўлбарс мучал йилида туғилганлар сабр-қаноатга ўрганмоқлари жоиз.**

### **2. Сув унсуридаги Йўлбарс мучал йиллари: 1902, 1962, 2022 йиллар.**

Сув унсуридаги Йўлбарслар кўп томонлама қизиқишишга эга бўладилар. Улар турли ҳаётий тажрибалар ўтказиш ишқибозларидир. Доимо ҳар қандай вазиятларда ҳам хотиржам бўладилар ва ўзларини тута оладилар. Мазкур мучал йилида туғилганлар атрофидагилар билан жуда енгил, юмшоқ муносави

батда бўлади ва одатда, ўз қобилияти билан кўзлаган мақсадига доимо етади. Сув унсуридаги Йўлбарслар жуда бой тасавурга эгадир. Шунинг учун ҳам, ушбу мучал йилида туғилганлар орасида истеъододли ёзувчилар, олим ва олималар, ажойиб сўз усталари ва воизлар кўп учрайди.

*Сув унсуридаги Йўлбарс мучал йилида туғилганлар ўз кучи ва иродасига кўпроқ ишонишлари тавсия қилинади.*

**3. Ёғоч унсуридаги Йўлбарс мучал йиллари: 1914, 1974, 2034 йиллар.**

Мазкур мучал йилларида туғилган Йўлбарслар табиатан ёқимтой ва дўстлашувчан бўладилар. Мучалдошларига нисбатан мустақиллиги чекланган бўлиб, атрофидагилар билан ҳамкорлик қилишга мойил бўладилар. Уларнинг таниш-билишлари кўп бўлади ва кўпчилик орасида таниқидирлар. Жамоат ишларида фаол бўлиб, нозик ҳазил-мутойибага устадир.

*Ёғоч унсури Йўлбарс мучал йилида туғилганлар кўзлаган мақсадига диққат-эътиборини тўплашга ва бор куч-гайратини сафарбар қилишга одатланмоқлари лозим.*

**4. Олов унсуридаги Йўлбарс мучал йиллари: 1926, 1986, 2046 йиллар.**

Олов унсуридаги Йўлбарс мучал йилида туғилганлар ҳар қандай ишга уринсалар, уларни жуда катта иштиёқ ва гайрат билан бажарадилар. Улар бутун борлифи билан ишга киришадилар. Уларда етакчилик қобилияти кучли бўлиб, ўзларидаги жонбозликни бошқаларга ҳам юқтириш хусусияти мавжуд. Доимо келажакка ишонч билан интиладилар. Жуда ҳам ёқимли ва яхши характерга эгалар. Улар ақдан етук бўлиб, сўзамолдирлар.

*Олов унсури Йўлбарс мучал йилида туғилганлар шуни назарда тутмоқлари лозимки, атрофидагилар доимо ҳам уни қизиқтирган*

**нарсаларга эътиборли бўлавермайдилар. Шунинг учун улардан кўп нарса талаб қилиши жоиз эмас.**

**5. Тупроқ унсуридаги Йўлбарс мучал йиллари: 1938, 1998, 2058 йиллар.**

Ушбу мучал йилида туғилган Йўлбарслар масъ-улиятли ва оғир-босиқ бўладилар. Ўз қарашлари билан адолатли ва холис бўлишга интиладилар. Бошқа Йўлбарслардан фарқди ўлароқ, улар бирон-бир ишга ёки машғулотга ўзларини қаратадилар ва бу борада бошқаларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ҳисоблашиб ўтирамайдилар. Улар омадли бизнесменлардир. Уларнинг тадбиркорлик ишлари доимо гуллаб-яшнайди.

Мазкур мучалдагиларнинг таниш-билишлари, ёру дўстлари кўп бўлади ва ўзларининг ташқи кўринишлари, одоб-ахлоқи билан обрў-эътибор қозонадилар.

**Тупроқ унсури Йўлбарс мучал йилида туғилганлар атрофидагиларнинг фикр-мулоҳазалари билан ҳам ҳисоблашишлари лозим.**

**Йўлбарс мучал йилида туғилганлар кимлар  
били оила қуришлари мумкин ёки бунга  
таваккал қиласликлари лозим**

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагилар билан яхши муносабатда бўладилар (айниқса, Сичқон мучалидаги – аёл ёки қиз бўлса). Оилада севги ва ўзаро бир-бирларини тушунишлари тўла намоён бўлади. Фақат битта талаб, бир-бирларига нисбатан муросада бўлмоқликлари лозим. Йўлбарслар ўзларидаги раشكчиликларини боса олишлари талаб этилади. Бундан ташқари, Йўлбарс мучалидагиларда доимо узоқни кўзланган режалар бисёр. Сичқон мучалидагиларда эса, аксинча, шундек ўтириб, пул ишлаб топиш муҳим. Шунинг учун ўзаро муроса қиласдан яшаш мумкин эмас.

**ЙҮЛБАРС МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Мазкур жуфтлик ўртасида қурилган оилада Йүлбарслар учун осон бўлмайди. Бундай оилада Сигир мучалидаги жуфти оила бошлиғи сифатида ўз ҳукмини Йўлбарсга ўтказишга жон-жаҳди билан интилади. Бундай ўзаро жангда Йўлбарслар чекинишга мажбурдирлар. Акс ҳолда улар ўз жуфтлари томонидан якson қилиб ташланадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Ўз мучалидагилар билан қурилган оила ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик саналади. Йўлбарс мучалидаги аёл мучалдоши бўлган жуфтининг севги ҳароратидан тўла баҳраманд бўлади. Ҳар иккисининг ҳам ўй-фикрлари бир жойдан чиқади. Ўз жуфтининг қарори, сўзсиз, унинг ҳам қарори бўлади. Улар – икки фикрдош, ўзаро сафдош дўстдирлар. Ҳозирги беҳаловат замонда ҳамма учун сувдек зарур бўлган ҳузур-ҳаловатни бир-бирларига бахш эта оладилар. Ушбу никоҳдагилардан ягона талаб ўзаро бир-бирларини рашқ қиласликлари ва бунга йўл қўймасликларидир. Чунки улар ўз рашкини бошқаришга қийналадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ҚУЁН МУЧАЛИ.** Қуён мучалида туғилганлар билан оилавий ришталарини боғлашлари кутилади. Аммо Қуёнлар ҳеч қачон Йўлбарсларнинг ички дунёсини чуқур тушуна олмайдилар. Боз устига, иккиси ҳам худбинликка мойил бўлиб, оилада ўзаро муносабатларнинг уйғуналашувига эриша олмайдилар. Улар ўртасидаги никоҳ муносабатлари узоққа бормайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар билан қурган оила муваффақиятли бўлади. Ўзаро муносабатларда бир-бирларига куч-қувват, эҳтиёткорлик бахш эта-

дилар. Аждархолар ўзларининг бағрикенглиги билан Йўлбарс мучалидаги умр йўлдошини кўп бора кечиришларига тўғри келади. Йўлбарслар эса ўзларининг ёқимтойлиги билан Аждарҳо мучалидаги жуфтини ўзларига банд эта оладилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Мазкур мучалдагиларнинг оилавий ҳаёти қизиқарли кечиши кутилади. Агарда оила бошлифи Йўлбарс, оила бекаси эса Илон мучалида туғилган бўлса, бир-бирларидан зерикмайдилар. Уларнинг қарашлари ҳам, ҳузур-ҳаловатга бўлган интилишлари ҳам ўзаро ўхшашдир. Бундай оилавий иттифоқда ҳар иккиси ҳам «Мен» деган даъводан узокроқ бўлишлари талаб этилади. Аксинча, оила бошлифи Илон, оила бекаси эса Йўлбарс бўлса, бундай оилада ўзаро зиддиятлар тез-тез содир бўлиши кутилади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалида туғилганларга бошқа мучалдагилардан кўра кўпроқ От мучалидагилар мувофиқ келади. Чунки Отлар очиқ, ақдли ва хушхулқликлари билан йўлбарсларни ўзларига мойил қила оладилар. Мазкур жуфтликда юзага келиши мумкин бўлган ягона зиддият (агар оилада Йўлбарс мучалидаги – эркак, От мучалидаги – аёл бўлса) От мучалидагиларнинг бошқа инсонлар билан бўладиган муносабатларидан келиб чиқади. Чунки Йўлбарслар ўта раشكчиidlар. От мучалидагиларга маслаҳатимиз Йўлбарс мучалидаги умр йўлдошингизнинг оиладаги ҳукмронлигини тан ола билишингиз зарур. Шундагина оилавий муносабатларда ўзаро уйғунлик юзага келади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагилар Йўлбарсларга мос тушадигандек туюлади. Чунки Қўйлар ювош, нозиктаъб, жинсий жиҳатдан кўзга яқин, эҳтирослидир. Қўй мучалидагиларга

унинг билан фахрланишлари, унга мафтун бўлган мухлислар қанча кўп бўлса, шу қадар хуш ёқади. Йўлбарслар эса рашкчидирлар ва бундай ҳолатга тоқат қила олмайдилар. Ўз жуфтининг рашк бобидаги таъна-дашномларидан Кўй мучалидагилар изтироб чекади. Уларнинг иккиси ҳам бундай ҳолатга узоқ чидай олмайдилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Маймун мучалидагилар билан қурилган оилада ҳам ўзаро мурракабликлар юзага келиши кутилади. Йўлбарслар севги бобида ҳам, дўстликда ҳам, иш юзасидан ҳам Маймун мучалидагиларга ишонмасликлари керак. Бу борада Маймун мучали соҳиблари Йўлбарс мучалидаги жуфтларига ҳар жиҳатдан панд берадилар. Аммо оилада Йўлбарс мучалидаги – эркак, Маймун мучалидаги – аёл бўлса, бундай никоҳдан ҳар иккиси ҳам баҳтли бўлади. Бундай оилаларда Маймун мучалидаги аёллар Йўлбарс мучалидаги умр йўлдошларини мансаб пиллапояларидан кўтарилиб боришларига ҳар жиҳатдан кўмаклашади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалида туғилганлар билан қурилган оилани муваффақиятли, деб бўлмайди. Чунки Товуқлар бирорга бўйсунишни истамайдилар ва ярқ этиб кўзга ташланишни хуш кўрадилар. Йўлбарслар эса Товуқларнинг, айниқса, оиладаги «ярақлаши»ни назар-писанд қилмайдилар ва буни хоҳламайдилар ҳам. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Ўзаро уйғунлик бор. Иккисининг ҳам бир-бирларига ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Йўлбарслар – доимо жанговардир, Итлар эса ҳақиқат учун курашувчи бўлиб, доимо ўз жуфтининг ёнида бўлишга интилади. Ит мучалидагилар бор вужуди, борлиғи билан ўз ёрига

ва болаларига садоқат күрсатадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ – ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Тўнгиз мучалидагилар билан ҳам оилавий ришталарини боғлашлари мумкин. Бундай оилада улар ўзларини тўла муҳофазада, ҳимояланган санайдилар. Бунга жавобан Тўнгиз мучалидагилар Йўлбарс мучалидаги жуфтларининг жанговарлик характеристига босиқлик билан қарайдилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ақл-заковатли бўлиб. ўзаро суҳбатлашгандা ҳам бир-бирларидан безимайдилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**Йўлбарс мучал йилида туғилган машҳур ва таниқди шахслар:** Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам, Маҳмуд Фазнавий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Георг Вильгельм Фридрих Гегель, Карл Маркс, Альберт Эйнштейн, Иосиф Сталин, Абдурауф Фитрат, Ислом Каримов, Фидель Кастро, Ҳабибий, Таваккал Қодиров, Фахриддин Умаров, Мақсуд Қориев, Одил Ёқубов, Озодбек Назарбеков ва бошқалар.

### **ҚУЁН МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1903, 1915, 1927, 1939, 1951, 1963, 1975, 1987,  
1999, 2011 йилларда таваллуд топганлар*

Қуён мучали Шарқ тақвимида хотиржамлик рамзиdir. Мазкур мучал йилида туғилганлар ўзларига хос хислатларга эга бўлиб, қобилиятли, иззатталаб, содда, камтарин, сипо, босиқ, камсуқум, очиққўнгил, саховатли ва барчага ёқимли бўладилар. Улар нозик дид эгалариdir. Кўпчилик орасида бўлишни ёқтирадилар ва уларни ҳамма ёқтириб, қабул қиласди. Улар кўпчиликнинг олқишидаги, ишончидаги одамлардир.

Қуён мучалида туғилганлар ўта сезгир бўлиб, бошқаларнинг мушқулини ҳеч қандай манфаат талаб қилмасдан енгиллаштиришга уринадилар.

Жиддий камчиликлари: фийбат қилишни ёқтириб, ким бўлса ҳам соатлаб гаплашиб тураверадилар. Лекин фийбатни очиқ-ойдин эмас, киши билмас, эҳтиёткорлик ва хушмуомалалик билан амалга оширишади. Одатда, оғир-вазминликлари боис, улар тинчини бузиш қийин. Аммо арзимас баҳоналар билан йиглашлари, аразлашлари, гина-кудурат қилишлари ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, тез юпанадилар ва овунадилар.

Хаёт тарзига путур етказадиган, уни қийинлаштирадиган ҳар қандай янгиликка тоқатлари йўқ. Бадастир ва хавф-хатарсиз яшашга интиладилар. Улар ажойиб ишчанлик қобилиятига эга сергайрат кишилар бўлиб, ҳалол ва ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

Мазкур мучал йилида туғилғанларнинг ҳуқуқшунослик, иқтисод, таълим-тарбия, сиёсат каби соҳалардаги фаолияти кўплаб муваффақиятларга олиб келади. Аёллар эса ишвали, келишгиз бўладилар.

**Қуён мучалидаги әркаклар:** Қуён мучалида туғилган әркаклар – табиатан иш билармон, тадбиркор ва омилкор бўладилар. Улар тадбиркорлик ишларида уддабурон бўлиб, пул уларни «яхши кўради». Мазкур мучалдагиларнинг энг катта камчилиги: майшатга, ичкиликка берилишидир. Баъзилари ҳаддан ортиқ ичкиликка, майшат, улфатчилик қилишга берилиши оқибатида улардаги бор қобилият, истеъодод ҳам йўққа чиқади.

Күён мучали соҳиблари доимо аёллар таъсири, домига осонлик билан тушадилар ва бунга ўзлари йўл қўйиб берадилар. Ёктирган бир неча аёлларидан қайси бирини танлашга ҳам уқувлари етмайди ёки буни ўзлари хоҳламайдилар ва ҳаммаси билан ишқий мулоқотда бўлишни истайдилар. Шуни яхши англаплари лозимки, бундай «огир вазифани» бажаришга доимо ҳам қодир бўлавермайдилар, айниқса, ёшлари ўтиб боргани сари.

**Қуён мучалидаги аёл(қиз)лар:** Мазкур аёл(қиз)лар қулай шароит туғилиши билан оқ үзларининг маданиятини, қобилиятини намоён қила бошлайдилар. Ўзлари ёқтирган соҳа, мутахассисликни ёки бирор предметни қунт билан ўрганадилар ва олган билимлари, истеъоди билан атрофидагилар ўртасида ярқ этиб кўзга ташланишга муштоқдирлар. Ҳаёт учун янада муҳимроқ бўлган бошқа жиҳатларни эса мутлақо англамасликлари мумкин.

Қуён мучалидаги аёл(қиз)лар дўстлашувчан, оила аъзоларига нисбатан ғамхўр, меҳрибон, жонкуяр ва оғир-босиқ бўладилар. Оғир уй ишларини бажаришлари билан китоб ўқишига ва дўстларининг кўнглини олишга ҳам вақт топа оладилар. Уларда нозик таъб, ҳазил-мутойибага мойиллик ва артистлик қобилияти ҳам яхши ривожлангандир.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра Қуён мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуийдагилардан иборат.**

### **1. Металл унсуридаги Қуён мучал йиллари: 1951, 2011, 2071 йиллар.**

Ушбу мучалда туғилганлар қобилиятли, ҳаракатчан ва иззатталаб кишилардир. Ҳаётда нимага эришиш зарурлигини жуда яхши биладилар. Тезкор фикр юритиб, жуда ҳам зийрак бўлганликлари ҳолда айёрликлари ҳам йўқ эмас. Ҳаётнинг мураккаб ва хавф-хатарга тўла сўқмоқларида таваккал ишларга ҳам иккиланмасдан журъат қила оладилар ва омадидирлар. Одди-сотдини, бизнесни, пулни пулга уришириб, даромад қилишни хуш кўрадилар. Ёшликларида кўп пул топадилар ва серхарждирлар. Етти ёт бегоналарга ҳам ҳотамтойлик қилиб, ўз яқинлари билан эса ҳисоблашиб, муомала қиласидилар.

Қариган чоғларида эса вақт ўтгани сайин зиқна бўлиб борадилар.

Металл унсуридаги Қуёnlар ичидаги ажойиб санъат усталари ҳам кўп учрайди. Бундай Қуёnlар аъёнлар, «шерлар» давраларида ҳам ўзларини яхши ҳис этадилар. Улар у қадар кўп бўлмаган ишончли ва садоқатли дўстларига эгадир.

*Металл Қуён мучал йилида тугилганлар ҳаётда ўзларига нима зарурлигини жуда яхши биладилар. Шундай бўлса ҳам, айтиши жоизки, улар ўзларининг кичкинагина жонларини эҳтиёт қилишилари, ҳар нарсага ҳам чиранавермасликлари маслаҳат берилади.*

## **2. Сув унсуридаги Қуён мучал йиллари: 1903, 1963, 2023 йиллар.**

Сув унсуридаги Қуёnlар жамоатчилик орасида таниқли кишилардир. Улар олдиндан пайқаш хусусиятига ҳам эга бўлиб, бошқаларнинг фикри ва ҳиссиётларини ҳам эътиборда тутадилар. Шунинг учун ҳам ўзгаларнинг ташвишларини ҳам юрагига жуда яқин оладилар.

Нимагаки уринмасинлар ҳамма нарсани ўйлаб, мулоҳаза юритиб ва эринмасдан бажарадилар. Уларнинг хотираси дуруст ривожланган ва ўз фикрини тиниқ баён эта оладилар. Одатда, мазкур мучалдагилардан яхши педагог-ўқитувчилар, тарбиячилар чиқади.

*Сув унсуридаги Қуён мучал йилида тугилганларни оиласидагилар ҳам, иш жойидагилар ҳам жуда севадилар ва ҳурмат қиласидилар. Аммо улар бошқаларнинг ташвишларини худди ўзиники каби қабул қилишилари билан қийналадилар, ҳатто бор-будини бирорларга бериб, ўзи эса бошқалардан қарз-ҳавола қилиб юрадилар. Шунинг учун улар ўзларининг ҳис-ҳаяжонларини бошқара билишилари маслаҳат берилади.*

**Ўз муаммоларингиз бошингиздан ошиб-тошиб турганда, кўпам бегоналар ташвишилари билан куюнаверманг!**

**3. Ёғоч унсуридаги Қуён мучал йиллари: 1915, 1975, 2035 йиллар.** Бу мучалда туғилган Қуёnlар яхши сухбатдош, дўстлашувчан бўлиб, вазиятга, шароитга тез мослашадилар. Улар жамоатда, кўпчилик орасида фаолият юритишни ёқтирадилар.

Уларнинг дўстлари кўп бўлиб, фаол жамоат ишлари билан машғул бўладилар. Бирорларнинг камчиликларини тез сезадилар ва шартта юзига айтишдан ҳам тоймайдилар. Баъзан сахий бўлсалар, баъзида ўз ҳаққини ҳар қандай йўл билан ундиришга ҳаракат қиласадилар. Хотираси кучли ва вазиятни таҳлил қилиш қобилиятига эгалар. Улардан яхши педагог-ўқитувчилар, иш юритувчи ходимлар чиқади.

**Ёғоч унсуридаги Қуён мучал йилида тугилганлар ўзининг ҳаётий режаларини амалга ошириб бориш жараёнида ўзгаларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олишлари лозим.**

**4. Олов унсуридаги Қуён мучал йиллари: 1927, 1987, 2047 йиллар.** Олов унсуридаги Қуён мучалидагилар очик юзли ва дўстлашувчан бўладилар. Ҳар қандай одам билан тенг даражада муносабатда бўлишни истайдилар. Ҳатто болалар билан ҳам дўстлашиб кетаверадилар. Улар ақлли, кучли иродага эга бўлиб, ҳар ким билан тил топишадилар.

Мазкур мучал эгалари истакларига ета олмай, ноқурай шароитга тушиб қолганларида, ўзларини ёмон ҳис этадилар ва эсанкираб қоладилар. Оловли Қуёnlар юқори дарражадаги интуицияга эга бўлиб, улар орасида кучли экстрасенслар ҳам кўп учрайди.

**Олов унсуридаги Қуён мучал йилида тугилганлар кучли бўлсалар-да, яқинлари томонидан ёрдам ва қўллаб-қувватланишга эҳтиёж сезадилар.**

**5. Тупроқ унсуридаги Қуён мучал йиллари: 1939, 1999, 2059 йиллар.** Мазкур унсурдаги Қуёнлар ўта ақлли, ройиш, уддабуруон бўладилар. Улар реалист бўлиб, ўз мақсадларига етишлари учун узоқ ва қаттиқ ишлашлари, тер тўкишлари мумкин. Уларнинг ичида ажойиб бизнесмен ва тадбиркорлар, ишбилиармонлар кўп учрайди ва молиявий жиҳатдан доимо омади чопади. Шундай ишончли гапирадиларки, ҳаммани ўзига ром этадилар. Дўстлари, ҳамкаслари ўртасида обрў-эътиборга эга бўладилар. Уларнинг ўринли фикрлари кўпчилик томонидан юқори баҳоланади ва мамнуният билан қабул қилинади.

**Тупроқ унсуридаги Қуён мучал йилида тугилганларнинг одамовилиги ўзларига халақит беради.**

**Қуён мучал йилида тугилганлар кимлар  
билин турмуш қуришлари мумкин ёки бунга  
таваккал қиласликлари лозим**

**ҚУЁН МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда тугилганларнинг ўзаро никоҳини муваффақиятли деб бўлмайди. Иккиси ҳам бир-бирига мутлақо мос эмас. Чунки Сичқон мучалидагиларнинг ижтимоий, жисмоний ва жинсий ҳусусиятлари Қуён мучалидагилар учун мутлақо зиддир. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Сигир мучалидагилар билан ўзаро мураккаб, зиддиятли муносабатлар мавжуд бўлса-да, оилавий ришталарини боғлаши мумкин. Қуёnlар ўзлари устидан кимлардир ҳукмронлик қилишларини ёқтирамайдилар. Сигир мучалидагиларда айнан ана шундай характер мавжуд. Улар оиласда ҳаммага ўз ҳукмини ўтказишни истайдилар. Бундай ҳолатда Қуён мучалидагилар ўз жуфтларига нисбатан устомонлик, муроса йўли-

ни тутишлари зарур бўлади. Шундагина уларнинг оилавий ҳаёти бирмунча изга тушади.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалидагилар билан қурилган оилада асабий вазият кўп бора юзага келади. Иккиси ҳам ўзаро ўхшашдир. Ҳар қандай қулай вазият келганда Қуён мучалидагилар ўз жуфти билан орани очик қиласидилар ва оилавий муносабатлар барҳам топади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ҚУЁН МУЧАЛИ.** Икки Қуённинг ўзаро бир оила бўлиб яшаши қийин. Иккиси ҳам характерлари билан ўзаро ўхшаш бўлганликлари сабабли бир-бирларининг тинимсиз «сакрашларига» тоқат қила олмайдилар. Иккиси ҳам ўз дўстлари билан ўз ҳолича ўйнаб-кулиб юришни истайдилар ва худди магнитнинг бир хил қутблари каби бир-бирларидан узоқлашадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Аждарҳо(Балиқ) мучалидагилар билан оилавий ришталарни боғлашлари мумкин. Бундай никоҳда Қуён мучалидагилар ўз жуфтлари билан жуда эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари талаб этилади. Чунки Аждарҳо (Балиқ) мучали соҳибларининг ўзига хос инжиқдикларини ҳамма ҳам кўтара олмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан оилавий ришталарни боғлаш тавсия этилмайди. Бундай оилада охир-оқибат Қуёнлар Илонларнинг емишига айланаб қолади. Илонлар до-мига тушган Қуёнларнинг ҳоливой бўлади. Қуёнлар ўз жуфтидан узоқроқ юрганларида Илон мучалидагилар ҳам ўзларига «емиш» қидириб, «ўз инларидан» ташқарида ов қилишлари кутилади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганларнинг оилавий муносабатларида муай-

ян талаблар мавжуд. Шулардан бири иккиси ҳам бир-бирларининг эркинлигига рахна солмаслиги-дир. Иккисининг ҳам дўстлари кўп, айниқса, Қуён мучалидагиларнинг ўз дўстлари билан улфатчилик қилишларига тўсқинлик қилмаслик, дўстлар даврасидан ярим тунда ёки эрталаб келганда кечира олишлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалида туғилганлар билан жуда ҳам яхши чиқиша оладилар. Уларнинг артистлик қобилиятини, истеъодини, нафосатли «ишваларини» қадрлайдилар ва ўз жуфтни учун қулай шароит яратиб бера оладилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Тиниб-тинчимаган Маймун мучалидагиларга нисбатан Қуён мучалидагилар анчайин хотиржамдирлар. Маймунлар ўйинни севадилар, Қуёнлар эса эркинликни кўпроқ ёқтирадилар. Қуёнлар ўз жуфтининг найранглари ва ғаламисликларини кўтара олмайдилар. Улар ўртасидаги никоҳ узоққа бормайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганларнинг ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди. Доимий изланиш, беҳаловатда бўлган Товуқ мучали соҳибларининг ҳаёти Қуён мучалидагиларни қониқтиrmайди ва уларнинг турмуш тарзи бошқа-бошқа бўлганликлари сабабли ҳам ўзаро бир оиласда бегоналардек яшашларига тўғри келади. Бундай оиласвий ҳаётни ҳеч кимга раво қўриб бўлмайди.

**ҚУЁН МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Содиқ ва вафодор, ҳақиқатпарвар Ит мучалидагилар Қуён мучалида туғилганлар учун муносиб жуфт бўла оладилар ва улар билан баҳтли ҳаёт кечирадилар. Қуён мучалидагиларнинг юмшоқ табиатлилиги, осойишталиги бунга замин яратади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ҚҮЁН МУЧАЛИ – ТҮНГИЗ МУЧАЛИ.** Түнгиз мучалида таваллуд топганлар билан ҳам оилавий ришталарни боғлашлари мумкин. Чунки Түнгиз мучали соҳиблари кечиримли, оғир-вазмин бўладилар. Қуёnlар эса оила ташвишларини унутиб, дўстлар билан гурунглашиб қайтганларида, уларни кечира оладиган умр йўлдоши айнан Түнгиз мучалидаги-лардир. Ўзаро баҳтли оила қура оладилар.

**Қуён мучал йилида туғилган машҳур ва таниқ-ли шахслар:** Бурҳониддин Марғиноний, Жалолиддин Румий, М.В.Ломоносов, Иоганн Шиллер, Жузеппе Гарibalъди, Faфур Fuлом, Зулфия, Fuломжон Xо-жикулов ва бошқалар.

### **АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1904, 1916, 1928, 1940, 1952, 1964, 1976,  
1988, 2000, 2012 йилларда таваллуд топганлар*

Аждарҳо Шарқ тақвимида саломатлик, куч-қувват, фаоллик, шод-хуррамлик, юксалиш ва омад рамзиdir. Мазкур мучал йили коинотдан инсониятга яхшилик, қут-барака инъом этилиши билан бошқа мучаллардан алоҳида ажралиб туради. Аждарҳо табиатан кучли бўлиб, инсониятга саховат, бойлик, узоқ умр, ҳар жиҳатдан мукаммаллик инъом этади.

Мазкур мучал йилида туғилганлар иродали, кенг феъл, зиёли ва атрофдагиларга таъсир кўрсата оладиган хусусиятларга эга бўладилар. Улар ташаббускор бўлиб, доимо ҳар нарсада ғалабага эришадилар ва голибдирлар. Мағрут, ўзларига ишонган бўлиб, ўзгаларни кам севадилар, аммо доимо ўзгалар томонидан севиладилар. Қайсар, қўл остидагиларга талабчан бўлсалар-да, кенг феълли, эҳтирослидирлар. Ақлан ривожланган бўлиб, ҳар қандай соҳани

муваффақиятли ўзлаштира оладилар. Аждарҳо мучалидагилар ўта ишонувчан бўладилар ва атро-фидагилар билан мулоқотга киришганларида бир оз қўполликлари ҳам бор. Шундай бўлса-да, дўстлари кўп ва уларга борини ҳадя қиласилар. Улар доимо ҳамманинг диққат марказида бўладилар. Уларнинг фикр ва қарашлари яқинлари томонидан юксак қадрланади. Чунки ҳар қандай ҳаётий масалаларда ўзига хос қарашга эгадирлар.

Аждарларнинг саломатликлари жуда яхши бўлади ва кучли ҳаётий қувватга эга. Кечаю кундуз тиним билмай ишлай оладилар ва бугунги кун билан яшани хуш кўрадилар. Бирор нимани ёки кимнидир кутишни ёқтирамайдилар. Токи ётиб қолмагунларигача оёқда юраверадилар. Оғир хасталангандагина шифокорларга мурожаат қиласилар. Улар оғир касалликларга ҳам чидамли, албатта, соғайиб кетадилар ва узоқ умр кўрадилар.

Аждарларнинг қизиқиши доираси жуда кенг бўлади. Спорт билан мунтазам шугулланадилар. Саёҳатларни хуш кўрадилар ва турли ҳаётий ўйинларга ҳам бериладилар. Ҳеч ким кўрмаган ва билмаган жойларга саёҳат қилишни орзу қиласилар. Мазкур мучал йилида туғилганлар ўта эҳтиросли ва ўзгаларга талабчандир. Улар табиатан фаол ва чидамлидирлар. Молиявий жиҳатдан яхши таъминланган бўладилар ва кўпчиликка етакчилик қилиш қобилияти ҳам ривожланган. Ўзлари илгари сурган гояларни ҳаётга татбиқ қилишда муваффақиятларга эришадилар. Катта-катта ижтимоий ва давлат лойиҳалари устида иш олиб боришлари мумкин.

Ўз навбатида, Аждарларнинг жисмоний қудрати, уларнинг жинсий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Ҳар қандай аёл унинг домига тушганда, ўзини унинг «емиши» сифатида ҳис этади ёки аксинча, аёл

«Аждарҳо» ҳар қандай эркакни ўзига ром эта олади. Аммо бу аёл ҳар қандай эркакни ҳам хоҳлайвермайди, балки ўзига муносиб, кучли, бақувват, ижтимоий қатламнинг юқори погонасидағи, ақдан юксак дара жадаги эркакларгагина ўзларини бахшида этишлари мумкин. Танлаган жуфти эса, албатта, уларни бахтли қилишлари шарт. Ҳаётда улар камдан-кам янгишадилар. Танлаган жуфтига эса бир умрлик садоқатли ёр бўлиб қоладилар. Ҳеч қачон хиёнат йўлига кирмайдилар.

Аждарҳо мучал иили инсонларга тўрут муҳим нарсани: бойлик – қут-барака, эзгуликни, уйғунликни ва умрбоқийликни келтиради.

**Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги эркаклар:** Севги бобида уларда ҳеч бир изтироб чекиш бўлмайди. Уларни ёқтирадиганлар кўп, аммо ўзлари камдан-кам ҳолларда севги дардига мубтало бўладилар. Шу билан бирга, бошқаларнинг бахтсизликларига сабабчи ҳам бўлиб қолишлари мумкин. Улар ўз ҳаётини маъшуқаларсиз тасаввур этишлари қийин. Ҳаддан ортиқ ҳудбин бўлганликлари сабабли бошқаларнинг ўз шахсига алоҳида эътибор беришларини истайдилар. Ўзлари учун қандайдир ҳаётий тамойилларни ўйлаб топиб, бошқаларни, айниқса, ўз яқинларини ана шу тамойилларга бўйсундиришга, уларга амал қилиб яшашга мажбур қиласидилар.

Мазкур мучал соҳибларида шундай бир оловли эҳтирос борки, аёллар бундай эҳтирос олдида ожиз бўлиб қоладилар ва унга сўзсиз таслим бўладилар. Ҳаётда улар кўпроқ «Дон Жуан» лақабига муносибдирлар. Ёшлири улғайиб борган сари, уларнинг атрофида аёл(қиз)лар шу қадар кўп бўлади. Аёллар бутун борлиги билан уларга интиладилар ва қачонки уларга кераксиз «матоҳ» бўлиб қолганларида изтиробга тушадилар.

**Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги аёл(қиз)лар:**  
Мазкур мучал соҳибалари ўзларининг ички бир кучи, қудрати билан йигитларни, эркакларни ўзларига сеҳрлаб қўяди. Бу ҳаётда уларга нима ва ким керак-лигини жуда яхши биладилар ва ҳар қандай ишни ўзига муносиб кўрсалар, уни бажаришга қатъий равишда ва астойдил киришадилар. Шунинг учун ҳам улар ҳаётлари давомида кўплаб муваффақиятларга, иш жойларида эса ҳурмат-эътиборга эга бўладилар.

Аждарҳо(Балиқ) мучалидаги аёл(қиз)лар амалий ишларни бажаришга мойил бўлиб, уларнинг беандишиликлари ҳам баъзан намоён бўлиб туради. Эскича қарашларни, турли шарт қўйишларни ёмон кўриб, эркин фаолият кўрсатишни ёқтирадилар. Ташқи кўринишлари ҳам ўзгача бўлиб, ҳамманинг ҳаваси келар даражада орастга кийинадилар. Нимани кийисалар, бошқалардан кўра уларга кўпроқ ярашади.

Ҳар қандай вазиятни бошқаришга, назорат қилишга ҳаракат қиласдилар, ўз ҳиссиётларини юзага чиқармасликка ҳаракат қиласалар-да, кимдандир хафа бўлганликларини ташқи қиёфасида дарров билдириб қўядилар. Хафа қилганлардан ҳар қандай йўл билан ўч олишга мойилдирлар. Мазкур мучалдаги аёл(қиз)ларнинг муҳлислари, хушторлари кўп бўлиб, улардан қай бирини ўзларига муносиб кўришга, танлаб олишга қийналадилар.

Аждарҳо(Балиқ) мучалидаги аёл(қиз)лар оила-никоҳ муносабатларига киришганларида ҳам ўз характерларини намоён этадилар ва оиласда ҳукмронликни қўлга олишга интиладилар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Аждарҳо (Балиқ) мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қўйидагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йиллари: 1940, 2000, 2060 йиллар.**

Металл унсуридаги Аждарлар ёрқин шахслар бўлиб, кучли иродага эга бўладилар. Улар табиатан фаол, мағур, жонсарак ва ўз билганинг қолмайдиган бўладилар. Нимани ўйласалар, шуни айтадилар, бальзида эса серзарда бўладилар. Бошқаларниң унинг фикрига қўшилмаганини билан иши йўқ. Ўзи ёлғиз қолса ҳам ҳеч иккиланмай олға юриб бораверади.

Одатда, улар юксак ахлоқий қадрияларга эга бўлиб, маҳаллада, иш жойида, оиласда ва дўстлари ўртасида юксак қадрланадилар ва эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган кишилардир.

***Металл унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йилида туғилганлар бошқаларга нисбатан холисона муносабат билдириб, бир оз босиқроқ бўлсалар зарар қилмайди.***

**2. Сув унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йиллари: 1952, 2012, 2072 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар дўстлашувчан, кўнгли яқин бўлиб, улар билан топишиш, бирон ишни уддасидан чиқиш осон кечади. Улар камдан-кам ҳолларда омадни қўлдан бой берадилар. Нутқлари равон бўлиб, ҳазил-мутойибани яхши тушунмайдилар. Бошқаларга нисбатан сабрли бўладилар ва кўрсатган фалиятининг натижасини қаноат билан кута оладилар.

Ушбу мучалда туғилганларга доимо халақит берадиган ягона нарса бошлаган бир ишидан бошқасига тез ўтиб кетишидир. Йўл қўйган хатосини тушуниб етадилар ва уни бартараф этишга куч топа оладилар.

***Сув унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йилида туғилганлар, муайян бир мақсад йўлида бордиққат-эътиборларини жамлашга ўрганмоқлари лозим, акс ҳолда, ҳаётий масалаларни бартараф этишида қийинчиликларга учрайдилар.***

**3. Ёғоч унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йиллари: 1904, 1964, 2024 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар амалиётчи, бир ишни бошласалар, уни охиригача етказа оладиган, тиришқоқ, меҳнатсевар, камсуқум бўладилар. Баъзан улар қизиқарли, ўзига хос foяларни, фикр-мулоҳазаларни илгари сурадилар, ўз яқинларига ўринли маслаҳатлар бера оладилар.

Кўнгли юмшоқ бўлсалар-да, бирордан ёмонлик кўрсалар, бир умр хотирасидан ўчира олмайдилар ва кек сақлайдилар. Бошқа Аждарларга нисбатан назокатлироқ бўладилар ва ҳазил-мутойибага мояилликлари бор. Улар табиатан бағрикенг, сахий ва хотамтойдирлар. Ўз яқинларидан борини аямайди.

*Ёғоч унсуридаги очиқкўнгил Аждарҳо (Балиқ) лар орамизда қанчалик кўп бўлсалар, шунча яхши. Мазкур мучал эгалари факат ўзларинигина кўзламасликлари, ўз яқинларига ҳам кўпроқ эътибор беришлари тавсия қилинади.*

**4. Олов унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йиллари: 1916, 1976, 2036 йиллар.**

Мазкур мучалдаги Аждарлар ўзларига бино қўйган, мағрур, ҳамма соҳада улгура оладиган кишилардир. Улар табиатан меҳнатсевардир ва қўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўладилар. Улар кучли ирода соҳиблари бўлиб, бошқаларга етакчилик қилиш қобилиятига эгадирлар.

Оловли Аждарларнинг энг катта камчиликларидан бири ўзбилармон бўлиб, жиддий масалаларда ўзгалар фикрини инобатга олмасликдир.

Ушбу мучал йилида туғилганларнинг қўпчилиги санъат ва мусиқага қизиқадилар.

*Олов унсуридаги Аждарҳо (Балиқ) мучал йилида туғилганларнинг қўпчилиги ёпиқ характерга эга бўладилар. Жамиятни ислоҳ қилишларида ўзгалар фикрини инобатга олишлари маслаҳат берилади.*

## **5. Тупроқ унсуридаги Аждархо (Балиқ) мучал ийллари: 1928, 1988, 2048 ийллар.**

Мазкур мучал ийлида туғилган Аждарлар бошқа Аждарларга нисбатан босиқ, ўзларини тута оладиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан доимо воқиф бўладиган, кенг фикрлайдиган ва қўп нарсага қизиқадиган бўладилар.

Улар доимо ўз олдиларига аниқ бир мақсадни қўядилар. Шу мақсад йўлида изчил ҳаракат қила-дилар ва деярли моддий-молиявий муаммоларга дуч келишмайди. Атрофидагилар, яқинлари томонидан доимо қўллаб-қувватланадилар. Улардан ажойиб, омадли бизнесменлар, тадбиркорлар, молия ходимлари чиқади. Аксарият ҳолларда, молиявий бақувват, ўзларига тўқ кишилардир. Тижорат ишларини юритишда улардан фойдаланиш яхши натижалар, катта даромад ва фойда келтиради.

*Тупроқ унсуридаги Аждархо (Балиқ) мучал ийлида туғилганлар кўпчилик билан яхши тил тошишади ва қўплаб дўст-биродарларга эга бўлади.*

**Аждархо (Балиқ) мучалидагилар кимлар билан турмуш қуришлари мумкин ёки бунга тавак-  
кал қилмасликлари лозим**

**АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Аждархо (Балиқ) мучалида туғилганларнинг кўпчилиги ёлғиз яшашларига тўғри келади. Агар, улар ўзлари учун муносиб умр йўлдош танламоқчи бўлсалар, Сичқон мучалида туғилганлардан ортигини топа олмайдилар. Аждархо (Балиқ) мучалидаги жуфтити томонидан олиб келинадиган барча неъматлардан фойдаланиб, уларнинг турли «найранглари»ни, эътиборсизликларини ҳам кўтара оладилар ва пулга бўлган қизиқишлирини рағбатлантира биладилар.

Бундан эса Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар миннатдор бўлади. Ўзаро баҳтли оила қура оладилар.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.**

Сигир мучалидагилар билан оилавий ришталарини боғлаши тавсия қилинмайди. Бундай оилада ҳар соҳадаги ҳукмронлик учун ўзаро кураш кетади. Ўзаро бир-бирларини бўйсундиришга интиладилар ва натижада кўнгил хирадилар тез-тез содир бўлиб туради. Боз устига, осмонда учишга ёки уммонда сузишга интиладиган Аждарҳо (Балиқ)лар учун Сигир мучалидагилар жуда ҳам зерикарли, эскилика берилган ва қўпол туюлади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.**

Йўлбарс мучалидагилар билан қурилган оилада осойишталик бўлади, деб бўлмайди. Оилада турли тўқнашувлар содир бўлиши кутилади. Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар ўз жуфтига тазийқ ўтказишга мойилдир. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.**

Қуён мучалидагилар билан ижобий аҳамиятга эга бўлган оилавий муносабатларни яратишлари мумкин. Қуёнлар ўз жуфтларига нисбатан эътиборли ва фамхўр бўладилар. Аждарҳо (Балиқ)лар учун бу сув билан ҳаводек зарур. Бундан ташқари, Қуёнлар дунёвий қарашга мойил бўлиб, хуш муомала ва сермулозаматдир. Аждарҳо (Балиқ)ларга бундан ортиқ нарсанинг кераги ҳам йўқ. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.**

Икки Аждарҳо (Балиқ)лар битта оила «қафасида» ҳеч қачон муроса қила олмайдилар. Иккиси ҳам ўзларига биноси катта эканлиги, жizzакилиги, бошқаларнинг доимий эътиборида бўлиш истаги кучли экани сабабли ўзаро муроса қила олмайдилар. Ҳеч бир нарсада бир-биридан ортда

қолмасликка ҳаракат қилишлари ҳам ўзаро оилавий муносабатларни таранглаштиради. Шу тариқа улар оилавий можаролар гирдобига фарқ бўлиб кетишлари мумкин. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.**

Илон мучалидагилар билан қурган оилавий ҳаёт муваффақиятли бўлади. Ақлли ва узоқни кўзлаган Илонлар ўз жуфтига ҳар жиҳатдан кўмак бера оладилар. Айниқса, мазкур оилада эр – Аждарҳо (Балиқ) мучалида, хотини эса Илон мучалида бўлса, улар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги эр ўз ёрининг келишган, гўзал аёллигидан фахрланади ва улар ўзаро мос келадилар. Мазкур жуфтлик ўзаро баҳтли оила бўлиб яшайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.**

От мучалидагилар билан ҳам оилавий ҳаётини боғлаши мумкин. Иккиси ҳам эркинликни севади, бири осмонда парвоз қиласа, бири ерда шамолдек елгиси келади. Энг асосийси, ўзаро муносабатларда бир-бирларининг ҳаракат чизигини кесиб ўтмасалар бас. Шунда ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.**

Кучли ва келишган Аждарҳо (Балиқ)лар Қўйларни ўзларига мафтун эта оладилар. Аммо улар ўртасида қурилган оилавий муносабатлардан ҳар иккиси ҳам мамнун бўла олмайди. Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфтининг келишганлиги ва гўзаллигидан Қўй мучалидаги жуфтлари ўзларининг жозибадорликларини баланд кўрадилар. Бундай муносабат Аждарҳо (Балиқ)ларнинг нафсониятига тегади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.**

Маймун мучалидагилар Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги умр йўлдошлари учун ҳар соҳада: севги бобида ҳам,

иш юзасидан ҳам таянч бўладилар. Маймунларнинг айёриклари рўзгор ишларини юритишда фойда ҳам беради. Бир-бирларига жуда ҳам асқотадилар. Буни Маймун мучалидагилар эътироф этсалар ҳам, Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфтни тан олмаслиги мумкин. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.**

Товуқ мучалидагилар билан ҳам кўнгил ришталарини боғлаши мумкин. Уларнинг ўхшаш жиҳатлари бор: иккиси ҳам фаол, ўзларига эътиборли. Шунга аҳамият бериш лозимки, ушбу никоҳ жуфтлигига Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар Товуқ мучалидаги жуфтнига нисбатан кучлироқ саналадилар, гарчи бу Товуқларни у қадар қўрқитмаса ҳам. Бундай жуфтликда эр – Аждарҳо (Балиқ) мучалида, хотин эса Товуқ мучалида бўлса, оилавий мувофиқлик бирмунча юқори бўлади, акс ҳолда эса вақти-вақти билан оилавий келишмовчиликлар юзага келиб туради.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.**

Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар Ит мучалидагилардан узокроқ юришлари тавсия этилади. Ит мучалидагилар Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфтининг қадрига етмайди. «Қанотларини» синдириб, итдек хор қилишлари мумкин. Аждарҳо (Балиқ)лар бунга чидай олмайдилар ва қаҳрли, «ўтли» нафаслари билан ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўладилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

### **АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ – ТЎНФИЗ МУЧАЛИ.**

Илтифотли ва яхши хулқли Тўнфиз мучалидагилар билан ҳам кўнгил ришталарини боғлашлари ижобий аҳамият касб этади. Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги умр йўлдоши Тўнфиз мучалидагиларни ўзига мафтун эта олади ва бундан кўнгли тўлиб яшайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**Аждарҳо (Балиқ) мучал йилида туғилган машҳур ва таниқли шахслар:** Гиппократ, Марк Туллий

Цицерон, Абу Али ибн Сино, Ҳумоюн, Бобораҳим Машраб, Иммануил Кант, Чарльз Дарвин, Ф.Энгельс, С.Боткин, Зигмунд Фрейд, Максим Горький, Маъмиржон Узоқов, Пиримқул Қодиров, шайх ҳазратлари Муҳаммадсодик Муҳаммадюсуп ўғли, Абдуҳошим Исмоилов, Зулайҳо Бойхонова ва бошқалар.

Абдулла Орипов – икки мучал оралифи(1941 йил 21 март)да: Аждарҳо (Балиқ) ва Илон мучаллари алмашинуви даврида туғилган. Бундай ҳолатда туғилганлар – ўта ноёб истеъдод эгалари бўлишлари билан бирга, уларда икки мучалга хос хусусиятлар мужассамлашган бўлади (мазкур ҳолатда – Аждарҳо (Балиқ) ва Илон мучалларига хос хусусиятлар). Бундай шахслар сирли характер соҳиблари бўлиб, уларни бошқалар у ёқда турсин, ҳатто ўзларини ўзи ҳам кўпинча тушуна олмайдилар.

### **ИЛОН МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1905, 1917, 1929, 1941, 1953, 1965, 1977, 1989,  
2001, 2013 йилларда таваллуд топганлар*

Илон Шарқ мучали солномасида донолик, донишмандлик тимсолидир. Айрим шарқ ҳалқлари эса илонга сифинадилар ҳам. Кўхна Яқин Шарқ удумларида, хусусан, Иштар-Астарт (қадимги сурияликлар, финикияликларнинг достонларидағи ҳосилдор ер саховати ва севги маъбути ҳисобланган) маъбути тимсолида илон шакли акс эттирилган. Айнан ана шу тимсол қадимги юононларнинг **Афродита** (қадимги юонон мифологиясидаги севги ва гўзаллик маъбути) тимсолидаги маъбудининг шаклланишига таъсир кўрсатган.

Қадимги Хитойда Илон – жуда айёр, ўта хавфли саналган бўлса ҳам, унга нисбатан ҳурмат билан қаралган. Қадимги Шарқ ҳалқларида ҳам илонларга жуда

эҳтиёткорлик билан муносабат билдирилган ва улар-нинг феъл-авторини одиндан пайқаш қийин бўлган.

Илон мучал йилида таваллуд топганлар камгап, камсуқум ва туғма қобилиятга, донишмандикка, фалсафий дунёқарашга эга бўладилар. Уларда келгусида содир бўладиган воқеа-ҳодисаларни одиндан пайқаш қобилияти ҳам яхши ривожланган. Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар орасида кўплаб экстрасенслар учраши ҳам бежиз эмас. Агар ушбу мучал остида туғилганлар яхши маълумот олсалар, келажакда улардан етук шахслар, авлиёсифат кишилар етишиб чиқади. Бундай шахслар халқ орасида катта обрў-эътиборга, ҳурматга эга бўлади. Улар воқеликда содир бўлган ва бўлаётган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар, фактлардан, атрофда-гиларнинг фикри ва маслаҳатларидан кўра кўпроқ ўзларининг таассуротлари, сезги ва қарашларига таяниб иш кўрадилар.

Оилада ҳам, иш жойида ҳам уларнинг молиявий ҳолати доимо ҳавас қилгудек даражада бўлади. Кўпинча улар димоғдор ва ўзини кўзловчи бўладилар. Кўпроқ бироннинг кўмагисиз ўзларига ишониб иш кўрадилар. Илон мучалидагилар оғир-вазмин бўлиб, ўзларининг ҳаётий фаолиятларини жуда тинч ва бирорлар сазмайдиган даражада олиб боришга ҳаракат қиласидилар.

Ҳаётнинг кўплаб юмушлари, муаммоларини ҳал этишда қатъий ва мақсад сари интиувчандирлар. Доимо олдига қўйган мақсад ва вазифаларини охиригача бажаришга интиладилар ва албатта, унга эришадилар. Муваффақиятсизликка учраганларида эса жуда ҳам қайғурадилар ва ўз хатосини англашга ҳаракат қилиб, яна ва яна мақсад сари интиладилар. Ҳаётнинг кўплаб муаммолари бўйича тезкор қарор қабул қила олмайдилар, балки мулоҳаза юритиб, оғир-вазминлик

билин иш кўриб, тезда ҳаракат қилиш қобилиятига эга. Табиатда ўз ўлжасига ташланган илонни кўрганмисиз? Улар ана шундай тезкор «ҳамла» билан ўз ўлжалари-га эга бўладилар. Атрофдагилар буни ҳатто сезмай ҳам қолишади. Ўз мақсадларига етишларида ерни остин-устун қилиб юборсалар ҳам бари-бир кўзлаган мақсадига етадилар.

Ташқи кўринишидан сипо, хотиржам бўлсалар-да, ичдан жўшқиндиirlар. Жуда хушбичим бўлганликлари кўп ҳолларда оилавий можароларга сабабчи бўлади. Илондек товланган аёлга ким ҳам суқланиб қарамайди, дейсиз. Бундан эса унинг турмуш ўртоги албатта фазабланади ва ўз жуфтини бошқалардан жуда ҳам қизғанади ва рашк қиласди. Ўзлари ҳам рашкчиidlар. Бундай ҳолатлар илон мучалида туғилган аёлларнинг оилавий турмушида тез-тез содир бўлиб туради.

Моддий-икътисодий, молиявий жиҳатдан қийинчиликларга деярли учрамайдилар. Пул, бойликнинг ўзи уларнинг ортидан «қувади». Мазкур мучал эгалари пулнинг «ҳидини» жуда яхши сезадилар ва уларга эга бўлиш йўлларини яхши биладилар. Уларнинг бу борадаги ягона «иллати» – қариган сари жуда ҳам қурумсоқ, хасис, зиқна бўлиб қоладилар.

Қадимдан халқимиз ўртасида: «Ўнгингда кўрсанг – янч, тушингда кўрсанг – ганч», деган нақл айни илонлар ҳақида айтилган. Халқ ўртасида яна шундай қараш борки, қаерда илонлар уяси бўлса, ўша жойда олтин, хазина, бойлик бўлади.

**Илон мучалидаги эркаклар:** мазкур мучал йилида туғилган эркаклар жуда ҳам ҳиссиётли, ёқимли бўлиб, ўзларига умр йўлдош танлашда узоқ вақт сарф қиласдиilар. Қизғин ва жўшқин шахсий ҳаёт кечиришиб, бир кун келиб оила қурганларида ҳаловат топадилар. Ўз табиатларига кўра, рашкчи эканлиги

сабабли уларнинг умр йўлдошларига осон бўлмайди. Ҳазил-мутойибага ҳам мойилликлари бор.

Илон мучалидаги эркакларда бошқаларни ўзларига мафтун қилиб, сеҳрлаб олиш хусусияти мавжуд. Ўз «ўлжасини» жуда тез йўлдан ура оладилар. Мазкур мучал соҳиблари ташқаридан қўллаб-кувватланишга ўргангани сабабли кейинчалик, яъни уни қўлловчиликар топилмай қолганда қийинчиликларга учрайдилар. Шунинг учун улар ўзларига муносиб умр йўлдоши танламоқлари жоиз. У танлаган аёл ёки қиз нафақат мучал ва буржлари билан, балки маълумоти, моддий таъминланганлиги билан ҳам мос келмоги лозим. Мазкур маслаҳатимизни менсимай, эътиборга олмасалар, ҳаётда кўп изтироб ва зарбаларга дучор бўладилар.

**Илон мучалидаги аёл(қиз)лар:** мазкур мучал соҳибалари, файриодатий хусусиятларга эга бўлиб, нозик таъб, такрорланмас ташқи қиёфага эга бўладилар. Ҳар доим дўстлари ва ҳамфикрлари қуршовида бўладилар. Илон мучалидаги аёл(қиз)лар ҳар қандай эркакни ўзларига ром қиладилар ва Худо берган хусусиятлари или мафтун эта оладилар. Уларнинг қизиқиши доираси кенг бўлиб, дўстлари ва яқинларига ақдли маслаҳатлар бера оладилар. Табиатан оғир-вазмин, хотиржам бўлиб, шахсига боғлиқ ишларни ўзгалардан сир тутадилар.

Шуниси эътиборлики, Илон мучалидаги аёл(қиз)лар, умр йўлдошини ўзлари танласалар-да, кўп ҳолда, бу танлов омадсиз бўлади. Бундай ҳолда оиласа боғланиб қолган Илон аёллар ташқаридан ўзларига юпанч қидира бошлайдилар. Оиласа, албатта, етакчилик қилиб, ўзларини ҳимоя қилиш инсктинкти ҳамда бирор баҳона билан жуфтига нисбатан «вишиллаб», захрини ҳам сочиб турадилар. Ўзлари ўрнатган тартиб-қоидага хилоф иш қилинса, тоқат қила олмайдилар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Илон мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуийдагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги Илон мучал йиллари: 1941, 2001, 2061 йиллар.** Мазкур мучал йилида туғилганлар мустақил, иродали, сабр-бардошли, ўта эҳтиёткор, киши билмас ва пайқамас бўладилар. Ўзлари ёлғиз иш юритишни, фаолият кўрсатишни ёқтирадилар. Анча-мунча одамларни ўзларига яқин йўлатмайдилар. Улар ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзларини яхши бошқарадилар, маълум мақсадга йўналтира оладилар. Тезда қарор қабул қила оладилар ва ўзлари учун манфаатли бўлган йўлни танлай биладилар. Металл Илонларнинг молиявий масалалардаги қобилиятлари ҳам диққатга сазовордир. Чунки улар ўзларидаги мавжуд молиявий маблағларини катта фойда келтирадиган соҳаларга сарфлайдилар ва яхши натижаларга эришадилар. Шунинг учун ҳам улар ўзларига тўқ, иқтисодий таъминланган кишилардир ва дабдабани, ҳаётдан ҳузурланишини ёқтирадилар. Ҳашаматли, данғилла-ма уйларда умргузаронлик қиласидилар. Ноёб санъат асаларини, осори атиқаларни, мусиқани ва тансиқ таомларни хуш кўрадилар.

**Металл унсуридаги Илон мучал йилида туғилганлар тор доирадаги содик дўystларига эга бўладилар ва ўз севгандарига, ёқтиргандарига нисбатан ўта ҳотамтой, муруевватли, ҳимматли бўладилар.**

**2. Сув унсуридаги Илон мучал йиллари: 1953, 2013, 2073 йиллар.** Мазкур мучал йилидагиларнинг қизиқиши доираси жуда кенгдир. Улар бутун умрлари давомида берилиб ўқийдилар, илмий тадқиқот ишлари билан шугулланадилар ва ўзлари танлаган соҳанинг

етук мутахассислари бўлиб етишадилар. Улар жуда ақлли бўлиб, яхши хотира соҳибидир ва молиявий, бизнес ишларини яхши тушунадилар. Салмоқди ва секин сўзлайдилар, ўз мақсадларига эришишда кучли характерларини намоён эта оладилар.

*Сув унсуридаги Илон мучал йилида тугилганлар оиласига ва дўстларига нисбатан ўта содикдирлар. Ушбу мучал йилида тугилган умр йўлдошингиз ёки дўстингиз бўлса, уни қадрлай билинг!*

### **3. Ёғоч унсуридаги Илон мучал йиллари: 1905, 1965, 2025 йиллар.**

Мазкур мучал йилидагиларнинг характеристи яхши бўлиб, улар ҳар бир инсоннинг заиф жиҳатларини яхши биладилар. Улар ўткир ақл соҳиблари бўлиб, киришимли, зиёли, иззатталаб, мулозаматни яхши кўрадиган кишилардир. Ўзгаларнинг кўмагисиз, аралашувисиз, маслаҳатларисиз иш кўришни, хотиржам ва барқарор ҳаёт кечиришни ёқтирадилар. Уларнинг қизиқиши доираси кенг бўлиб, кўпроқ санъат соҳаларига мойиллиги бўлади. Эски, ноёб буюмларни тўплашни ёқтирадилар.

*Ёғоч унсуридаги Илон мучал йилида тугилганларнинг ўз яқинларига турли ҳаётий масалаларда берадиган маслаҳатлари ўринли ва қимматли аҳамиятга эга бўлади ва қадрланади.*

### **4. Олов унсуридаги Илон мучал йиллари: 1917, 1977, 2037 йиллар.**

Олов унсурида Илон мучал йилида тугилганлар бошқа Илонларга нисбатан яшовчанлиги юқори, фаол-ҳаракатчан, иззатталаб шуҳратпаст, мағур, ўзларига ишонган ва ҳар қандай вазиятда ўз фикрини ҳеч иккиланмай билдира оладиган бўладилар. Ўзлари ёқтирмайдиган кишиларга нисбатан эса қўполроқ бўладилар. Улар меҳнат жамоаларида ёрқин етакчи, раҳбар кишилардир. Олов унсурида Илон мучал йилида туғилган

раҳбар ходимларнинг ишончли ва асосли фикрлари бошқалар, қўл остидагилар томонидан ҳурмат ва эътибор билан олқишиланади.

Олов унсуридаги Илон мучал йилида туғилгандарнинг ҳазил-мутойибага ҳам мойилликлари кучли. Уларнинг дўстлари кўп бўлади ва жамоат ишлари билан фаол шуғулланадилар. Шунингдек, улар саёҳатларни ҳам жон-дили билан яхши кўрадилар.

**Олов унсуридаги Илон мучал йилида туғилгандар кўп нарсалардан норози, ношукур бўлмасдан ҳаракат қилмоқлигини маслаҳат берамиз.**

#### **5. Тупроқ унсуридаги Илон мучал йиллари: 1929, 1989, 2049 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар жуда дўстлашувчан, элпатак ва ёқимтой бўладилар. Иш жараёнига нисбатан жуда масъулиятли бўладилар. Ҳар қандай вазиятларда ва ҳар қандай ишда уларга тўла ишониш мумкин. Улар яшин тезлигида қарор қабул қилишни ёқтиирмайдилар, баъзан эса эътиборсизлик қиласидилар. Шундай бўлса-да, мазкур унсурдаги Илонлар орасида яхши молиячилар, бизнесменлар кўп учрайди. Уларнинг дўстлари кўп бўлиб, ўз оиласи ва яқинларига нисбатан садоқатли ва олиҳимматлидилар.

**Тупроқ унсуридаги Илон мучал йилида туғилгандар кўпроқ эътиборли ва ҳушёр бўлишилари тавсия қилинади.**

**Илон мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қилмасликлари дозим**

**ИЛОН МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагилар билан оилавий бахтини синааб кўришлари мумкин. Илон мучалидаги жуфтини

севиб қолганлиги учун Сичқон мучалидагилар уларнинг барча инжиқликларирига чидаши мумкин. Севги шунчалар қудратлидир. Аммо Илонларнинг зуфум ўтказишларини Сичқон мучалидагилар кўтара олмайдилар ва унга «емиш» бўлишни ҳам истамайдилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ИЛОН МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Сигир мучалидагилар билан оила-никоҳ ришталарини боғласалар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Темир қафасда яшагандай туюлса ҳам ўзларини хавфсиз, ҳар жиҳатдан таъминланган, деб биладилар. Илон мучалидагилар оила бошлиқдиги лавозимини бажонидил ўз жуфтига топширадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ИЛОН МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалидагилар билан ўзаро мувофиқ келмайдилар. Йўлбарслар илонларнинг ҳаётий тамойилларини ва турмуш тарзини барбод қиласадилар. Уларнинг бир-бирларига мувофиқ тушадиган жиҳатлари йўқ, ўзаро уйғун эмаслар. Йўлбарс ва Илон мучалидагиларнинг ўзаро бир-бирларини севиб қолишлари жуда ажабланарлидир.

**ИЛОН МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Қуёнлар ҳам илон мучалидагилар учун муносиб жуфт бўла оладилар. Иккиси ҳам қулай шарт-шароитни, шинамликни севадилар ва қадрлайдилар. Қуён мучалидагилар дўстлари ва улфатлари билан тез-тез бирга бўлиб, Илон мучалидаги жуфтларини ўз ҳолига қўядилар.

**ИЛОН МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Мазкур жуфтликнинг оилавий ҳаёти осон кечмайди. Иккиси ҳам ўз ҳолича яшашлари учун бир-бирларига халақит берадилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ИЛОН МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Икки илон битта оилавий «қафасда» яшай олмайдилар. Ҳар иккисининг ҳам ўзгаларга кўрсатадиган ноз-карошмалари, ишвалари, бир-бирларига панд беришлари,

охир-оқибат, оилавий ришталарнинг узилишига олиб келади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ИЛОН МУЧАЛИ - ОТ МУЧАЛИ.** От мучалидагилар билан қурилган оиладан ҳам яхшилик кутиб бўлмайди. От мучалидагиларнинг вафодорликларига нисбатан Илон мучалидагилар кўп бора панд беришлари мумкин. Бундан огоҳ бўлган Отлар бошлари оқсан томонга кетишлари кутилади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ИЛОН МУЧАЛИ - ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар ўзига тўқ ва бадавлат бўлса, Қўйлар уларнинг атрофида парвона бўладилар. Пул ва бойлик олдида қўйлар ўзларининг инжиқликларини ҳам эсдан чиқаридилар ва тўкис ҳаёт кечиришлари учун оилавий ришталарини маҳкам бофрайдилар.

**ИЛОН МУЧАЛИ - МАЙМУН МУЧАЛИ.** Жуда хавфли ва қалтис жуфтлик. Ўзаро мувофиқ тушмайдилар ва бир-бирларига зиён етказадилар. Уларнинг ўзаро бир-бирларига хуружлари иккисини ҳам абгор қилиши мумкин. Бирон- бир мақсад йўлидагина ўзаро тил топишишлари мумкин.

**ИЛОН МУЧАЛИ - ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалидагилар билан қурилган оила муваффақиятли саналади. Иккиси ҳам доимо бир-бирлари билан курашадилар. Бу кураш яратувчиликка қаратилганилиги сабабли ижобий аҳамият касб этади. Ўзаро бир-бирларидаги камчилик ва нуқсонларни йўқотишга кўмаклашадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ИЛОН МУЧАЛИ - ИТ МУЧАЛИ.** Ит мучалидагилар билан ўртамиёна ҳаёт кечирадилар. Итлар вафодорликлари ва жуда ҳам бофланиб қолганликлари сабабли Илон мучалидагилар бошқача ҳаётни сезмай ўтадилар.

**ИЛОН МУЧАЛИ - ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Тўнгиз мучалидагилар билан ҳам тил топишишлари мумкин.

Шуниси эътиборга моликки, Тўнфизлар илоннинг «домига» тушиб, сеҳрланиб қоладилар ва унинг иродасига бўйсунадилар. Ақл ва зеҳн бобида Илонларга ета олмайдилар.

**Илон мучал йилида туғилган машҳур ва таниқли шахслар:** Абу Наср Форобий, Бибихоним (Сарой-мулкхоним), Лаплас, И. В. Гёте, Авраам Линкольн, Д.И. Менделеев, К.Э. Циолковский, Муҳаммадизо Огаҳий, Мустафокамол Отатурк, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Моҳандас Ганди, Индира Ганди, Жон Кеннеди, Комилjon Отаниёзов, Тамарахоним, Ўткир Ҳошимов, Беназир Бхутто ва бошқалар.

## **ОТ МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1906, 1918, 1930, 1942, 1954, 1966, 1978, 1990,  
2002, 2014 йилларда таваллуд топганлар*

Шарқ халқарида отларга алоҳида эътибор қартилган бўлиб, ҳатто улар илоҳийлаштирилган, файритабиий кучга эга, деб ҳисобланган. Отларга хос бўлган «тижинглаб» туриш, оловдек ёрқин қўриниши, иш қобилиятига эга бўлиш, чидамлилик каби хусусиятлар инсоннинг қўлидан келмайдиган жиҳатлардир. Шунинг учун ҳам мазкур мучал йилида туғилган кишиларда юқорида баён қилинган хусусиятлар мужассамлашгандек туюлади.

Шарқ мучал тақвими бўйича От – ҳақиқатпарварлик, адолатпарварлик рамзиdir. Мазкур мучал йилида туғилганлар ёқимтой, кўпчиликни ўз ортидан эргаштира оладиган, жамоатчиликнинг диққат-эътиборида бўлишга интиладиган, қатъий, кўп ҳолларда эса ўжар ва қайсар, ноҳақ бўлсалар ҳам ўз айтганидан, билганидан қолмайдиган бўладилар. Жаҳллари чиққанда отдай кишинаб, баланд овозда сўзлайдилар ва ҳатто бақирадилар ҳам. Ўзини

қўзловчи бўладилар. Улар ақлли, қобилиятли, ҳар нарсага уқувлари етадиган кишилардир. Шунингдек, ҳаётнинг ҳар қандай масалалари бўйича қўпчилик билан баҳслаша оладиган, тортишадиган кишилардир. Доимо ўзларини ҳақман, деб ҳисоблайдилар.

Яна шуниси эътиборлики, мазкур мучал йилида туғилган тенгдошлар, синфдошлар, курсдошлар узоқ йиллар давомида ўзаро дўстлик ришталарини боғлаб, тез-тез учрашиб турадилар, гап-гаштаклар, тўй-маросимларни биргаликда, ҳамжиҳатликда ўтказиб борадилар. Худди отлар гала-гала сурув бўлиб юрганлариdek.

Баъзан иккilanадилар ҳам. Бошқалар уларга эътибор беришларини ёқтирадилар. Одамлар орасида бўлишни севадилар. Мазкур мучал йилида туғилганлар жисмоний ҳаракат билан боғлиқ машгулотларни, спорт билан шуғулланишни севадилар. Уларнинг қизиқиши доиралари шу қадар кенгки, ўйлаб топган лойиҳаларини амалга ошириш учун уларда доимо вақт ва куч, маблағ етишмайди. Улар доимо одамларни дол қолдиришга, ўйлаб топган ишлари билан қўпчиликни ҳайрон қолдиришга ҳаракат қиласидилар ва кўп ҳолларда шунга эришадилар ҳам.

Камдан-кам ҳолларда молиявий масалаларда муаммоларга дуч келадилар. Моддий жиҳатдан таъминланганиклирага қарамай, ўзларининг молиявий ҳолатидан қониқмайдилар. Саёҳатларни хуш кўрадилар ва ҳеч кимнинг оёғи етмаган жойларга саёҳат қилишни орзу қиласидилар.

Ҳар қандай рақибни «туёқлари» остида мажақлаб ташлашга тайёр бўладилар. Бошқаларнинг ҳис-туйфулати, манфаатлари уларни кам қизиқтиради. Ҳаёти давомидаги энг муҳим мақсади – ўз «устидаги», зиммасидаги юкини манзилга эсон-омон олиб борса бас.

**От мучалидаги эркаклар:** От мучалидаги эркаклар ўз жуфтларига нисбатан эътиборли, ғамхўр

ва меҳрибон бўлишлари билан бирга, ўзларининг мустақиллиги ва эркинликларини сақлаб қолишга интилиб худбинникка мойилдирлар. Табиатан мустақил бўлиб, бошқаларнинг маслаҳатларига қулоқ солмайдилар, гарчи ноҳақ бўлсалар-да, ўз билганичча ва ўйлаганларича иш кўрадилар. Уларнинг ижобий жиҳатлари: меҳнатсевар, ҳақиқатгўй ва латофатлидирлар. От мучалидаги эркаклар оила курганларида оила тимсолидаги кичик бир дунёning тўла ҳукмдори бўлишни ва бу дунё унинг ҳукми остида айланишини истайдилар.

**От мучалидаги аёл(қиз)лар:** От мучалидаги аёл(қиз)лар хушбичим, истараси иссиқ ва жозибадор бўладилар. Улар ақлли, ўқимишли, киришимли, яхши сұхбатдош бўлиб, санъат асарларини яхши тушунадилар.

Мазкур мучал соҳибалари ўзларининг ташқи кўринишларига, қоматларига ҳамда кийинишга эътиборли бўлиб, сайру саёҳатларни севадилар.

Кўплаб ижобий характерга эга бўлсалар ҳам табиатан худбиндирлар ва кўп ҳолларда ўзларини тута олмайдилар. Баъзи ҳолларда уларга дам олиш зарурити туғилади. Буни ёддан чиқармасликлари лозим.

От мучалидаги аёл(қиз)лар ўзлари билан тенг ёки юқори табақадаги оиладан умр йўлдош қидирадилар. Севги бобида жуда ҳам жўшқиндирлар. Ўз севгилисига етишиши учун ҳар қандай ишдан ёки эришган мавқеидан воз кечиб, бор куч-ғайратларини ишга соладилар. Улардаги бундай хусусият кўп ҳолларда баҳтсиз ҳодисаларга ҳам олиб келиши мумкин. Бундай хусусиятини етарлича қадрлай олмаган киши От мучалидаги аёл(қиз)ларга озор етказишлари мумкин. Бунинг оқибатида улар бошқаларга ишонмай қўядилар. От мучалидаги аёл(қиз)лар фақат оғир-босиқлик билан ўз баҳтини топишлари мумкин.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, От мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қўйидагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги От мучал йиллари: 1930, 1990, 2050 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар абжир, дадил, мардонавор, қатъий, тўғри ва дангал бўладилар. Улар иззатталаб бўлиб, ўз билганларича иш тутишни ёқтирадилар. Металл унсуридаги Отлар эркесвар бўлиб, шахсий ишларига ташқаридан бўладиган ҳар қандай аралашувларни ёқтирмайдилар. Шунинг учун уларнинг шахсий ҳаётига аралашмаганингиз маъкул.

Мазкур Отларнинг кўп соҳалар бўйича қобилияти бўлиб, ўз билганларидан қолмайдилар, қайсар ва чўрткесар бўладилар. Шунингдек, улар ижтимоий фаол кишилардир. Жамоат ишларида фаол қатнашадилар ва қўплаб дўстларга эгалар.

**Металл унсуридаги От мучал йилида тугилганлар атрофидагилар билан муросаи мадора қилишга, шунингдек, ўз ҳиссиётларини бошқаришини ўрганмоқлари лозим.**

**2. Сув унсуридаги От мучал йиллари: 1942, 2002, 2062 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар дўстлашувчан ва ҳазил-мутойибага мойил бўладилар. Улар ҳар қандай ҳаётий мавзуларда ҳар ким билан баҳс-мунозара қилишга тайёрдирлар. Доимо ўзларини ҳақман, деб ҳисоблайдилар.

Сув унсури От мучал йилида таваллуд топганлар ишбилармон кишилар бўлиб, бизнес соҳасида жуда ҳам яхши ва муваффақиятли фаолият юритишлари мумкин. Ҳаётий масалаларда «Ўйчи ўйланиб ўтиргунча, таваккалчи ишини битирибди», деган нақлга

амал қылганлари ҳолда күпам ўйланиб ўтирмасдан, вазиятни қўлдан бой бермасдан иш тутадилар.

Йиллар давомида ўз режа ва қизиқишиларини, маълум масалалар юзасидан фикрларини ва муносабатларини ҳам ўзгартиришлари кутилади. Сув унсуридаги Отлар ўзларининг ташқи кўринишларига, кийинишиларига эътиборлидирлар. Улар саёҳат қилишни, спорт билан шуғулланишни ва очиқ ҳавода ишлашни ёқтирадилар.

*Сув унсуридаги От мучал йилида тугилгандар сабр-тоқат қилишини, бир ишни ёки соҳани маҳкам ушлаб, ўз қизиқиши ва фаолиятини бир йўналишга қаратиши мақсадга мувофиқ.*

**3. Ёғоч унсуридаги От мучал йиллари: 1954, 2014 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар мучалдошлирига қараганда ройиш, дўстлашувчан, одамлар билан тез тил топишидиган бўлади. Улар ёшлик чоғидан меҳнаткаш, виждонли, ҳақиқатпарвар кишилардир.

Ушбу мучал йилида туғилган Отлар кенг мушоҳадага эга бўлиб, уларнинг миясида ажабтовур foялар пайдо бўлади. Фаол жамоат ишлари билан шуғулланадилар. Улар юксак ахлоқий қарашга эга бўлган кишилардир.

*Афсуски, ёғоч унсуридаги От мучал йилида тугилгандарнинг барча қарашлари, гоялари амалга ошавермайди, гарчи улар ўзининг муҳим аҳамиятига эга бўлса ҳам.*

**4. Олов унсуридаги От мучал йиллари: 1906, 1966, 2026 йиллар.**

Мазкур мучал йилида таваллуд топганларга олов унсери ўзининг ҳароратли хусусиятини беради. Шунинг учун улар оловдек шиддатли, ёрқин ва фаол бўладилар. Улар улуғвор ва буюк шахслардир. Ўзла-

рининг қатъий, ўткир заковати билан қўпчиликни қойил қолдирадилар. Улар доимо фаол кишилардир.

Уларнинг қўпполликлари ҳам бўлиб, ўтакетган тиришқоқ, гайратли ва тўғридирлар. Шахсий ҳаётига бирорларнинг аралашишига йўл қўймайдилар. Бошқаларнинг буйруқ беришларига, гап ўргатишларига ҳам тоқат қила олмайдилар, гўёки эгарланмаган ёввойи тулпор каби.

Олов унсуридаги мучал йилида туғилганлар ёрқин ва таниқли шахс бўлиб, ҳазил-мутойибага мойил бўладилар ва жамоат ишлари билан фаол шуғулланадилар.

*Олов унсуридаги От мучал йилида туғилганлар кўплаб етук инсоний фазилатларга эга бўладилар. Уларда бир оз босиклик етишимайди.*

**5. Тупроқ унсуридаги От мучал йиллари: 1918, 1978, 2038 йиллар.**

Мазкур мучал йилида тавалдуд топганлар олов унсуридаги мучалдошларига нисбатан анчайин босик, ўзларини ушлай оладиган, гўёки қўлга ўргатилган хонаки отлар каби бўладилар. Бошқаларига қараганда улар ўзларининг мулоҳазакорлиги, босиклиги, донолиги билан ажralиб туради. Журъатли бўлмасалар-да, улар туфма молиячи, бизнесмен ва тадбиркордирлар. Ўз дўстларига ва оила аъзоларига нисбатан жонкуяр ва меҳрибон бўладилар, уларнинг оғирини енгил қилишга доимо тайёр бўладилар.

*Тупроқ унсуридаги От мучал йилида туғилганлар бир оз қатъийроқ бўлиши, ўзига ишонишлари тавсия қилинади.*

**От мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қылмасликлари лозим**

**ОТ МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** От мучалидагилар, айниңса, олов үнсүридагилар Сичқон мучалидагилар билан оила-никоқ муносабатларини боғламасликлари маслаҳат берилади. Бундай оилавий муносабатларнинг охирин яхшилик билан тугамайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ОТ МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Сигир мучалидагилар билан оила қуришлари тавсия қилинмайди. Чунки Сигир мучалидагилар оиласда ҳукмронлик ўрнатишга ва ўз жуфти устидан тўла хўжайин бўлишга интиладилар. Улар ўзаро бир-бирларини тушуна олмайдилар. Отлар мустақиллик ҳисси қучлилiği билан бирга, ҳар жойда етакчилик қилишга интиладилар. Бундай оилавий муносабатлар узоққа бормайди.

**ОТ МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалидагилар билан оилавий муносабатларда уйғунлик мавжуд. Бундай оила-никоқ жуфтлигига Йўлбарслар ўз рашкчилигини бошқара билишлари, От мучалидагилар эса ўз жуфтининг фикр ва мулоҳазаларини эътиборга олиши талаб қилинади.

**ОТ МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Қуён мучалидагилар ҳам От мучалидагилар учун муносиб бўлиб, ўзаро мос тушадилар. Қуёнлар тез-тез дўстлари ва улфатлари билан бўлганда, От мучалидаги жуфтининг эркин фаолият кўрсатиши учун имконият бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ОТ МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар билан оила қурганларида, улардан камроқ ўзларини қўзлашлари, ўз жуфтига кўпроқ эътиборли бўлишлари талаб этилади. Бунда Отлар Аждарҳо(Балиқ) мучалидаги жуфтлари-

дан фахрлана билишлари талаб этилади, айниұса, Аждархо(Балиқ) мучалидаги аёл киши бўлса.

**ОТ МУЧАЛИ - ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан оила-никоҳ ришталарини боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки Илонлар оилавий муносабатларда қатъий эмаслар. От мучалидаги ўз жуфтини қанчалик севиб, унга содиқ бўлмасин, Илонлар ўзларига ташқаридан «ўлжа» қидирадилар. Қачонки, Илон мучалидагилар ўз жуфтининг вафодор ва ишончлилигининг қадрига етган тақдирдагина оиласда барқарорлик юзага келади.

**ОТ МУЧАЛИ - ОТ МУЧАЛИ.** Икки От мучалидагилар ўртасида қурилган оилавий муносабатлар жўшиқин кечса ҳам мукаммал деб бўлмайди. Уларнинг худбинликлари, ўз манфаатини кўзлаши оилавий муносабатларда ҳам ўзини намоён этади. Ўзаро қўнгил ришталарини боғлашлари мумкин, аммо бундай оиласда қўплаб зиддиятлар юзага келиб туради.

**ОТ МУЧАЛИ - ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагилар билан баҳтли оила қуришга умид қылсалар бўлади. Улар ўзаро ўхшаш бўлиб, бир-бирларини қўллаб-куватлайдилар ва оилавий муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қиласидилар. Қўй мучалидагиларнинг инжиқликларини Отлар ўзларининг худбинликлари или бартараф эта оладилар.

**ОТ МУЧАЛИ - МАЙМУН МУЧАЛИ.** Маймун мучалидагилар Отларга у қадар мувофиқ эмас. Оилавий муносабатларда ўз жуфтларининг айёрик, удда-буронлик, устомонлик каби жиҳатларини кўтара олишлари қийин кечади. Иккиси ҳам бир-бирларини ҳеч қачон тушуна олмайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ОТ МУЧАЛИ - ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалидагилар билан ҳам оилавий ришталарини боғлашлари маслаҳат берилмайди. Иккиси ҳам бошқа-бошқа

одамлардир. От мучалидагилар ўз жуфтларига нисбатан севги, муҳаббатга жиддий қарайдилар, Товуқ мучалидагилар эса бошқалар кўзига ярқ этиб ташланишни ёқтирадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ОТ МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Ит мучалидагилар билан бахтли оила қуришлари кутилади. Иккиси ҳам бир-бирларига нисбатан мустақил ва ўз муаммолари билан машғул бўладилар. Табиатан рашикчи эмаслар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ОТ МУЧАЛИ – ТЎНФИЗ МУЧАЛИ.** Тўнфиз мучалидагилар билан оила қуришга таваккал қиласликлари маслаҳат берилади. От мучалидагиларнинг худбинилкларини Тўнфиз мучалидаги жуфтлари қабул қила олмайдилар ва уларнинг оиласидин муносабатлари узоқча бормайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**От мучал йилида туғилган машҳур ва таниқди шахслар:** Абулқосим Фирдавсий, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд, Баҳовуддин Нақшбанд, Жомий, Лутфий, Исаак Ньютон, Амир Умархон (Қўқон хони, шоир), Иоганн Фихте, Ф. Шопен, В.И. Ленин, Абдулла Қодирий, Эмиль Кио, М.С. Горбачев, Борис Ельцин, А.Г. Лукашенко, Муҳаммад Юсуф ва бошқалар.

## **ҚЎЙ МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1907, 1919, 1931, 1943, 1955, 1967, 1979, 1991,*

*2003, 2015 йилларда таваллуд топганлар*

Шарқ халқларида қадимдан ҳозиргacha қўйлар одамлар ва бўриларнинг емиши саналиб, ювошлиги, қаноатлилиги, бош эгиши, итоаткорлиги билан қадрланиб келинган. Шундай сифат ва фазилатлар мазкур мучал йилида туғилганларга ҳам хосдир.

Мазкур мучал йилида таваллуд топганлар истеъододли кишилардир. Улар бой ҳаётий тасаввурга,

ҳиссиётга, түгма қобиляйтта эга бўлиб, гўзаллик шайдосидирлар.

Қўй мучалида туғилганлар Шарқ мучал тақвимига кўра – тасвирий санъат бўйича түгма иқтидор ва қобиляйтта эга бўладилар. Улар тортинчоқ, тушкунликка бериувчан, мутаассибликка мойил бўладилар. Қўй белгисидаги эркакларни (аёлларни ҳам) кўпроқ файритабиий ва сирли ҳодисалар қизиқтиради. Мабодо, эгаллаган касби ёки соҳаси шулар билан боғлиқ бўлса, яхши мутахассис бўлиб етишадилар. Масалан, астрология, валеология (узоқ умр кўриш тўғрисидаги фан соҳаси), космогония, нумерология, туш таъбири, психология, психоаналитика, психотерапевтика, парапсихология, ижтимоий психология, уфология, хиромантия каби фан соҳалари шулар жумласидандир.

Ҳаётий муаммолар олдида худди қассоб олдида оёқ-қўли боғланган қўй каби ўзларини ожиз, нажотсиз кўрадилар. Улар юмшоқ характерга эга бўлиб, табиатларида инжиқлик кўп бўлади ва ота-оналари, яқинлари томонидан ҳозирлаб қўйилган қулайликларни ёқтирадилар.

Яхши таъбга эга бўлиб, ўзлари қизиқиб танлаган касби бўйича мароқ билан ишлайдилар. Мулоҳазали ва кўнгилчандирлар. Аксарият ҳолларда улар моддий жиҳатдан таъминланган бўладилар. Улар бошқаларга ёқадилар ва атрофидағи яқинларига тобе бўладилар.

Ҳаётда мустақил бўлишга қийналадилар. Уларда масъулият ҳисси, ташаббускорлик, ирода каби хусусиятлар кам бўлиб, кўпроқ ташқи, атроф-муҳит таъсирида бўладилар. Шунинг учун ҳам улар жамоатда ишлашни маъқул кўрадилар. Чунки жамоат томонидан улар қўллаб-қувватланадилар. Мабодо, қўллаб-қувватловчи, ёрдам берувчилар бўлмаса, улар қашшоқлик ва муҳтожликда кун кечирадилар.

Мазкур мучал йилида туғилғанлар орасида ёзувчилар, шоирлар, артистлар, юқори табақалар орасида юрувчи, улар ҳисобидан күн күрувчи аёллар күп учрайди. Уларнинг ҳаёти, тақдирин ўзларидан кўра, кўпроқ атрофидагиларга боғлиқ бўлади.

**Қўй мучалидаги эркаклар:** Мазкур мучалда туғиған эркаклар кўнглига ёққан машғулот билан ёки умуман нима билан шуғулланиш кераклигини тезда ҳал эта олмайдилар. Гарчи улар ҳамма билан ҳам чиқишидиган, муросали бўлсалар-да, ўзларининг қатъий тамойиллари, одатлари ва қарашлари бор. Агар сиз унинг билан бирга яшашга аҳд қилган бўлсангиз, албатта ана шуларни ҳисобга олишингиз зарур. Ўз характерларига кўра, мазкур мучал соҳиблари тартиб-интизомга у қадар риоя қилмайдиган, иш ёки ўқишига доимо кеч қолиб келадиган бўладилар.

Қўй мучалида туғилған эркакларнинг ҳаёти кўпроқ ота-онасига, яқинларига боғлиқ бўлади. Уларнинг ҳар жиҳатдан, айниқса, моддий-молиявий жиҳатдан ёрдамларига муҳтождирлар. Ўз табиатларига кўра жуда ҳам нозиктаъб, журъатсиз бўлғанликлари сабабли уларни руҳий босим остига олиш мумкин эмас. Уларнинг ҳаётий хавфсизлиги таъминланса, ҳар қандай турмуш шароитига мослаша оладилар.

**Қўй мучалидаги аёл(қиз)лар:** бу аёл(қиз)лар қўйдек «ювош», том маънода гўзаллик ва нағислик тимсолидирлар. Қўй мучали – аёл(қиз)лар мучали саналади. Ушбу мучалда туғилған аёл(қиз)лар, атрофидагиларни ўзларига сеҳрлаб оладилар. Улар жуда ҳам ёшлиқ чоғидан ўзларига эътибор бериб, ҳамманинг дикқат марказида бўлишга интиладилар.

Молиявий масалаларда қийинчиликларга учрайдилар. Чунки бу борада улар нўноқ бўлиб, ҳеч бир нарсани ўзлари мустақил ҳал эта билмайдилар ва доимо уларга кимларнингдир раҳнамолик қилишла-

рига муҳтож бўладилар. Биринчи рақамда бўлиш – улар учун эмас.

Мазкур мучалдаги аёл(қиз)ларнинг хушторлари, мухлислари кўп бўлиб, уларнинг қайси бирини ўзига муносиб, деб танлашга жуда қийналадилар. Қўй белгисидаги аёл(қиз)лар журъатсиз, жуда ҳам ишонувчан, нозиктабиат, тантиқ ва инжиқдирлар. Ўз шахсий ҳаётини йўлга қўйишга қийналадилар. Яқинлари, ота-онаси, ака-укалари ва бошқалар томонидан улар қўллаб-қувватланиши, ҳар жиҳатдан ёрдам бериб турилиши лозим бўлади. Чунки бу аёл(қиз)ларга тўкин ҳаёт ва қулай яшаш шароити жуда ҳам керак.

Қўй мучалидаги аёл(қиз)лар уй, рўзғор учун ярамайдигандек туюлиши мумкин. Доимо ҳам шундай эмас. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётини, вақтини оиласи ва уйига бахш этадилар. Уй ишларини бажарадилар, ажойиб, хуштаъм овқатлар тайёрлайдилар, болаларга қарайдилар, уйни саранжом-саришта қиладилар. Табиатларига кўра, бу аёл(қиз)лар жуда ҳам меҳмондўст бўлиб, уларнинг уйидан меҳмонлар аримайди.

Мазкур мучалда туғилган аёл(қиз)лар ичida аслзода ва киборлар даврасини хуш кўриб, улар ҳисобидан кун кечирадиганлари ҳам учрайди.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Қўй мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуидагилардан иборат.**

### **1. Металл унсуридаги Қўй мучал йиллари: 1931, 1991, 2051 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ҳар ишни ақл тарозиси или тортиб, астойдил, синчиклаб, тиришиб амалга оширадилар. Ўзлари танлаган соҳа, ихтисослик билан боғлиқ барча вазифаларни ўз вақтида

бажаришга интиладилар. Ўзларига ишончлари бў-лишига қарамай, кўпинча арзимаган нарсалардан ҳам хавотирланадилар, ваҳима қиласидилар. Оиласи ва ҳамкасларига нисбатан хайриҳоҳдирлар. Шунинг учун ҳам уларнинг дўстлари кўп. Уларнинг хонадони доимо шинам ва дид билан безатилган бўлади. Эски, тарихий, санъат асарларини, осори атиқаларни ийифишни ёқтирадилар.

*Металл унсуридаги Қўй мучал йилида туғилганлар арзимас нарсаларга, муаммоларга кўпам ташвишланмасликлари тавсия этилади. Агар бирон-бир муаммога дуч келсалар, ўз ёғига ўзи қовурилишини бас қилиб, атрофидаги яқинларига мурожаат этишлари мақсадга мувофиқ.*

**2. Сув унсуридаги Қўй мучал йиллари: 1943, 2003, 2063 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар жуда ҳам эл-пatak бўлиб, тезда ва кўп дўстлар ортиради. Манфаатли, сердаромад ишларни олдиндан сезиш қобилиятiga эга. Аммо бошлаган ишларини доимо ҳам охиригача олиб бормайдилар.

Дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ, уйда ҳам, иш жойида ҳам тинчликни, ҳаловатни ёқтирадилар. Ўтиш давридаги каби ўзгаришлардан эса қийналадилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда уларга ҳавас қилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир кунимизда ва ҳар жойда шиддат билан ўзгаришлар юз бермоқда.

Сув унсуридаги Қўй мучалида туғилганлар ҳазил-мутойибага мойилдирлар ва болалар билан ҳам тез тил топишадилар.

*Сув унсуридаги Қўй мучал йилида туғилганлар ўзларини бир йўналиш бўйлаб сафарбар қилишга, диққатларини жалб этишга ва бошлаган ишларини охиригача етказиб бажаришга ўрганмоқлари маслаҳат берилади.*

### **3. Ёғоч унсуридаги Қўй мучал йиллари: 1955, 2015, 2075 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар бафрикенг, очиққўнгил кишилар бўлиб, доимо хизматингизга тайёрдирлар. Уларнинг дўстлари, таниш-билишлари кўп бўлиб, кўплаб соҳалар бўйича фаолият кўрсата оладилар. Ўта ишонувчан бўлганликлари сабабли ўзгалар таъсирига ҳам осон тушиб қоладилар. Молиявий масалаларда омадли бўладилар ва одамлар билан осон ва тез тил топишади.

*Ёғоч унсуридаги Қўй мучал йилида туғилганлар ҳаётий масалаларда муваффақиятларга эришишилари учун маълум бир жиҳатдан иш бошқаршини ҳам уddyасидан чиқа олишлари зарур. Шунинг учун ҳам ҳадеб бирорвларнинг айтганига сўзсиз бўйсунавермасдан, ўз ақл-заковатлари билан ҳам йўл тутишлари керак бўлади.*

### **4. Олов унсуридаги Қўй мучал йиллари: 1907, 1967, 2027 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ҳаётда ўзлари учун нима зарурлигини жуда ҳам яхши биладилар. Шунинг учун ҳам кўпинча улар ўз мақсадларига етишлари учун ўзларидаги жозиба, дилбарликларидан унумли фойдаланадилар. Бу борада ушбу мучалда туғилган аёл (қиз)ларнинг олдига тушадиганлари йўқ.

Уларнинг характерлари жуда қувноқ, ҳаммага ёқадиган, киришимли, дилкаш бўлиб, тўй-йифинларда, қувноқ давраларда иштирок этишни ёқтирадилар. Олов унсуридаги Қўй мучалида туғилганларнинг салбий жиҳатларидан бири, кераксиз нарса ва буюмларга кўп маблағ сарфлайдилар.

*Олов унсуридаги Қўй мучал йилида туғилганлар ўз мақсадларига етишишиларида жуда ҳам бой ва чексиз бўлган ўй-хаёллари домига тушиб қолмасликка ҳаракат қилмоқлари лозим. Бу*

*борада атрофидаги яқинларининг маслаҳатларига ҳам қулоқ солишлари тавсия этилади. Чунки атрофдагиларнинг фикр ва маслаҳатлари хаёлий қарашлардан кўра маъқулроқдир. Шунингдек, турмуш ва рўзгор учун у қадар керак бўлмайдиган нарса ва буюмларга ортиқча пул сарф қилиши ҳам дуруст эмас.*

### **5. Тупроқ унсуридаги Қўй мучал йиллари: 1919, 1979, 2039 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ўз яқинларига, оила аъзоларига нисбатан жуда эътиборли, жонкуяр ва меҳрибондирлар. Атрофдагилар наздида доимо яхши таассурот қолдирадилар. Ўз оиласи ва дўстларидан жонларини ҳам аямайдилар. Ишончли, масъулиятли ходимлардир.

Тупроқ унсуридаги Қўй мучалидагиларнинг камчиликларидан бири пул билан боғлиқ олди-бердиларни у қадар яхши билмайдилар. Фақат сарф-харажат қилишни қойиллатадилар.

Мазкур мучал соҳибларининг қизиқиш доираси жуда кенг ва хилма-хилдир. Ўз яқинларидан кимгандир яқиндан ёрдам беришдан ҳузур қиласи ва кўмагини аямайди.

*Тупроқ унсуридаги Қўй мучал йилида туғилганлар ўз хоҳишлиарини, кўнгил истакларини жиловлай олишилари маслаҳат берилади. Акс ҳолда уларда ҳеч қачон пул туриш бермайди. Чунки уларда ўзлари хоҳлаган нарсаларига эга бўлиши истаги кучлидир.*

## **Қўй мучалидагилар кимлар билан турмуш қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қиласликлари лозим**

Мучаллар ичида Қуён, От, Товук ва Тўнғиз мучалида туғилганлар билан баҳтли ҳаёт кечиришлари кутилади. Ана шу мучал эгалари билан оила қуришлари тавсия этилади.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагининг қанча пули, даромади ва бойлиги Қўй мучалидагиларни, айниқса аёл(қиз)ларни бефарқ қолдирмайди. Чунки Қўй мучалидагилар оиласвий мунносабатларда тўқислик, моддий-молиявий таъминланганлик шароитида ўзларини яхши ҳис этадилар. Аммо Сичқонлар ўз жуфтининг бундай эркаликларига чидай олмаслиги мумкин. Уларнинг ўзаро узоқ вақт баҳтли ҳаёт кечиришлари қийин кечади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагиларнинг инжиқликлари ва беқарорликларини Сигир мучалидагилар кўтара олмайдилар. Сигир мучалидагилар Қўй мучалидаги умр йўлдошига нима кераклигини бир умр билмаслиги мумкин. Қўй мучалидагилар эса Сигир мучалидагилар билан бирга яшаганларида ўз жуфтидан фахрлана олмасликларидан, уларда хушмуомалалик етишмаслигидан азият чекадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагилар Йўлбарсларга мос тушадигандек туюлади. Чунки Қўйлар ювош, нозиктаъб, жинсий жиҳатдан кўзга яқин, эҳтирослидирлар. Қўй мучалидагиларга унинг билан фахрланишлари, унга мафтун бўлган мухлислар қанча кўп бўлса, шу қадар хуш ёқади. Йўлбарслар эса рашқчидирлар ва бундай ҳолатга тоқат қила олмайдилар. Ўз жуфтининг рашқ бо-

бидаги таъна-дашномларидан Қўй мучалидагилар изтироб чекадилар. Уларнинг иккиси ҳам бундай ҳолатга узоқ чидай олмайдилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Қуён мучалида туғилганлар билан ўзаро бир-бирларига яқинлаштирувчи омил – иккисининг ҳам артистлик маҳорати, санъатга иштиёқмандлик каби жиҳатларидир. Қуён мучалидагилар Қўйларнинг хаёлпастлиги, бой тасаввурга эгалигини ёқтирадилар. Қўй белгисидагилар эса, мазкур мучалдаги жуфтининг эҳтиёткорлиги, ҳар қандай вазиятга тўғри баҳо бера олишилиги каби хислатларини қадрлайдилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинади.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Кучли ва келишган Аждарҳо (Балиқ)лар Қўйларни ўзларига мафтун эта оладилар. Аммо улар ўртасида қурилган оиласи муносабатлардан ҳар иккиси ҳам мамнун бўла олмайди. Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфтининг келишганлиги ва гўзаллигидан Қўй мучалидаги жуфтлари ўзларининг жозибадорликларини баланд кўрадилар. Бундай муносабат Аждарҳо (Балиқ)ларнинг нафсониятига тегади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидаги ўзига тўқ ва бадавлат бўлса, Қўйлар унинг атрофида парвона бўладилар. Пул ва бойлик олдида Қўйлар ўзларининг инжиқдикларини ҳам эсдан чиқарадилар ва тўқис ҳаёт кечиришлари учун оиласи ришталарини маҳкам боғлайдилар.

**ҚЎЙ МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** От мучалидагилар билан бахтли оила қуришга умид қиласалар бўлади. Улар ўзаро ўхшаш бўлиб, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар ва оиласи муаммоларни биргаликда ҳал этишга ҳаракат қиласадилар. Қўй мучалидагилар-

нинг инжиқликларини Отлар ўзларининг худбиниклари ила бартараф эта оладилар.

**ҚҮЙ МУЧАЛИ – ҚҮЙ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганлар ўзларига түқ, моддий жиҳатдан таъминланган бўлсалар, улар ўртасида қурилган оиласда ўзаро интифоқлик, осойишта ҳаёт ҳукм суради. Бир-бирларидан фахрлана оладилар. Асосий муаммо – ким-кимга таянч бўлишда. Чунки улар кимгадир суюниб, кимнингдир ҳомийлиги остида яшашга мояйлдирлар. Бир-бирларининг камчиликларига чида бояшашга тўғри келади.

**ҚҮЙ МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Мазкур мучалдагилар биргаликда яшасалар, ҳеч қачон зерикмайдилар. Қўй мучалидагиларнинг бой тасаввурлари, Маймун мучалидагиларнинг ўткир мушоҳадаси ўзаро уйғун тушади. Оилавий ҳаёт қизиқарли кечади. Улар ажойиб дўст бўла оладилар. Оилавий муносабатларда ва севги бобида эса Маймун белгисидагилар ўз жуфтларининг барча талабларини бажаришга қурбилиари етмайди. Қўй мучалидаги жуфтининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини доимиий равишда таъминлай олмайди. Ўзаро оилавий муносабатлар узоққа бормайди.

Оилада эр – Қўй, хотин эса Маймун мучалида туғилган бўлса, Қўйнинг ижодкорлигини хотини у қадар қадрламайди. Маймун мучалидаги аёлга чаққон, уддабурон, топарман-тутармон эр кўпроқ маъкӯл келади.

Оилада эр – Маймун, хотин эса Қўй мучалида туғилган бўлса, Қўй мучалидаги аёл эридан кўп нарса талаб қиласди. Маймун мучалидаги эр ўз жуфтининг сахийлиги ва очиқкўнгиллигидан усталик билан фойдаланади. Қўй мучалидаги аёл эса, ҳеч нарсага эга бўлмайди.

**ҚҮЙ МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалидагилар билан қурилган оиласда ҳам турли мураккабликлар юзага келиши кутилади. Қўй мучалидаги

(аёлини) жуфтини тўқис баҳтли қилишлари учун Товуқдар молиявий жиҳатдан бақувват бўлишлари талаб қилинади. Товуқ мучалидагилар Кўйларни тушуна олмайдилар. Ўз жуфтидан моддий-молиявий жиҳатдан таъминланган Кўй мучалидагилар бунинг эвазига ҳеч бир нарса бера олмайдилар.

Оиласда эр – Кўй, хотин эса Товуқ мучалида туғилган бўлса, бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Бунда Кўй мучалидаги эр ўз жуфтини ҳамманинг олдида «ярақлаб» кўзга ташланишига йўл қўймайди. Оиласда эр – Товуқ, хотин эса Кўй мучалида туғилган бўлса, айниқса, севиб турмуш қурган бўлсалар, бори топган-тутганини ўз жуфти оёқлари остига ташлайди.

**КўЙ МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганлар ўзаро баҳтли ҳаёт кечира олмайдилар. Ит мучалидаги Кўйларнинг хаёлпарамастлигига тоқат қила олмайди. Чунки Итлар амалий хатти-ҳаракатларга мойилдирлар. Кўй мучалидагилар эса ўз жуфтларидан ҳеч қандай манфаат кўрмайдилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**КўЙ МУЧАЛИ – ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Кўйларни қизиқтирган нарса Тўнгиз мучалидагиларнинг бойлиги, пулидир. Ўзига тўқ бўлган Тўнгизлар билан Кўй мучалидагилар беташвиш, яхши шарт-шароитда яшашларини биладилар. Бундан ташқари, Тўнгиз мучалидаги жуфти Кўй белгисидагиларнинг инжиқликларини ҳам кўтарадилар. Маслаҳатимиз инжиқликлар бобида Кўйлар ҳаддиларидан ошмасинлар. Акс ҳолда Тўнгиз мучалидаги жуфтининг ҳам сабр косаси тўлади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**КўЙ мучал йилида туғилган машҳур ва таниқли шахслар:** Эпикур, Христофор Колумб, Зебунисо, Фурқат, Ф.В. Шеллинг, Артур Конан Дойл, Мигель Сервантес, А.П. Чехов, Сергей Есенин, Омон Матжон, Войжантемала, Артур Григорян, Артур Таймазов ва бошқалар.

## **МАЙМУН МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУГИЛГАНЛАР**

*1908, 1920, 1932, 1944, 1956, 1968, 1980, 1992,  
2004, 2016 йилларда таваллуд топғанлар*

Мазкур мучал йилининг тимсоллари кўпқирралидир. Маймун – қоронгулик, онгсиз фаоликни намоён этиб, бунёдкор ёки аксинча, бузғунчи куч бўлиши мумкин. Мантиқ, ақл ва онгсизлик чегарасида турган кучни қайси йўналишга қаратилиши билан боғлиқ бўлган мучал йилидир.

Қадимдан Хитойда маймунларга яхши соғлиқ, ҳар томонлама муваффақият ва ҳимоя воситаси сифатида қарабланган. Маймунлар хаёлий белги остида туғилганлар сарасига кирган. Улар жуда ҳам қизиқувчан ва содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўладилар. Маймунлар ўзига хос ақдга эга бўлиб, мустақил бўлишга интилади. Улар ажойиб хотираға эга ва кимлардир томонидан қилинган яхшилик ёки ёмонликни бир умр ёдида сақлайдилар, ҳаттоки, айтилган бир оғиз сўзни ҳам. Шунинг учун мазкур мучал йилида туғилганлар билан хоҳ у ёш бола ёки ўқувчи бўлса ҳам жуда эҳтиёткорлик билан муомала қилиш талаб этилади. Тартиб-қоидалар улар учун аҳамиятсизdir, ҳеч қандай тартиб-қоидаларга амал қилмай, ўз билганиларича ҳаёт кечирадилар.

Маймун мучал йилида таваллуд топғанлар – табиатан хушбичим, чиройли ва ажойиб хусусиятларга эга бўладилар. Ўзига хос қилиқлари билан яқинларida, атрофдагиларда яхши таассурот қолдирадилар. Бошқаларга керакли маслаҳатлар берсалар-да, ўз билганиларича иш тутадилар.

Умрининг биринчи ярмида енгил-елпи ҳаёт тарзи билан кун кечирадилар. Иккинчи ярмида эса асосан ҳаёт ташвишлари, меҳнат ва оила юмушлари, фарзандларини уйлаб-жойлаш каби турмуш

ташвишлари билан банд бўладилар. Ҳаётнинг турли муаммоларига дуч келганда, зудлик билан қарор қабул қилишга қодирдирлар. Ҳаёти давомида ўзининг хатти-ҳаракати, мاشаққатли меҳнати билан кун кечирадилар.

Севги бобида кўпинча баҳти келишмайди. Ўз йўлига сола олмаган, айтганини бажармаган умр йўлдошидан кўп бор ранжийди ва узил-кесил қарор қабул қилишга қодир эмас. Ўзгаларнинг камчиликларини, хатоларини дарҳол сезадилар ва уларга тоқат қила олмайдилар. Чунки барча ишларни ўzlари тўқис бажаришларига ишонадилар. Улардан ўзини баланд тутади. Ҳазил-мутойибага ҳам мойилдирлар.

**Маймун мучалидаги эркаклар:** мазкур мучалдаги эркаклар, атрофдагилар оддида яхши таассурот қолдиришни истайдилар ва бунга эришадилар ҳам. Яхши хотирага, илмга эга бўлиб, ҳазил-мутойибага ҳам мойилдирлар. Шунинг учун ўзгалар ишончига тез кирадилар. Оилада баҳтли ҳаёт кечиришлари учун эса уларга қўпроқ эркин фаолият юритишларига имкон бериш мақсадга мувофиқ.

Мазкур мучал соҳиблари хали ҳеч ким қилмаган ишларни амалга оширишга ва шу билан ҳаммани лол қолдиришга интиладилар ва бу уларнинг қўлларидан келади. Маймун мучалидаги эркаклар меҳнатсевар бўлиб, мансаб-марtabаларга у қадар интилмайдилар. Ўзлари қизиққан ва эгаллаган соҳаси, касби ва ихтисосликлари бўйича юксак муваффақиятларга эришадилар. Ҳаёти давомида баъзан молиявий қийинчиликларга учраса-да, жамиятда яхши мавқега эга бўла олади.

**Маймун мучалидаги аёл(қиз)лар:** улар ақлли, фаросатли ва зийракдирлар. Уларнинг фикр ва мулоҳазалари, ўринли таклифлари яқинлари томонидан яхши қадрланади. Аниқ ва ишончли хатти-ҳара-

катлари туфайли ўз мақсадларига эриша оладилар. Мазкур мучалдаги аёл(қиз)ларнинг қизиқиши доира-лари кенг бўлиб, ўз фояларини ҳаётга жорий этишга шошиладилар.

Маймун мучалидаги аёл(қиз)лар бир нарсага жуда тез қизиқиб, бел боғлаб, ундан тез совийдилар. Эски нарсалардан воз кечиб, янги мэрраларни дадиллик билан эгаллашга ҳаракат қиласидилар. Уларнинг энг ишонган макони оиласидир. Шунинг учун ҳам улар эрта турмушга чиқиб, мансаб-мартабаларга интил-майдилар. Фарзандлари кўп бўлишини истаб, уларга яхши тарбия берадилар. Мазкур мучалдаги аёллар қувноқ ва ҳамманинг ҳаваси келарли даражада баҳт-ли оила барпо қила оладилар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Маймун мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуидагилардан иборат.**

### **1. Металл унсуридаги Маймун мучал йиллари: 1920, 1980, 2040 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар узоқ умр кўрадилар, агар соғлиқлари учун заарли бўлган одатларга эга бўлмасалар. Кеккайган, ўзларига бино қўйган, доно, ўз кучига ишонган бўладилар. Металл унсуридаги Маймун мучалида туғилганлар кучли иродага эга бўлиб, ҳаёти давомида олдиларига қўйган мақсадлари сари интиладилар ва машақватли меҳнат фаолияти олиб борадилар.

Мазкур мучал соҳиблари жамоада эмас, балки ўзлари мустақил, индивидуал иш фаолияти юритишни севадилар. Улар оғир жисмоний меҳнатдан ҳам қочмай, тер тўкиб ишлайдилар. Ўз яқинларига, оиласига нисбатан эътиборли ва меҳрибондирлар.

**Металл унсуридаги Маймун мучал йилида туғилганлар ўзларига керагидан ортиқ ишониб**

**юбормасдан, атрофидаги яқинларининг ҳам фикрларини эътиборга олишлари маслаҳат берилади.**

**2. Сув унсуридаги Маймун мучал йиллари: 1932, 1992, 2052 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ўта сезгир, эҳтиросли бўлиб, бошқа мучалдошлирига нисбатан тартиблироқдир. Улар ҳаётлари давомида бекордан-бекор сангимасдан, бир мақсад сари интиладилар. Ўз фикрларини ҳамма билан ҳам баҳам кўравермайди ва «ичимдагини топ», дейдиганлардан. Бировлардаги камчиликларни ҳам тез илгайди ва танқид қилишга ҳам мойилдирлар.

**Сув унсуридаги Маймун мучал йилида туғилганлар атрофидаги одамлар билан ўз муносабатларини яхшилашлари учун уларнинг огирини енгил қилишга кўмаклашиб туриш маслаҳат берилади.**

**3. Ёғоч унсуридаги Маймун мучал йиллари: 1944, 2004, 2035 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар моҳир, тараққийпарвар, ишбилармон, масъул кишилар бўлиб, доимо янги билимларни эгаллашга интиладилар ва бой тасаввурга эга бўладилар. Бошлаган иши ўзи хоҳлаганича бўлмаса, ундаги иштиёқ тез сўнади ва сабри тугаб, тушкунликка тушиш эҳтимоли бор. Улар енгил-елпи йўл билан осон муваффақиятга эришиш учун таваккалчиликка ҳам баъзан жазм қиласидилар. Сайру саёҳатлар қилишни жуда ҳам ёқтирадилар. Ўз дўстлари ва ҳамкаслари ўртасида ҳурмат ва эътиборга эга кишилардир.

**Ёғоч унсуридаги Маймун мучал йилида туғилганлар учун тушкунликка тушмасдан, кўпроқ некбинлик, яъни, доимо келажакка ишонч билан қарааш маслаҳат берилади. Бошлаган**

*ишингиз ўзингиз ўйлагандай кетмаётган бўлса, дарров ҳафсалангиз пир бўлмасдан, атрофин-гиздагилар билан бамаслаҳат йўл тутишингиз лозим.*

#### **4. Олов унсуридаги Маймун мучал йиллари: 1956, 2016 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ақлли, ҳаётий куч – қувватга эга бўлиб, бошқаларнинг хурмат-эътиборига ортиқча қийинчиликсиз эриша оладилар. Улар жуда бой тасаввурга эга бўлиб, қизиқиш доираси ҳам кенгdir. Олов унсуридаги Маймун мучалидагилар атрофида кечеётган воқеа-ҳодисалардан яхши хабардор бўлиб, қизиқувчандирлар. Ўзига хос қайсарликлари ҳам бўлиб, иродасига, айтганига бўйсунмайдиган қўл остидагиларни яксон қилиш қудратига ҳам эгадирлар. Ушбу мучал йилида туғилганлар ўз ёрига вафодордир.

#### ***Олов унсуридаги Маймун мучал йилида түгилганлар камроқ қайсарлик ва кўпроқ сабртоқат қилишилари маслаҳат берилади.***

#### **5. Тупроқ унсуридаги Маймун мучал йиллари: 1908, 1968, 2028 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар қизиқувчан, ўқишига интиувчан, ўзи севган касби, мутахасислиги бўйича юксак натижаларга эриша оладиган бўладилар. Бошқа мучалдошларига нисбатан камсукум бўлиб, бегалва ва салмоқли ишлар билан шуғуланишни ёқтирадилар.

Уларнинг юксак тамойилларга асосланган қарашлари, жонкуярлиги, юксак қалб соҳиби эканлиги, бева-бечораларни қўллаб-қувватлаши каби хислатлари атрофидагилар томонидан юксак қадрланади. Тупроқ унсуридаги Маймун мучалида туғилганлар молиявий ва бизнес соҳаларида омади келади, кексалик чоғида эса ҳар жиҳатдан таъминланган бўладилар.

**Тупроқ унсуридаги Маймун мучал үилида түгилғанлар учун эҳтирослироқ бўлиши тавсия қилинади.**

**Маймун мучалидагилар кимлар билан турмуш қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари дозим.**

**МАЙМУН МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Маймун мучалидагиларнинг Сичқон мучалида туғилғанлар билан ўзаро оиласвий ришталари уйғун ва улар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Маймун мучали соҳиблари Сичқон мучалидагилар устидан кулсалар ҳам уларни ўзларига ром қила оладилар. Маймуннин жон-дилидан, бир умрга севиб қолган Сичқонлар ўз йўлдошини кечирадилар. Маймунлар эса Сичқон Мучалидаги жуфти олдида ўзларини жуда ҳам қулай ҳис этадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Маймун мучалида туғилғанлар Сигир мучалидагиларни ўзларига мафтун эта оладилар. Чунки маймунда бор хислатлар Сигирда йўқ-да. Шунинг учун Сигир мучалидагилар Маймунларга ошиқу бекарор бўладилар. Аммо Маймунлар Сигирларга тинчлик бермайдилар. Агар Маймун мучалидагиларнинг Сигир мучалидагиларга нисбатан кўнгиллари бўлса, бундай жуфтлик баҳтли ҳаёт кечиради. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарслар севги бобида ҳам, дўстликда ҳам, иш юзасидан ҳам, Маймун мучалидагиларга ишонмасликлари керак. Бу борада Маймунлар Йўлбарс мучалидаги жуфтларига ҳар жиҳатдан панд берадилар. Аммо оиласда Йўлбарс мучалидаги – эркак, Маймун мучалидаги – аёл бўлса, ўзаро бир-бирларига нисбатан сабр қилишса, ҳар иккиси ҳам баҳтли бўладилар. Бундай

оилаларда Маймун мучалидаги аёллар Йўлбарс мучалидаги умр йўлдошларини мансаб пиллапояларидан кўтарилиб боришларига ҳар жиҳатдан қўмаклашадилар.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ҚУЁН МУЧАЛИ.** Тиниб-тинчимаган Маймун мучалидагиларга нисбатан Қуён мучалидагилар анчайин хотиржамдирлар. Улар ўртасида оила қуриш ҳолатлари учраб туради. Маймунлар ўйинни севадилар, Қуёнлар эса эркинликни кўпроқ ёқтирадилар. Шунинг учун улар ўртасида қизиқарли оиласи муносабатлар юзага келади. Қуёнлар ўз жуфтининг найранглари ва галамисликларини кўтара олмасликлари сабабли улар ўртасидаги никоҳ узоқча бормайди.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Маймун мучалидагилар Аждархо (Балиқ) мучалидаги умр йўлдошлари учун ҳар соҳада: севги бобида ҳам, иш юзасидан ҳам яқин маслаҳатчи ва таянч бўладилар. Маймунларнинг айёриклари рўзгор ишларини юритишда фойда беради ва ўз жуфтининг қудратидан усталик билан фойдаландилар. Улар ўзаро оиласи турмушда бир-бирларига жуда ҳам асқотадилар. Буни Маймун мучалидагилар эътироф этсалар ҳам, Аждархо (Балиқ) мучалидаги жуфти тан олмаслиги мумкин. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Жуда хавфли ва қалтис жуфтлик. Ўзаро мувофиқ тушмайдилар ва бир-бирларига зиён етказадилар. Уларнинг ўзаро бир-бирларига хуружлари иккисини ҳам абгор қилиши мумкин. Бири – олов, бири – муз. Бири – донишманд ва ҳисоб-китобли (Илон), бири – қизиққон ва жўшқин (Маймун). Бирон-бир мақсад йўлидагина ўзаро тил топишилари мумкин. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** От мучалида-гилар Маймун белгисидагиларга мувофиқ тушмайды. Ўзаро оилавий муносабатларда От мучалидаги умр йўлдошларининг тўғрилиги, ҳақиқатпарварлиги каби хислатларига нисбатан ўзларининг айёрик, уддабуронлик, устомонлик каби жиҳатлари билан панд беришлари мумкин. Иккиси ҳам бир-бирини ҳеч қачон тушуна олмайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Мазкур мучалдагиларнинг оилавий муносабатларида бир қанча зиддиятлар мавжуддир. Масалан, севги бобида Маймун белгисидагилар ўз жуфтларининг барча талабларини бажаришга қурбилири етмайди. Айниқса, Қўй мучалидаги жуфтигининг турмуш моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ томонларини доимий равишда таъминлай олмайдилар. Маълум бир вақт Қўй мучалидаги жуфтигининг хаёлий қарашлари билан кўнгилхушлик қилиши мумкин. Аммо бу узоқ йиллар бахтли яшайди, дегани эмас.

Оилада эр –Қўй, хотин эса Маймун мучалида туғилган бўлса, Қўйнинг ижодкорлигини хотини у қадар қадрламайди. Маймун мучалидаги аёлга чаққон, уддабурон, топармон-тутармон эр кўпроқ маъқул келади.

Оилада эр – Маймун, хотин эса Қўй мучалида туғилган бўлса, Қўй мучалидаги аёл эридан кўп нарса талаб қилади. Маймун мучалидаги эр ўз жуфтигининг сахийлиги ва очиқкўнгиллигидан усталик билан фойдаланади. Қўй мучалидаги аёл эса ҳеч нарсага эга бўлмайди.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Икки бир хил мучалдагиларнинг ўзаро оилавий ҳаёти қизиқарли кечади. Ўзларининг ақдли, этпчил, жўшқин ва ҳаракатчанликлари сабабли турмушларини ёрқин таассуротлар билан тўлдирадилар. Шунингдек, уларнинг жисмоний, жинсий майлари ҳам ўзаро мос тушади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Уларнинг ўзаро оилавий муносабатлари мураккабдир. Маймунлар бирорларнинг устидан кулишга, масхара қилишга одатланган. Уларнинг бундай хусусиятлари Товуқ мучалидагиларга мутлақо ёқмайди. Маймунлар бирорвга бўйсунмасликка одатланганлар. Товуқ мучалидагиларда эса ҳукмронлик ҳисси кучли. Шунинг учун ҳам уларнинг ўзаро оилавий ҳаётида зиддиятлар, ўзаро келишмовчиликлар бисёр бўлади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучал эгалари билан ўзаро кўнгил ришталари боғланганда кўпроқ Ит мучалидагилар зарап кўрадилар. Агар Маймунлар ўз жуфтига нисбатан эътиборлироқ бўлса, Ит мучалидагилар садоқат билан жавоб қайтарадилар.

**МАЙМУН МУЧАЛИ – ТЎНФИЗ МУЧАЛИ.** Маймун мучалидагиларнинг Тўнфиз мучалидагиларга нисбатан хурмати баланд бўлади. Шундай бўлса-да, баъзи-баъзида Маймунлар ўз жуфтларини алдаб ҳам турадилар.

**Маймун мучал йилида туғилган машҳур ва таниқди шахслар:** Юлий Цезарь, Ҳожа Убайдулло Аҳрор Валий, Леонардо да Винчи, Жордано Бруно, А.И. Герцен, Гарри Трумен, Файзулла Хўжаев, Яҳё Фуломов, Мирзакалон Исмоилий, Зикир Муҳаммаджонов, Эдвард Кеннеди, Ражив Ганди ва бошқалар.

### **ТОВУҚ МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1909, 1921, 1933, 1945, 1957, 1969, 1981, 1993,  
2005, 2017 йилларда таваллуд топганлар*

Мазкур мучал йили Хитой иероглифларида улкан дарахт шаклида белгиланган ва у нурафшон тонг, баҳор ҳамда Шарқ деган маъноларни ўзида мужассам этган. Дарахт эса яшнаш ва яшариш, яратиш иштиёқининг кучайиши, ривожланиш ва интилиш-

ларнинг аъло самараси сифатида тавсифланган. Товуқ мучал йили қатъиятли кишиларга муваффақиятлар келтиради.

Қадимги манбаларда Товуқ мучал йили янгиланиш, ўзгаришлар йили деб ҳам юритилган. Зеро, Товуқ мучалида таваллуд топган кишиларнинг кўпчилиги ушбу йилда кийинишдан тортиб, одамлар ичидаги ўзларини тутиш, овқатланиш ва ҳаттоқи сўзлашиш услубларида ҳам янги қиёфа касб этишади.

Қадимги Хитой манбаларида қайд қилинишича, товуқ (хўроз) – мағурур, ўзига ишонган ва ҳамиша хушкайфиятда юрадиган кишилар тимсоли.

Товуқ мучал йилида туғилганлар мақтанчоқ, кеккайган ва калондимоф бўлсалар-да, матонатли, жасур ва тўғри сўздирлар. Мазкур мучалда туғилганларга довюраклик, журъатлилик, мардлик хос. Улар чуқур фикрловчи ва истеъодди шахслардир. Ҳаётнинг ҳар бир масаласига, ҳодисаларига жиддий муносабатда бўладилар. Меҳнатсевар, ўзлари қизиққан соҳа бўйича ҳормай-толмай ишлайдиган кишилардир. Ҳар қандай юмушни қилишга киришадилар ва бошлаган ишини охиригача олиб борадилар. Ўзини бошқалар сезишларини, иззат-икромни севадилар. Ўзига хос ташқи кўринишга, кийинишга эътибор берадилар. Муваффақиятсизликдан ҳам чўчимайдилар ва бошлирига тушган ҳар қандай қийинчиликни мардонавон туриб, енга оладилар. Уларнинг иродалари жуда ҳам кучли бўлиб, битмас-туганмас қувватга эгадирлар. Нима ўйласалар, шуни рўй-рост гапирадилар. Ҳаддан ташқари тўғрисўз бўлганликлари туфайли ҳақиқатни суймайдиганлар билан тўқнашувларга ҳам сабабчи бўладилар.

Товуқ мучалидагилар турма етакчилардир. Бироқ кўл остидаги кишилар билан тил топишишлари қийин. Улар воқеалар ривожини аниқ ҳисоб-китоб-

ларга асосланиб баҳолашса-да, вазиятга қараб иш тута олмайдилар. Бу уларнинг ўта қайсарликлари туфайлидир. Ўз дунёқарашларини эркин ифодалаш учун жонидан ҳам кечишга тайёр турадиган кишиларнинг аксарияти шу мучал вакиллари эканлиги ҳам юқоридаги фикримизга асос бўла олади.

Ушбу мучал йилида туғилганлар ўзаро бир-бирларига тоқат қила олмайдилар, тенгдошлар ўзаро бирлаша олмайдилар. Фараз қилинг, юзта товуқ ва хўрозни кенг далага қўйиб юборсангиз, улар ҳар томонга тарқалиб кетади, ўз ризқини териш билан банд бўлади. Хўролар эса бир-бирлари билан аёвсиз «жанг» қилишга шай бўлади. Иккита хўролар билан ҳеч қачон муросага кела олмайди. Инсонлар ҳаётида ҳам шундайдир.

Товуқ мучалидагилар ички дунёси билан эскилил тарафдоридилар. Ҳеч кимга ишонмайдилар. Ҳамма нарсада, ҳаёт муаммоларини ҳал этишда ҳам факат ўзларигагина ишонадилар. Саргузаштларни севадилар, айниқса, муҳаббат бобидаги саргузаштларга ўч бўладилар. Ёдингизда сақланг, ҳаётда хўролар, бутун бошли «харамига» эга бўлишни хоҳлайди. Севги бобида омадлидилар. Хўролар аёллар даврасида бўлишни ёқтирадилар ва уларнинг барчасига эгалик қилишни орзу қиласидар. Айниқса, хўролар кўпчиликнинг диққат марказида бўлишни ёқтиради, шу боисдан мақтov эшитиш уларнинг жону дилидир.

Пул, бойлик уларга ўз-ўзидан келавермайди. Машаққатли ва тинимсиз меҳнати эвазига маблағ топадилар. Шунга монанд мазкур мучалдагилар ҳам шундай тинимсиз ҳалол меҳнатлари эвазига рўзгор тебратадилар.

Ушбу мучал эгалари ўзларини қизиқтирган муайян соҳа ва мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлсалар, уларнинг ҳаёти, айниқса, кексалик

даври ҳаловатли ўтади ва кўп нарсаларга, хусусан, молиявий маблағга, шон-шуҳратга эга бўладилар. Акс ҳолда, оддий, ўзига бино қўйган, мутакаббир, ҳаётдан аламзада шахс бўлиб қолаверади.

**Товуқ мучалидаги эркаклар:** хўroz каби савлат тўкиб юрадилар. Ён-атрофидагилар эътиборини тор-тадиган даражада дид билан кийинадилар. Ўзларини мутлақ ҳақман, деб биладилар. Мазкур мучал соҳиблари қилаётган ишлари моҳиятини ва унинг оқибатини яхши билишади. Ўзларига бино қўйишларининг сабаби ҳам шунда. Ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда улар ҳақ бўлиб чиқадилар. Ақл-заковатлари туфайли теварак-атрофдаги одамларда уларга нисбатан қизиқиш уйғонади. Уларга мақтансноқлик ҳам хосдир. Кўп ишлаб толиқадилар ва токи саломатликларини тикламагунларича ҳеч нарсага қўли бормайди. Фикру хаёллари фақат ўз саломатликларини қандай қилиб бўлмасин, тиклаш ҳақида бўлади. Бу эса ўзларига жиҳдий эътибор билан қараш кераклгини англатади.

Товуқ мучалидаги эркаклар аёлларга алоҳида эътибор билан қарайдилар ва (гўёки хўроздар каби) «ўз ҳарамига» эга бўлишни бир умр орзу қилиб яшайдилар. Уларнинг ичидаги бу орзуга эришганлар ҳам талайгина. Кўпроқ аёл(қиз)лар даврасида бўлиш инстинкти кучли. Ҳаётлари давомида молиявий-иктисодий, шон-шуҳрат ва севги-муҳаббат соҳаларида яхши кунларни ҳам, маҳзун кунларни ҳам бошлиридан кечирадилар.

**Товуқ мучалидаги аёл(қиз)лар:** мазкур мучал соҳибалари гўзал, тароватли, орзу-ҳавасли, нозик таъбидирлар.

Товуқ мучалидаги аёл(қиз)лар ўз уйи, оиласи бўлишини орзу қиласидилар. Аммо севимли ёрни излаб топишда қийинчиликка дуч келишади. Чунки уларнинг жўшқинлиги, товуқдай «қаққиллашлари»

панд бериши мумкин. Шунингдек, оилада уларнинг етакчилик қилишга бўлган майллари ҳам ўз баҳтига зомин бўлиши мумкин. Мабодо, умр йўлдоши севса, бунга кўникиши мумкин, акс ҳолда эса, бундай «дахмаза»нинг баҳридан ўтади.

Товуқ мучалидаги аёл(қиз)лар ажойиб ташкилотчи бўладилар. Уларнинг уйи доимо саранжом-саришта, аъло даражада тартибли ва шинам бўлади.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Товуқ мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуийдагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги Товуқ мучал йиллари: 1921, 1981, 2041 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар меҳнатсевар, ўз ишига масъулиятли ёндашадиган бўладилар. Ҳаётда нима учун яшаётганларини жуда яхши биладилар. Бошлиган ишларини охиригача олиб боришга қодирдирлар. Металл унсуридаги Товуқ мучалидаги кишиларнинг бизнес ва молиявий соҳаларида ҳам омадлари келади. Улар умумжамият ишида ўзларининг салмоқли ҳиссасини қўшадилар ва дўстларига содик бўладилар.

**Металл унсуридаги Товуқ мучал йилида туғилганлар ҳар доим ҳам ўз айтганида қаттиқ туриб олмасдан, бошқалар билан муроса қилиши маслаҳат берилади.**

**2. Сув унсуридаги Товуқ мучал йиллари: 1933, 1993, 2053 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ўзларига хос сўзлашув оҳангига эга бўлиб, одамлар билан жуда тез муомалага кириша оладилар. Улар ўз табиатига кўра, ақлли, ўқишига, билим олишга иштиёқманд бўлиб, турли даражадаги давра сухбатлари, мунозараларда ўз фикр ва гоялари билан қатнаша оладилар.

Үз мақсадига етишлари учун кечаю кундуз тинмай тер түкиб меҳнат қиладилар. Ҳазил-мутойибага ҳам мойилликлари кучли ва атрофидагилар томонидан ҳурмат-эътиборга сазовор бўладилар.

*Сув унсуридаги Товуқ мучал йилида тугилганлар кўп вақтларини бўлар-бўлмас ишларга беҳуда сарф қилишишади. Боз устига, ҳеч қандай асоссиз, бўлар-бўлмасга хавотирланадилар, вахима қиладилар. Бундай ҳолатга тушшишлари эса уларнинг саломатлигига зиён етказиши мумкин.*

### **3. Ёғоч унсуридаги Товуқ мучал йиллари: 1945, 2005, 2065 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ҳақиқатпарвар, иззатталаб, ишончли ва одамийликка хос бўлган кўплаб фазилатларга эга. Ҳаёти давомида бажариш ўта мушкул бўлган вазифаларни ўз олдига қўядилар.

Ёғоч унсуридаги Товуқ мучалидагиларнинг қизиқиши доираси жуда кенг бўлиб, сайру саёҳатларни, табиат манзараларини, санъат асарларини, гўзал аёлларни ёқтирадилар. Ўз севганига нисбатан меҳрибон ва сахийдирлар.

*Ёғоч унсуридаги Товуқ мучал йилида тугилганлар ўз олдиларига кучи, қудрати етадиган мақсад ва вазифаларни қўйиши, бажаришга қурби етадиган ишларнигина режалаштириши тавсия қилинади.*

### **4. Олов унсуридаги Товуқ мучал йиллари: 1957, 2017 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ўта кучли иродага эга бўладилар. Улар кўпчиликка етакчилик, раҳбарлик қила олиш түфма қобилиятига эга бўлсалар ҳам ҳеч қачон амал кетидан қувмайдилар, мансабдор бўлишга қизиқмайдилар.

Ушбу мучалда туғилганлар кучли характер соҳибари бўлиб, кўзлаган мақсадига доимо эриша олади-

лар. Улар жуда ёш чоғлариданоқ келажак ҳаётини тўла тасаввур этадилар ва кўзлаган мақсади сари тинимсиз интилади ва меҳнат қиласидилар.

**Олов унсуридаги Товуқ мучал йилида тугилганлар тактик жиҳатдан тўгри йўлни танламоқлари ва яқинларининг ҳиссиётларини тушунишига ҳаракат қилмоқлари тавсия этилади.**

#### **5. Тупроқ унсуридаги Товуқ мучал йиллари: 1909, 1969, 2029 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганларнинг ақд-заковатлари жуда ўткир бўлиб, ҳар қандай воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англай оладилар. Шунинг учун мазкур мучал соҳибларидан кучли изқуварлар, разведкачилар, жиноий иш қидирувчилари чиқади. Улар бизнес ва молиявий ишларни ҳам яхши тушунадилар, тадбиркорлик билан ҳам шуғулланишлари ижобий натижа беради.

Ушбу мучал соҳиблари ўз олдиларига қўйган мақсадлари йўлида тинимсиз меҳнат қиласидилар ва бошлиган ишларини охиригача олиб борадилар. Меҳнат-севар бўлганликлари учун улар ҳар бир ташкилотда қадр-қимматга, ҳурмат-эътиборга сазовор бўладилар.

**Тупроқ унсуридаги Товуқ мучал йилида тугилганларга, баъзи-баъзида дам олишини ҳам ёддан чиқармасликлари маслаҳат берилади.**

**Товуқ мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қиласликлари лозим**

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагилар билан оила қуришларида ўзаро уйғунлик кам. Сичқон мучалидагилар Товуқ мучалидагиларни севиб қолган тақдирдагина оила қуриш мумкин. Бунинг боиси, улар ўзаро фарқ қилувчи хусусиятларга

эга: бирлари ишлаб пул топсалар, бошқаси жуда тезлик билан сарф-харажат қилишга мойилдирлар. Сичқон мучалидагилар пулга жуда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар, тежаб-тергаб сарф-харажат қиласалар. Мабодо, Сичқон мучалидаги Товуқ мучалидагини севиб қолса, ўз жуфтининг пулга бўлган муносабатига чидай олади.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганлар ўзаро мувофиқ бўлиб, иккиси ҳам эскича қарашларга мойилдир. Товуқ мучалидагилар ўзларини ҳар жиҳатдан намоён қилишга интилсалар, Сигир мучалидаги турмуш ўртоги бунга йўл қўяди ва ўз имкониятини ишга солишига ёрдам беради. Оилада ким етакчилик қилиш лозимлигини аниқ белгилаб олсалар ёки бир-бирларига камроқ буйруқ берсалар бас. Шу шарт билан ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалида туғилганлар билан оила қуришлари тавсия этилмайди. Чунки Товуқлар бировга бўйсунишни истамайдилар ва ярқ этиб кўзга ташланишни хуш кўрадилар. Йўлбарслар эса Товуқларнинг, айниқса, оиладаги «ярақлаши»ни назар-писанд қилмайдилар. Иккиси ҳам бир-бирларига бўйин эгишни истамайди. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ эмас.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Доимий изланышда, беҳаловат бўлган Товуқ мучали соҳиблари-нинг ҳаёти Қуён мучалидагиларни қониқтирмайди ва уларнинг турмуш тарзи бошқа-бошқа бўлганлиги сабабли ҳам ўзаро бир оилада бегоналардек яшашларига тўғри келади. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос эмас. Бундай оилавий ҳаётни ҳеч кимга раво кўриб бўлмайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар билан кўнгил

ришталарини боғлашлари мумкин. Иккиси ҳам фаол, ўзларига эътиборлидирлар. Ушбу никоҳ жуфтлигида Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар Товуқ мучалидаги жуфтига нисбатан кучлироқ саналадилар, гарчи бу Товуқларни у қадар қўрқитмаса ҳам. Бундай жуфтликда эр – Аждарҳо (Балиқ) мучалида, хотин эса Товуқ мучалида бўлса, оиласий мувофиқлик бирмунча юқори бўлади. Акс ҳолда эса, оиласада бир-биридан ўтиш, ўзаро менсимаслик каби кўнгилсизликлар юзага келиб туради.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан қурилган оила муваффакиятли саналади. Иккиси ҳам доимо бир-бири билан ҳар соҳада мусобақалашадилар. Бу кураш яратувчиликка қаратилган бўлганлиги сабабли ижобий аҳамият касб этади. Бир-бирларидаги камчилик ва нуқсонларни йўқотишга кўмаклашадилар. Илон мучалидагилар ўз жуфтига ақлли маслаҳатлари билан ҳар жиҳатдан ёрдам берадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** Иккиси ҳам бошқа-бошқа дунё вакилларидир. От мучалидагилар табиатан худбинликка мойил бўлиб, уларнинг бу хусусияти севги-муҳаббатда ҳам ўз аксини топади. Товуқ мучалидагилар эса бошқалар қўзига ярқ этиб ташланишни ёқтирадилар. От мучалидагиларнинг мустақил бўлишга интилишлари Товуқ мучалидагиларнинг ўз жуфти устидан ҳукмронлик қилишга интилиш хусусияти мос келмайди. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос эмас. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагилар билан қурилган оиласада ҳам турли мураккабликлар юзага келиши кутилади. Қўй мучалидаги (аёлинни) жуфтини тўқис баҳтли қилиши учун Товуқлар молиявий жиҳатдан бақувват бўлишлари

талаб қилинади. Товуқ мучалидагилар Қўйларни тушуна олмайдилар. Ўз жуфтидан моддий-молиявий жиҳатдан таъминланган Қўй мучалидагилар бунинг эвазига жуфтига ҳеч бир нарса бера олмайдилар.

Оилада эр – Қўй, хотин эса Товуқ мучалида туғилган бўлса, бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Оилада эр – Товуқ, хотин эса Қўй мучалида туғилган бўлса, бир-бирларига тоқат қила олмайдилар. Товуқ мучалидаги эр ҳар юмушда аёлига дашном беради. Буни кўтара олмайдиган Қўй мучалидаги аёли кўп кўз ёш тўкади ва ўз уйидан безий бошлиайди.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Ўзаро баҳтли бўла олмайдилар, Маймун мучалидагилар қулай фурсатдан фойдаланиб, ўз жуфтининг бор бисотини тортиб олиб, боз устига, яна ундан миннатдор ҳам бўлмайдилар. Ишонувчан Товуқлар бунга чидай олмайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Уларнинг ўзаро ҳаёти мувофиқ эмас. Бундай оилада турли дилхираликлар, ўзаро чиқишимовчиликлар, уруш-жанжал аримайди. Шу билан бирга, мазкур мучал соҳибларидан бири кечиримли, чекинувчан ва итоатли бўла олса, бирга яшашлари мумкин.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Ит мучалидагилар билан ҳам оилавий ришталарни боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки Итлар Товуқларнинг калон-димогликларини кўтара олмай, уларнинг шаънига қарши иш кўрсалар, жуфтлари буни кўтара олмайди. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ТОВУҚ МУЧАЛИ – ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Тўнгиз мучалидагиларнинг сабрли, оғир-вазминликлари туфайли ўзаро оила қуришлари мумкин. Уларнинг оилавий бирлигидан кўпроқ Товуқ мучалидагилар манфаатдордир. Ўзаро оила қуришлари мумкин.

Товуқ мучалидагилар – Сигир, Илон, Аждарҳо (Балиқ) мучалида туғилганлар билан турмуш қуришлари

мақсадга мувофиқ бўлади ва улар узоқ йиллар ўзаро баҳтли ҳаёт кечирадилар.

Сичқон, Товуқ, Ит, Қуён мучалларида туғилганлар билан оила қурганлар ўртамиёна умр кечирадилар.

Йўлбарс, От, Маймун, Қўй ва Тўнғиз мучалларида туғилганлар билан қурилган турмуш зиддият, ўзаро тушунмовчиликлар билан ўтади.

**Товуқ мучал йилида туғилган машҳур ва таниқди шахслар:** Низомий Ганжавий, Алишер На-войй, Эрнест Мах, Нильтс Бор, Ф.Достоевский, И.П. Павлов, Қори Ниёзий, Ҳамид Олимжон ва бошқалар.

### **ИТ МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1910, 1922, 1934, 1946, 1958, 1970, 1982, 1994,  
2006, 2018 йилларда таваллуд топганлар*

Қадимги Хитойда ва бошқа кўплаб Шарқ ҳалқларида иtlар қора кучларни, инсу жинсларни қува оладиган, инсонга садоқат билан хизмат қиласидиган уй ҳайвони сифатида қадрланиб келинган. Ҳалқимиз ўртасида «Ит вафо, хотин жафо», деган муболагали нақлнинг кенг тарқалганилиги ҳам бежиз эмас. Яна шундай нақл борки, иtlар ўз эгаларига бошқа уй ҳайвонларидан (масалан, мушуклардан) фарқли «яҳши ниятли» уй ҳайвони сифатида ҳам қараб келинади. Ҳалқимизда бу жониворнинг одамларда бўлмайдиган кўплаб «хислатлари» тўғрисида ҳам ривоятлар, ҳикоялар кенг тарқалган. Ит ўз эгасига бир умр садоқат билан хизмат қиласиди, ҳеч қачон хиёнат қилмайди ва керак бўлса, ўз эгасидан жонини ҳам аямайди.

Қадимги Шарқ ҳалқлари афсоналарида итбошли одамлар тўғрисидаги ривоятлар тилга олингани ушибу ажабтовур махлуқотнинг одамлар билан муносабатлари жуда қадим замонларга бориб тақалишидан далолат беради. Олимларнинг таъкидлашича, инсонга

энг биринчи бўлиб ўрганган ҳайвон бу – ит эканлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Ит мучалида таваллуд топганлар садоқатли, ҳақиқатпарвар бўладилар. Биревларнинг ишончлариға кириб олишни хоҳлайдилар. Улар худбинликка мойилдирлар. Қайсар, кутилмаган қилиқлар, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ишларни қилишга мойил бўладилар. Эҳтиросли бўлиш билан бирга, бегона ким-саларга нисбатан совуққондирлар. Сершовқун давралардан кўра кўпроқ сокин жинсий мулоқотни хуш кўрадилар. Улар билан бирга яшаш осон кечмайди. Чунки баъзан жуда қайсар, «итфеъл», «тишлаган жойидан узиб оладиган» бўладилар. Шу муносабат билан улар доимо беҳаловат, зўриқдан ҳолатда юрадилар. Дам олишни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Бу эса уларнинг соғлиқларига, асаб тизимиға салбий таъсир кўрсатади. Табиатан ҳақиқатпарвар бўлганликлари сабабли ноҳақдикларни кўтара олмайдилар. Қаерда ноҳақдик юз берган бўлса, уни ҳал этмагунларигача хотиржам бўла олмайдилар.

Ит мучалида туғилганлар ўзгаларнинг камчиликларини тез пайқайдилар ва танқид қилишга мойилдирлар. Ҳаётнинг барча жабҳаларида муваффақиятга эришишга интилсалар-да, афсуски, доимо ҳам бунинг уддасидан чиқавермайдилар. Баъзан ҳаётнинг аччиқ қисматидан тушкунликка тушадилар ва ундан ҳеч нимани кутмай, бугунги куни ўтиши билан эртанги кундан умидвор бўлмасдан яшайдилар.

Улардан яхши раҳбар ходимлар чиқади ва бошқаларни ўзлари ортидан эргаштира оладилар. Мазкур мучал соҳиблари муайян турдаги ва тор доирадаги касблар билан шуғулланадилар. Ўз табиатига кўра, улар моддий неъматларни, бойлик, мол-мулкка эга бўлишга кўпам интилавермайдилар ва тер тўкиб ишлаб топганларини жамғаришни ҳам билмайдилар.

**Ит мучалидаги эркаклар:** мазкур жаноблар ўз ҳаётлари давомида ишқий муносабатларда кўплаб қийинчиликларга дучор бўлишади. Оила қургач, бир оз босиладилар. Мазкур мучалдаги эркаклар бир томондан оиласа, фарзандларга жуда боғланган бўлсалар, бошқа томондан эса ўзгалар билан ҳам «илакишиб» юриш ҳолатлари учрайди. Улар раҳбар лавозимларида ишлашни ҳам уddeлайдилар. Моддий ҳаёт неъматлари, тўкин-сочинликларсиз куни ўтса ҳам ўз ҳаёти учун доимо маблағ топа олишига кўзлари етади.

Ит мучалидаги эркаклар учун энг муҳими, ўз олдига қўйган мақсадидир. Эришиш мумкин бўлмаган мақсад-вазифаларни ҳам бажаришга тиришадилар. Аслида бу вазифаларни уddeлаш жуда қийин кечади ёки мутлақо бажара олмайдилар. Шунинг учун улар баъзида маъюс бўладилар.

Уларнинг баҳтли бўлишлари учун, энг аввало, оиласи ҳаётини тўғри йўлга солишлари, ўзларига муносиб, мучал ва буржлари уйғун тушадиган жуфти ҳалолларини тўғри танлашлари лозим. Шу муаммони мақбул равишда еча олса, ўз оила аъзоларига содиқ бўлиб, четдаги тузоқларга тушмасликка ҳаракат қилса, бошқа муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверади ва барча соҳаларда омадлари келади. Чунки ўзига муносиб умр йўлдошининг маънавий қўллаб-қувватлаши улар учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

**Ит мучалидаги аёл (қиз)лар:** ўзларининг гўзалликлари ва ўз яқинларига, оила аъзоларига садоқатли эканликлари билан ажralиб турадилар. Улар билан яқиндан танишсангиз дилбар, қувноқ эканликларига амин бўласиз. Шунингдек, улар ақлли, иззатталаб, вафодор бўладилар. Айнан ана шу аёл(қиз)ларда ҳаққонийлик «инстинкти» яхши ривожлангандир. Бундай аёл(қиз)лар ҳар бир жамоада топилади. Улар

бошқаларнинг бошига тушган ташвишлардан қийналиб, уларни худди ўз дардидек қабул қиласидилар.

Мазкур мучал соҳибалари ўzlари ёқтириб, турмушга чиқсалар, ўз жуфтларига бир умр вафодор бўладилар. Турмуш ўртоғига нисбатан тўғрисўз ва адолатлидир. Улар ишга ҳам, уй ишларини бажаришга ҳам, тозалик ва тартиб-интизомни ҳам жойжойига қўя оладилар.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Ит мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қўйидагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги Ит мучал йиллари: 1910, 1970, 2030 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ўzlарига ишонган, ўз қобилиятига таяниб иш қўрадиган, тўғри характерли, ўйлаганини гапирадиган бўладилар. Бошлаган ишини ўз ақли ва салоҳияти билан бажаришга кўзи етади. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадини рўёбга чиқариш учун бор куч-ғайратини ишга соладилар. Ушбу мучал соҳиблари ўз яқинлари ва оиласига содикдир. Ўзларига мос турмуш ўртоғи танлашда янгишмасалар бас.

**Металл унсуридаги Ит мучал йилида туғилганлар очиқроқ, хотиржам ва киришимли бўлишга ҳаракат қилишлари тавсия этилади.**

**2. Сув унсуридаги Ит мучал йиллари: 1922, 1982, 2042 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар элпатақ, киришимли ва ёқимтой бўладилар. Ниҳоятда дўстлашувчан бўлганликлари сабабли уларнинг ёру дўстлари, таниш-билишлари кўп бўлади.

Ушбу мучал соҳиблари бегам, тартиб-қоидага амал қиласмасликлари, ўзларининг сарф-харажатларини

ҳисобга олмасликлари сабабли турли муаммоларга ҳам дуч келадилар. Шундай бўлса-да, оиласига, яқинларига, дўстларига нисбатан сахий ва хотамтойдирлар. Аммо ҳар қандай хотамтойликнинг ҳам чеки-чегараси бўлишини ёддан чиқармаслик керак.

*Сув унсуридаги Ит мучал йилида тугилганлар ўта сахий, топганини ҳар кимга беравериши мумкин. Шу боис, қашшоқ бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиши лозимлигини маслаҳат берамиз.*

**3. Ёғоч унсуридаги Ит мучал йиллари: 1934, 1994, 2054 йиллар.**

Мазкур мучал йилида тугилганлар тўғри, адодлатпарвар ва меҳнатсевар ходимлардир. Бошқа мучалдошлирига нисбатан камроқ мустақиллар. Шунинг учун ҳам улар ёлғизлиқдан кўра кўпроқ жамоада бўлишни истайдилар. Улар эл ичида танилган кишилардир.

Мазкур мучал соҳиблари санъат асарлари ва гўзаллик шайдолариидир. Шунинг учун ҳам улар турли тарихий ва санъат асарларини, танга, осору атиқаларни йиғишини севадилар. Шаҳардан кўра кўпроқ қишлоқда яшашни ёқтирадилар.

*Ёғоч унсуридаги Ит мучал йилида тугилганлар жуда ёқимтой ва севимлидирлар. Бошқаларга қарам бўлишдан кўра кўпроқ мустақил яшашга ўрганишлари тавсия қилинади.*

**4. Олов унсуридаги Ит мучал йиллари: 1946, 2006, 2066 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар жонли, киришимли бўладилар ва кўп дўстлар, таниш-билишлар орттирадилар. Ўзларидаги файрати билан ишchan ва меҳнатсевардирлар. Тиниб-тинчимас, куч-кувватга тўла бўлган мазкур мучал эгалари турли маросимларда, учрашув ва давраларда қатнашишни хуш кўрадилар. Улар илфор foяларни ҳам илгари суро-

оладилар ва ўз қарашлари билан кўпчиликни лол қолдирадилар. Бошқалар эплай олмаган ишларнинг ҳам уддасидан чиқа оладилар. Шунинг учун ҳам уларнинг муҳлислари кўпдир.

**Олов унсуридаги Ит мучал йилида туғилганлар ўзига хос қайсар бўладилар. Қайсарликларини жиловлай олсалар, ҳаётда кўпдан-кўп муваффақиятларга эришадилар.**

### **5. Тупроқ унсуридаги Ит мучал йиллари: 1958, 2018 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар қобилиятили, фаросатли, зийрак бўлиб, ўзларига хос ташқи кўринишга эга бўладилар. Ўз ишининг билимдони бўлиб, тўғри танлаган мутахассислиги ва соҳаси бўйича юксак мэрраларга эришадилар. Мазкур мучал соҳиблари оғир-босиқ, сабрли бўлиб, ортиқча қийинчилкларсиз ўз мақсадига етадилар. Ўз куч ва қобилиятига ишониб иш кўрадилар. Кези келганда, ким бўлмасин, ўзининг фикр-мулоҳазаларини ҳеч бир иккиланмасдан айта оладилар. Оилавий масалаларда эҳтиёт бўлишлари лозим. Чунки улар билан бирга яшаш осон эмас.

Тупроқ унсуридаги Ит мучал йилида туғилганлар қалби кенг бўлиб, ожизларга доимо ўзларининг бегараз ёрдамларини аямайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг довруфи элга тарқаган бўлади.

**Тупроқ унсуридаги Ит мучал йилида туғилганлар ишончли дўстларининг фикр ва маслаҳатларини эътиборга олишлари тавсия этилади.**

**Ит мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қиласликлари дозим**

**ИТ МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Сичқон мучалидагилар билан бирмунча вақт биргаликда яшашлари мумкин. Бундай оиласы Сичқонлардан күра, Ит мучалидагилар күпроқ манфаат күрадилар. Ақлли ва ўзига түқ, моддий жиҳатдан таъминланган Сичқонлар билан биргаликда яшаш Ит мучалидагиларга жуда ҳам хүш ёқади. Бунга жавобан, Ит мучалидагилар ўз жуфтинга нисбатан вафодорлик ва садоқат күрсатадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ИТ МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилганларнинг оилавий ҳаёти ўзаро мувофиқ тушмайди. Чунки Ит мучалидагиларнинг инқилобий тарздаги ҳаёт кечиришлари, турмуш тарзи Сигир мучалидагиларни мутлақо қониқтиrmайди. Сигир мучалидагиларнинг ҳукмронлик қилишлари, бақириб-чакиришлари оқибатида Ит мучалидаги жуфтлари улардан қочиб кетишлари мумкин.

**ИТ МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Ўзаро уйғунлик бор. Иккисининг ҳам бир-бирларига ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Йўлбарслар доимо жанговардир, Итлар эса ҳақиқат учун курашувчи бўлиб, ҳамиша ўз жуфтинга ёнида бўлишга интиладилар. Ит мучалидагилар бор вужуди, борлиги билан ўз ёрига ва болаларига содоқат күрсатадилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ИТ МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Содиқ ва вафодор, ҳақиқатпарвар Ит мучалидагилар Қуён мучалида туғилганлар учун муносиб жуфт бўла оладилар, улар билан баҳтли ҳаёт кечирадилар. Қуён мучалидагиларнинг юмшоқ табиатлилиги, осойишталиги бунга

замин яратади. Уларнинг жинсий имкониятлари ҳам ўзаро мос келади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

### **ИТ МУЧАЛИ – АЖДАРХО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.**

Уларнинг жисмоний ва жинсий майллари мос келса-да, ҳаётий қарашлари бошқа-бошқадир. Ит мучалидагилар Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфтининг қадрига етмайди. Ўз навбатида, ўта қайсар ва кек сақловчি Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар жуфтининг «дон жуанлик» қилиқларини, «вақиллашларини» кечира олмайдилар. Итлар(эр) ўз йўлига сола олмаган Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги жуфти (аёл)нинг «қанотларини» синдириб, зулм қилишлари мумкин. Аждарҳо (Балиқ) (аёл)лар бунга чидай олмайдилар ва қаҳрли, «ўтли» нафаслари билан ўзларини ҳимоя қилишга мажбур бўладилар. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ИТ МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан ўргамиёна ҳаёт кечиришлари мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам четдан «емиш» қидиришга мойилдир. Илон мучалидаги хушсурат жуфти(аёл) ни жондан ортиқ севиб қолган Итлар уларга жуда ҳам боғланиб қолганликлари сабабли Илон мучалидагилар бошқача ҳаётни сезмай ўтишлари мумкин. Илонлар ўз ишвалари билан Ит мучалидагиларни ўзларига ром қила оладилар.

**ИТ МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** От мучалидагилар билан ҳам баҳтли оила қуришлари кутилади. Иккиси ҳам бир-бирларига нисбатан мустақил ва ўз муаммолари билан машғул бўладилар. Табиатан рашикчи эмаслар. Отлар ўз мустақиллигига эришганидан Ит мучалидаги жуфтига дунёни қутқариши учун изн беради. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ИТ МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалида туғилганлар билан қурилган оиласида кўплаб кўнгилсизликлар рўй бериши кутилади. Қўй мучалидагилар билан

оила қурган Ит мучалидагилар уларнинг юзаки ва манфаатпараст бўлганликларини пайқаганларидан сўнг юз ўгиришларига тўғри келади. Оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ИТ МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Ўз табиатла-рига кўра жўшқин, ўзгарувчан бўлган Маймун мучалидагилар Ит мучалидаги умр йўлдошларига панд бериб қўйишлари мумкин. Уларнинг айёриклари, ҳийла-найранглари, Ит мучалидаги жуфтини безор қилиб юборади. Уларнинг оиласи муносабатлари жуда ҳам мураккаб бўлади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ИТ МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалида-гиларни менсимайдилар. Уларнинг мақтанчоқлигини, ўзларига зеб беришини ҳам сингдира олмайдилар. Мазкур мучалда туғилганларнинг оиласи муносабатларида иккиси ҳам жабрланиб қолади. Уларнинг жин-сий майллари ҳам ўзаро мос эмас. Яхшиси, оиласи ришталарини боғламаганлари маъқул.

**ИТ МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Мазкур мучал жуфт-лиги ўртасидаги муносабатлар ёмон бўлмаса-да, иккисининг ҳам манфаатсизлиги, бегаразлиги етти ёт бегоналар учун керак бўлса-да, ўzlари учун ҳеч бир наф келтирмайди. Уларни ким боқади?

**ИТ МУЧАЛИ – ТЎНГИЗ МУЧАЛИ.** Тўнгиз мучалидагилар ҳаётдан қувониб яшаш нима эканлигини билганликлари билан Ит мучалидагиларни ўзларига жалб қиласидилар. Шундай яшай олишлари билан Ит мучалидаги жуфтини қувонтира оладилар ва оиласи мувозанат сақланади. Бундай ҳаёт Ит мучалидагиларга жуда ҳам зарур. Тўнгиз мучалидаги жуфтининг бой-бадавлатлиги, сахийлигига нисбатан Ит мучалидагилар ўзларининг садоқати ва вафодорликлари билан жавоб берадилар. Улар ўртасида ҳамма ҳавас қилгудек оила юзага келади.

**Ит мучал йилида туғилған машхур ва таниқди шахслар:** Мирзо Улуғбек, француз мутафаккирлари: Виктор Гюго, Александр Дюма, Вольтер. Муқимий, Уинстон Черчилль, Абдулҳамид Чўлпон, Юрий Гагарин, Мадонна, Майкл Жексон, Пьер Карден, Иззат Султон, Олим Хўжаев, Сойиб Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев, Шукур Бурхонов, Жорж Буш, Тоҳир Малик, Ортиқ Отажонов, Эркин Комилов, Фарруҳ Зокиров ва бошқалар.

### **ТЎНГИЗ МУЧАЛИ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР**

*1911, 1923, 1935, 1947, 1959, 1971, 1983, 1995,  
2007, 2019 йилларда таваллуд топганлар*

Шарқ мучал тақвимида тўнгиз очкўз, ифлос маҳдуқ саналиб, қўлга ўргатилгандан сўнг ҳосилдорлик, одамларга наф келтирадиган, эрлик қуввати ва баҳт-саодат рамзи сифатида қараб келинган.

Тўнгиз мучал йили – Шарқ мучал тақвимига кўра, одамларга хайрли, яхшилик келтирадиган йил ҳисобланади. Тўнгиз – вижданлилик, тўғрилик рамзи бўлиб ҳам саналади. Ўзининг тинчликсеварлиги, ҳаққонийлиги, юмшоқ характеристери билан ажralиб туради.

Мазкур мучал йилида туғилганлар мард, содда, тинчликсевар, одоб-ахлоққа риоя этадиган, хушмуомала бўладилар ва ҳаловатни, тўкин ҳаёт кечиришни ёқтирадилар. Тўнгиз мучалидагилар жамиятда умум қабул қилган ахлоқий нормаларга қатъий бўйсуниб яшашга интиладилар. Уларга ишонса бўлади. Дўстларга хиёнат қилмайдилар, яқинларининг феъл-атворларига сабр қилиб, уларнинг йўл қўйган хато ва камчиликларини кечирадилар. Дўстлари кам бўлса-да, чин ўртоқ бўладилар ва улар учун жонларини фидо қилишга тайёр турадилар. Мазкур мучал соҳиблари бирорларни ҳеч қачон алдамайдилар.

Тўнғиз мучалидагилар илм олишга иштиёқманд бўлиб, бошлаган ишини охиригача етказишга интиладилар. Улар табиатан меҳнатсевардирлар ва ўз ишига катта масъулият билан қарайдилар. Пул билан боғлиқ масалаларда даромад келтирадиган соҳаларни яхши билганлари ҳолда ишлаб топган маблафини жуда тез совурадилар. Иш фаолияти давомида рўй берган турли муваффақиятсизликларни жуда тез бартараф эта оладилар.

**Тўнғиз мучалида туғилган эркаклар:** улар ўз замондошлари ўртасида жуда ҳам машҳур бўлиб, оила қуришга қадар кўплаб севги саргузаштларини бошларидан кечирадилар. Оила қуриши билан ўз жуфтига бир умр вафодор бўлиб қоладилар. Уйда қулагай шарт-шароит, шинамликни ёқтирадилар.

Мазкур эркаклар қувноқ, ҳақиқатпарвар, дўстлашувчан, муроса қилювчи бўладилар. Улар саёҳат қилишни ёқтирадилар. Хорижий тилларни ҳам тез ўзлаштириш қобилиятига эга. Пул ишлаб топиш улар учун чўт эмас. Аммо катта ютуқقا интилиб, боридан айрилиб қолиш эҳтимоли ҳам бор. Ҳаётда бошқа қариндошларига нисбатан омадлидирлар.

**Тўнғиз мучалида туғилган аёл(қиз)лар:** ажо-йиб уй бекалари ва пазандадирлар. Ушбу мучал йилидаги умр йўлдошингиз сизни чиндан ҳам севса, ҳеч қачон гап қайтармайди. Одатда, тўнғиз йилида туғилганлар моддий жиҳатдан таъминланган бўладилар. Ўзи ва оиласи учун зарур бўлган барча нарсаларга эга бўладилар. Уларнинг иштаҳалари ҳам яхши бўлади. Мазкур мучал йилида туғилганларни кўпчилик ёқтиради. Ўз сұхбатдоши билан тортишмайди, унинг фикрини хурмат қиласи ва қарши фикр айтмайди, унинг фикрини маъқуллайди. Шу билан бирга, кўп ҳолларда уларнинг ўзгалардан аданишлари ва кўнгилларининг оғриши ҳам кузатилади. Чунки улар

ишонувчан бўлади. Тўнғиз мучалидагиларнинг кенг феъллиги ортида иродалилик ва ҳукмронлик қилиш хусусиятлари ётади.

**Шарқ мучал йиллари таъбирига кўра, Тўнғиз мучали ҳам ҳар 60 йилда ўзининг беш унсур бўйича хусусиятларига эга бўлади. Булар қуидагилардан иборат.**

**1. Металл унсуридаги Тўнғиз мучал йиллари: 1911, 1971, 2031 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар бошқа мучал дошларига нисбатан иззатталаб, сергайрат, мақсад сари интилувчан ва кўплаб соҳалар бўйича фаолият юрита оладиган бўладилар. Ўзига хос қарашларга эга бўлиб, ишонувчан, ҳазил-мутойибага мойилдиirlар.

Улар дўстпарвар, улфатшинаванда бўлганликлари сабабли кўплаб ўртоқ ва биродарлар орттирадилар.

**Металл унсуридаги Тўнғиз мучал йилида туғилганларга одамларга доимо ҳам ишонавер-маслик маслаҳат берилади.**

**2. Сув унсуридаги Тўнғиз мучал йиллари: 1923, 1983, 2043 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар олтин қалб соҳибариidir. Ҳамма билан тенг муносабатда бўлишга интиладиган, бағрикенг кишилардир. Баъзан эса ўта ишонувчан бўлганликлари сабабли ёмон ниятли кишилар тузогига тушиб қолиш эҳтимоли ҳам бор.

Тинч, осойишта ҳаёт кечиришга мойилликларига қарамай, уларнинг қизиқиши кўлами жуда кенг. Жамоани, кўпчиликни ёқтирадилар ва турли давраларнинг қалби, юраги бўладилар. Ишчи ходим сифатида меҳнатсеварлиги, масъулиятлиги, ўз бурчини яхши ҳис қилиши каби хислатларга эга бўлганликлари сабабли танлаган соҳаси ва мутахассислиги бўйича доимо илфордирлар.

*Сув унсуридаги Түнгиз мучал йилида түгилганилар баъзи масалаларда қатъийроқ бўлишилари, оқ билан қорани аниқроқ фарқлай олишга зътибор қаратишлари тавсия қилинади.*

**3. Ёғоч унсуридаги Түнгиз мучал йиллари: 1935, 1995, 2055 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганларда ўзига хос сўзлашув усули мавжуд. Ҳайрон қоларли даражада ўзларига дўст ва тарафкашлар топа оладилар. Улар атрофида кечётган воқеа-ҳодисалар ичидаги бўлишни ёқтирадилар. Баъзида эса ўз зиммаларига керагидан ортиқ масъулиятли ишларни олиб, уларни бажаришга қийналадилар.

Ёғоч унсуридаги Түнгиз мучалидагилар ўз шериклари ва дўстларига содик бўлиб, уларга яқиндан ёрдам бериши билан ҳузурланадилар. Улар келажакка ишонч билан қараб, фаол турмуш тарзи кечирадилар. Ҳазил-мутойибага у қадар мойил эмаслар.

*Ёғоч унсуридаги Түнгиз мучал йилида түгилганилар ўзларининг кўнгилчанлигидан кўп азоб чекадилар. Баъзида эса бажариши мушкул бўлган ишларни ўз зиммаларига олиб, қийналадилар. Ўз имкониятларини ҳисобга олишлари маслаҳат берилади.*

**4. Олов унсуридаги Түнгиз мучал йиллари: 1947, 2007, 2067 йиллар.**

Мазкур мучал йилида туғилганлар ҳаракатчан, файратли, ишбилармон ва тадбиркор бўлади. Ҳар қандай ишни қунт билан бажарадилар. Ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини бажаришда файрат билан ҳаракат қиласидилар. Аммо маълум сабаблар билан диққати чалфиса, бошлаган ишига бўлган қизиқишини йўқотадилар ҳам. Молиявий ишларда омадлари келади. Мазкур мучалда туғилганлар ўзларининг хотамтойликлари, сахийликлари билан довруқ қозонгандилар.

**Олов унсуридаги Түнгиз мучал йилида түгилгандарга ягона маслаҳатимиз, билиб-бигмасдан ҳар қандай ишни ўз зиммаларига олганларида эҳтиёткорона иш тутсалар, фойдадан ҳоли бўлмайди.**

**5. Тупроқ унсуридаги Тўнғиз мучал йиллари:** **1959, 2019 йиллар.** Мазкур мучал йилида туғилгандар ажойиб ташкилотчи, ақд-заковатли ва бағрикенг инсонлардир. Улар ўз имкониятларини, салоҳияти, куч-ғайратини тўғри тақсимлаб, иш олиб борадилар.

Тупроқ унсуридаги Тўнғиз мучалида таваллуд топганлар фаол ижтимоий фаолият юритиб, ажойиб раҳбар ходимлар сифатида ном қозонадилар. Жамият ҳаётини янгилаш билан боғлиқ кўпдан-кўп фоялари билан эл назарига тушадилар.

**Тупроқ унсуридаги Тўнғиз мучал йилида түгилгандарга ичқилик ичиш, чекиши каби зарарли одатлардан ўзларини узоқроқ олиб юришларини маслаҳат берамиз.**

**Тўнғиз мучалидагилар кимлар билан турмуш  
қуришлари мумкин ёки бунга таваккал  
қилмасликлари дозим**

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – СИЧҚОН МУЧАЛИ.** Тўнғиз мучалидагиларнинг Сичқон мучалида таваллуд топганлар билан қурган турмуши жуда ҳам муваффақиятлидир. Уларнинг иккиси ҳам ўзаро жуда ўхшашдирлар – ақлий жиҳатдан яхши ривожланган бўлиб, пул ишлаб топишни яхши биладилар. Бир-бирларига монанддирлар. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос келади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – СИГИР МУЧАЛИ.** Мазкур мучалда туғилгандарнинг оилавий муносабатларида бирмунча мураккабликлар юзага келиши кутилади. Кўнгилчан Тўнғиз мучалидагилар ҳар нарсага чи-

дашлари мумкин, фақат зўравонликни, қаттиқўлликни кўтаролмайдилар. Сигир мучалидагиларда эса оиласда ҳукмронлик қилиш инстинкти кучли. Тўнғиз мучалидагилар Сигир мучалидаги жуфти билан узоқ йиллар биргаликда оиласвий ҳаёт кечиришни истасалар, ўз жуфтларига бўйсуниб яшашлари талаб этилади. Тўнғиз мучалидагилар ўз жуфтларининг қаттиқўлликларидан ҳайиқадилар ва бунга узоқ дош бера олмайдилар. Шунинг учун уларнинг оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – ЙЎЛБАРС МУЧАЛИ.** Йўлбарс мучалидагилар билан оиласвий ришталарини боғлашлари мумкин. Бундай оиласда улар ўзларини тўла муҳофазада, ҳимояланган санайдилар. Бунга жавобан Тўнғиз мучалидагилар Йўлбарс мучалидаги жуфтларининг жанговарлик характерига босиқдик билан қарашлари талаб этилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ақд-заковатли бўлиб, ўзаро суҳбатлашганда бир-бирларидан безимайдилар. Шунингдек, уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос келади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – ҚҮЁН МУЧАЛИ.** Қўён мучалида таваллуд топганлар билан ҳам оиласвий ришталарини боғлашлари мумкин. Чунки Тўнғиз мучали соҳиблари кечиримли, оғир-вазмин бўладилар. Қўенлар эса оила ташвишларини унугтиб, дўстлар билан гурунглашиб қайтганларида, уларни кечира оладиган умр йўлдоши айнан Тўнғиз мучалидагилардир. Шунингдек, уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос тушади. Энг асосийси, ўзаро садоқатли бўлсалар бас. Ўзаро баҳтли оила қура оладилар.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – АЖДАРҲО (БАЛИҚ) МУЧАЛИ.** Аждарҳо (Балиқ) мучалидагилар билан ҳам кўнгил ришталарини боғлашлари мумкин. Илтифотли ва яхши хулқли Тўнғиз мучалидагилар билан кечадиган

оилавий ҳаёт ижобий аҳамият касб этади. Аждарҳо (Балиқ) мучалидаги умр йўлдоши Тўнғиз мучалида-гиларни ўзига мафтун эта олади ва бундан кўнгли тўлиб яшайди. Айниқса, бунда Аждарҳо (Балиқ) – хотин, Тўнғиз мучалидаги эр бўлса. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ келади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилади.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – ИЛОН МУЧАЛИ.** Илон мучалидагилар билан ҳам кўнгил ришталарини боғлашпари мумкин. Шуниси эътиборга моликки, Тўнғиз мучалидаги (эркак) лар Илон (аёл) нинг «домига» тушиб, сеҳрланиб қоладилар ва унинг иродасига бўйсунадилар. Ақл ва зеҳн бобида Илонларга ета олмайдилар. Тўнғиз мучалидаги аёл Илон мучалидаги эрнинг турли найрангларига чидай олади. Чунки уни жонидан ҳам ортиқ севиб қолган-да. Илонлар Тўнғиз мучалидаги жуфтини аста-секинлик билан бўға бошлийдилар ва жонларига теккач, уларни ташлаб кетадилар. Бундан Тўнғиз мучалидагилар жабрланади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – ОТ МУЧАЛИ.** От мучалидагилар билан оила қуришга таваккал қиласликлари маслаҳат берилади. От мучалидагиларнинг худбинликларини Тўнғиз мучалидаги жуфтлари қабул қила олмайдилар ва уларнинг оилавий муносабатлари узоқча бормайди. Шунингдек, уларнинг ўзаро жисмоний тортилишлари ҳам заиф ва жинсий майллари ўзаро мувофиқ эмас. Ўзаро оила қуришлари тавсия қилинмайди.

**ТЎНҒИЗ МУЧАЛИ – ҚЎЙ МУЧАЛИ.** Қўй мучалидагилар билан баҳтли оила қуришлари кутилади. Тўнғиз мучалидаги жуфтининг давлати, бойлиги ва қулай, тўқис ҳаёт шароити яратиб бергани эвазига ўзининг нозик латофатини баҳш этади. Ўзаро баҳтли оила бўлиб яшашлари кутилади.

**ТҮНГИЗ МУЧАЛИ – МАЙМУН МУЧАЛИ.** Омади никоҳ саналади. Бошқаларни ахмоқ қила оладиган Маймун мучалидагилар Түнгиз мучалидаги жуфтига ҳурмат билан қарайдилар. Улар ўртасидаги никоҳ, оила узоқ йиллар бирга яшаш имконини беради. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ТҮНГИЗ МУЧАЛИ – ТОВУҚ МУЧАЛИ.** Товуқ мучалидагилар билан баҳтли бўлишга интилиб, сабр-тоқат қиладилар. Түнгиз мучалидагилар ўз жуфтларининг ажабтовур қилиқларига риоя-андиша қилиб яшашлари мумкин. Буни Товуқ мучалидагилар қадрлай олмайдилар. Бундай оиласвий муносабатни ўзаро уйфун, деб айтиб бўлмайди. Шундай бўлса-да, оила қуриш ҳоллари учрайди.

**ТҮНГИЗ МУЧАЛИ – ИТ МУЧАЛИ.** Ит мучалидагилар билан ҳам баҳтли оила қуришлари кутилади. Бундай оилада ўзаро ҳурмат, эътибор ва бир-бirlарини тўғри тушунишлари кутилади. Ўзаро баҳтли оила бўлиб яшайдилар.

**ТҮНГИЗ МУЧАЛИ – ТҮНГИЗ МУЧАЛИ.** Ўзаро тил топишишлари мумкин. Иккиси ҳам дўстлашувчан, муросага келувчи ва иккиси ҳам яхши даромад қиласдилар. Бундай оилада мўл-кўллик бўлади. Ўзаро баҳтли оила қурадилар.

**ТҮНГИЗ МУЧАЛ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАН МАШХУР ВА ТАНИҚДИ ШАҲСЛАР:** Йилдирим Боязид, Камолиддин Беҳзод, Оливер Кромвель, Моцарт, Увайсий, Исмоилбек Гаспиринский, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мирзо Турсынзода, Расул Ҳамзатов, Эргаш Каримов, Рональд Рейган, Бернора Қориева, Шерали Жўраев, Арнольд Шварценеггер ва бошқалар.

## II БОБ БУРЖЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Буржлар ҳаракати 21 мартдан бошланади. 21 март – баҳорги тенг қунлик ҳисобланади. 23 сентябрь эса кузги тенгкунлик саналади. Йилнинг ушбу кунларида кун ва тун вақти тенгдир. 22 июнь эса йилнинг энг узун куни ва туннинг энг қисқа даври бўлиб, Қуёшнинг курраи заминимизга нисбатан туриши юқори бўлади. Йилнинг 22 декабрида эса аксинча, куннинг энг қисқа ва туннинг энг узун даври бўлади.

Эътибор берилса, 21 март, 22 июнь, 23 сентябрь, 22 декабрь йилнинг тўрт фаслида жойлашган. Буржларнинг ҳаракати ҳам ана шу фасллар бўйлаб тақсимланган. Ҳамал, Савр, Жавзо буржлари баҳор фаслига; Саратон, Асад, Сумбула – ёз фаслига; Мезон, Ақраб, Қавс – куз фаслига; Така, Даљ ва Ҳут буржлари эса қиши фаслига тўғри келади.

Ҳар бир бурж 30 кундан иборат. Шу аснода буржлар сайёрамизнинг бир йиллик ҳаракати давомидаги 12 самовий қисмдан иборатдир. Булар: Қўй, Бузоқ, Эгизаклар, Қисқичбақа, Арслон, Пари, Тарози, Чаён, Ўқотар, Така, Сув қуювчи ва Балиқ белgilари билан белгиланади.

Буржларнинг 12 қисмдан иборат тақсимланиши эрамиздан аввалги 430-йилларда афиналик астроном Евктемон томонидан асос солинган. Тарихий манбаларга кўра, бунданда илгарироқ, эрамиздан аввалги VII-VI асрларда қадимги Хоразм, Эронда (Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ёзиб қолдирилган), Бобил давлатида, қадимги Мисрда ҳам буржларнинг йил тақвимида 12 бурждан

иборат тақсимланишига асос солинган. Тарихий маълумотларга кўра, қадимги Бобилда оссурийлар ҳукмдори Навуходоноср II (эрэмиздан аввалги 605–562 йиллар) мунажжимлар учун Мардуқа номи билан машҳур бўлган қадимги дунёнинг энг улкан расадхонасини қурдирган.

Марказий Осиёда яшаб ўтган қадимги халқлар, аждодларимиз ҳам нужум илмидан яхши хабардор бўлганлар ва ҳаётий фаолиятига татбиқ қилиб келганлар. Нужум илми тўғрисидаги энг қадимги ёзма манбалар, «Авесто», Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар», Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» каби асарлардир.

Беруний, том маънода, ўз даврининг етук мунажжими эди. Ўрта аср Шарқ оламида Абу Райҳон Беруний мунажжим сифатида ҳам машҳур бўлган. Фикримизга далил сифатида Марказий Осиёнинг машҳур олимларидан Абдулкарим ас-Самъонийнинг (1165 йилда вафот этган) «Китоб ал-ансоб» («Насаблар китоби») номли асарида баён қилган қўйидаги фикрини келтиришимиз мумкин: «Беруний деган нисба Хоразмнинг<sup>9</sup> ташқари қисмига оидdir. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, бундай одамни «фalonчи беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райҳон шундай нисба билан машҳурdir».<sup>10</sup>

Абу Райҳон Берунийнинг бизгача етиб келган муҳим асарларидан яна бири «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар»дир. Мазкур асар 1029

---

<sup>9</sup> Бу ерда Хоразмнинг ўша даврдаги пойтахти – Кот шаҳри кўзда тутилган.

<sup>10</sup> The Kitab al-Ansab of Abd al-Karim ibn Muxammad al-Sam’ani reproduced in Facsimile, Leyden-London, 1912. vol.98.

йили Фазнада ёзилган бўлиб, унинг бизгача форс ва араб тилларидағи нусхалари етиб келган.

Абу Райҳон Беруний ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия») асарида, нужум илми хусусида кўплаб фикр-мулоҳазаларини баён этган. Жумладан: «[Мунажжимлар] қадим замонлардан бери шундай хабар берардилар. [Масалан] Аҳмад ибн ат-Тайиб ас-Сарахсийнинг<sup>11</sup> Саратон буржида икки нахс ёритқичлар тўқнашуви ҳақидағи китобида шундай дейилади. Бу тўғрида ҳеч ким Хорун ар-Рашид мунажжими, ҳиндистонлик Канака баён этгандек очиқ гапирмаган. У «Аббосийлар подшоҳлиги Исфаҳондан хуруж этувчи бир киши (қўлига) ўтади» деб, Имод ад-Давла лақабли Али ибн Бувайҳнинг Исфаҳондан хуруж қилган вақтини аниқ кўрсатиб берган»,<sup>12</sup> деб баён қиласди.

Ривоят қилишларича, кунлардан бир кун Фазна ҳукмдори Маҳмуд Фазнавий Берунийнинг мунахжимлик илмини синаш мақсадида анжуман ўтказилаётган, тўртала тарафида эшиги бўлган саройнинг қайси биридан ташқарига чиқишини сўрайди. Беруний намудорни олиб, Қуёшнинг тик туриш ҳолатини ўлчаб, ҳукмдорнинг гороскопини аниқлайди ва жавобини қофозга ёзиб қўяди. Султон усталарни чақиртириб, саройнинг Шарқ томонидан бешинчи эшик учун туйнук очтиради ва ўша жойдан ташқарига чиқади. Қайтиб кириб, Берунийнинг жавобини ўқишини буюради. Жавоб шундай битилган экан: «Олампаноҳ ҳазратлари тўртала эшикнинг бирортасидан ҳам чиқмай, балки саройнинг шарқий томонидан бешинчи эшик учун туйнук очтиурлар

<sup>11</sup> Ас-Сарахсий – IX асрда яшаган мунажжим.

<sup>12</sup> Абу Райҳон Беруний. «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари. Танланган асарлар. I Том. –Т.: «Фан»нашриёти. 1968 й. 177-бет.

ва ўша жойдан ташқарига чиқурлар». Ушбу жавобдан султон ва сарой мажлисига йиғилганлар ҳангу манг бўладилар. Шундан сўнг султон Берунийни деразадан пастга улоқтиришларини буюради. Юқори қаватдан пастга тушаётган Беруний олдиндан тайёрлаб қўйилган бир ғарам хашаклар устига ҳеч қаери лат емасдан тушади. Султон ҳузурига келтирилган Берунийга яна мурожаат қиласди: «Энди бу саёҳатингни олдиндан билмагандурсен?» Беруний жавоб беради: «Буни ҳам билган эдим», деб ўзининг шахсий гороскопини аниқлаганини ва унда «мени шу куни юқоридан пастга улоқтирадилар, аммо ҳеч бир жароҳат олмай, омон қолурмен», деб ёзилган қофозни кўрсатади. Султон Маҳмуд Фазнавий Берунийнинг илмидан қойил қиласди ва унга зар чопон ҳамда совгалар инъом этади. Ушбу воқеа тез орада бутун Шарқ ҳалқлари ўртасида тарқалади ва ҳанузгача эшитганларни ҳайратга солиб келади.

Шарқ оламида машҳур бўлган ва 1082–1083 миодий йилларда, Кайковуснинг ўғли Гилоншоҳга бағишлиб ёзиб қолдирилган «Қобуснома» асарининг 34 боби Нужум илми зикрида бўлиб,<sup>13</sup> унда қуйидагилар баён қилинган: «Эй фарзанд, агар мунажжим (юлдузшунос) бўлмоқ истасанг, ҳаракат қилиб риёзиёт (математика) илми устида кўпроқ мешаққат чекгили, чунки илми аҳком (ҳукмлар, қонунлар, фалсафа) яхши илмдур, уни батамом билиб бўлмайдур ва уни тўғри билғон, хато қилмағон одам йўқтур. Аммо ҳар ҳолда, аҳком илмининг самараси бордур. Ҳаракат қил, токи унинг усулини яхши билғил, нујумларнинг тақвим муқаддимасини тўғри тузғил. Нужумларнинг толеини дуруст билғил. Агар нужум толеини яхши билсанг, башоратнинг асли ҳам тўғри

<sup>13</sup> Қаранг: Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи» нашриёти. 1986 й. 115–118-бетлар.

келгусидир, тахминий толега эътимод қилмағил. Намудорот (мунажжимларнинг юлдуз қарайдиган асбобла-ри, гороскоп) ҳисоби тўғри чиқғондан сўнг нужумлар ҳолатидан чиқорғон ҳукминг ҳам тўғри бўлгусидур...

Ўн икки белги ва даражалар, учбурчаклар, чегара, шакл, баландлик фуруб (куннинг ботиши), ғамхона, шодлик, оғат, авж ва энг паст (қуи) кабиларни билғонингдан кейин баҳт ва толедан хабар берувчи хилма-хил нужумларга, булутли осмонга қарагил, ой ва нужумларнинг ҳолига назар ташлағил, масалан, баҳтли ва баҳтсиз, эзгулик ва ёмонлик, интилиш, яқинлашиш ва тармоқланиш, нурдан узоқлашиш, яқинлашув ва итариб ташлаш, нур бериш, фикр бериш, куч бериш, табиий хоссани бериш, келишувнинг бузилиши, қаршилик, яратиш, қўшилиш, уларни зиёда қилиш, сайёralар ҳаракатининг беш тури каби буларнинг ҳаммасидан огоҳ бўлғондан сўнг ҳукмлар тўғрисида сўзлағил, шунда сенинг ҳукминг тўғри бўлғай».<sup>14</sup>

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз қуёш ва ўн икки бурж аро алоқалар моҳиятига эътибор берган. Давлатни бошқаришда 12 рақамига алоҳида эътибор қаратган. «Темур тузуклари»да Соҳибқирон Амир Темурнинг қуидаги фикрлари баён қилинган: «Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакининг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим»,<sup>15</sup> деб, шуларнинг саккизинчиси ҳақида қуидагиларни баён қилган: «Саккизинчи тоифа – ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар ва муҳандисларки,

<sup>14</sup> Ўша асар, 115–117-бетлар.

<sup>15</sup> Темур тузуклари. – Т.:Faфур Гулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1991 й. 64-бет.

улар салтанат корхонасига ривож берувчилардир. Уларни ўз атрофимга тўпладим.... Мунажжимлардан сайёralар (кавокиб)нинг қутлуғ ва қутсиз кунлари, уларнинг ҳаракати ва осмонда айланишини аниқдаб олардим».<sup>16</sup>

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг суюкли набираси Мирзо Улуғбек ҳазратлари ўзининг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарининг тўртинчи жилдини нужум илмiga бағишлаган. Мирзо Улуғбек ҳазратлари мазкур асарида шундай ёзди: «Қачонки [кишининг] туғилган вақти аниқ бўлмаса, ёки тахминан маълум бўлса, унинг толеъини намудорсиз аниқлаб бўлмайди. Бу санъат аҳлида(мунажжимлик санъати, астрология назарда тутиляпти – К.Ю.) намудорлар кўпdir. Аммо уларнинг энг машҳурлари учтадир. Буларнинг машҳурроғи Птоломей намудоридир. Қиёс қилишга яқинроғи Ҳермес ҳакимнинг намудоридир. Яна мунахжимларнинг айтишича, мажуслар миллатининг соҳиби Зардушт ҳакимнинг намудори ҳам ҳақиқатга яқин».<sup>17</sup> Мирзо Улуғбек мазкур асарида нужум илми, инсоннинг туғилиши, унинг толеи, ҳаёти ва қандай умр кечиришига осмон жисмларининг таъсири тўғрисида қўимматли маълумотларни келтирган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо ҳам нужум илмiga беэътибор эмас эди. Аммо ўз даврининг турли ижтимоий-сиёсий мураккабликлари, сиёсий бекарорликлар, мунахжимларнинг нотўғри маълумотлари, Бобурмизо ҳаётига, таъбир жоиз бўлса, тақдирига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ўзининг «Бобурнома» асарида мунахжимлар башоратларидан фойдаланганлиги хусусида ҳам ёзиб қолдирган. 1500–1501

<sup>16</sup> Ўша асар. 66-бет.

<sup>17</sup> Мирзо Улуғбек. Илми нужум. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994 й. 7-бет.

йил воқеалари баёнида, Самарқанд яқинидаги Сарипулда, Шайбонийхон билан бўлиб ўтган жанг тафсиолтларини баён қилиб, шундай мулоҳазалар юритади: «Менинг эҳтимомимнинг жиҳати бу эдиким, уруш куни секкиз юлдуз оралиқта эди, агар ул кундин ўтса ўн уч-ўн тўрт кунгача секкиз юлдуз фаним орқаси сари бўлур эди. Ул мулоҳазалар ҳеч экандур. Бетақриб таъжил қилибтурбиз».<sup>18</sup>

Юқорида баён қилинган фикрлардан кўриниб турибдики, аждодларимиз нужум илми ҳикматларидан яхши хабардор бўлганлар ва ҳаёти давомида унумли фойдаланганлар.

Ҳар бир бурж белгиси ўзига хос қувватга, бошқача қилиб айтганда, унсурга эга бўлади. Булар: икки фаол (фаолият кўрсатувчи – мусбат) – олов ва ҳаво, икки сокин (қабул қилувчи – манғий) – тупроқ ва сувдан иборат унсурлардир. Ҳамал (Қўй белгиси), Қавс (Ўқотар белгиси) ва Асад (Арслон белгиси) буржларида туғилганлар олов унсурига, Саратон (Қисқичбақа белгиси), Ақраб (Чаён белгиси) ва Ҳут (Балиқ белгиси) буржларида туғилганлар сув унсурига, Мезон (Тарози белгиси), Даљ (Сув қуювчи белгиси) ва Жавзо (Эгизаклар белгиси) буржларида туғилганлар ҳаво унсурига, Жадий (Така белгиси), Савр (Бузоқ белгиси) ва Сумбула (Пари белгиси) буржлари тупроқ унсурига хосдир. Улар ичida энг қуий ҳолатдаги унсур – тупроқ ҳисобланади. Унсурлар ичida мураккаброғи – сув, янада мураккаброғи – ҳаво ва энг мураккаб тузилишга эга бўлган унсур – олов ҳисобланади.

**Тупроқ** – ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уни ўлчаш, тортиб кўриш бирор идишга жойлаш мумкин бўлган унсурдир. Тупроқ инсон тана тузилишини ҳам ташкил қиласди.

---

<sup>18</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». –Т.: «Юлдузча» нашриёти. 1989 й. 80-бет.

**Сув** – ҳаёт ва қувват манбаи, ҳаракатга келтирувчи куч. Сув – барча мавжудотга, жумладан, инсонга ҳам ҳаёт баҳш этади. Сув, ўзига барча нарса ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни сингдиради ва ҳар қандай мустаҳкамликка эга бўлган нарсаларни емира олади.

**Ҳаво** – дунёдаги барча мавжудотлар учун ҳаётий манба бўлиб хизмат қилади. Ҳаво тупроқ ва сувга таъсири кўрсатади, уларни ўзгартириш хусусиятига эга. Унинг бу таъсири ижобий ёки салбий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

**Олов** – битмас-туганмас қувват манбаи ва ҳар қандай нарса ҳамда ҳодисаларга ўзининг таъсирини ўтказа олади. Инсон ва бошқа барча мавжудотларни ҳаракатга келтирувчи қувват бўлиб, уларни жунбушга солади.

Юқорида таъриф берилган тўрт унсур мавжудотлар, шу жумладан, инсонда ҳам бирлашиб, ягона танада ўзаро фаол муносабатда бўлади.

**Тупроқ** – уни ўлчаш, тортиш, жойлаштириш мумкин бўлиб, инсоннинг тана тузилишини ифодалайди. **Олов** унсури ҳар бир индивидда ўзини намоён этади. Уларни фаоллаштиради ва руҳий жиҳатдан йўналтиради. **Ҳаво** унсури индивидларнинг ақдий фаоллигини таъминлайди, уларнинг ўзаро муносабатлари эҳтиёжини қондиради. **Сув** – хоҳиш, эҳтиёжни ифодалайди. Инсонларда ташқи оламга нисбатан руҳий ва ҳиссий муносабатларини ифода этади. Шундай қилиб, мазкур унсурлар бутун сайёрамиздан тортиб, энг майда жониворларнинг мавжудлиги, уларнинг таркибий тузилишида ўзига хос «иштирок этувчи» сифатида амал қилади. Инсон ҳам бундан мустасно эмас.

Ҳар бир бурж остида туғилганлар ўзига хос хусусиятларга эга бўладилар. Ҳамал буржида Қўй белгисида

туғилғанларда – тиришқоқыл, Савр буржидә Бузоқ белгисида туғилғанларда – бирлаштирувчилік, Эгизакларда – яшовчанлик, Қисқичбақа белгисидагиларда – муфассаллік, Арслонларда – қатъийлік, Пари белгисидагиларда – ўзлаштириш, Мезон буржидә туғилғанларда – мұвазанат, Чаён белгисидагиларда – ижодкорлік, Ўқотарларда – раҳбарлік, Така белгисидагиларда – зийраклік, Дағдар буржидагиларда – садоқат, Ҳут буржидә туғилғанларда – баҳо беріш каби хусусиятлар юқори даражада бўлади.

<b>№</b>	<b>Бурж (ой) номлари</b>	<b>Мижозни белгиловчи унсур</b>	<b>Милодий даври</b>
1	Ҳамал (Қўй)	олов	21 март – 20 апрель
2	Савр (Сигир)	тупроқ	21 апрель – 21 май
3	Жавзо (Эгизаклар)	ҳаво	22 май – 21 июнь
4	Саратон (Қисқичбақа)	сув	22 июнь – 22 июль
5	Асад (Арслон)	олов	23 июль – 23 август
6	Сумбула (Пари)	тупроқ	24 август – 23 сентябрь
7	Мезон (Тарози)	ҳаво	24 сентябрь – 23 октябрь
8	Ақраб (Чаён)	сув	24 октябрь – 22 ноябрь
9	Қавс (Ўқчи)	олов	23 ноябрь – 21 декабрь
10	Жадий (Така)	тупроқ	22 декабрь – 20 январь
11	Дағдар (Қовға)	ҳаво	21 январь – 18 февраль
12	Ҳут (Балиқ)	сув	19 февраль – 20 март

Ҳар бир бурж остида туғилғанларни муайян сайёralар бошқаради. Муайян бурждада жойлашган Қуёш инсоннинг ҳаёттій ва ижодий күч-қувватыга таъсир кўрсатади. Ой эса инсонларнинг эҳтиросига, интуициясига, атроф-муҳитга нисбатан кайфиятига, аёлларнинг эса аёллик латофатига кучли таъсир кўрсатади.

Меркурий сайёраси ақдий қобилиятта, адабий қараңшылар да нутқнинг комиллигига, Зуҳро – инсоний ҳиссияттига, Миррих (Марс) – ирода ва қатъийликка, Муштарий (Юпитер) – жамият ҳаётида инсоннинг омади ва муваффақияттига, Зуҳал (Сатурн) – инсон ички дунёсининг бойишига, Нептун – шахснинг маънавий юксалишига, Плутон – яратувчилик, бунёдкорлик каби хусусиятларга эга бўлишга таъсир кўрсатади.

Шарқ халқаридан, жумладан, Марказий Осиёда ҳам инсон тақдирни бу ерда қўлланиб келинган ҳижрий йил ҳисобининг Шамсия йўналишидаги ўн икки бурж, яъни Қуёшнинг осмон қуббасидаги йўлига жойлашган юлдуз туркумлари асосида тушунтирилади. Булар қуидагилар:

Кейинги саҳифаларда мазкур буржлар билан боғлиқ тақдирлар ҳақида фикр юритилади.

## ҚҮЙ (ХАМАЛ)

*21 март – 20 апрель оралыгыда түгилғанлар.  
Марс сайёраси бошқаради. Мизожини белгилөвчи унсур – олов. Тимсоли – Қүй. Буржига хос ранг – қизил.*

*4, 7, 9, 11 – баҳтли рақамлар ҳисобланади.*

Агар сиз фавқулодда дўстона муносабатда бўлувчи самимий, дадил ҳаракат қилувчи, кўришганда қўлингизни маҳкам сиқиб кўришувчи, кўзлари чақнаб табассум билан бокувчи кишини учратсангиз, ҳеч иккиланмай билингки, бу киши Ҳамал буржида туғилган.

Қўй ўн икки осмон буржининг бошланғичи ҳисобланади. Бу бурж қадимда Олтин тери деб аталган. Баҳорги тенгкунлик ушбу буржга тўғри келади. Бу белги остида туғилғанларни Марс сайёраси бошқаради, Буржига хос қизил ранг шу билан изоҳланади. Ҳамал инсон бош қисмининг рамзиdir.

Бошқа белги остида туғилғанлардан асосий фарқи ўта эгоцентрик хусусиятга эгалигидир. Ўз манфаатини ҳар доим биринчи ўринга қўйиб, энг аввало, ўзи ҳақида қайфуради, айёрлик ва мугомбирлик нималигини билмайди, фавқулодда ишонувчан ва сахийдир. Шунинг учун у бирорни алдашни билмайди. Кўпинча ҳимоясиз ва қалбан яраланган бўлади. Ҳаммани ўзига дўст санаб, агар бирор киши уни ранжитса, изтиробини ташки қиёфасида ифодаламасликка ҳаракат қиласи. Топган даромадини, пули ва маблагини тез сарфлаб юборади. Ўта тиришқоқ. Шунинг учун ҳам улар давлатманд бурж вакиллари орасида иккинчи ўринда турадилар.<sup>19</sup>

<sup>19</sup> Қаранг: Буржлар ва пуллар. –Т.: «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 2011 й. 118-бет.

Қўй белгисидаги эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам елкалари кенг бўлиб, олдинга энгашиброқ юрадилар.

**Ижобий жиҳатлари:** эҳтиросли, сахий, файратли, мустақил, иш билармон, янгилик яратадиган, мақсад сари интиладиган, кучли иродага эга, қатъиятли.

**Салбий жиҳатлари:** ташқи таъсирга тез бериувчан, ўзбошимча, кўнглига келган ишни қиласидиган, худбинликка мойил, ҳар кандай йўл билан ҳаммадан олдинда бўлишга интигувчан, ўзгарувчан, ўзига ортиқча ишонадиган.

Агар улар ўз соғлиқларини доимо назорат остида тутиб, ичкиликдан сақланса, саломатлиги жойида бўлади. Табибга йиллаб мурожаат қиласидилар. Фақат касаллик кучайиб, бирон хасталиқдан ётиб қолгандагина табибга мурожаат қиласидилар. Улар фақат шамоллаш натижасида ҳарорати кўтаришганда, кучли юқумли касаллик билан оғригандан, қон босимлари ошиб кетгандагина ётиб қоладилар. Уларнинг боши, ошқозони ва буйраги касалликка чалиниши, кўзи ва мияси ҳам заарланиши мумкин. Улар кўпроқ иситмали касалликлар билан оғрийдилар, тез-тез бирон жойларини кўйдириб, кесиб оладилар.

Ҳамал буржида туғилганлар худбин бўлсалар-да, тошбағир эмаслар. Вақтни беҳуда ўтказмайдилар. Улар бугунги кун ташвишлари билангина яшайдилар. Кўплари тасодиф, мўъжиза ва кароматларга ишонади. Сиёsat уларни у қадар қизиқтирумайди. Кўпроқ бизнес, тижорат ва ижодий иш билан қизиқадилар. Пул улар учун иккинчи даражалидир.

Ташқи кўринишидан хотиржам бўлишса-да, аммо ичдан жўшқиндирилар. Уларнинг характеридан тақалуф, назокат ва сабр-тоқатни излаш беҳуда.

## **Ҳамал буржида Қўй белгиси остида туғилган эркаклар**

Доимо эҳтиросли. Ёшига нисбатан навқирон кўринади. Бошқаларга нисбатан кечроқ вояга етади. Ўзига ишонувчан, жасур ва сахийдир.

Енгилтак қизларни хуш кўрмайди. У китобий ишқ-муҳаббат шайдоси. Агар севги гирдобига тушиб қолса, гоят садоқатли ёр бўлади. Ўта рашқчи бўлиб, бу жиҳатдан Арслон буржидагиларга ўхшайди. Умр йўлдоши бошқаларга назар ташласа ҳам қаттиқ рашқ қиласди. Севгилисини эса бошига кўтаради. Унга ақдан етук умр йўлдоши керак бўлади.

Қўй белгиси остида туғилган киши ҳақиқий исёнкор бўлиб, ўз устидан ҳукмрон бўлишларини ёқтирумайди. Чин садоқатни талаб қиласди. Тақдир ўйинидан безор. Оилада ҳамма ишни ўз қўлига олишга ҳаракат қиласди.

У яхши табиб, журналист, бизнесмен, банк ходими, ҳарбий саркарда бўлиши мумкин.

## **Ҳамал буржида Қўй белгиси остида туғилган аёллар (қизлар)**

Бу белгидаги аёллар муҳаббатга садоқатли бўладилар. Бироқ эркакларнинг ўз устидан ҳукмронлик қилишига, унга буйруқ беришига тоқат қилмайдилар. Улар турмушга чиқищдан олдин ҳам, ундан кейин ҳам тўла эркин бўлишни хоҳлайдилар. Бу белги остида туғилган аёл ўз севгисидан «совуса», бошқа бир эркакни севиб қолса, буни очиқ тан ола билади. Ишқ-муҳаббат унинг учун ҳамма нарсадан аъло. Айни маҳалда ҳамал-аёлнинг қизиқиши доираси кенг. Қўй белгисидаги аёллар бошқа белгидаги аёлларга нисбатан эркакларсиз узоқ вақт яшай оладилар.

Улар ҳис-ҳаяжон билан түлиб-тошиб яшashi ёки муз каби совуқ бўлиши ҳам мумкин. Зоҳиран хотиржам бўлса-да, ботинан жўшқиндиrlар. Раشك ўтида қаттиқ қовуриладилар.

Ҳамал-аёл ишқ-муҳаббат бобида ҳам пешқадам бўлиб, ўз севгисини биринчи бўлиб изҳор эта олади. Ҳар қандай эркакни ўз ҳукмига итоат эттиришга қодир. Устига-устак жуда ҳам кучли, иродалидир.

Сиз ҳамал-аёлни силаб-сийпалашиngиз, у билан фахрланишиngизни доимо унга билдириб туришиngиз керак. Бу унга жуда ёқади. Сиз ундан жуда йироқ бўлсангиз ёки аксинча, ҳар қадамда унинг ёнида бўлсангиз унда сизга нисбатан қизиқиш йўқолади. Унга ҳукмрон эр ҳам, хокисор қул ҳам керак эмас.

Бу белги остида туғилган аёллар кўпроқ ёлғиз яшашади. Сизга муҳаббат қўйиши учун у сиз билан фахрлана олиши керак. Бу аёл кўп нарса талаб қиласа-да, сизни сева олса, буни бир неча ҳисса қилиб қайтаради. Чунки у жуда сахий, пулга нисбатан бефарқроқ, ишқ-муҳаббатда эса жуда жўшқинди. Агар уни ранжитиб қўйсангиз, алангадан музга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу муз сиз учун бир умр эrimas бўлиб қолиши мумкинлигини эсдан чиқарманг! Сизни чиндан ҳам севса, бир умр садоқатли ёр бўлиб қолади. Унинг севгиси тўғри ва соддадир. Содда ҳиссиётда эса доимо софлик ва куч мавжуд.

Агар тобингиз қочса, сизни жуда меҳрибонлик билан боқади, байрамларда совғалар қилади, ишингизда беминнат ёрдам бера олади. Ундан бирон нарсани сир сақлашиngиз амримаҳол. Чунки у уни чиққан «сир»ни тўла билиб олмагунча ҳол-жонингизга қўймайди. Унинг камчиликларини юзига айтиш, айниқса, бу ҳол кўпчилик орасида юз берса, қалбига пичноқ санчиш билан тенг. Бундай вазиятда унинг нафсониятига тегиши уни руҳан жабрлайди. Афсуски, бундай ҳоллар унинг ҳаётида, айниқса, бизнинг

замонимизда, кишилар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқолиб бориши, бетакаллуфлик кучайиши ва эр-какларнинг хотин-қизларга нисбатан олижаноблиги заифлашуви сабабли тез-тез содир бўлиб туради.

Қўй белгиси остида туғилган аёллар яхши она бўлиб, ўз болаларини доимо яхши парвариш қиласди. Улар яхши бека бўлсалар ҳам, уй юмушларини ўрнига қўйиб бажарсалар ҳам, бу ишлар билан чекланиб қолишни истамайдилар. Ақлан етуқ, соғломдирлар. Агар касал бўлиб қолишса, уларга катта эътибор билан қараашингизга тўғри келади, чунки у бундай эътиборга, ғамхўрликка жуда ҳам ташна бўлади. Оилавий турмушда унинг умр йўлдоши жуда эҳтиросли, жўшқин, оташин, романтик бўлиши керак. Акс ҳолда уни тўла бахтли, деб бўлмайди.

Ўзида кек сақламайди, қасд олиш хусусияти йўқ. Аёллик латофати доимо унда барқ уриб туради. Аммо у тез ранжиб қолиши мумкин. Унинг табассуми билан мийифида кулиб боқиши – фақат бир ташқи ниқоб бўлиши мумкин.

Улар ҳиссиётга бой бўлиб, ўз эҳтиросини пинҳон тута олмайдилар, ҳатто қуюшқондан чиқиб кетишлиари ҳам мумкин. Жинсий муносабатда эса бошка соҳалардагига нисбатан фаол эмаслар. Упа-элик, кўмма чироқ, шинам ётоқ ҳам уларда тўла қониқиш ҳосил қила олмайди. Ички туйфу билан одатий, дангал жинсий муносабатга чанқоқ бўлади. Ўз жуфтини бокира кўришни ва бор вужуди билан унга ўзини бахш этишни истайди.

### **Ҳамал буржида Қўй белгиси остида туғилган болалар**

Агар фарзандингиз ушбу белги остида туғилса, билингки, бу фарзандингизга катта эътибор беришингиз ва кўп вақт ажратишингизга тўғри келади.

Жажжилигидан ҳаракатчан, фаол ва қизиқувчан, бироқ сабр-тоқатсиз бўлади. Ёлғиз қолганда, ҳеч йифламайди. Ости ҳўл бўлиб қолса, қорни очса ёки бирон ўйинчоқни ололмасагина йифлайди. Уй ҳароратини яхши сезади. Қўй белгиси остида туғилган болалар эмаклай ва юра бошлагандан, ота-онага кўп ташвиш келтиради. Улар синчков бўлиб, ҳамма нарсага қизиқади. Янги нарсалар уларнинг эътиборини тез жалб қиласди. Кесадиган, ўт чиқарадиган нарсалар уларнинг қўлига тушишига йўл қўйманг, акс ҳолда, албатта, бирор ҳодиса рўй беради. Дараҳтларга чиқишни, турли тўсиқлардан ўтишни яхши кўради. Шунинг учун уларни кўздан қочирмаслик керак. Аммо уларнинг жисмоний фаоллигини чеклаб қўйиш, ҳадеб тергайвериш ҳам заарлидир.

Қўй белгиси остида туғилган бола улғайгач, спорт билан шуғуллана бошлайди. Турли спорт мусобақалари уни чиниқтиради, маънавий қувватлантиради. Пешқадам бўлиш истаги унга тинчлик бермайди.

Айни маҳалда муайян мақсадга эришишда ўз куч-гайратини сарф қилишда унга қатъиятлилик етишмайди. Шунинг учун болалигидан бирон ишга киришганда, унга ишни қатъият билан охиригача етказишни ўргатиб бориш керак. Акс ҳолда улғайганда қийналиб қолади.

Бу болалар товуш чиқарадиган ўйинчоқларни севишади. Уйга дўстларини бошлаб келиб, шовқин-сурон қилишни хуш кўришади. Бу белги остида туғилган фарзандингиз, ўқувчингиз ўғил бола бўлса, у анча тажовузкор бўлади. Унинг тажовузкорлигига ҳеч қачон тажовузкорлик билан жавоб берманг! Чунки бундай муносабатда бўлинса, у бераҳм, жоҳил, ўта тажовузкор, зўравон бўлиб шаклланиши мумкин. Унга нисбатан талабчан, аммо юмшоқ муносабатда бўлинг!

Қўй белгиси остида туғилган фарзандингиз билан ақлий машғулотлар олиб бораётганда сабр-тоқатли, чидамли бўлинг. У билан ишлашни йигиштириб қўйманг. Акс ҳолда фарзандингиз жисмонан соғлом ва кучли бўлса-да, қўпол, довдир бўлиб ўсиши мумкин. Ёшлигидан китобга меҳр қўйишга ўргатинг! Бетоқат бўлгани учун ёзиш ва ўқиши ўрганиши анча қийин кечади. Бу болалар қаҳрамонлар тўғрисидаги саргузашт китобларни кўпроқ ёқтиришади.

Бу болалар таассуротга тез бериувчан бўлиб, ўз тентдошлари билан гап талашиб қолганда уруш-жанжал чиқаришга мойилдир. Кўпинча жанжални бошлаб берадилар ҳам.

Мактабда, жамоада интизомни тез-тез бузиб турадилар. Улар аксарият ҳолларда яхши ўқимаганлиги учун бошқа соҳаларда етакчи бўлишни хоҳлайдилар. Ўзгаларга бесабаб озор бериб ҳам турадилар.

Қўй белгиси остида туғилган боланинг хулқи жуда мураккаб бўлади. Ҳар куни бир вақтда дарс тайёрлаш унинг учун азоб. Уни ёшлигидан интизомга, тартибга ўргатиб борсангиз, улгайганда атрофида-гилар, яқинлари қийналмайди.

Бу белги остидаги болалар шуҳратпараст, иззатталаб бўладилар. Агар сиз фарзандингиз ёки ўқувчингиз муайян мақсадга эришишини истасангиз, масалан, яхши ўқишини, бир ишни охиригача етказишини хоҳласангиз, унда шуҳрат ҳиссини уйғотишга ҳаракат қилинг.

Қўй белгиси остида туғилган болаларга нисбатан талабчан, аммо хушмуомала бўлиш керак. Унга нисбатан зўрлик қилиш, уриш, бирон ишни мажбур қилиб бажартириш ҳаргиз яхши натижа бермайди. Яхиси, тушунтириш, ишонтириш йўли билан бирон ишга унданмоқ керак.

## **Ҳамал буржида Қўй белгисида туғилганлар кимлар билан оила қуришлари ёки бунга таваккал қиласмасликлари лозим**

**ҲАМАЛ – ҲАМАЛ.** Ушбу буржда туғилганлар ўртасидаги никоҳ муаммоларга эга. Иккиси ҳам ўз жуфтлари устидан етакчилик қилишга интиладилар. Улардаги ўзаро ўхшашлик уларни бир-бирларидан бездиради. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҲАМАЛ – САВР.** Ўзаро кўп жиҳатлардан қарама-қаршиликлар мавжуд бўлади. Агар Бузоқ белгисидагилар оилавий муносабатларда Қўй белгисидаги жуфтига етакчилик қилишга изн берса, айниқса, жинсий муносабатларда, улар учун янги эҳтиросли лаҳзалар юзага келади ва ўзаро бир-бирларидан қоникиш ҳосил қиласдилар. Бунга эриша олмасалар, оилавий муносабатларда ўзаро тушунмовчиликлар ортиб бораверади.

**ҲАМАЛ – ЭГИЗАКЛАР.** Ушбу белгидагилар ўзаро ўхшаш жуфтлиқдир. Шунинг учун ҳам улар ўртасида қурилган оила муваффақиятли бўлади. Ҳар иккиси ҳам ҳаётий фаол, қизиқувчан, очиқ. Жинсий майллари ўзаро мос тушади. Эгизак белгисидагилар турли таваккалчиликларга қўл урмасалар уларнинг оилавий ҳаёти давомли ва баҳтли кечади.

**ҲАМАЛ – САРАТОН.** Одатда, улар ўртасида жисмоний ва жинсий жиҳатдан кучли тортишиш орқали оила ришталари боғланади. Бундай ҳолат уларнинг ҳар иккисига ҳам хосдир. Шундай бўлса ҳам бошқа жиҳатларда ўзаро тушунмовчиликлар юзага келади.

**ҲАМАЛ – АСАД.** Ҳамал ва Асад буржида туғилганлар ўзаро ўхшаш бўладилар. Иккиси ҳам тажовузкор, кучли жинсий қувватга эга ва уларни белгиловчи унсур – олов. Уларга битмас-туганмас куч-қувват баҳш этган. Оилада жинсий муносабатларда бир-бирларига такрорланмас ҳузур бағишлай оладилар. Аммо оилавий муносабатларнинг бошқа жиҳатларида эса

турли келишмовчиликлар юзага келиши кутилади. Бундай келишмовчиликларни бартараф этиш учун эса Қўй белгисидагилар ўз жуфтини доимо мақтаб туришлари, танқид қилишдан эса ўзларини тийиб юришлари талаб этилади. Шундагина оиласиб тутувлик таъминланиши мумкин. Бу эса осон кечмайди.

**ҲАМАЛ – СУМБУЛА.** Қўй белгисидагилар ўзларининг кучли ҳароратлари билан Париларни ром этишлари мумкин. Ўз навбатида, Париларнинг ўзини ўзи бошқара олиши ва ҳозиржавоблиги Қўй белгисидаги жуфтини лол қолдиради. Шу тариқа қарама-қаршиликлар бирлиги амал қиласи. Жинсий муносабатларда номувофиқлик бор. Шунинг учун уларнинг никоҳи муваффақиятли эмас. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҲАМАЛ – МЕЗОН.** Мураккаб муносабатлар жуфтлиги. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келса-да, оиласиб муносабатларнинг бошқа жабҳаларида ўзаро зиддиятли қарашлар кўп. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҲАМАЛ – АҚРАБ.** Иккиси ҳам кучли жисмоний, жинсий қувватга ва фаолликка эга. Дастлабки учрашувдаёқ бир-бирлари билан кучли ва эҳтиросли яқинлик гувоҳи бўладилар. Иккиси ҳам вазиятни ўз фойдасига ҳал этишга ҳаракат қиласидилар. Улар ўртасидаги бундай олишувда бари бир Чаёнлар устунликка эга. Қўй белгисидагилар Чаён белгисидаги жуфтларига бир оз ён боссалар – олам гулистон ва оила мустаҳкам бўлади.

**ҲАМАЛ – ҚАВС.** Ўзаро бир-бирларига қизиқиши бўлса-да, зиддиятли жуфтлик. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келсагина, ўзаро бир-бирини тушунишлари учун имконият туғилади. Оиласиб муносабатларнинг бошқа жабҳаларида эса келишмовчиликлар, муаммолар кўп бўлади. Уларни ҳал этиш эса осон кечмайди.

**ҲАМАЛ – ЖАДИЙ.** Узоқ ва давомли муносабатларда ўзаро мувофиқ тушадилар, аммо қисқа учрашувларда эса ўзаро мос эмас. Иккиси ҳам ўзаро

ўхшашдир. Улар ўртасида ўзаро севишиб турмуш қуриш ҳоллари учрайди. Жинсий майллари ҳам бир-бирларига мос тушади. Оилавий муносабатларда ўзаро тушунмовчиликлар ҳам рўй бериб туради. Ҳар иккиси ҳам ўз билганларини ҳақ, деб ҳисоблайдилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ҲАМАЛ – ДАЛВ.** Улар ўртасидаги оилавий муносабатларнинг ўзаро мувофиқ келиши кўп жиҳатдан Кўй белгисидагиларнинг оиласида етакчиликни кўлга ола билишига ва бундай масъулиятли вазифани қай даражада уddyалай олишларига боғлиқ. Шундагина Сувчи белгисидагиларда Кўй белгисида туғилган жуфтингизни нисбатан қизиқиш ортади ва оила мустаҳкамлиги таъминланади (агар Сувчи белгисидаги аёл бўлса).

**ҲАМАЛ – ҲУТ.** Ҳамал ва Ҳут буржида туғилганлар бутунлай бошқа-бошқа темпераментга эга бўлсалар-да, ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Ҳамал буржини бошқарадиган Марс сайёраси Ҳут буржига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Балиқ белгисида туғилганлар билан баҳтли яшашлари учун Кўй белгисидагилардан кўп нарсалар талаб этилади. Аввало, улар балиқларнинг ҳиссиятларига танқидий назар билан қарамасликлари сўралади. Оилавий муносабатларда Балиқ белгисидаги жуфтингизни қаттиқ севишиб қолгансиз-ку.

**Қўй белгиси остида туғилган машҳур кишилар:** Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир, Леонардо да Винчи, Декарт, Бисмарк, А.И.Герцен, Н.Хрущев, Чарли Чаплин, Садриддин Айний, Абдулла Қодирний, Султон Жўра, Исломилбек Гаспиринский, Мирзо Турсынзода, Маъмиржон Узоқов, Елизавета II, шайх ҳазратлари Муҳаммадсадик, Муҳаммадюсуп ўғли, Эмиль Кио, Абдулла Орипов, Фарруҳ Зокиров ...

## **СИГИР (УД) – САВР ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

*21 апрель – 21 май оралыгыда түгилғанлар.  
Венера сайёраси бошқаради. Мизожини белгилөвчи унсур – тупроқ. Тимсоли – ҳұқиз. Буржига хос ранг – ҳаворанг, лимон ранги, оқ, яшил ва сирен ранглари.*

*2,4,6 – баҳтли рақамлар саналади.*

Савр юлдузлар буржи түгрисида күплаб қадимги манбаларда сүз юритилади. Саврнинг Ыси – Альдебаран (Аль-дебаран) – улкан қызыл юлдуздир. Савр буржида күплаб юлдузлар түплами жой олган. Альдебаран Гиад юлдузлар гурухининг эң гүж жойида жойлашған. Савр юлдузлар буржида 1034 йилда содир бўлган портлаш оқибатида ўз қуввати билан учинчи космик «радиостанция»ни ташкил қилувчи янги юлдузлар пайдо бўлиб, дengiz қисқичбақасисимон туманликни ҳосил қилган. Бу туманлик марказида юлдузлар портлаши оқибатида ҳосил бўлган 16-кагталикдаги юлдузча – Пульсар (даврий радионурланишлар тарқатиб турувчи коинот обьекти) ажралиб туради.

**Савр буржида түгилғанларнинг ижобий жиҳатлари:** қатъиятли, сабот-матонатли, барқарор ва ишончли. Ҳузур-ҳаловатни севади, мусиқани, санъатни ёқтиради. Бирор ишга шошилмай, мулоҳаза қилиб киришади. Мехнатсевар, мустақил, дадил, жасур, журъатли, иккиланмайдиган ва мард бўлади.

**Салбий жиҳатлари:** қайсар, керагидан ортиқ дабдабани, майшатни ёқтиради. Ўзи содда-ю, бироқ ишни имиллаб бажаради.

**Жисмоний тузилиши:** бир оз тўладан келган, томоқ оғриғи, юрак оғриғига тез-тез чалиниши ва бунинг оқибатида унда геморрой, чипқон, ревматизм каби касалликлар келиб чиқиши мумкин. Апоплекс-

сия (мияга қон қүйилиши ёки мия қон томирларининг беркилиши натижасида хушдан кетиш ёки фалаж бўлиш) касаллиги шу белги билан боғлиқдир. Ушбу белги остида туғилганлар бақувват бўлсалар-да, кутилмаган зарбадан тўсатдан оламдан ўтиш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун улар ўзларини доимо муҳофаза қилишлари ва эҳтимол тутилган ташқи зарбадан йироқ юришлари зарур. Томоқ, оёқ ва белини шамоллашдан эҳтиёт қилмоғи лозимдир. Чунки танасининг бу қисмлари энг таъсирчан ва заиф бўлади. Юрак ва буйрак оғриғи эса кўпроқ уларнинг кам ҳаракатланиши туфайли содир бўлади. Шунинг учун улар кўпроқ ҳаракат қилишлари ва очик ҳавода сайр этишлари зарур. Худо кўрсатмасин, бирор касалликка чалинса, секин тузаладилар.

Савр буржида туғилганлар табиатан пассив бўлиб, ўзини кўрсатишга интилмайдилар, камдан-кам асабийлашадилар. Иштаҳадан нолимайдилар ва овқат танламайдилар. Қайсар бўлсалар-да, буни тан олмайдилар. Улар кўпроқ эътиборли, юқори лавозимдаги кишилар билан яқин муносабатда бўлишга интиладилар.

Савр буржида туғилганлар пул топишга ўч бўладилар. Аммо улар шунга эътибор беришлари лозимки, пул, бойлиқка эга бўлиш учун тамагирликка йўл қўйсалар, бунинг оқибатида обрўсизланишга учрайдилар. Уларнинг худбинликка мойиллиги бор. Ўз яқинларига ҳотамтойлик қилишга одатланмаган. Ҳамма нарсага ўзи эгалик қилишга интилади. Савр ўзига хузур-ҳаловат яратишни хуш кўради.

Ранглар ичида ҳаворанг ва атиргул (оч пуштига яқин), яшил ва жигаррангни кўпроқ ёқтирадилар.

## **Савр буржида Уд белгиси остида туғилған әркаклар**

Уд белгиси остида туғилған әркаклар қайсар, хотиржам ва қаноатли, бироқ инжиқ, сусткаш ва эхтиёткор бўладилар. Қовға (Сув қуювчи) белгиси остида туғилғанлардан фарқли ўлароқ, хаёлпарамст, романтик эмаслар. Ўз яқинларига меҳрибон ва юмшоққўнгилли бўладилар. Улар турмуш ўртоғига нисбатан эътиборли бўлиб, унинг кийинишига, пардоз-андозига жиддий аҳамият беради. Бу белги остида туғилған әркак оиласи учун зарур неъматларни муҳайё қиласди. Шунинг учун Удлар билан турмуш қурмоқчи бўлган қизлар, аёллар бўлажак оиласидан таъминот яхши бўлишига ишонаверинг.

Уд әркак оиласида аёлларнинг баланд товушда бақириб-чақиришларини, ўзига нисбатан қўполлик қилишларини ёқтирумайди. Ҳақ бўлсангиз ҳам унинг шахсиятига тега кўрманг.

Шўх, эркин аёллар унга мос келмайди. У билан бирга бўлмоқни истасангиз, бир гапдан қолиб, «тилингизни тийиброқ» юришингиз, кўп безовта қилмаслигингиз керак. Шунда унинг сизга нисбатан меҳрибонлиги ортади, ундан қўра юмшоққўнгил ва сабрли инсон бўлмайди.

Уд әркак ишда ишчан, уйда эса ялқовдир. Агар дам олаётган бўлса, яххиси уни ўз ҳолига қўйганингиз маъқул. Уйда унинг учун тинчлик ва осоишишталик бўлиши даркор. У сизни соф кўнгил билан оташин севади.

Уд белгиси остида туғилған әркак билан яқин муносабатда бўлаётган аёллар ўзларини навқирон, гўзал ва тўла муҳофазаланган ҳис қиласидилар. Табиатан у ўз пешонасига битилған аёлни баҳтсиз қилиб қўймайди, нотавон, камситилған ҳолатга туширмайди.

Ўз ҳаёти давомида у кўплаб аёллар билан учраша-ди. Аммо бу аёллар борасида у сон кетидан қувади, дегани эмас. Жинсий муносабатда ҳам у сон кети-дан қувмайди. Унга тўла эркинлик, мустақиллик ва анъанавий қоидаларга бўйсунишни истамаслик хос.

Давраларда жонли, ўткир зеҳнли, ҳозиржавоб бў-либ, қизиқиш доираси кенг. Зўрлик билан ҳеч нарса қилмайди. Беибо, шаънини оёқости қилувчи, ахлоқ-сиз аёллар билан ҳеч қачон муносабатда бўлмайди.

### **Савр буржида туғилган аёл(қиз)лар**

Зуҳро (Венера) сайёраси Савр буржида туғилган аёл(қиз)ларга ажойиб иффат ва нафосат бахш этган. Уларда чиройли буюмларга, гулларга, кийим-кечак ва безакларга қизиқиш каттадир. Ўз нафосатлари билан хушторларини лол қолдирадилар. Аёлларга хос барча сифатлар уларда мужассам.

Савр буржида туғилган аёл(қиз) жуда юқори ҳис-сий қобилиятга эга бўлса-да, табиатан хотиржам, босиқ бўлади. Ўткир мушоҳадали, иродаси кучли бўлиб, ўзини бошқалар олдида яхши тута билади. Аммо ташқи таъсир оқибатида ўз меъеридан чиқса борми, ҳар қандай эркакни саросимага солиб қўя олади. Бундай ҳолат унинг ҳаётида камдан-кам со-дир бўлади.

Бу аёллар ҳар бир идора учун ҳақиқий топилма-дир. Уларнинг овози майнин, хотиржам, назокатли, бошқаларга керакли маслаҳатлар бера оладиган, бир оз тўла бўлса ҳам келишган, ҳаракатлари нафисидир.

Ҳақиқий, мард эркакларни ёқтиришади. Рашқ бобида Қўй, Арслон белгилари остида туғилганлардан фарқ қилиб, бир оз босиқроқ бўлади.

Фалсафий, назарий масалалар уларни кам қи-зиқтиради, кўпроқ амалий фаолият билан шугулла-

надилар. Оилада бу аёллар яхши пазанда ҳисобла-  
нади. Ўз фарзандларига меҳрибон ҳамда талабчан  
бўлиб, уларни етаклаб юришни ёқтиради.

Савр буржида туғилган аёл ўзига ёқмаган киши-  
ни хафа қилмайди, лекин ундан узоқроқ юради. Ўз  
душманларига бефарқ бўлиб, дўстларига содик-  
дир. Тўғри ва содда фикр юритади. Оилада эр учун  
ишончли таянч ва ҳамдард бўла олади. Ҳар қандай  
қийинчиликларни бирга бартараф қилишга тайёр  
туради. Меҳмондўст, у билан мулоқотда бўлганларда  
яхши таассурот қолдиради.

Бу белги остида туғилган аёл(қиз)ларнинг ортидан  
қувиш, уларга хушомад қилиш, ҳавасини келти-  
ришга интилиш ёки зўрлаш бефойда. У фақат ўзи  
ёқтирган кишисини танлайди ва чуқур ҳиссий ке-  
чинмаларни фақат у билангина баҳам кўради. Бош-  
қа эркаклар билан эса совуқ муносабатда бўлади,  
ўжар ва илтифотсиздир. Инжик ва талабчан бўлиб,  
унинг бу характеристига анча-мунча эркак кўнига ол-  
майди. У билан яқин муносабатда бўлиш учун катта  
сабр-тоқат ва чидам талаб қилинади.

Бирон эркакни ёқтириб қолса, унга зўр эҳтирос  
билан лаззат бахш эта олади. Бунда унинг фақат  
битта шарти бўлади: ёққан кишиси уни тўла бош-  
қармаслиги, эркини кўпроқ ўзига бермоги лозим. Ўз  
танига юксак маҳоратли кишилар учун ноёб қурол  
сифатида қарайди. Жинсий муносабатни узоқ давом  
эттиришни севади. Доли-гулига келганда ўзини тўла  
эркин қўйиб, туйғусини очиқ изҳор эта олади, лаз-  
затланаётганини, ҳузур қилаётганини яширмайди ва  
бир неча кун давомида унинг таъсирида юради ҳам.  
Ҳамал буржида Қўй белгиси остида туғилган аёлларга  
хос бўлган содда ва қўпол ҳирсий муносабат унинг  
учун бегонадир.

## **Савр буржи остида туғилған болалар**

Бу болалар ўз табиатига кўра қатъиятли, тиришқоқ, хушчақчақ, гапга кирадиган, юмшоққүнгил – қисқаси, ажойиб болалардир. Санъатта, айниқса, мусиқага қизиқадилар. Аммо бола бу фазилатларга эга эканлиги учун ундан бутунлай хотиржам бўлмаслик керак. Кутимаганда у жуда қайсар ва ўжар бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Масалан, у мактабга бормайман, ўқимайман, деб қайсарлик қилиши мумкин (кўпинча бундай ҳол 9-синфдан сўнг ёки ўрта мактабни тамомлаб, келгусида ўқишини бошқа ўқув юртларида давом эттириш масаласи кўндаланг бўлганда содир бўлади).

Болага бақириб-чақириш, уни бир ишни қилишга зўрлаш бефойда. Агар унга бирон нарса ёқмаса, ўз билганидан қолмайди. Ундаги одиллик, ҳақгўйликка асосланган ҳолда унинг бундан кейинги режасини хотиржамлик билан тинглаш ва асосли маслаҳат бериш лозим.

Шуни яхши билингки, Савр буржида туғилған болалар бирон-бир қарорга келса, уни амалга оширмай қўймайди ва ўз қарорини осонликча ўзгартирмайди ҳам. Унинг характеристи шундай.

Уд белгиси остида туғилған болаларга хос бир хусусият шуки, улар бошқа болаларга нисбатан сусткаш бўлиб, шошилмасдан, имиллаб иш қилишади. Сизнинг назарингизда, у бирон ишни ёки буюрган вазифангизни жуда узоқ, сусткашлиқ билан бажараётгандек туюлса-да, аслида бу унинг «ёмон»лиги, нўноқлиги туфайли эмас. Гап шундаки, Савр буржида туғилған болалар Пари ва Така белгисида туғилған болалар каби бирон ишни ёки вазифани шошилмасдан, асосли қилиб ва қунт билан бажаришади. Шуни ёдингиздан чиқармангки, шошма-шошарлик,

чаққонлик улар табиатига ётдир. Ўзингиз чаққон ва «тез» бўлсангиз ҳам бу белги остида туғилган боланинг юқорида кўрсатилган аломатлари билан муроса қилишингизга тўғри келади.

Баъзан ўқитувчилар, ота-оналар бу буржда туғилган болаларни сусткашлиқда, имиллаганликда ноҳақ айблайдилар. Зеро, бунда уларнинг айби йўқ. Агар уни шоширсангиз, бу унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Асабини қўзгайди. Натижада, унинг бошқа ижобий жиҳатларига ҳам зиён етади.

Уд белгиси остида туғилган болалар Пари ва Така белгисидаги болалар каби ўз ҳаётидаги ўзгаришлардан кучли таъсирланадилар. Улар ота-оналарига, уйига, атрофидагиларга жуда боғланган бўлади. Уйдаги шарт-шароитнинг ўзгариши уларнинг асабига салбий таъсир қиласида ва янги шароитга, тартиб-қоидага кўничиши қийин кечади. Янги уйга, мактабга, синфга, янги ўртоқларга кўниккунча анча азият чекади. Унинг учун эски таниши, ўртоғи нотаниш кишидан афзалроқдир.

Ушбу буржда туғилган фарзандингиз яхши маълумот олишига, маданиятли киши бўлиб етишишига катта эътибор беринг ва бу йўлда меҳнатингизни аяманг. Фақат шундагина у ейиш-ичиш, яхши кийиниши каби оддий эҳтиёжларини қондиришдан ташқари мусиқа, илм устида ишлаш, юксак ақл-заковат эгалари билан суҳбатлашиш, санъат билан шуғулланиб, ундан завқ олиш, руҳданиш каби нозик инсоний туйгулардан баҳраманд бўлади.

Савр буржида туғилган фарзандингиз томоқ оғрифига, бўйин оғрифига чалиниши мумкин. Бундан ташқари, кўп овқат ейиши оқибатида қорни оғриши, қони айниши мумкин. Бундай касалликларга чалинишининг олдини олиш учун боланинг овқатланиш тартибини назорат қилишингиз ва шамоллашдан эҳтиёт этиш зарур.

Уд белгиси остида туғилған фарзандингиз келажақда яхши инсон бўлиб етишиши ҳамда унинг ички мувозанати сақланиши учун нималарга эътибор бернишингиз керак?

Аввало, уни асло шошилтирмаслигингиз, асосли равишда тушунтирмасдан туриб, унга буйруқ бермаслигингиз, унга нисбатан зўрлик ишлатмаслигингиз, ҳимоя асосларини бузмаслигингиз керак. Ҳар қандай гуноҳ иш қилиганда ҳам, уни «йдан йўқол, кўзимга кўринма», деб ҳайдамаслингингиз керак. Чунки тинчлик, ҳаловатли муҳит унинг учун қалъадир.

Унга санъат, айниқса, мусиқа, тасвирий санъат кўпроқ ёқади. Асаб фаолиятига кўпроқ енгил ва классик куйлар ижобий таъсир кўрсатади.

Унинг санъат билан шуғулланиши учун имконият яратиб беринг. Чунки у ноёб қобилиятга – гўзаллик билан фойдалиликни амалиётда қўллай оладиган хусусиятга эгадир.

### **Савр буржида Бузоқ белгисида туғилғанлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари дозим**

**САВР – ҲАМАЛ.** Ўзаро қарама-қарши хусусиятларга эга бўлган жуфтлик. Савр буржида туғилғанлар ҳиссий эҳтиросларга совуқёнлик билан қарайдилар. Табиатан жўшқин бўлган Қўй белгисидагилар буни қабул қила олмайдилар. Улар ўртасида қурилған оила Ҳамал буржида туғилғанларнинг жонбозликлари туфайли давомли бўлиши мумкин, аммо жинсий муносабатлардан у қадар кўнгли тўлмаганлиги сабабли эриша олмаганини ташқаридан қидириш ҳоллари содир бўлиши мумкин.

**САВР – САВР.** Оилавий ҳаётда ушбу жуфтликка ҳам осон бўлмайди. Савр аёл – хаёлпараст, Савр

эркак эса амалий ҳаётта мойилроқ хусусиятга эга. Жинсий муносабатларда ўзаро ёқимли лаҳзалар бўлса-да, узоқ вақт биргаликдаги турмушда зиддиятлар юзага келади.

**САВР – ЭГИЗАКЛАР.** Ушбу буржда туғилганлар ҳам ўзаро зиддиятли хусусиятга эга. Дастребки оиласи муносабатларда бир-бирларини қизиқтиришалар-да, ўзларидағи қарама-қаршиликларни сеза бошлидилар. Жинсий муносабатларда ҳам бу қарама-қаршиликлар намоён бўлади. Ўзаро оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САВР – САРАТОН.** Ўзаро уйгунилек мавжуд. Ўзгарувчан ва хаёлпараст Қисқичбақа белгисидагилар учун Савр буржида туғилган жуфтлари ишончли ҳамроҳ бўла олади. Жинсий муносабатларда ҳам ўзаро бир-бирларига ҳузур баҳш эта оладилар. Улар ўртасида қурилган оила баҳтли оиласидир.

**САВР – АСАД.** Улар ўртасида қурилган оиласида бирмунча мураккабликлар бўлади. Бузоқ белгисидагилар Арслон буржида туғилган жуфтларига бўйсунишларига тўғри келади. Жинсий муносабатларда ҳам Арслон жуфтининг хоҳишини бажаришлари лозим. Акс ҳолда ўзаро зиддият кучаяди.

**САВР – СУМБУЛА.** Ушбу жуфтлик ўзаро ўхшаш бўлса-да, айрим тафовутлар мавжуд. Париларга нисбатан Савр буржида туғилганлар анчайин ёрқинроқ намоён бўлади. Айниқса, жинсий муносабатларда бу ўз исботини топади. Париларнинг танқидга мойилликларига нисбатан Савр буржидагилар вазминлик билан жавоб берадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**САВР – МЕЗОН.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Жинсий муносабатларда Савр буржидагилар пешқадамликни қўлга оладилар. Оиласи турмушда бир-бирларининг камчиликларини тўлдирадилар.

Савр буржида туғилғанлар Тарози белгисидагиларни қаттиқ севиб қолиши ҳоллари учрайди. Узоқ вақт баҳтли яшашлари кутилади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**САВР – АҚРАБ.** Ўзаро оиласий турмушда мураккабликлар мавжуд бўлади. Ушбу буржда туғилғанларни ўзаро жинсий муносабатлардаги яқинлик узвий боғлайди. Оиласий турмушдаги муаммолар Саврнинг қайсаrlиги, Чаён белгисидагиларнинг мустақиллиги, ўзбилармонлиги каби омиллар туфайли юзага келади.

**САВР – ҚАВС.** Ушбу жуфтликда ҳам ўзаро тушунмовчиликлар учрайди. Савр буржидагиларнинг худбинлиги Ўқотарларнинг эркесеварлиги билан муроса қила олмайди. Ўзаро жинсий ўхшашлик уларни маълум вақт муросада бўлишини таъминласа-да, вақт ўтиб, Ўқотарнинг тоқати тоқ бўлади, Савр буржидагиларнинг эса сабр косаси тўлади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САВР – ЖАДИЙ.** Ушбу буржда туғилғанлар ўртасидаги оиласий ҳаёт жўшкин эҳтирослар асосида эмас, балки ўзаро жинсий мувофиқлик, ўхшашлик асосида кечади. Кундалик муносабатларда Така белгисидагиларнинг «ичимдагини топ» қабилидаги хусусиятлари Савр буржидагиларнинг кўнглига хуш ёқмайди. Вақт ўтиши билан Жадий буржидагиларнинг ўз жуфтига нисбатан ишончлари ортиб боради ва бу муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади. Шу тариқа оиласий уйғунлик рўёбга чиқади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**САВР – ДАЛВ.** Улар ўртасидаги оиласий муносабатлар узоқча бормаслиги мумкин. Чунки турмуш муаммоларига ақдий ёндашувни талаб қилувчи Далв буржида туғилғанлар Савр буржидаги жуфтининг талабчанлиги ва қайсаrlиги каби хусусиятларига

дош бериши жуда қийин кечади. Агар Савр буржида туғилган жуфти Сув қуювчини жинсий эҳтирослари билан ўзига ром эта олса, маълум муддатда ўзаро муносабатлардаги уйғунлик сақланиб туради. Аммо бу уйғунлик узоққа бормайди.

**САВР – ҲУТ.** Бу жуфтлик ўртасида ўзаро уйғунлик мавжуд. Оиласи муносабатларнинг, айниқса, нозик масалалардаги эҳтиросли мuloқот, уларнинг оиласи уйғуналигини таъминлашга хизмат қилади. Бундай муносабатларда Савр буржидагилар Балиқ белгисидагилар устидан тўла ҳукмронликка эришадилар. Ҳут буржида туғилганлар эса ўзларининг ўта жўшқин эҳтирослари билан жуфтларини ром этадилар. Оиласи муносабатлар узоқ ва ҳар иккисига ҳам ёқимли лаҳзаларни тухфа этади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**Савр буржида Сигир (Уд) белгиси остида туғилган машҳур ва таниқли кишилар:** Умар Ҳайём, Оливер Кромвель, Уильям Шекспир, Елизавета II, Екатерина II, Робеспьер, Оноре де Бальзак, И.Кант, К.Маркс, Зигмунд Фрейд, П.И. Чайковский, В. И. Ленин, Гарри Трумен, А. Д. Сахаров, Faafur Fuлом, Яхё Fuломов, Аббос Бакиров, Уйғун, Таваккал Қодиров, Ботир Зокиров, шоир Мұхаммад Юсуф, Зулайҳо Бойхонова ва бошқалар.

## **ЭГИЗАКЛАР – ЖАВЗО (ЭРАНТИЗ) ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**22 май – 21 июнь оралыгыда түгілғанлар.  
Меркурий сайёраси бошқаради. Мизожини  
белгиловчи унсур – ҳаво. Тимсоли – Эгизаклар.  
Буржига хос ранглар – оч сарық, заргалдоқ, би-  
нафша ранглари. 3, 5, 12, 18 – баҳтли рақам-  
лари саналади.**

Эгизаклар юлдуз буржи қиши осмонининг безагидир. Эгизакнинг Ъ си – Кастор юлдузи гурухи – олтита юлдуздан иборат бўлинувчи системани ташкил қиласиди. Улар мовийсимон – оқ, ҳароратли юлдузлар гуруҳига таалуқлидир. Эгизакнинг в си – Поллукс эса навигацияли юлдуздир.

Бу юлдуз буржининг Эгизаклар номи билан аталиши қадимги юнон афсонаси билан боғлиқдир.

Афсоналарда айтилишича, Спарта давлати ҳукмдори Тиндареяниң Леди исмли соҳибжамол хотини эгизак ўғил кўради. Кастор – Тиндареядан ва Полидевк (Поллукс) – Зевсдан бўлган эди. Полидевк отаси Зевсдан мангалик олади. Бу икки ака-ука ўзаро бегараз дўстлиги билан шуҳрат топадилар. Улар аргонавтлар (юнон афсоналарида сеҳрли қўйининг «олтин тери»сини излаб «Арго» кемасида Колхидага сафар қилган қаҳрамонлар, жасур денгизчилар) юришларида қаҳрамонлик кўрсатадилар. Жангларнинг бирида Кастор ҳалок бўлади. Ўз оғасидан ажралмаслик учун Полидевк Зевсдан ўз ўлимини сўрайди. Шундан буён улар ярим йил Аид салтанатида (ер остида), ярим йил эса Олимпда – ҳудолар ҳузурида ўтказишар экан.

22 май – 21 июнь ўртасида туғилғанларни Меркурий (Уторуд) сайёраси бошқаради. Бу белги остида туғилғанлар нафақат ўз жойини, балки иш жойини, кийимини ва ҳатто ўз севганини ҳам тез-тез ўзгар-

тириб туради. Мерқурий сайёраси каби тез ҳаракат қиласылар. Юлий Цезарь каби бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажаришлари мумкин.

Уларнинг аксарияти бир неча тилни ўргана оладилар.

Улардан ажойиб нотиқ, тижорат мутахассиси, таржимон чиқиши мумкин. Ҳазил аралаш алдашни ҳам биладилар. Аммо ўз ички сирини ошкор этмайдилар. Бугун кечаги айтган гапига бутунлай тескари фикр айтиш уларга хосдир. Китоб, журнал ва рўзномаларни охиридан бошлиб варақлаб, кўз югуртириб чиқиши уларга хос.

Эгизаклар белгиси остида туғилганлар хипчадан келган, чаққон бўладилар. Аммо улар ақдий зўриқишдан, қаттиқ чарчашдан асаб касаллигига мубтало бўлишлари мумкин. Ўпкаси, қўли, қўл панжаси ва елкаси Эгизакларнинг заиф жойлариридир. Нафас йўлларининг шамоллаши, астма, қон бузилиши, ошқозон-ичак касаллиги, ревматизм каби касалликлар билан оғриш эҳтимоли бор. Бинобарин, бу касалликлардан эҳтиёт бўлишлари, ўз соғлиқларини, айниқса, нисбатан заиф аъзоларини доимо назорат қилиб туришлари зарур.

Улар доимо шон-шуҳратга, бойликка, севигига ва яна эришиб бўлмас қандайдир нарсаларга интиладилар.

Агар сиз бу белги остида туғилган умр йўлдошинингиздан пайшанба куни бозор қилиб беришни сўрасангиз, у фақат якшанба куни бажариши мумкин. Бир вақтнинг ўзида икки, ҳатто уч кишини севиб қолиши ва уларнинг қайси бири бошқаларидан афзалроқ эканини ажратса олмаслиги ҳам бор.

Пари, Қўй, Арслон, Чаён белгилари остида туғилганлар каби Эгизаклар ҳам кутилмаган вазиятларда ўзларини тута биладилар ва ўз кучини қайта тўплай олишдек түфма қобилиятга эгадирлар. Ушбу буржда туғилганларнинг уддабуронлиги, таваккалчилик ва қалтис ишларга ҳам қўл уришлари кутилади. Улар

давлатманд бурж вакилларининг иккинчи ўрнидан жой олганлар.<sup>20</sup>

**Жавзо буржида туғилганларнинг ижобий жиҳатлари:** ақдан ривожланган, ҳар қандай фаолиятга қобилиятли, тез фикрлайди ва ҳозиржавоб, бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажара олади, дилкаш, қувноқ ва яратувчи, ижодкор.

**Салбий жиҳати шуки,** уларда болаларга хос хусусиятлар: гапга кирмаслик, пала-партишлиқ, шошма-шошарлик, асабийлик, зиддиятлилик, бир вақтнинг ўзида бир неча ишга ёпишиб, уларни охирiga етказмаслик ва муқобилликнинг йўқдиги.

### **Жавзо ойида туғилган эркаклар**

Бу эркаклар ажойиб сұхбатдош, хушчакчак, ва қувноқ, давраларга файз кирила оладиган, ҳазилкаш кишилардир. Улар учун ёлғизликтан даҳшатлироқ нарса йўқ. Ёлғизлик туфайли улар ҳатто ўз жонига қасд қилиш даражасигача бориши мумкин. Камгап, маъюс ва зерикарли кишилар орасида ҳам улар ўзларини ёлғиз сезадилар.

Эгизаклар белгиси остида туғилган эркакларнинг таъби жуда нозик бўлиб, анча-мунча нарсалар уларнинг дидига мос келавермайди. Ўткир фикрлари, мулоҳазалари, ажойиб кузатувчанлиги, самимийлиги билан атрофдагиларда яхши таассурот қолдиради.

Ушбу белги остида туғилган эркакка турмушга чиқаётган қизлар шуни билишлари керакки, у доимо жумбоқди ва ички дунёси ноаниқдир. Унинг сизга бўлган муносабати, майли ва кайфиятигина эмас, балки ҳаётий мақсади ҳам кутимаганда ўзгариб қолиши мумкин. Бугун ўз севгисини изҳор қилиб, эртасига учрашувга келмаслиги ҳам мумкин.

---

<sup>20</sup> Қаранг: Буржлар ва пуллар. – Т.: «Янги аср авлоди» НММ. 2011 й. 118-бет.

Унга жуда ҳам ёпишиб олмаслик, унинг олдида кўз ёш қилмаслик керак. Шуни яхши билингки, унинг ҳеч ким била олмайдиган ички сири бўлиб, ўз ички кечинмаларини ҳеч кимга, ҳатто энг яқин кишисига ҳам билдирмайди. Яхшиси, унга ҳадеб хиралик қиласвермаган маъкул.

Лекин у билан мулоқотда ўта камгап бўлмаслик ҳам лозим. Ақду донишда у билан беллаша оладиган, ўзгарганда шунга яраша муомала қиладиган бўлсангиз, ҳаётингиз қизиқарли ва қувноқ кечади.

Эгизаклар белгиси остида туғилган эркаклар болаларга меҳрибон. Хўжалик юритишни, меҳмон кутишини яхши кўради. Ўзига эътибор билан қараб, бошқаларга ёқишини, базми жамшидни севади.

Бундай эркак рашқ қилмайди. У кўпроқ бошқаларни тинглайди, кузатади ва уларни тушунишга ҳаракат қиласди. Унинг севгиси кўпинча ҳавоий бўлади. У бир вақтнинг ўзида икки-уч аёлнинг қалбини ром этишга интилади. Бундай шахснинг турмуш ўртоғи севгиси барбод бўлишини истамаса, ўша аёлнинг барча хусусиятларини ўзида жам қила олиши даркор.

Эгизаклар буржида туғилган эркаклар ёшлигида сахий бўлса, кексайганда жуда зиқна бўлиб қолади. Бироқ, мол-дунё тўплашга ҳирс қўймайди. Унинг асосий хусусияти ўзининг ўтқир ақлини намоён қилиш орқали янги фояларни, фикрларни яратишидир.

Унинг ҳаётида севгининг жисмоний жиҳати асосий ўрин тутмайди. Шунинг учун бу белги остида туғилган турмуш ўртоғингизнинг қалбига йўл топиш, уни жисмонан, ҳирсий жунбушга келтириш учун, энг аввало, ақдан ва руҳан уйғунлик топа билишингиз зарур.

Жавзода туғилган эркакларнинг жинсий ривожлашишида, ҳирсий ҳиссиятида муайян ҳаётий тажриба жуда кам аҳамият касб этади. Чунки у хаёлпараст бўлиб, кўпинча воқеликдан ажralган пуч хаёллар, тасаввурлар оғушида яшайди. Жинсий муносабатда

жўшқин эҳтиросни у қадар ҳис эта олмайди. Ишқ базмида дарҳол қониқиши мумкин ва шундан сўнг жуда тез ва қаттиқ ухлаб қолади.

Ҳирсий жазава унга ёт бўлиб, бу тўғрида эшитганинигина билади, холос.

### **Жавзо ойда туғилган аёл (қиз)лар**

Ушбу ойда туғилган қизлар кеч вояга етадилар. Вояга етганда эса бир вақтнинг ўзида икки йигитни ёқтириб қолиши мумкин. Аммо қайси бирини бошқасидан устун қўйишини ўзи ҳам била олмай гаранг бўлади.

Агар шу ойда туғилган қиз ўз эҳтиросини бошқара билмаса, ҳаёти давомида анча қалтис хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Агар сиз бир неча аёлнинг хусусиятлари мужас-самлашган қизга уйланмоқчи бўлсангиз, бу «эгизаклар» белгисидаги қиз(аёл)дир. У жуда яхши ўртоқ, ҳар томонлама ривожланган, ақлли, файратли, меҳрибон ва талабчан, орзуларга бойдир. У билан сиз ҳеч қачон зерикмайсиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, бундай аёллар характери жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидилар. Айримлари эрнинг барча талабларига қўниб, яхши маслаҳатчи ҳам бўла оладилар. Бироқ баъзилари қалтис ишларга аралашиб қолиши, қўча-қўйда бевақт юравериши мумкин. Бошқалари рўзгор юмушларидан зерикиб, на уй-жойга ва на идиш-товоққа қарайди.

Жавзо буржи остида туғилган аёлларнинг яна бир тоифаси бола-чақа билан овора бўлади, мактабда ишлашни хуш кўради. Болаларга нисбатан қаттиққўллик қиласиди. Бундай оналарнинг болалари эркин, мустақил бўлиб ўсадилар.

Яна шундай аёл-эгизаклар борки, улар яхши уйbekаси бўлиб, меҳмондўст, хонадони гавжум, тез-тез

келди-кетди бўлиб туришини хуш кўради, яхши кийинишга, ораста юришга ишқибоз. Умр йўлдоши ёки севган йигити билан кўнгилхушлик қилишни, кино ва театрларга, концертларга бирга боришни ёқтиради. Унга ўзини кўз-кўз қилиш ҳисси ҳам ёт эмас.

Жавзо ойида тугилган аёл(қиз)ни бирор муҳим нарса билан шуғулланишга жалб қилиш қийин. У жудаям хаёлпараст бўлиб диққатини бир нарсага жамлай олмайди. Шундай қизга уйланмоқчи бўлсангиз, унинг қуида санаб ўтилган аломатларига эътибор беришингиз керак: ҳозиргина сизга қойил қолиб турган умр йўлдошингиз бир зумда сизни танқид қилишга, таъна-дашномга ўтиши мумкин, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, у кайфият кишиси. Бу аёл ўзини ёлғиз бир кишига бағишлиши қийин. Чунки у сизда камчиликни, етишмовчиликни кўра олади ва сиздан топа олмаган фазилатларни бошқалардан ахтаради. Бироқ бунинг учун уни айбламаслик, балки уни тушуниш даркор. У қалбида доимо кечиб турган зиддиятдан азобда юради. Лекин айни маҳадда қувноқ ва дилкашдир. Жавзо ойида тугилган аёллар кўпинча кўзга яқин, ақдми ва ўзига хос бўлади. У яхши сухбатдошдир. Бошқа ҳеч бир аёл сизни ўзига унингдек каби ром эта олмайди.

Агар бу аёл сизга вафодор бўлишини истасангиз, унга кўпроқ эътибор беринг, дилини овланг. Шундагина унинг муҳаббатига сазовор бўлишингиз мумкин. Ҳам ақдий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний фазилатларингизни унинг фазилатлари билан ўзаро уйғуллаштира билишингиз зарур. Шуни унутмангки, бу аёлнинг диди юқори бўлиб, сайру саёҳатни, тўлиб-тошиб яшашни ёқтиради. Мушкул аҳволга тушиб қолганингизда доно фикр ва маслаҳатлари билан жонингизга оро киради.

Аёл-эгизаклар ҳаётнинг турли синовларига сабот билан дош беришади, хурофотдан йироқ яшашади. У моддий ва маънавий жиҳатдан мустақилдир.

Жавзо буржида туғилган қиз(аёл)лар ўзлари орзу қылган баҳтга камдан-кам эришадилар. Кўпинча уларнинг ҳаёти фожиали тугайди. Хаёлий маъшуқини бир умр излагани ҳолда ўз ҳаётидан қониқмай яшайдилар. Орзуси рўёбга чиқиб, дилидаги одамини топа олсалар, ҳаёт улар учун жаннатга айланади. Бироқ, бу камдан-кам рўй берадиган ҳодисадир.

### **Жавзо ойида туғилган болалар**

Нужум илми хулосасига кўра, 22 май – 21 июнь оралиғида эгизаклар кўп туғилади. Уларни Меркурий сайёраси бошқарганлиги туфайли юришни, ҳатто эмаклаб юришни ўрганиб олишлари биланоқ серҳаракат бўлиб қоладилар.

Жавзо ойида туғилган бола улғайиб борган сари бесабр, беқаноат бўлади. Бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажаришга ҳаракат қиласди. Ўқишишни тез ўрганиб олади. Ўз фикрини қофозга яхши туширади. Кўпроқ расм чизиш ёки мусиқа асбобларни чалишни ёқтиради. Диққатини бир нарсага узоқ вақт жамлай олмай, тез чалгийди. Агар ўрганаётган предмети қизиқтиrsa, диққатини тўплай олади ва уни тез ўзлаштириб олади. Асаб тизими нозик бўлганлиги сабабли салгина шовқин ҳам салбий таъсир қиласди. Айниқса, бола ухлаётганда иложи борича тинчлик сақланиши керак.

Турли-туман машғулотларни, хилма-хил овқатдан татиб кўришни ёқтиради. Бироқ чўмилишни хуш кўрмайди.

Қалби жуда тез жунбушга келади. Шунинг учун унга ҳар хил қўрқинчли эртакларни, тарихий воқеаларни айтавериш керак эмас. Қўрқинчли киноларни ҳам кўришига рухсат берманг.

Унинг тарбиясининг яна бир қийин томони шуки, у бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бажаришга

киришиб, бирортасини ҳам охирига етказмайды. Шунинг учун сабр-бардош билан унинг диққатини бир жойга тўплашга ва бошлаган ишини охиригача етказишга ўргатиш зарур. Агар бунга эришилса, унинг келажаги анча порлоқ бўлади.

Бу болани жуда ёшлигидан ўзаро ишонч асосида тарбиялаб бориш зарур. Акс ҳолда уни тушуниш борган сари қийинлашади. Уни ҳаргиз алдай кўрманг. Чунки идрокли бўлганлиги сабабли алданганини билиб, сизга нисбатан ишонч, ҳурмати йўқолади.

Уни зўрлаш, бирон нарсага мажбур қилиш ҳам ярамайди. Бунда сизни аддашга ўрганиб қолади. Алдашга ўрганиб қолса борми, уни тузатиш қийин бўлади. Яххиси, тарбияда тўғри тушунтириш орқали унинг ақдига ва мантиқий хулоса чиқариб иш тутишига эътибор беринг.

Жисмоний ривожланишига ҳам алоҳида эътибор бериш керак. Чунки бу болалар жисмоний тарбия ва спортга у қадар қизиқмайдилар. Очиқ ҳавода кўпроқ бўлиш ва турли жисмоний машқлар билан шуғулланиши мақсадгага мувофиқдир.

Эгизаклар белгисидаги болаларнинг яшовчанлик имконияти ўртacha. Шамоллашдан эҳтиёт қилмоқ уни ҳар қандай касалликдан сақлашнинг гаровидир. Ёшлигига томири тортишиб чангак (акашак) бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳолларда эсанкираш ярамайди. Болани қорни билан ётқизиб, бошини ён томонга қаратиб шифокор чақириш керак.

Ақлан ва жисмонан зўриқишидан уларда бош оғрифи пайдо бўлиб, асабийлашишлари мумкин. Улар учун иложи борича тинчлик, хотиржамлик зарур. Айниқса, уйқуга кетишидан аввал.

Жавзо ойида туғилган бола ўзига хос бўлиб, ҳар нарсани ўзича бажаришга интилади. Ўз мақсадига эришиш йўлида ўйлаб топган усулларидан фойдаланади. Бировнинг маслаҳати бўйича иш қилишни

ёқтирмайди. Уларнинг ичида чапақайлари ҳам кўп учрайди. «Эгизаклар» чапақай бўлса, ўнг қўлда иш қилишга зўрламанг. Бу унинг асабига салбий таъсир кўрсатади.

Эгизаклар жуда асабий бўлиб, тез ҳаяжонга тушади. Шунинг учун уни қўрқита кўрманг ва қоронги хонада, ташқарида ёлғиз қолдирманг. Уйқуга кетишидан аввал қўрқинчли эртак тинглаши, кинофильмлар кўриши мумкин эмас.

Шуни унутмангки, пассивлик, зерикиш ва бекорчилик – сиз учун ҳам, унинг учун ҳам кўнгилсизлик келтириб чиқаради.

Эгизакларни диққатни бир жойга тўплашга ўргатиб бориш зарур. Бошлаган ишини охирига етказгандан сўнггина бошқасига киришишга кўникма ҳосил қилиш керак.

У билан муносабатда, суҳбатда етук кишидек муомала қилинг. Акс ҳолда у сизни ҳурмат қилмай қўяди.

Доимо маънавий озуқага муҳтож бўлади. Шунинг учун ҳар вақт уни нима биландир машғул қилиб қўйинг.

Бошқаларнинг қилган яхшилигини, хизматини қадрлашга ва бундан миннатдор бўлишга ўргатинг. Уларда бундай хусусият у қадар ривожланмаган.

### **Жавзо буржида Эгизаклар белгисида туғилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари лозим**

**ЭГИЗАКЛАР – ҲАМАЛ.** Ҳаётбахш ва ўзаро фаол таъсир кўрсатувчи жуфтлик. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келиши билан характерланади. Ҳамал буржидаги Эгизак белгисидаги жуфтига раҳнамолик қила олади ва уни зарур томонга йўналтиради. Ўзаро узоқ йиллар бахтли оила бўлиб яшаш имконияти бор. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЭГИЗАКЛАР-САВР.** Ушбу буржда туғилғанлар ўзаро номувофиқдир. Эгизак белгисидагилар учун Савр буржида туғилғанлар «зерикарли» ҳамроҳдир. Бузоқ белгисидагилар Эгизак жуфтининг эркин ҳаёт кечиришига йўл қўя олмайди. Ўзаро узоқ йиллар баҳтли оила бўлиб яшаш имконияти йўқ. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЭГИЗАКЛАР – ЭГИЗАКЛАР.** Ушбу буржда туғилғанларнинг ўзаро бир хиллиги, уларни узоқ йиллар баҳтли оила бўлиб яшашлари учун монелик қиласди. Оилавий ҳаётнинг дастлабки даврида ўзаро жинсий яқинлик уларга ҳузур бағишлиласа-да, вақт ўтиши билан ўзаро келишмовчиликлар қўпайиб боради. Иккиси ҳам тез, эҳтиросли ва куюнчак бўлғанликлари сабабли ўзаро уйғунлик йўқ. Агар ушбу буржда туғилғанлар ўртасида никоҳ тузилган бўлса, аёл ўз буржидаги жуфтига бўйсунишига, итоат этишига тўғри келади.

**ЭГИЗАКЛАР – САРАТОН.** Мураккаб оилавий жуфтлик саналади. Улар ўзаро бир-бирларига тоқат қилишлари қийин кечади. Қисқичбақа белгиси остида туғилғанларга доимо раҳнамолик қилиш талаб этилади. Эгизак белгисидагиларнинг эса бунга қурби етмайди ва буни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Ўзаро узоқ йиллар баҳтли оила бўлиб яшашларига кафолат йўқ. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЭГИЗАКЛАР – АСАД.** Ўзаро уйғунлик мавжуд бўлған жуфтлик. Улуғвор ва олижаноб Арслон тиниб-тинчимаган жуфтига раҳнамолик қила олади. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқдир. Арслонларнинг жинсий муносабатлардаги экспериментларига Эгизаклар бажонидил рози бўладилар. Узоқ йиллар давомида баҳтли оила бўлиб яшаш имконияти бор. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЭГИЗАКЛАР – СУМБУЛА.** Агар бу белгидаги шахс Жавзо ойининг учинчи ўн кунлиги даврида туғилған бўлса, Пари белгисида туғилғанлар билан қурган тур-

муши кўнгилдагидай бўлади. Биринчи ва иккинчи ўн кунлигига туғилган бўлса, улар билан турмуш қуриш тавсия этилмайди.

Пари белгисида туғилганлар Эгизаклар буржида туғилганларни енгилтакликда айблайдилар. Бир-бirlariga тоқат қила олмайдилар. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ келмайди. Бу соҳада Пари белгисидагиларнинг аниқ тамойиллари бўлиб, улар Эгизак буржида туғилганларнинг турлича ёндашувларини қабул қила олмайдилар. Ўзаро узоқ йиллар баҳтли оила бўлиб яшашларига кафолат йўқ. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЭГИЗАКЛАР – МЕЗОН.** Жуда ҳам қизиқарли жуфтлик. Иккиси ҳам жўшқин ва жинсий муносабатларда турли ёндашувларни ёқтирадилар. Иккиси ҳам раشكчи ва худбин эмаслар. Ўзаро узоқ йиллар баҳтли оила бўлиб яшаш имконияти бор. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЭГИЗАКЛАР – АҚРАБ.** Ушбу буржда туғилганларнинг ўзаро оилавий муносабатлари мураккабдир. Ўзаро жинсий майллари мос тушади. Оилавий муносабатларнинг бошқа жабҳаларида эса тушунмовчиликлар зоҳир бўлади. Чаён буржидагилар раشكчи бўлиб, Эгизаклар ўзгарувчан ва эркинликни севадилар. Уларнинг эркинлигини чеклаш асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади. Ушбу буржда туғилганларнинг никоҳи – фавқулодда бир ҳодиса.

**ЭГИЗАКЛАР – ҚАВС.** Ушбу буржда туғилганлар ўртасида тузилган никоҳнинг узоқ йиллар давом этиши учун уларнинг ҳар иккисидан қўплаб куч-файрат, саъй-ҳаракат талаб этилади. Эгизак буржида таваллуд топганлар Ўқотар жуфтларининг хатти-ҳаракатини танқид қилишга мойил бўладилар. Ҳар иккиси ҳам эркесварлик хусусиятига эга. Ўзаро никоҳда тушунмовчиликлар учрайди. Агар бу белгидаги шахс Жавзо ойининг учинчи ўн кунлиги даврида туғилган

бўлса, Ўқчи белгисида таваллуд топганлар билан курган турмуши кўнгилдагидай бўлади. Биринчи ва иккинчи ўн қуналигида туғилган бўлса, улар билан турмуш қуриш тавсия этилмайди. Ўзаро узоқ йиллар бахтли оила бўлиб яшашларига кафолат йўқ. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЭГИЗАКЛАР – ЖАДИЙ.** Така белгисидагилар билан кучли севги асосида оила қуриши кутилади. Улар ўртасида буржлараро боғлиқлик бўлса-да, узоқ вақт бир оила бўлиб яшаш имконияти кам. Мутаассиб, эскича қарашларга мойил Жадий буржида туғилганлар эркесвар ва кўп хил тусланувчи Эгизакларга тоқат қила олмайдилар. Ўзаро боғлиқлик узоқ вақт бирга бахтли, уйфун яшаш имконини бермайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЭГИЗАКЛАР – ДАЛВ.** Бу жуфтликнинг оиласиий боғланиши ўзига хос бўлиб, уларнинг ўзаро турмуши олдиндан айтиш қийин бўлган муносабатлар билан кечади. Эгизак ва Даљ буржида туғилганлар жўшқин ҳаёт ва саргузаштларга бой ҳиссиётлар ила бир-бирларига мос тушади.

**ЭГИЗАКЛАР – ҲУТ.** Мазкур буржларда туғилганлар ўзаро оиласиий ришталар билан боғланганда, жинсий муносабатларда у қадар муаммолар юзага келмайди. Аммо Балиқ белгисида туғилганларнинг бой ҳиссиётлари, уларнинг гумондорлиги Эгизаклар белгисида туғилганларнинг таваккалчилиги, кўнглига келган ишни қилиш каби хусусиятлари билан келишиши қийин кечади. Бунинг оқибатида оиласиий муносабатларда маълум тушунмовчиликлар юзага келади.

**Жавзо буржида Эгизаклар белгиси остида туғилган машҳур ва таниқди кишилар:** Артур Конан Дойль, Б. Н. Чичерин, Жон Кеннеди, И.Н.Кожедуб, Аброр Ҳидоятов, Саид Аҳмад, Мукаррама Турғунбоева, Беназир Бхутто, Абдулҳошим Исмоилов.

## **САРАТОН ОЙИ – ҚИСҚИЧБАҚА ЙОЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**22 июнь – 22 июль оралығида түгілғанлар. Ой бошқаради. Мизожини белгиловчи үнсүр – сүв. Тимсоли – Қисқиичбақа. Буржига хос ранглар – бинафша, оқ, күк, оч заргалдоқ ранглари.**

**2,4,5,8 – баҳтли рақамлар саналади.**

Қисқиичбақа юлдуз буржида икки минг йил аввал ёзги Қуёш туриши (Қуёшнинг экватордан энг узок – энг жанубий ёки энг шимолий нүкта орқали ўтиш пайти) нүктаси мос келган. 1988 йилдан бу нүкта Савр (Бузоқ) юлдуз буржига ўтди. Ернинг шимолий тропик қисми ушбу бурж номи билан аталади.

22 июнь – 22 июль ўртасида туғилғанларни Ой бошқаради. Қадимги юоннларда Ой Исида худосининг белгиларидан бири ҳисобланған. Исида худоси эса оналик, мангу аёллик, донолик тимсоли бўлган. Шунинг учун ҳам бу, буюк беғараз муҳаббатда на-моён бўладиган доноликни ифода этади.

Ушбу буржда туғилғанлар тўғрисида мунажжимлар бир-бирига зид фикрда бўладилар. Баъзилари уларни мулойим, яратувчан, ҳаётга мослаша олмайдиган, бировларнинг ғамхўрлигига муҳтож деб билсалар, бошқа мунажжимлар улардан яхши тарбиячи чиқади, ўзларидан ёш ва кучсизларга ғамхўр бўлади, дейдилар. Баъзи манбаларда бу ойда туғилғанлар ифратли, уятчан, деб ёзилса, бошқаларида уддабурон, эпчил, деб айтилади. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатга тўғри келади. Умумий хусусиятларини ҳисобга олмагандা, уларнинг характеристидаги бу зиддиятлар кўплаб психолог ва мунажжимларни чалғитади.

Улар орасида америкалик машҳур мунажжим Гран Леви Саратон белгиси остида туғилғанларнинг ички моҳиятини аниқлашда тўғри йўлни топган.

Унингча, бу белги остида туғилган шахс шароитга қараб, ток новдаси ёки унинг танаси каби ҳолатда бўлиши мумкин. Унинг учун энг асосий нарса хавфсизлик. Ташқи қиёфасидаги ниқоб ички моҳиятига доимо ҳам мос тушмайди. Бу ниқоб бир эмас, бир қанча бўлиши мумкин. Ўзлари хассос бўлганлари ҳолда ниқоблари уларнинг ички дунёсига киришга йўл қўймайди.

Саратон ойида туғилганлар жисмонан заиф, ташқи таъсирга тез бериладиган, ташқи муҳитга нисбатан эса сезувчан бўлади. Кўкрак қафаси ва ошқозони касалликка тез бериладиган аъзолариридир. Шунинг учун уларда ошқозон, овқат ҳазм қилиш органлари касаллиги, шиш, ширинча, бод, саратон каби хасталиклар учраб туради.

Бу белги остида туғилган шахсларга власвасли, ҳар нарсадан шубҳаланиш, гумонсираш хосдир. Ақдан заифликнинг дипсомния ва ипохондрия (ваҳима касали) каби шакллари ҳам кўпроқ уларга хос.

Қуёш бу белги остидаги эркакларга у қадар маддад бўлолмайди. Сатурн билан нокулай йўналишда бўлганлиги сабабли эса уларда шиш билан боғлиқ касалликлар ҳам учраб туради.

Саратон ойида туғилганларнинг сезги, ҳиссий қабул қилиши қобилияти яхши бўлади. Улар кенг мушоҳадага, тасаввурга эга бўлиб, жавобгарлик ҳисси кучли, мустақил, ғамхўр, меҳрибон ва синчков, зийракдир. Жонкуяр, раҳмдил, кўнгилчан бўлиб, тежамкорлиги, эҳтиёткорлиги, романтиклиги, сертакаллуфлиги ва хушмуомалалиги билан ажralиб турадилар. Бироқ уларда гумонсираш ҳисси кучли, власвасага тушишади, ташқи таъсирга тез берилувчан бўлишади, ёлғизликдан азоб чекишади, мустақиллик йўқ, ҳар нарсага ҳадиксираб қарашади; юраксизлиги, зиқналиги, қурумсоқдиги, «ичимдаги ни топ», дейиши, заҳарлиги, жizzакилиги, салга хафа бўлавериши билан ажralиб туришади.

Уларнинг ташқи кўриниши турлича бўлади. Баъзиларининг юзи юмaloқ, ёқимтой, бадани нозик, қулганда оғзини катта очиб куладиган, кўзлари думaloқ. Бошқаларининг пастки жафи ясси, кўзлари кичик бўлиб, бундайлар ушбу ойда туғилганларнинг кўпчилигини ташкил қилади.

Табиатан хушчақчак, латифагўйликка мойил. Аммо бу, улар ғамгин ҳолатда бўлмайди, дегани эмас. Улар йиғласа юракдан йиғлашади. Баъзан хафа бўлганда, куракда турмайдиган гап ҳам қилишади, қўпол сўзларни ҳам ишлатиб юборишади. Бирон нарсадан кўнгли олинса, ҳеч нарсага эътибор бермай қўйиши мумкин. Аммо бу ҳолат узоқ давом этмайди.

Саратон ойида туғилганлар ҳаёт сабоини ҳеч қачон унудишишмайди. Улар тарих, тарихий шахслар ҳаёти билан, эски, қадимий нарсалар билан қизиқишишади. Сувда сузишни, чўмилишни, қайиқда сайр қилишни кўпроқ ёқтиришади.

Саратон ойида туғилганларнинг хотираси кучли бўлади. Улар ўз яқинларига нисбатан қаттиққўл бўлсалар-да, ҳақиқатпарвардирлар. Улардан кўпроқ раҳбар ходимлар, бошқарувчилар чиқиши мумкин. Агар улар ҳозир оддий хизматчи вазифасида ишлаетган бўлса, бу уларнинг келгусидаги раҳбарлик фаолияти йўлидаги бир пофона, холос. Баъзиларнинг характеристери очиқ бўлиб, хаёлларга бериладиган бўладилар.

Лекин уларда ички туйғу, олдиндан сезиш ҳисси ривожланган. Кечаю кундуз нимадандир хавфсирашади, ваҳимага тушишади, гумонсирашади, улар доимо иккиланадилар, журъатсизлик қиладилар ва тушкунликда бўладилар. Айни маҳалда улар ўз ваҳимаси, хавфсирашини ҳазил-мутойиба билан ниқоблашга ҳаракат қиладилар.

Саратонда туғилганлар Чаён каби қасоскор бўлиб, ҳеч кимга билдиримай яширин қасос олишга ҳара-

кат қилишади. Камдан-кам ҳоллардагина қаттиқ ранжишган бўлса, худди Чаён белгиси остида туғилганлар каби ўз мухолифларига очиқдан-очиқ зарба беришлари мумкин.

Унинг характеристидаги хафақонлик ва тушкунлик шу қадар кучлики, бошқаларга ҳам таъсир этади. Кўпчилик гипнозчилар (70 фоиз) шу ойда туғилганилиги бежиз эмас.

Саратонда туғилганлар бошқаларга шошилмасдан, жуда эҳтиёткорлик билан ёрдам берадилар. Ҳатто сувда чўкаётган кишига ҳам гарчи кузатиб турган бўлса-да, икки-уч сув хўплаганидан кейингина қўл узатиб қутқариши мумкин. Бундай хусусият унинг худбинлигига эмас, балки ўзини эҳтиёт қилиш ҳиссиётидан келиб чиқишидадир. Бинобарин, Саратонда туғилганлар «етти ўлчаб, бир кес» ҳикматига қатъий амал қиласидар.

Ҳар соҳада – ишқ-муҳаббатда ҳам, обрў-эътибор, шон-шуҳрат, бойлик ортиришда ҳам кўпроқ нарсага эришишни истайди.

Саратонда туғилганларнинг ривожланиш даври ўн тўрт ёшгача. Уларда 14 ёшдан 21 ёшгача энг бахтиёр давр, 42–49 ёш ўртасида – амалий турмуш қувонч-ташвишлари, севги ва эътиқод даври, 70 ёшдан бошлаб эса одиндандан кўра билиш, башорат даври бошланади.

### **Саратон ойида Қучиқ белгиси остида туғилган эркаклар**

Бу белги остида туғилган эркакларнинг ички дунёсини билиш жуда қийин бўлиб, бунинг учун кўп вақт ва сабр-тоқат талаб қилинади. Худди Эгизаклар белгисида туғилганлар каби Ой фазаси ўзгариши билан уларнинг кайфияти ҳам ўзгариб, бугун бир хил бўлса, эртага бутунлай бош-қача бўлиши мум-

кин. Баъзан ўзларини қўпол, худди бегоналардек тутсалар ҳам, шуни унутмангки, қалбан раҳмдил ва меҳрибондирлар. Улар ўз пессимизми, ўта эҳтиёткорлиги билан атрофдагиларни зериктириб, ғамгин ҳам қилиб қўйишлари мумкин. Аммо шундай вақтлар ҳам бўладики, улар, айниқса, ойдин кечаларда хурсандчилик ва завқ-шавқдан тўлиб-тошадилар. Бироқ тезда бу шавқ-завқ ўрнини тургунлик, оғир руҳий кайфият эгаллайди. Улар доимо ниманидир йўқотиб қўйишдан ҳадиксираб юрадилар.

Одатда, Қучиқдар яхши пул топадилар. Улар билан бирга яшаётганлар ҳаётида қийинчилик бўлмайди. Чунки улар пул билан боғлиқ масалалар билан ёшлигидан қизиқадилар. Пулни сарфлашдан кўра, уни жамғаришни ёқтирадилар. Жуда ёшлиқдан пул жамғарсалар-да, уни совуришга йўл қўймайдилар. Олтин-кумушлар жаранги, пулларнинг шиқирлаши уларнинг асабларини осойишта қиласди. Кўп ҳолларда эса ўз иқтисодий имкониятларини (гарчи етарли бўлса ҳам) кам, деб ҳисоблайдилар, ўзларини гўё кўл учида кун кўраётгандай кўрсатадилар. Уларнинг бундай «аянчли» аҳволини кўриб, раҳмингиз ҳам келади.

Агар бирор қиз ушбу белги остида туғилган йигитни севиб қолса-ю, тезроқ унга турмушга чиқишини истаса, совчилар эшигининг турмини бузайтганини йигитга билдирсин. Шунда йигит чекинишдан тўхтаб, қиз уйига совчи юборишга розилик сўрайди.

Унга эришишнинг яна бир осон йўли – унинг онгости эҳтиросига ҳужум қилиш. Мусиқа, шеърият, гуллар, назокатли сўзлар ва эркалаш билан унинг устидан ғалаба қилиш мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, унинг юраги (қалби) билан ошқозони ўртасида узвий алоқа мавжуд.

Қучиқлар тўғрисида кўпроқ билишни истасангиз, яна қўйидагиларга эътибор беринг. Улар пазандада бўлади, қизиқарли, тарихий нарсаларни йифишини

ёқтиради. «Қучиқ» белгиси остида туғилган киши-нинг уйига биринчи бор келган бўлсангиз, асти чўчи-манг. Ҳеч бир эркак аёлларга нисбатан унингчалик одоб билан хушмуомалада бўлмайди.

Қучиқдар кўпроқ қадимги нарсаларни ёқтиришади. У билан учрашувга қадимий билагузук, сирға, балдоқ кабиларни тақиб боринг. Бу, унга таъсир этади.

Кучиқ белгиси остида туғилган киши аёлларнинг ноз-карашма, ишвасига тез берилса ҳам у билан жиддий муносабат ўрнатиш учун кўп вақт керак бўлади. Чунки унинг орзусидаги аёлнинг топилиши қийин. Шундай аёл топилса, эҳтиросга берилиб, уни совға-саломга кўмиб ташлайди, уни ялаб-юлқашга тушади. Таъби жуда нозик бўлгани сабабли ҳар қандай аёл ҳам унинг кўнглига хуш келавермайди.

Тимсоли «Қучуқ» бўлган эркакларнинг кўпчилиги омадсиз, никоҳдан жуда қўрқишиади. Бу, бежиз эмас. Номувофиқ қурилган турмуш оқибати ажралиш билан тугайди. Шунинг учун у чуқур мулоҳаза қилмай уйланмайди. Агар у сиз билан никоҳдан ўтишга қарор қилган бўлса, уни бу йўлдан ҳеч ким қайтара олмайди. Унинг чангалидан чиқиб кетишингиз эса амримаҳол.

Саратонда туғилган эркаклар уйга жуда боғланган, болаларга меҳрибон бўлади, уларнинг муаммолари билан мунтазам равишда қизиқади. Фарзандлари улфайганда эса унга анча оғир бўлади. Чунки фарзандлари у билан бир умр бирга яшашини истайди. Шафқатсиз ҳаёт эса бунга доим ҳам имкон беравермайди.

Шуни ҳам эслатмоқчимизки, эски-туски нарсалар – кундалик дафтар, эски туфли ёки сумка улар учун қимматлидир.

Бу ойда туғилган эркаклар ҳам Савр ойида туғилганлар каби ўз қадрини биладилар. Уд белгиси остида туғилган эркаклар аёлларни севадилар ва

улар билан нозик жинсий алоқада бўлишга интиладилар. Қучиқ белгиси остида туғилган эркаклар эса уларни ёқтирмайдилар ва «аёллар менинг ортимдан қувишлари керак», деб ҳисоблайдилар. Улар ўз куч-ғайратларини кўпроқ бошқа мақсадларга сарфлайдилар. Улар қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, шу соҳада энг зўр бўлиши керак. Ҳукмронлик ҳисси ва керагидан ортиқча шуҳратпарастлик уни юқори чўққилар сари етаклайди.

Бундай эркаклар жинсий муносабатда ҳам мұкаммалликка интиладилар. Улар Савр ойида туғилганларнинг акси ўлароқ, бекиёс эҳтиросга туша олмасалар-да, ўшанга яқинроқ бўлишга интиладилар, тўғрироғи, ўз «рақиби»да енгилганлик ҳиссини юзага келтира оладилар. Қучиқ белгиси остида туғилган эркак билан бўлган аёл қанчалик истамасин, уни тўла мағлуб эта олмаслигини яхши билади.

Аёл уни ўз домига олишга яна уринади. Аммо яна натижা чиқаролмайди. Чунки аёл қадрият борасида тимсоли Қучиқ бўлган эркакдан анча қўйи поғонада туради.

Вафодорлик, садоқат тушунчалари бу эркак учун у қадар катта аҳамиятга эга эмас. Турмуш ўртоги гарчи у билан ижтимоий поғонанинг бир даражасида бўлса-да, унинг кўп «канизаклардан» иборат «ҳарами»да «малика» бўлади, холос.

Шуниси ҳам борки, у билан муносабатда бўлиш истагида юрган аёллар бу эркак ишқий ҳангома талаб алфозга кирганда, ҳар қандай ҳолатда ҳам бунга тайёр бўлиши керак.

### **Саратон ойида Қисқичбақа (Қучиқ) белгиси остида туғилган аёл(қиз)лар**

Ушбу ойда туғилган аёл ёки қиз дунёда ҳамма нарсадан кўра кўпроқ «у қадар чиройли эмасман», «у қадар ақдли эмасман», «ёшим анча ўтиб қолди»

каби фикрлардан қўрқади. Ўзи чиройли, ақли расо, қомати келишган бўлса ҳам, мукаммал эмасман, деган фикрдан қийналади. Шунинг учун сиз – йигитлар уни гўзаллигига, ақдлилигига, ҳар жиҳатдан мукаммаллигига ишонтиришингиз зарур.

Агар сиз шу белги остида туғилган қизни ёқтириб қолсангиз ёки шундай аёлга уйлансангиз, уни денгизга, дарёга, сайру саёҳатга олиб боринг. Сув уни хотиржам қиласди. Сувни кўрганда, кайфияти тез ўзгаради.

Белгиси Қучиқ бўлган аёл ёки қиз ажойиб пазанда бўлиб, мазали таомлар тайёрлашни ёқтиради. Ўзи ҳам егуликларни, мазали овқатларни, китобни ва пулни яхши кўради. Уларда масъулият ҳисси жуда юқори. Ўйда энг яхши кўрган машғулоти хилма-хил таом тайёрлашдир. Унда қариндошлик туйгуси кучли. Ўз яқинлари учун ҳар қандай ишга ҳам тайёр. Болалари атрофида парвона бўлади. Агар уларнинг бирортаси салгина бетоб бўлиб қолса, куйди-пишиди бўлиб парвариш қиласди.

Бу белги остида туғилган аёллардан раҳбар ходимлар чиқади.

У баъзан ғамгин тортиб, хафақон бўлиб, ўз кайфиятини сизга ҳам ўтказади. Баъзан эса жуда дилбар бўлиб кетади, назокати билан сизни ўзига ром этади. Кайфиятидаги бундай турланиш кўпроқ Ой фазасининг ўзгаришига боғлиқ. Ойнинг бир фазадан бошқасига ўтиши ва янги ой бошланиши даври уларнинг руҳиятига салбий таъсир этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, шу белги остида туғилган аёл(қиз)лар пулни яхши кўрадилар. Уларда доимо жамғарма бўлади. Оғир аҳволга тушиб қолганларида гина улар ўз жамғармасини сарф қила бошлайдилар. Аммо улар сарфлаганига нисбатан кўпроқ топадилар. Пул билан боғлиқ масалаларда сұхбатлашишни хуш кўрадилар. Аммо бу борадаги

суҳбатлар ва фаолият тез толиқтириб қўйиши мумкин. Шундай ҳолатларда тунлари ой ёғдусида дарё сайрига олиб борсангиз, бундай сайдир уларнинг кайфиятига ижобий таъсир этганини кўрасиз. Шунда сизнинг кўз олдингизда бу аёл бутун гўзаллиги, латофати билан намоён бўлади. Тунги ой гўёки ўз нури билан унинг бутун ички сир-асрорини, орзу-ҳавасини ёритгандай бўлади. Сув эса унга хотиржамлик баҳш этиб, эҳтиросини жўш урдиради. Бундай ҳолатда у кўзингизга янада гўзал бўлиб кўриниб кетади.

Сизга (яъни турмуш ўрготига) нисбатан у икки хил ёндашади. Бир томондан юмшоқ, нафосатли, тортинчоқ ва жиддий аёл. Иккинчи томондан эса руҳан тез тушкунликка тушадиган, енгилтак. Агар уни севсангиз, бундай ҳолатлари сизга ёқиши мумкин. Мабодо, шунчаки таниш бўлсангиз, унинг ортиқча енгилтаклиги фашингизни келтиради.

Қучиқ белгиси остида туғилган аёл(қиз)ларнинг бундай иккиёқдамалиги мустаҳкам оила қуришга хавф солиши мумкин. Кўп эркаклар белгиси Қучиқ бўлган умр йўлдошининг шундай «қусури» учун ҳам ўз турмушини бузадилар. Хайриятки, уларнинг орасида бундай аёллар кўп учрамайди. Худо кўрсатмасин, улар бошқа аёлларга ҳам кўп кўнгилсизликлар келтириши мумкин.

Саратонда туғилган аёл (қиз)лар танқидни хуш кўрмайдилар. Уларга нисбатан ножӯя хатти-ҳаракат қилинса, устайларидан қулинса, жуда қаттиқ ранжидилар. Шунга яраша ўзлари ҳам бошқаларга нисбатан бундай йўл тутмайдилар. Агар иш жараёнида улар билан муносабатингиз бузилса, бу муносабатни тиклашга иккиланишади, шунинг учун ўзингиз биринчи бўлиб унга пешвоз чиқишингиз керак.

Саратон қизлар онасига нисбатан меҳрибон бўлишни талаб қилишади. Уларнинг эътиқодича, онаси ҳеч ким томонидан камситилмаслиги, хафа қилин-

маслиги керак. Унинг кундалик дафтари ёки ёлғиз ўзигагина тегишли бошқа қофозларини титкиламанг. Чунки бу қиз (аёл) ўз сир-асорорини бошқалардан махфий тутишга интилади.

Саратонда туғилган қизлар бирор хато ёки ножўя иши учун тавба қилишни хоҳдамайди, аммо сиздан тавба-тазарруни талаб қиласверади.

Бу аёл(қиз)ингизнинг қалби билан асло ўйнаша кўрманг. Унинг муҳаббатидан ҳам, пазандалигидан ҳам камчилик топа олмайсиз. Агар сиз уни ҳазиллашиб бўлса-да, алдасангиз, оқибати яхши чиқмайди. Чунки у пичинг, асоссиз гина-кудуратни тушунмайди. Унда сохталик ёки бачканалик бўлмайди. Шуни унутмангки, сиз умрбод униқидирсиз. Ўзининг теран ҳиссиётини, эҳтиросини, туйғусини фақат сизга – ўзига энг яқин бўлган кишисигагина бахш этади. Бошқа аёл (қиз)лар билан уни таққослаганингизда, ундан ортиқроқ аёл йўқлигига амин бўласиз.

Бу аёл кераксиз, деб ҳисобланган нарсаларни ҳам эҳтиёт қилиб сақлади. Эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган буюмларга қимматбаҳо буюм сифатида қараб, йўлини топиб ишлата олади.

Бу белги остида туғилган аёллар турмуш қийинчиликларини мустақил ҳал эта олишларига у қадар ишонишмайди. Бирор қийинчилик ёки кўнгилсизлик рўй берса, албатта, кўз ёш қилишади. Шундай пайтларда унинг ёнида бўлиш, уларни қўллаб-қувватлаш, руҳан ҳамдард бўлиш керак. Зотан, у жуда сабр-қаноатли, бардошлидир.

Баъзан у ўзига кимдир фамхўрлик қилишини истаб қолади. Кимгадир эркалик қилишни, шафқатидан баҳраманд бўлишни хоҳдайди. Усиз яшай олмаслигингизни билишга иштиёқи зўр бўлиб, бунга ишонч ҳосил қилиш унинг учун зарурдир. Бу шафқатсиз дунёда ўзини ҳимоясиз ҳис қилиб, гўдак сингари сиздан мадад кутади.

Саратонда туғилған аёл ўз севимлиси учун жонини ҳам қурбон қилишга тайёр. Умр йўлдоши оғир аҳволга тушиб қолганда, асло ёлғизлатиб қўймайди. Шундай вазиятларда у метиндек иродага эга бўла олади.

Саратонда Кучиқ белгиси остида туғилған аёлларда хусусий мулкчилик ҳисси кучли. Сиз – унинг турмуш ўртоғи ҳам шу мулк таркибига кирасиз. Қаёққа кетманг, бари бир, унинг ёнига қайтиб келишингизга қатъий ишонади. Сизни сабр-бардош, интизорлик билан кутади.

Бу ойда туғилған аёллар қайси соҳа бўлмасин, нима билан шуғулланмасин, барчасида ҳукмрон, етакчи бўлишга интилади. Аммо икки жинс ўртасидаги нозик муносабатда аҳвол аксинчадир. Улар ўз ҳис-туйғуларини, кечинмаларини очиқ намоён қилишни ёқтиргмайдилар. Уларнинг эҳтирос уйғотувчи сезувчан аъзолари – кўкраклари, белининг паст қисми ва бошининг орқа томони – сочининг остки қисми. Баъзилари истисно тариқасида биринчи навбатда ўзини қониқтиришга интилади. Шунинг учун ҳам баъзан ёстиқдошига жинсий эҳтиросини қондирувчи қурол сифатида қарайди.

Фақат жинсий алоқа қизиқтирганлар шуни билсинларки, Кучиқ белгиси остида туғилған аёл кўнгилдагидек ёстиқдош бўла олади. Тўшакда у «тажовузкор», тез кўзғаладиган, ташаббускор бўлиб, етакчи бўлишни севади.

Агар жинсий ҳаётда омади келмаган, алданган, таҳқирланган бўлса, ўз куч-куватини жамоат ишига ёки танлаган касбига кўпроқ сарфлайди.

У жуда шуҳратпарастдир. Шунинг учун маслаҳат тариқасида айтамизки, бундай аёллар жинсий ҳаётда кўпроқ қониқиши олиш учун ўзи талаб қилибгина қолмай, балки кўпроқ ўз йўлдошига ҳам қувонч баҳш этиши, унинг «яхшилигини» қайтариши керак. Шундагина у баҳтли бўла олади.

## **Қисқиңбақа белгиси остида туғилған болалар**

Бу ойда туғилған болалар ҳиссиятта жуда берилған бўлиб, бошқалар суюшини, эркалашини хуш кўради. Улар оиласа, уйга жуда ҳам боғланган. Агар ота-онаси, тарбиячиси ёки ўқитувчиси уни кўнгилдагидек ардоқламаса, сўймаса, эркаламаса, азоб чекади, узоқ вақт маъюс бўлиб юради.

Бу ойда туғилған бола табиатан интизомли, тартиблидир. Соатлаб ёлғиз ўзи ўйнаши мумкин. Уни ранжитиб қўйишганда эса соатлаб йиглаши мумкин.

Қучиқ белгиси остида туғилған болалар гутуртдан, оловдан, тез кетаётган машинадан, қоронфудан, бегона одамдан, чақмоқ, момақалдириқдан, баҳайбат ҳайвонлардан жуда қўрқади.

Уларнинг кўзи ўткир ва хотираси кучлидир. Бир кўрган нарса ёки ҳодисани бир умр эсдан чиқармайди. Жуда ёшлигига ранжитган одамни катта бўлганда ҳам унутмайди. Ширин, яхши нарсаларни ёқтиради. Айниқса, рангли, жозибали расмларни севиб томоша қиласди. Мактаб ёшида ўкув дастури билан чекланиб қолмай, дарсдан ташқари билимларни ҳам эгаллашга интилади. Кўпроқ мусиқа, расм чизиш билан қизиқади. Пулга ҳам жуда ёшлигидан бошлаб қизиқади.

Шуниси ҳам қизиқки, бу белги остида туғилған болалар тўғрисида ҳамма ҳар хил фикрда бўлади.

Шуни унутмангки, ушбу бурждаги бола, айниқса, ёш бўлса, ўзини ҳимоя эта олмайди ва бундан руҳан эзилади. Унинг ёш қалби жароҳатланади. Сирини очишга зўрламанг. Бундан у жуда қийналиши, азобланиши мумкин. Кўрқитиш, чўчитиш ёки унинг устидан кулиш ҳам қатъян ман қилинади. Акс ҳолда тарбиясига катта зиён етади.

Уни ўзи ёқтирмаган одамлар билан муносабатда бўлишга мажбур этманг. Бу, унинг руҳиятига салбий

таъсири этиб, касал бўлиб қолиши мумкин. Айниқса, мактаб ёшидалигида бу жиҳат кучли даражада билиниши мумкин.

Агар ўқитувчи ушбу белги остида туғилган болани кўпчилик ўртасида «дангаса», «аҳмоқ», «эси паст», деб бирор марта койиса, шундай бўлиб қолиши мумкин. Чунки унга ёмон муносабатда бўлаётган шахс олдида бор имкониятини ишга сола олмай қолади. Афсуски, кўплаб ўқитувчилар бундан бехабар ҳолда бола тарбияси ва таълимга тўғри муносабатда бўлмайдилар. Натижада дангаса, гапга кирмайдиган ва нўноқ, ўқишдан безор бўлган болалар борган сари кўпаяверади.

Сизнинг кайфиятингиз унга жуда тез юқади. Агар сиз асабийлашган бўлсангиз, бу болага ҳам ўтади. Айниқса, эр-хотиннинг можароси болага тез салбий таъсири кўрсатади.

Агар бола ўзини ёмон тутаётган бўлса, бунинг учун ҳаргиз ура кўрманг, жазоламанг ва ҳатто сўкманг ҳам. Фақат унинг бу хулқидан сиз қаттиқ хафа эканлигинизни биддириш кифоя. Чунки одатда улар жуда сезувчан, ўз яқинларига жуда ҳам боғланган бўлганликлари учун уларни хафа қилиб қўйишни истамайди.

У қайси ёшда бўлмасин, овқатланишдан келиб чиқадиган кўнгилсизликлар рўй бериши мумкин. Уларнинг муайян таомни хуш кўриши ёки хуш кўрмаслиги яққол билинади. Ёқтиргмаган овқатини ейишни истамайди. Агар хуш кўрган таоми бўлса, тўйганини ҳам билмай еаверади. Бунинг оқибатида ошқозон ва турли ичак касалликлари келиб чиқиши мумкин. Шунинг учун меъёридан ортиқ овқатланишига йўл қўймаслик зарур.

Ширинликка ўч бўлса, тиши оғриши ва семириб кетиши мумкин. Бу бола шамоллаш, йўтал, астма, шиллиқ пардаларининг яллиғланиши ва буйрак

хасталигига мойил бўлади. Бундан ташқари, асаб касаллиги ҳам уларга хосдир. Шу боис, унинг асабларини эҳтиёт қилиш даркор.

Хотиржамлик, осойишталик, унга нисбатан меҳр-муҳаббат унинг учун энг яхши малҳамдир.

Ушбу белги остида туғилган болаларга нималар зарур? Сиз уни ҳақиқатан ҳам севишигизга ишонч ҳосил қилиши, овқатланишда тартиб ва мунтазамлилик ҳам зарурдир. Шунингдек, мустақил бўлишга ўргатиш учун маҳсус топшириқлар бериб, уни қандай бажараётганини назорат қилиб боринг.

У байрамларни (масалан, туғилган кунини нишонлашни), кутилмагандар совғалар олишни, мўъжизаларни ёқтиради.

### **Саратон буржида Қучиқ белгисида туғилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари лозим**

**САРАТОН – ҲАМАЛ.** Бу жуфтликнинг оиласиий турмushi дастлабки даврда жинсий майларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида кетса-да, Қучиқ белгисидагиларнинг рашқчилиги Ҳамал буржида туғилган жуфтининг асабига тегади ва тоқатини тоққила бошлийди. Шу каби сабаблар билан уларнинг оиласиий ҳаётида ўзаро келишмовчиликлар юз бериб туради. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САРАТОН – САВР.** Ўзаро уйғун жуфтлик. Улар бир-бирларидан қониқиб, бир-бирларига ҳузур бағишлиб яшайдилар. Қучиқ белгисида туғилганларнинг кайфиятида учраб турадиган ўзгаришни Савр буржидаги жуфти сеза олади ва юзага келиши мумкин бўлган ихтилофни тинч йўл билан ҳал этишга ҳаракат қиласиди. Улардаги босиқлик бунга кўмак беради. Ушбу буржда туғилганлар узоқ йиллар давомида бахтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**САРАТОН – ЭГИЗАКЛАР.** Мазкур буржда таваллуд топганлар ўзаро мураккаб ҳаёт тарзига эга бўладилар. Жинсий муносабатларда Қучиқ белгисидагиларнинг бошқарилиши қийин бўлган қуввати Эгизаклар буржидаги жуфтларини «орқада» қолдириб кетади. Бир-бирларига ишонч бўлган тақдирдагина узоқ йиллар баҳтли яшашга умид қиласа бўлади. Акс ҳолда оилавий турмушда жиддий муаммолар юзага келади ва бунинг оқибати кўнгилсизликлар билан тугаши мумкин.

**САРАТОН – САРАТОН.** Ўзаро мос тушадилар. Улар ўртасида барча соҳаларда ўзига хос оилавий мусобақа бошланади (шу жумладан, жинсий муносабатларда ҳам). Улар узоқ йиллар бирга баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**САРАТОН – АСАД.** Арслон белгисидагилар кучи, құдрати билан Қучиқ белгисида туғилганларни ўзига тортади. Оилавий ҳаётда Арслон белгисидагилар Қучиқ белгисидаги жуфтига турмушда учраб турладиган масалаларда қатъий қарор чиқариш каби «ноқис» жиҳатларини тўлдиради. Аммо Арслондаги ҳукмронлик ҳиссига Қучиқ белгисидагиларнинг кўниши қийин кечади. Улар шунга кўна олсагина, узоқ йиллар бир оила бўлиб яшашлари мумкин.

**САРАТОН – СУМБУЛА.** Ушбу буржда таваллуд топганларнинг ўзаро оилавий муносабатлари, айниқса, жинсий майлари уйғундир. Аммо йиллар ўтиши билан бир-бирларидан зерикишлари мумкин. Ушбу жиҳатни бартараф этсагина, бир-бирларига қизиқарли, хуш ёқадиган совфалар қилиб турсагина баҳтли ҳаёт кечиришлари мумкин.

**САРАТОН – МЕЗОН.** Мазкур буржда туғилганлар оилавий ҳаётда бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Қучиқ белгисидагиларнинг тез-тез ўзгарувчан кайфиятини Мезон буржида туғилган жуфти тинчлантира олади. Аммо вақт ўтиши билан бу ҳолат Та-

рози белгисидагиларни мувозанатдан чиқариши ҳам мумкин. Натижада, ўртада нохуш вазият юзага келиши кутилади. Уларнинг кўнгил ришталари узилиш эҳтимоли бор. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САРАТОН – АҚРАБ.** Чаён белгиси остида туғилганлар севгиси унинг учун идеал бўла олади. Ақраб буржида туғилганлар Қучиқ белгисидаги жуфти устидан ҳукмронлик ва ҳомийлик қиласидилар. Бу эса Қучиқ белгисидагиларга хуш ёқади. Улардаги ўзаро ҳиссий ва жинсий майллар ҳам мос келади. Чаён белгисидагиларнинг рашқчилигига нисбатан Қучиқ белгисидагилар садоқат билан жавоб бера оладилар. Ўзаро узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этиллади.

**САРАТОН – ҚАВС.** Бир-бирларига қарама-қарши бўлган жуфтлик. Қучиқ белгисидагилар бугунги кун билан яшасалар, Ўқотар белгисидагилар келажакдаги орзу-ниятларини рўёбга чиқариш илинжида яшайдилар. Бу жуфтликнинг бир оила бўлиб узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечиришларига умид қилиб бўлмайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САРАТОН – ЖАДИЙ.** Ушбу жуфтлик ўртасида жинсий майларнинг ўзаро бир-бирига кучли тортилиш ва боғланиши мавжуд. Така (Ўғлок) белгисидаги ўзига тортса-да, оилада улар бутунлай бошқа-бошқа оламда яшаётгандай бўладилар. Вақт ўтиши билан оиласи турмушнинг бошқа муносабатларида ўзаро келишмовчиликлар юзага кела бошлайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САРАТОН – ДАЛВ.** Мазкур буржда таваллуд топганлар ўзаро мос эмас. Нужум илми қонунига кўра, Саратонда туғилганлар билан Сувчи (Кўнак) белгиси остида туғилганлар ўртасида оташин муҳаббат пайдо бўлиши мумкин. Аммо бу севги ўткинчи бўлиб, мустаҳкам асосга эга эмас. Қучиқ белгисидагилар очиқ, ҳиссиётли ва мағрурдирлар, Даља буржида

туғилғанлар эса саргузаштлар изловчи, янги дүстлар орттиришга ўта мойил бўладилар. Молиявий жиҳатларда ҳам уларнинг номувофиқликлари намоён бўлади. Қўлида пул турмайдиган, ҳамёни «тешик», серхарж Сув қуювчи белгисидаги жуфтининг бундай хусусиятлари Қучик белгисидагиларнинг ўта хасислиги, пулни жамғариб бориш каби хусусиятлари билан асло тўғри келмайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**САРАТОН – ҲУТ.** Улар бир-бирларига жуда ўхшашибирлар. Ҳар иккиси ҳам сув белгисида туғилган. Шу жиҳатдан ҳам ўзаро мос тушадилар ва узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**Саратонда Қисқичбақа (Қучик) белгиси остида туғилған машхур ва таниқди кишилар:** Юлий Цезарь, Рембрандт, Жузеппе Гарибалъди, Жон Рокфеллер, Эрнст Хемингуэй, Луи Армстронг, Файзула Хўжаев, Комилjon Отаниёзов, Вайжантемала, Эркин Комилов, Жорж Буш, Артур Таймазов.

## **АСАД – АРСЛОН БЕЛГИСИДАГИ ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**23 июль – 23 август оралыгыда түгілғанлар.  
Қуёш бошқаради. Мизожини белгилүвчи үнсүр  
– олов. Тимсоли – Арслон. Буржига хос ранглар  
– тұйқ сарық, жигарранг, алвон ва олтын ранги.  
1,5,9,11 – баҳтли рақамлар саналади.**

Қадимда араблар бу юлдуз буржини ал-Малик, яғни шоҳ деб атаганлар. Шунинг учун Коперник унга лотинчасига Регул – шоҳ юлдуз деб ном берган. Малик юлдузи Арслон юраги, деб ҳам юритилади ва күч-құдрат, жасорат, довюраклик ва донишмандлық тимсоли ҳисобланади. У оқ ҳароратли юлдуздир.

Арслон – ҳайвонот дүнёсида әнг күчли саналади. 23 июлдан 23 августгача бўлган даврда туғилган киши ўз атрофидагилар орасыда ҳукмрон бўлишни севади. Шунинг учун яхшиси улар билан баҳслашмаган маъқул. Акс ҳолда у сизга «даҳшат» солиши, зўравонлпк қилиши, кўрқитиши мумкин. Шу ойда туғилган кишилар ташқи кўринишидан шердек мағрур, сочи қуюқ ва дағал, ҳар томонга қараб ўсган бўлади. Улар ҳеч қачон ва ҳеч қаерга шошилмайдилар ва зоҳирان алдамчи, дангаса кўринишига эга. Шер белгисидаги аёл мушукдек хотиржам, аммо кимки унга ёки болаларига хавф солса, қаттиқ қаршилик кўрсатишига доимо тайёр бўлади. Уларнинг кўзлари нисбатан хотиржам кўринса-да, ҳар бир дақиқада аланг олиши мумкин.

Арслон белгиси остида туғилганларни Қуёш бошқаради. Уларнинг кўпчилиги педагог, психотерапевт ва ҳатто сиёсатчи ҳам бўлиб етишади. Ажойиб ташкилотчи бўлиб, ўйлаганини айтади, ўз фикрини очиқ баён этади. Лекин шахсий ҳаётини кўп ҳолларда тўғри ташкил қила олмайди.

Хўкмронлик ҳиссига эгалигига қарамасдан, бу кишиларнинг қалби тез озор топади, дарров хафа бўлиб қолади. Айниқса, яқинлари, оила аъзолари, ёр-биродарлари томонидан унинг ақл-заковати, саҳийлиги қадрланмаса, бу ҳол кўпроқ содир бўлади. Яна шу жиҳати ҳам борки, бу «даҳшатли ҳайвон»ни энг оддий усул – мақтov билан мулоийм мушукка айлантириш мумкин. Чунки ҳурматсизлик уни жунбушга келтиради, мақтov эса хотиржамлик баҳшида этади, муолажа бўлади. Бу икки муносабат «Шер» белгиси остида туғилган одамлар характеристидаги бекарорликни ифодалайди. Унинг ҳукмронлик ҳисси, айниқса, кўпчилик ичида яққол сезилади. Бошқаларга ўз сўзини ўтказишга интилиши, бошқалар фикрини кескин рад қилиши ва ҳаммани ўзига қаратиш иштиёқи очиқ намоён бўлади.

Асад буржи (Арслон белгиси)да туғилган эркакларга кўпроқ дангасалик хос бўлса, ушбу бурж остида туғилган аёллар эса ўта меҳнаткаш бўлиб, оиланинг асосий боқувчиси ва бошқарувчиси сифатида фаолият юритадилар.

**Асад ойида туғилганларнинг ижобий жиҳатлари:** мағрут, ўз қадр-қимматини биладиган, самимий, софдил, кўпчиликка бош бўла оладиган, бошқаларга нисбатан хайриҳоҳ, сахий, меҳмондўст, жавобгарлик ҳисси кучли, жиддий.

**Салбий жиҳатлари:** ўзига ортиқча бино қўйиши, мақтанчоқ, ўзбошимча, бошқаларни ўзига эътибор беринини ва бўйсунишини истовчи, инжик, худбин, пул учун жанжаллашадиган, юзаки.

Ўзи бошқаларга ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъи назар ҳис-туйғусини ўзига ёқиб қолган шахсга очиқ, ҳеч иккиланмай билдиради ва уни ўзига бўйсундирishiша интилади. Оқибатда, бошқаларда ёмон таас-сурот қолдиради, бу «қилифи» кўпчиликка ёқмайди.

Шунинг учун бу белги остида туғилғанлар орасида узоқ вақт бүйдөк ўтган ёки турмушга чиқмаганлар учрайди. Мағрурлиги туфайли күп ҳолларда унинг ҳаёти дарз кетса-да, узоқ вақт жуфтсиз яшай олмайди. Гина-кудуратни тез унугади ва кечирудчан бўлади. Асад буржида туғилғанлар хоҳ эркак, хоҳ аёл(қиз)лар, ҳеч қачон бироннинг муруввати билан яшамайди, балки уларнинг ўзлари бошқалар учун суюнчиқ бўлади. Ҳатто улар иқтисодий-молиявий қийинчиликка дуч келган бўлса ҳам жуда кам ҳолларда бошқалардан қарз-ҳавола қиласди, бунинг чорасини ўзи топишга интилади. Арслон күп ҳолларда таваккалчи, сарф-харажат қилишда ўйлаб ўтирамайди. Улар ўзининг ташқи кўринишига эътибор билан қарайди – яхши кийинади, ҳатто аёл ёки қиз бўлса-ю, оз маош олса ҳам қимматли ва замонавий буюм, кийим-кечак олади.

Бу белги инсон юраги ва белининг қуи қисми тимсолидир. Арслонлар соғлом бўлади, шамолласа, тез ўтиб кетади ва асорат қолмайди. Энг сезувчан аъзоси юрагидир. Шунинг учун юрак билан боғлиқ касалликларга учраши мумкин.

Арслонлар фавқулодда содик дўст бўлишади, ташқи жиҳатдан худбин каби кўринишига-да, қалби тозадир.

### **Арслон белгиси остида туғилған эркаклар**

Мазкур буржда туғилған эркаклар шердек мағрур, сочи қуюқ ва дағал, ҳар томонга қараб ўсган бўлиб, юрганларида маймоқ босиб юрадилар. Ҳақиқий шерларга ҳам эътибор берсангиз, маймоқ босиб юрадилар.

Эркак арслон кўпинча бир кўришдаёқ ишқ доимига тушади. Арслонни қадрласангиз ва унга бўй-

сунсангиз жуда ёқиб тушади. Аммо у сизни «домига илинтиргач», олтин қафасдаги қүшнинг аҳволи бошингизга тушиши мумкин. Бунга сабаб уларнинг фавқулодда рашкчилигидир.

Арслонда табиатан раҳбарлик лавозимига мояиллик бор. Ҳатто у раҳбар бўлмаса ҳам бошқалар орасида ўзини раҳбардек ҳис этади. Кўп ҳолларда давлат қонунларига, ишхонадаги тартиб-қоидаларга бўйсунмайди. Оддий ишда ишлаётган бўлса ҳам, уни мақташларини, руҳан қўллаб-қувватлашларини, тақдирлашларини истайди, акс ҳолда ишидан кўнгли совуши мумкин.

Арслон белгиси остида туғилган эркаклар Қўй белгиси остида туғилган эркаклар каби ўзларининг жинсий имкониятларига шубҳа билан қарайдилар. Бироқ одамлар орасида ўзларини бу соҳада жуда билағон ва кўп нарсанинг уддасидан чиқа оладиган қилиб кўрсатишади. Ёшлиқда нимага қодир эканлигини кўрсатиш мақсадида ўз жинсий майларига ҳаддан зиёд эрк берадилар.

Улар жинсий муносабатнинг техник жиҳатига ортиқча баҳо беришади, аммо эҳтироси чуқур эмас. Ўз жуфтини қаттиқ рашк қилади. Бунинг сабаби ёстиқдошига ўзи баҳш этолмаган лаззатни бошқалар беришидан чўчишади. Арзимаган, тасодифий муваффақиятсизликдан ҳам катта ташвишга тушади. Бунинг оқибатида кўпинча вақтингчалик жинсий ожизликни бошидан кечиради. Бундай ҳол ўрта ёшида, гарчи жинсий қувватга эга бўлса ҳам аёллар билан аввалгидек муносабатда бўлишига тўсқинлик қилади.

## **Арслон белгиси остида түғилған аёллар (қызлар)**

Суюкли ва күпчилик орасида катта муваффакият-ларга эга бўлади. Хушторлари кўп бўлган бундай аёл (қыз)ларнинг кўнглини овлаш, ишончини қозониш осон кечмайди. Зеро, табиат уларга бир неча аёлга етадиган ақл-заковат, жўшқин феъл-атвор, ҳусн ва жинсий жозиба ато этган.

Агар ҳақиқатан ҳам бу аёл (ёки қыз)нинг кўнглини овламоқчи бўлсангиз, анча сарф-харажат қилишингизга тўғри келади. Юксак дид билан танланган қимматбаҳо совға тақдим этаётганингизда ўзингиз ҳам шунга монанд равища кийиниши унутманг! Шунингдек, чинакам маликанинг муҳаббатини қозонмоқчи экан-лигингишни ҳам ёдда тутинг! Бинобарин, сиз унинг наздида кучли, жасур бўлишингиз керак. Зотан, бу «маликалар» нимжон, заиф, кучсизларга қиё боқмайди.

Бу аёл (қыз)лар улуғворликни севадилар ва қадр-лайдилар. Қимматбаҳо ашёларни, сароймисол уйларда яашани истайдилар. Айни маҳалда улар сахий, совға-салом берища бошқалардан орқада ёки қарздор бўлиб қолишини истамайдилар.

Бу белги остида түғилған қызлар ажойиб бека бўладилар. Улар ўзларига катта эътибор билан қарайдилар: бошқалардан фарқли равища упа-эликка кўп пул сарфлайдилар, қимматбаҳо матодан ўта дидли қилиб тикилган кийимлар, қимматбаҳо мўйнадан кийим-бош кийишга ҳаракат қиласидилар.

Улар жуда ҳам киришимли, бошқалар билан тез дўйстлашиб, фикрлашиб кетаверадилар. Камдан-кам ҳолларда уй ишлари билан ўралашиб қоладилар. Кўп нарсага улгурадилар. Ўз болаларини яхши парвариш қиласидилар, уларнинг муваффакиятларидан гуурланадилар.

Бу аёлларнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, уларнинг жинсий интилиши билан жинсий эҳтироси ўзаро бир-бирига мос тушавермайди. Жинсий интилиш нуқтаи назаридан улар заиф бўлса-да, жинсий эҳтиросга кўра тажовузкор, эътиборни тортадиган бўладилар. Дилбарлиги, мафтункорлиги билан эркакларни ўзига ром қила олишини биладилар ва шу туфайли ўзига бино қўйиб, мағрурланиб юрадилар. Эркакларга ҳийла қилиб, найранг кўрсатишни ёқтирадилар.

Арслон белгиси остида туғилган аёл жинсий муносабатга у қадар ўч, майли кучли бўлмаса-да, ўз мақсадига тез ва осон эришади ҳамда қийинчиликсиз қониқади. Бундай аёлларнинг жинсий муносабатга эҳтиёжи бир қарашда кучли кўринса-да, аслида ундай эмас. Уларни бошқача тасаввур қилган эркакларнинг кўплари аксарият ҳолларда «қуруқ» қолаверадилар ва бундан ранжийдилар ҳам.

### **Арслон белгиси остида туғилган болалар**

Эркин, хушчақчақ, ўйинқароқ бўладилар. Аммо уларнинг хушчақчақдигини доимо силаб-сийпалаб ривожлантириш мумкин. Бу белги остида туғилган бола ёшлигидан бошқа болалар устидан ҳукмронлик қилишга уринади. Ўзидан кучсиз болаларни, қизларни тез-тез ранжитади. Бошқалар, айниқса, қизлар олдида ўзини кўрсатишга интилади. Бу белги остида туғилган болалар мактабда ўқитувчи йўқ пайтда унинг ўрнини эгаллаши мумкин. Улар синфда, гуруҳда интизомни мустаҳкамлашга ёрдам кўрсата оладилар ва аксинча, синфда, тўс-тўполон кўтаришлари ҳам мумкин. Улар ўқишини тез ва осон ўзлаштиrsa-да, баъзан дангаса, ишёқмас бўлиб қоладилар. Бундай вазиятда уларни ортиқча койиб,

ҳиссиётини оёқости қилиш ярамайды. Нафсониятига асло тегмаслик керак, яхшиси, унинг шуҳратпарастлигидан фойдаланиш дуруст. Ўқишида унинг тенгқурлари эришаётган муваффақиятларни ҳавас билан мақтаб айтинг. Унга шунинг ўзи кифоя қиласди. Чунки бошқаларда бор нарса унда бўлмаса, чидай олмайды. У бор имкониятларини ишга солиб, бошқалардан ўтиб кетишга ҳаракат қиласди. Агар у бирон муваффақиятга эришса, мақтаб қўйишни унутманг!

Унга буюк шахслар, қаҳрамонлар, кишилар баҳти учун курашган тарихий шахслар тўғрисидаги китобларни ўқитишга ҳаракат қилинг! Ҳукмдорлар, ҳокимият билан боғлиқ барча воқеалар уни жуда қизиқтиради. Улгайган сари сиёsat масалалари билан қизиқиб боради. У келажакда буюк шахс бўлиб етишиши мумкин. Шунинг учун унга чуқур билим беринг ва кўзлаган мақсадига эришиши йўлларини кўрсатинг!

Уни бошқалар билан яхши муносабатда бўлишга, муайян мақсадни кўзлаб ишлашга ўргата олсангиз, ҳаётда у муваффақиятларга эришиши мумкин.

Арслон белгиси остида туғилган болалар ёлғизлини ёқтирмайдилар. Улар доимо ўзига дўст қидиришади. Улар табиатан оққўнгил ва қўли очиқдир, шу билан бирга худбин ҳамдир.

Мазкур белгидаги болалар қизларга ўз тенгқурла-рига қараганда, эртароқ эътибор қиласдилар. Уларда ўсмирилик ва ёшлиқ даври, айниқса, ўтиш даври оғир кечади. Аксариятида дўстлашув ва ишқ-муҳаббат фавқулодда аянчли кечади. Улар турли кечаларни, базму жамшидни жуда ёқтирадилар. Арслон буржидаги болаларни уйда тутқунликда кўп сақламаслик, эркин бўлишига имкон бериш лозим. Акс ҳолда ўз эркини ўзи олишга интилади, бунинг оқибати эса ёмон бўлиши мумкин.

Арслон белгиси остида туғилған бола бадани, тери-си сезгир бўлғанлиги учун қуёш нури остида кўпроқ турса қуиши мумкин. Унинг юрак фаолияти ва белининг қуий қисми доим эътиборда туриши керак.

Юқоридаги фикр ва маслаҳатларга таяниб иш тутсангиз келажакда, албатта, ундан жамият учун жуда катта хизмат қилиши мумкин бўлған шахс етишиб чиқиши кутилади.

### **Асад буржида Арслон белгисида туғилғанлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қиласликлари лозим**

**АСАД – ҲАМАЛ.** Ушбу жуфтлик жисмоний ва жинсий майларига кўра ўзаро мувофиқ келади. Аммо уларнинг ҳар иккисидаги ҳукмронлик ҳисси туфайли ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлиши кутилади. Бундай зиддиятли ҳолатни бартараф этиш эса анчайин мушкул. Шундай бўлса ҳам, бошқа жиҳатлари билан ўзаро мос тушадилар ва узоқ вақт бир-бирларидан айро яшай олмайдилар.

**АСАД – САВР.** Ўзаро муносабатлари уйғун тушмайди. Иккиси ҳам қайсар, ўз билганларидан қолмайдиганлардан. Саврда туғилғанлар амалиётчи, тежамкор, Асад буржида таваллуд топганлар эса серхарж ва исрофгарчиликка йўл қўйишга мойилдирлар. Ўзаро зид келувчи хусусиятлари бисёр. Уларни бартараф этишга эса ҳар иккиси ҳам ожизлик қиласди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**АСАД – ЭГИЗАКЛАР.** Арслон белгисида туғилғанлар табиатан ўта рашикчидирлар. Эгизаклар эса бунга тоқат қила олмайдилар. Боз устига Эгизакларнинг ким бўлса ҳам, ҳақиқатни шартта айтиши, танқидий мулоҳазаларини ҳам яшира олмаслиги Асад буржида туғилған калондимоғ жуфтига умуман ёқмайди.

Арслон белгисида туғилганлар мақтовни хуш кўрадилар. Сохта хушомад қилиш эса Эгизакларнинг кўлидан келмайди. Шундай бўлса-да, улар ўртасида турмуш қуриш ҳоллари учраб туради.

**АСАД – САРАТОН.** Ўзаро бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Арслонларнинг мағрурлигига Қучиқ белгисидагилар ҳам ўзларининг мағрурликлари билан жавоб қайтарадилар. Қучиқ белгисидагилар ҳеч қачон бирордан кечирим сўрашга одатланмаган ва буни хоҳламайдилар ҳам. Қачонки, Қучиқ белгисидагилар (аёллар) Арслон белгисидаги жуфтининг ҳукмронлигига бўйсунган тақдирдагина, улар ўртасида қурилган оиласдан мувозанат ўрнатилади.

**АСАД – АСАД.** Ушбу жуфтлик шоҳ ва малика жуфтлиги, десак янгишмаган бўламиз. Уларнинг ҳар иккисида ҳам арслонларга хос хусусиятлар мужассамлашган бўлади. Жинсий эҳтирос ва қувватлари ҳам жўшқиндир. Аммо кези келганда, бири иккинчисининг ҳукмронлик, етакчилик қилиш ҳиссини тан олиб, бўйсунсагина оиласий мувозанат таъминланади. Акс ҳолда ўзаро келишмовчиликлар, гина-кудуратлар, таъна-дашномлар давом этаверади.

**АСАД – СУМБУЛА.** Арслонларнинг ўта ҳароратли, жисмоний ва жинсий қуввати ва фаоллигига Пари белгисидагилар дош беролмайдилар. Бундай талабга нисбатан Париларда норозилик кайфияти ортиб боради. Асад буржида туғилганларнинг ҳукмронлик ҳисси ва етакчи бўлишга мойиллигига нисбатан ҳам Пари белгисидагиларнинг тоқати йўқ. Агар ушбу жуфтлик узоқ вақт бир оила бўлиб яшай олсалар, уларга олтиндан ҳайкал ўрнатса арзийди.

**АСАД – МЕЗОН.** Тарози белгисидагилар доимо Асад буржида туғилган жуфтини мақтаб, силаб-сий-палаб юришларини ёдан чиқармасликлари лозим. Унинг билан фахрланишини доимо ва тез-тез ёдла-

рига солиб, изҳор этиб юришларига түғри келади. Шунингдек, Арслон белгисидаги жуфтини танқид қилишдан ўзларини тийиб юришларини эсдан чиқармасликларига түғри келади. Шундай талабларга жавоб берса, улар ўртасидаги никоҳ давомли бўлади ва турли келишмовчиликларинг оди олинади.

**АСАД – АҚРАБ.** Уларга осон бўлмайди. Чаён буржидагилар раشكчи ва хусусий мулкчиликка мойилдирлар. Арслонлар ҳам ўта раشكчи ва ўз жуфтидаги бундай характерга тоқат қила олмайдилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ўта кучли жисмоний ва жинсий қувватга, фаолиятга эгадирлар. Шу жиҳатдан ўзаро мувофиқлик бор. Бошқа жиҳатлардаги, масалан, уларнинг ҳукмронлик ҳиссининг ўта кучлилиги каби хусусиятларини ўзаро муросага сола олса, узоқ ва давомли оиласвий ҳаётини таъминлай оладилар.

**АСАД – ҚАВС.** Омадли жуфтлик. Иккиси ҳам саёҳатларни, саргузаштларни хуш кўрадилар. Ўқотар Арслон билан фахрланади. Бу эса Арслонларга жуда ҳам ёқади. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро уйғунликни таъминлашга асос бўлади. Иккиси ҳам ўта кучли жинсий қувватга эга. Бундай мувофиқлик уларнинг бошқа жиҳатларини ҳам ўзаро боғланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Бундай оиласларда эр-хотинларнинг иккисини ҳам раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатиш ҳоллари кўп учрайди. Ўзларининг раҳбарлик фаолиятлари билан бўлиб, шахсий муносабатлари учун вақтлари ҳам кам бўлади. Ўзаро уйғун ҳаёт кечиришлари кутилади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**АСАД – ЖАДИЙ.** Така белгисидагиларнинг талабчанликлари ва амалиётчилиги Арслонларнинг «фашини» келтиради. Ҳар иккиси ҳам мустақилликка мойилдир. Такалар бирорвга бўйсунниб яшашга хоҳишлари йўқ. Арслонлар эса ўзига бўйсундиришга

чиранади. Шу тариқа улар ўртасидаги оилавий ҳаёт узоққа бормайди ёки ўзаро зиддиятлар ортади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**АСАД – ДАЛВ.** Маълум бир фурсат давомида улар ўртасидаги оилавий муносабатларда уйғунлик бўлади. Аммо вақт ўтиши билан олов билан сув белгисидагилар ўртасида зиддиятлар вужудга келади. Арслонларнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан Сув куювчиларнинг танқидий муносабатлари ўз навбатида, улар ўртасидаги зиддиятларнинг манбаи бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, ўзининг эркидан айрилган ва Арслонларнинг «доми»га тушган Даљ буржидагилар гўё қамоққа тушган маҳбусдек бўлиб қоладилар. Улар ўртасидаги можаролар давом этаверади ва охир-оқибат пичоқ суюкка бориб тақалганда ўзаро муносабатлар зил кетади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**АСАД – ҲУТ.** Улар ўртасида мураккабликлар мавжуд бўлади. Балиқ белгисидаги тортинчоқлик, гумондорлик, ўта ҳиссиётлилик Арслонларни жунбушга келтиради. Арслонлардаги ҳукмронлик Балиқ белгисидагиларни эзади ва доимий равишда босим остида яшашга мажбур қиласди. Бундай яшашга дош бера олмаган Балиқлар боши оқсан томонга «сузиб» кетишга мажбур бўладилар. Бунга журъат қила олмаган балиқлар эса «аквариумда» яшашга мажбур бўладилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**Асад буржида Арслон белгиси остида туғилган буюк ва таниқди кишилар:** Абу Али ибн Сино, Наполеон Бонапарт, Александр Дюма, Аваз Ўтар, Людвиг Фейербах, Ги де Мопассан, Вальтер Скотт, Бернард Шоу, Фидель Кастро, Ўткир Ҳошимов, Ражив Ганди.

## **ПАРИ – БУГДОЙ БОШИ (СУМБУЛА)**

**24 август – 23 сентябрь оралыгыда түгилғанлар. Меркурий сайёраси бошқаради. Мизожини белгиловчи үнсүр – тупроқ. Тимсоли – Пари. Буржига хос ранглар – мөвий, оқ, яшил ва бинафша ранглари. 3,5,6,12,20,27 – баҳтли рақамлар саналади.**

Бу белги остида туғилғанларни аниқлаш қийин әмас. Улар күпчилік ичіда үзларини ноқулай ҳис қыладылар, тортынчоқ ва уятчан бүләдилар. Табиатан – одамови. Таşқи күринишидан ёқимтой. Ыта покиза, тартибли, модага берилмайды.

Пари буржининг номи қадимги юононларнинг құлида бошоқ ушлаган ҳосил худоси Церера ва адолат худоси Фемида номлари билан бояғылған. Шунинг учун ҳам Пари белгиси билан ёнма-ён Тарози (Мезон) буржы белгиси жойлашған.

Кузги тенгкунлик Пари буржига түғри келади. Уларни Меркурий сайёраси бошқаради. **Ижобий жиҳатлари:** хотиржам, доимо бир маромда бүләди, ишчан, жуда эътиборли, ишга, бурчга садоқатли, ақд-заковатли.

**Салбий жиҳатлари:** эхтиорссиз, совуқ, илтифотсиз, чекланған, үз соғалиғига шубҳа билан қарайди, танқид қилишга мойил, ҳовлиқма, беҳаловат.

Пари буржида туғилғанлар зоҳиран хотиржам күрінсалар-да, ботинан хавотирли бўлиб, бу уларнинг саломатлигига салбий таъсир этади.

Улар хушбичим бўлади. Санчик тутитиши, ичак оғриши, ичбуруғ ва бошқа овқат ҳазм қилиш тизими касалга чалиниши мумкин. Бундан тана кучсизланиши, беҳоллик зоҳир бўлади. Ўпка ва асад тизими касаллигига берилиши мумкин.

Сайёрамизнинг энг бой одамлари рўйхатини мунтазам равиша эълон қилиб турадиган «Forbes» журналида берилган маълумотга кўра, дунёдаги энг бадавлат кишилар Сумбула буржи остида туғилгандардир. Мутахассислар хulosасига кўра, Сумбула буржи остида таваллуд топганлар меҳнаткаш, дадил, майда-чуйдаларга эътиборли бўлиб, ақдий салоҳияти кучли. Ана шу сифатлар уларнинг кўп миқдорда пул ишлаб топишларига ёрдам берган.<sup>21</sup>

### **Пари белгиси остида туғилган эркаклар**

Улар дангасаликка тоқат қилмайдилар, ишchan бўладилар. Ўз яқинларининг камчиликларини тез пайқайдилар. Ўзгалар ҳомийлигига тоқат қилмай, мустақиллик билан ўзигагина ишониб иш тутадилар. Одамларнинг йифлоқилиги, енгилтаклиги, эҳтиросга берилиши туфайли уларни ўзларидан узоқлаштиришлари мумкин. Агар бу белги остида туғилган кимса ўзига муносаб умр йўлдоши учрата олмаса, бундан у қадар ташвишга тушмайди ва хотиржам ёлғиз яшайверади.

Пари буржида туғилганлар ўз касбига меҳр қўйиб ишлайди. Интизомли, ўз бурчини яхши адо этади. Ўз тақдирини курашларсиз яратишга интилади. Дунёқараши аниқ, хатти-ҳаракати беғубордир. Ёлғон-яшиққа, алдамчиликка тоқат қила олмайди. Бошқалар билан эса соғ, самимий муносабатда бўлишгина интилади.

Унинг муҳаббати ҳеч кандай портлашларсиз аланга олади ва узоқ вақт давомида унинг ҳароратидан баҳраманд бўла оласиз. Бу эркакларда шундай ро-

---

<sup>21</sup> Қаранг: Буржлар ва пуллар. –Т.: Янги аср авлоди. 2011 й. 116-бет.

мантиқ хусусият борки, күнгил қўйған қизининг розилигини йиллаб сабр-тоқат билан кута олади.

Бошқа жиҳатдан қарагандада Сумбулада туғилганлар аёлларга нисбатан юмшоқ ва эътибор билан муносабатда бўладилар. Улар оиласда ишончлидирлар. Камдан-кам ҳолларда улар ўз умр йўлдошлари билан күнгил ришталарини бузишади. Иш шунга келиб етса, ўз қарорларида маҳкам турадилар, синган күнгил шишасини чегалашга уринмайдилар.

Улар аёллар ҳаётида эътиборга эга бўлган ҳар қандай майда-чуйда нарсаларга аҳамият билан қарайдилар. Бирон нарсага аҳд қилдиларми, бас, албатта, охирига етказишиади.

Бироқ Сумбулада туғилганларнинг асосий камчилиги уларнинг ортиқча расмиятчилиги, майда-чуйда нарсаларга эътибор бераверишидадир.

Сумбулада туғилганларнинг аксарияти кўпроқ хизматчи, ходим бўлиб ишлайдилар. Уларда иш юзасидан жавобгарлик ҳисси юқори бўлади. Улардан яхши маслаҳатчи, берилган топшириқларни ўз вақтида бажарувчи ходим чиқади.

Пари белгиси остида туғилган кишилар иш жойларида ўзларини кўпроқ ўринбосар сифатида намоён қиладилар. Ўз раҳбарларининг камчиликларини жуда яхши пайқайдилар ва бу камчиликлари учун уларни танқид килишдан ҳам тоймайдилар. Ўта тартибли, фикри тиниқ бўлгани учун ҳар қандай мураккаб ишларни ҳам уларга ишониб топшириш мумкин.

Бу белги остида туғилган эркакларнинг жинсий хусусияти секин ва кечикиб намоён бўлади. Уларнинг аксарияти уйлангунга қадар ўз жинсий имкониятларини тўла англаб етмайдилар. Бундай эркаклар ўз жуфтти ҳалолини қадрлайдиган садоқатли эр ва яхши ота бўлади. Ишқий саргузаштга деярли берилмайди.

У бошқа тенгдошларига мактаб ёшидаёқ маълум бўлган биологик майлни 40 ёшларга бориб тўла англай бошлайди. Шу даврдан бошлаб унинг ҳаёти икки йўналишда боради. Биринчи йўналиш шуки, у ёшлиги фафлатда ўтганини англаб ўзи учун аввал нотаниш бўлган жинсий муносабатларни юзага келтиради. Тенгдошлари жинсий ҳаётдан бирин-кетин қайтаётган бир пайтда у узоқ ва жадал жинсий ҳаётни бошлайди. Аммо қучли эҳтиросга эгалигига қарамай, ўз феъл-авторидаги тортиңчоқлик, биқиқликни ва лоқайдликни енгиб ўтолмаслиги ҳам мумкин. Бундай ҳолда у эсиз ўтган ёшлиги учун пушаймон бўлиб қолаверади, умидсизликка, тушкунликка тушади.

### **Сумбулада (Пари белгиси остида) туғилган аёллар (қизлар)**

Улар бошқа белгидагилардан фарқди равишда, юксак романтизм билан тўлиқ амалий фаолиятни қўшиб бора олиш хусусиятига эгадирлар. У бирон ишни унингдек ҳеч ким ўзичалик вижданан ва бартабиб бажара олмаслигига ишонади.

Парилар ишончли ва латофатли турмуш ўртоғидирлар. Бундай аёлларнинг болалари ҳеч қачон йиртиқ кўйлак билан ёки бурни оқиб юрмайди. Улар ўз болаларига қаттиққўлдирлар. Аммо уларда жўшқинлик кам. Доимо ўзининг одамовилигидан қийналиб юрадилар.

Мазкур бурж соҳибалари моҳиятан муҳаббат каби бегубордир. Агар биринчи муҳаббати қониқтирма-са-ю, бош-қанинг муҳаббатини бенуқсон, деб топса, ҳеч иккиланмай аввалгисидан воз кечадилар. Табиатан худбин бўлиб, кўп ҳолларда ўз яқинлари билан муносабатини хавф остига қўяди.

Пари – аёллар донолиги, сабр-бардошлилиги, кузатувчанлиги, ҳурмат-эътиборга лойиқлиги, уларнинг юксак даражада шаклланган тафаккурининг рамзи.

Йиллар давомида тўплаган тажриба, хўжалик юмушлари вужудга келтирган кўникма, унинг ақдий фаолиятини ўз уйини севишга, ўзини ўраб турган мұхит: томорқа, уй-рўзгор юмушларига йўналтиради. Парилар йил давомида меҳнат қилишади. Шунинг учун ҳам Пари – уй-рўзгор ва саломатлик рамзидир.

Табиатига кўра, у идрокли, кузатувчандир. Таассуротларини умумлаштириб, зарур хулоса ҳам чиқара олади. Бундай хусусиятга кўра, у бошқаларга нисбатан устун туради. Унинг ақд-заковати йиллар давомида юксалиб, келажакда машҳур шахсга ҳам айланиши мумкин.

22–28 ёшларда Париларнинг ирода ва ақд-хуши камол топади, 35–49 ёшларда эса донолик мақомига эришиб, катта ҳурматга сазовор бўлади.

Кимда-ким бу белги остида туғилган қиз ёки аёлни севиб қолса, ўртада муҳаббат вужудга келса, улар жуда баҳтли бўлишади. У жинсий мулоқотга ўч, ёлғиз кишига тегишли бўлишни ва муносабатлари давомли бўлишини ёқтиради.

Куннинг қайси вақтида, кандай жойда ва қанақа шарт-шароитда бўлмасин, у бундай муносабатга доимо тайёр туради. Ишқий муносабатларда ҳар қандай файриодатий ҳолларга ва тажрибага мойилдир. Унинг ишқи жўшқин, соф ва беғубор бўлади. Эҳтироси эса ақд-заковати билан ўзаро мос тушади. Ўз йўлдошига тобе эканлигини нафис хатти-ҳаракат, силаб-сийпаш ва ноз-карапша билан ифодалашга уринади.

Ёлғиз қолганда бирон кимса билан яқин бўлишни, уни ҳис этиб туришни ва ҳароратидан баҳраманд

бўлишни қўмсайди. Лекин жинсий зўриқиши нималигини билмайди. Ажойиб уй бекаси, рафиқа, она бўла олади. Садоқатли аёл эканлиги учун умр йўлдошининг бошқа аёллар билан бўлишига чидай олмайди ва бундай ҳол рўй берса, уни асло кечирмайди.

### **Пари белгиси остида туғилган болалар**

Пари белгиси остида туғилган бола билада жуда кам ҳолларда тўқнашув бўлиши мумкин. У интизомли, саришта бўлиб, ўйинчоқларни ўйнаб бўлгач, жой-жойига қўяди. Бегона кишилар олдида жуда тортинчоқ ва камгап бўлади.

Пари белгиси остида туғилган боланинг тили анча эрта чиқади ва катта бўлган сари онасининг атрофида уймалашиб, кўпроқ уй ишлари билан шуғулланади. Берилган топшириқларни ортиқча гап-сўзларсиз, индамай бажараверади. Мактабга борганда эса ўз одоби, топшириқларни доимо ўз вақтида, тартибли бажариши билан севимли ўқувчига айланади. Лекин кўпчилик олдида берилган танбехни жуда оғир олади.

Бу белги остида туғилган болалар кутилмаган қилиқ қилишмайди, ўз тенгқурлари билан зиддиятга бормайди, жанжал-тўполон қilmайди. Ўқишида ҳам дангасаликка йўл қўймайди. Бу жиҳатдан уларни тарбиялаш анча енгил. Аммо қийинчилик бошқа томондан туғилади: уларнинг териси, ичақлари жуда сезувчандир. Биринчи муаммо – ичи тез-тез қотиб туради. Шунингдек, меъда санчиғи, аллергия (организмда ёт модда, микроб ёки улар туфайли юзага келадиган организм реакциясининг кескин сусайиши ёки кучайишидан иборат касаллик) бўлиб туради. Бундан ташқари, улар тери касалликлари билан ҳам оғриши мумкин. Тери шўралаши, экзема (чилла яра) билан касалланиши мумкин. Шунинг учун

бу болаларга ич сурадиган ва бошқа дори-дармонларни кўп беришдан сақланган маъқул. Кўпроқ сабзавот ва мева ҳамда улардан тайёрланган, мос тушадиган таомлар бериш лозим. Бу болалар кўпинча гўштсиз, фақат сабзавот солинган ва сутли овқатларни истеъмол қиласидилар. Уларга ёқтирамаган овқатини ҳеч қачон мажбур қилиб едирманг. Фарзандингизда геморрой (бавосил), гижжа бўлиши эҳтимоли бор. Бир томондан бу белги остида туғилган болалар ҳар нарсадан гумонсирайверади, шунинг учун унинг соғлиғи тўғрисида ортиқча таҳликага тушмаслик керак. Иккинчи томондан улар табиатан «ичимдагини топ» тоифасидан бўлиб, қийналиб юрса-да ўз муаммоларини бошқаларга билдиримайдиган, шикоят қилмайдиган бўлади. Бола агар бирон кишига чин дилдан ишонмаса, ичидагини ҳеч кимга айтмайди.

Пари белгиси остида туғилган болалар Жадий белгисидагилар каби дўстона муносабатни танлаб ўрнатадилар. Агар ўртоқ топа олса, унда ўзаро дўстликка жуда содиқ бўладилар. Улар сергалва, кўпчилик билан ўтказиладиган турли кечаларни ёқтирумайдилар.

Ушбу белги остида туғилганлар соғлом ақдга эга бўладилар. Агар улар бирон ножӯя қилиқ қилса, сиз бундай иш тутиш мумкин эмаслигини тушунтирангиз, бундай номаъқулчилик такрорланмайди.

Бундай болалар ўқиши ва ёзишини жуда эрта ўрганиб оладилар. Шашка, шахмат каби интеллектуал ўйинларни севиб ўйнайдилар. Уларда туфма актёrlик истеъдоди ҳам бўлади. Ҳатто ўқитувчи бирор хатога йўл кўйиса, дарҳол кўл кўтариб, хатони тузатишлари ҳам мумкин. Бу белги остида туғилган ўқувчиларни ёшлигидан овозини чиқариб ўқитиш ва турли интеллектуал ўйинлар билан шуғуллантириш керак.

Сумбула ойида туғилған болалар улғайиб, каттароқ бўлганда, тиббиёт, кимё ва турли илмларга қизиқиши ортади. Спорт билан ҳам шуғулланишади. Улардан яхши чопқирлар чиқиши мумкин.

Бошқалардан одамовилиги, ҳар нарсага шубҳа ила қарashi билан фарқланадилар. Пари – қиз ҳатто жуда соҳибжамол бўлса ҳам, ўзининг гўзаллигига шубҳа билан қарashi мумкин. Уларни доимо мақтаб, ёқимтой, кўҳдик, чиройли ва гўзал эканликларини, дилбарлигини билдириб туриш даркор.

Агар унинг асаби мустаҳкам бўлмаса, унда хотиржамлик ўрнини беҳаловатлик эгаллайди, уйкуси қочади. Бундай ҳолга йўл қўймаслик мақсадида унинг учун кундалик қатъий кун тартибини белгилаш ва унинг бузилишига йўл қўймаслик зарур. Мизожини белгиловчи унсур тупроқ бўлган болалар каби улар ҳам шарт-шароитнинг, вазиятнинг ўзгаришини ёмон қабул қиласди. Уларнинг хонасидаги жиҳозларни иложи борича ўзгартирмасликка, болаларга эса меҳр билан, самимият билан ва ардоқлаб муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг.

Сумбулада туғилған болалар кўпроқ мусиқа билан шуғуллангани маъқул. Бу ундаги асаб зўриқишини олади, дунёқарашига, кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки у ёши катта бўлгач, асосий вақтини меҳнатга бағишлайди, бироқ ўз устида ишлашга кам эътибор беради. Бу эса унинг дунёқарашини чеклаб қўйиши, ички дунёси қашшоқланишига олиб келиши мумкин.

Агар бу белги остида туғилған қиз вояга етиб бирон йигит билан дўстлашса ёки аксинча, белгиси шунаقا йигит илк бор бирор қизни ёқтириб дўстлашса, уларнинг бу дўстлигига иложи борича халақит бермаслик, тўсқинлик қиласлик керак. Акс ҳолда бу қиз ёки йигитнинг қалбida бир умр оғир асорат қолиши ва узоқ давр танҳо ўтиши мумкин.

**Сумбулада түғилган болаларга түгри келмай-диган ишлар қуйидагилардан иборат:**

- кун тартибини бузиш;
- күпчилик билан ўтадиган сершовқын давралар, кечалар;
- бирон қылмиши учун жазо бериш;
- ноаниқ берилган топшириқ, вазифалар.

**Пари белгиси остида түғилган болалар учун зарур нарсалар:**

- парҳез таомларидан кўпроқ, дори-дармонлардан эса камроқ бериш;
- мусиқа ва санъатнинг бошқа турлари билан шуғуланиш;
- шахсий намуна ва уларга таниш бўлган кишиларнинг саховатли ишларини ибрат қилиб кўрсатиш.

**Сумбула буржига Пари белгисида түғилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қиласликлари лозим**

**СУМБУЛА – ҲАМАЛ.** Ўзаро буржига хос жиҳатлари мос келмайди. Дастьлаб, Қўй белгисидагилар Париларни ўзларига ром этса-да, кейинчалик уларнинг ўзаро зиддиятли характерлари намоён бўла бошлайди. Париларнинг талабчанлиги, танқид қилишга мойиллиги Қўй белгисидагиларнинг кўнглини совутади. Кўнгли совиган Қўйлар ўз жуфтига нисбатан ҳеч қаҷон ўзларини исита олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СУМБУЛА – САВР.** Иккиси ҳам ўзаро ўхшашдир. Амалий ҳаракатчанлик, босиқлик уларни ўзаро «қо-вуштиради». Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқдир. Бу жиҳатдан изчил қадрияларга эгалар. Узоқ ва давомли, барқарор турмуш кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**СУМБУЛА – ЭГИЗАКЛАР.** Мазкур бурж остида туғилғанлар ўзаро қарама-қарши характерга эга. Уларнинг жинсий майлари ўзаро ўхшаш бўлса-да, оиласи муносабатларнинг бошқа жиҳатларида характерлари мос тушмайди. Эгизаклардаги эркинликка интилиш Пари белгисидаги жуфтларида шубҳа ва гумон уйғотади. Эгизаклар учун Сумбулада туғилғанлар жуда ҳам зерикарли кишилардир. Ўзаро оила қуришини маслаҳат бермаймиз.

**СУМБУЛА – САРАТОН.** Уларнинг буржлари ўзаро мувофиқдир. Қучик белгисида таваллуд топғанларнинг нозик ҳиссиётларини Пари белгисидагилар қадрлай оладилар. Уларнинг оиласи муносабатлари узоқ йиллар давом этади ва ўзаро баҳтли ҳаёт кечирадилар.

**СУМБУЛА – АСАД.** Ушбу бурждада туғилғанлар бир оила бўлиб узоқ йиллар яшаши қийин кечади. Арслонларнинг ўта қучли жинсий эҳтиёжига Париларнинг дош бериши қийин. Пари белгисида туғилғандар танқид қилишга мойилдирлар. Арслон белгисида туғилғанлар эса танқидни кўтара олмайдилар. Ўзаро оила қуришини маслаҳат бермаймиз.

**СУМБУЛА – СУМБУЛА.** Иккиси ҳам бир хил ҳис-ҳаяжонга, характерга эга. Иккиси ҳам бир-бирини тан-қид қилишга, камчиликларини рўйи рост айтишга мойилдирлар. Боз устига, вакт ўтиши билан бир-бирларидан зерика бошлайдилар. Ўзаро мунозара, можаро қилиш одатий тусга кириб қолади, шундай бўлишига қарамасдан, узоқ йиллар бирга яшашлари мумкин. Уларнинг буржлари ўзаро тортишиш кучига эга.

**СУМБУЛА – МЕЗОН.** Ушбу бурждада туғилғанлар ўртасида умумийлик кам. Тарози (Мезон) белгиси остида туғилғанлар билан қурилган оиласи келишмовчиликлар тез-тез бўлиб туради. Париларнинг

танқидий мулоҳазалари Тарози белгисида туғилган шеригини ранжитади, иззат-нафсониятига тегади. Ўзаро беқарор жуфтлик. Ўзаро оила қуришларини маслаҳат бермаймиз.

**СУМБУЛА – АҚРАБ.** Мазкур бурж остида туғилганларнинг кўп жиҳатлари ўзаро уйғун тушади. Оилавий муносабатларда Чаён белгисидагиларнинг ўта кучли жинсий майллари Пари белгисидаги жуфтининг ҳам нозик туйғуларини уйғотади. Узоқ йиллар бирга баҳтли яшашлари кузатилади. Битта шарт шуки, Парилар Чаён белгисидаги жуфтларига тўла ишониб бўйсунсалар бас. Оила қуришлари тавсия этилади.

**СУМБУЛА – ҚАВС.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган буржалар. Ўқотарлар Париларнинг эскича қарашларига тоқат қила олмайдилар. Шунингдек, Пари белгисидагиларнинг хусусий мулкчиликка бўлган майли Ўқотарларга ёқмайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СУМБУЛА – ЖАДИЙ.** Ўзаро ўхшаш белгилар. Уларнинг жисмоний ва жинсий хусусиятлари ҳам ўзаро мувофиқ келади. Мазкур буржларда туғилганларнинг қурған оиласи бир оз зерикарлироқ бўлса-да, барқарорлик амал қиласи. Шунинг ўзи катта аҳамиятга эга. Оила қуришлари тавсия этилади.

**СУМБУЛА – ДАЛВ.** Ўзаро мураккаб муносабатлар жуфтлиги. Иккиси ҳам ўзаро хатти-ҳаракатларини таҳдил қилишга ва танқид қилишга мойилдирлар. Бундай ёндашув жинсий муносабатларда ҳам намоён бўлади. Сув қуювчиларнинг сергап-лақмалиги Париларнинг жонига тегиб кетади. Шунингдек, Даљ буржидагиларнинг серхарж ва «қўли очиқлиги», қўлида пул турмаслиги Париларга умуман ёқмайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**СУМБУЛА – ХУТ.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган жуфтлик. Парилар оғир-босиқ, Балиқ белгисида-

гилар эса ўта ҳиссиётлидирлар. Парилар ўз жуфтидан барқарорликни, бошлаган ишини охирига етказишни талаб қиласди. Балиқ белгисидагиларга эса ноизчиллик хосдир. Боз устига, Балиқ белгисидагиларнинг кучли эҳтиросига Пари белгисидагилар етарлича жавоб берса олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**Сумбула ойида Пари белгиси остида туғилган машхур ва таниқди кишилар:** Абу Райхон Беруний, И.В. Гёте, Георг Вильгельм Гегель, Кутузов, К.Э.Циолковский, Теодор Драйзер, И.П. Павлов, С.Боткин, Қори Ниёзий, И.М. Мўминов, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Бурхонов, Расул Ҳамзатов, Фахриддин Умаров, Шерали Жўраев, А.Г. Лукашенко.

## **ТАРОЗИ – МЕЗОН ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**24 сентябрь – 23 октябрь оралигіда түгилғанлар. Зұхро сайёраси бошқаради. Мизожини белгиловчи унсур – ҳаво. Тимсоли – тарози. Буржига хос ранглар – түк күк, яшил, мөвий ранглар.**

**2,6,7,8,9,15 – баҳтли рақамлар саналади.**

Тарози буржидә учта юлдуз яққол күзга ташлағанды. Уларнинг бири – тарозининг ўқи каби юқорида ва иккитаси – тарозининг паллалари сифатида чап ва ўнг томонларида жойлашған. Икки минг йиллар аввал бу ойга күзги тенгқунлик түгри келған. Тарози – буржлар ичида ягона жонсиз предмет белгиси ҳисобланади.

Бу ойда туғилғанларни Зұхро юлдузи бошқаради. Улардан күпчилігининг юзида кулдиргичи, жаги остида ёки тиззаси устида чуқурча бўлади. Кексаларнинг айтишича, бундай кишиларнинг ичида «шайтони» бўлар эмиш. Ҳар ҳолда уларнинг «шайтони» доимо бўлмаса ҳам баъзан ўз «хунарини» кўрсатиб туришини кузатиш мумкин. Ташқи кўринишидан ёқимтой, овози майин бу одамлар кўпинча содда, гўл ва ишонувчан бўлади.

Бу белгининг тимсоли олтин тарози бўлиб, унинг асосий мақсади – барча нарсаларда мувозанатни тошиш ҳисобланади. Мезон буржидә туғилғанларнинг хулқи тез ўзгарувчан бўлади. Улар кунлаб, ойлаб ўта банд бўладилар, дам олиш ва осойишталик ҳақида ўйламайдилар ҳам. Саҳарда хўroz қичқириши билан уйғониб, ярим тунгача ҳам юраверишлари, шунингдек, ҳамма ишни ташлаб, узоқ вақт хотиржам ўтираверишлари мумкин. Бундай пайтда ҳеч бир нарса билан уларни ўрнидан қўзғатиб бўлмайди. Куч

йиғиб олгунларича хотиржам юришлари мумкин. Бу вақтда улардан ўтадиган дангаса йўқдек туюлади. Ишга қизиқиб кетган вақтларида эса уларни ҳеч ким дангаса, деб айта олмайди.

**Тарози белгиси остида туғилган кишиларнинг ижобий жиҳатлари:** хушфөъл, мулоийм, ройиш, киришимли, дилбар, жозибали, яхши таъбли, орастা, келишган, назокатли, андишали, сабрли, келишувчан, барқарор қадриятлар тизимиға эга бўлиб, ҳар қандай вазиятда ишнинг қийинчлилк туғдирмайдиган, бегалва томонини топа олиш қобилиятига эга бўладилар.

**Салбий жиҳатлари** шундан иборатки, улар қатъиятли эмас, ёлғизликни кўтара олмайди, арзимас нарса туфайли беҳаловат бўлади, бошқаларга ўринли-ўринсиз маслаҳат беради, кутилмагандан кайфияти ўзгарида.

Мезон буржида туғилган киши қайси мавзуда бўлмасин баҳсласишишга, мунозара қилишга мойилдир. Бундай баҳслашувда у ҳақиқатни аниқлашга ҳаракат қиласиди.

Бу белги остида таваллуд топганлар фалсафага, ҳуқуққа мойил бўлиб, тиббиёт бўйича мутахассисга айланиши ҳам мумкин.

Улар муайян бир қарорга келиш учун пухта ўйлаб, узоқ мулоҳаза қиласидилар. Ҳиссиёти жуда кучли. Ўз шахсий ҳаётидаги қайгули ва қувончли воқеаларни фалсафий мушоҳададан ўтказади. Қоидага кўра, улар ҳам жисмонан, ҳам ақдан соғлом кишилардир. Улар дам олиш, ҳордиқ чиқариш зарурлигини ҳеч қачон эсдан чиқармасликлари керак. Кўкрак ва оёқлари сезувчанлиги нисбатан кучли бўлган аъзолари дидир. Бу ойда туғилганларнинг жисмоний жиҳатдан қайта тикланиши учун Мезон буржи қулай имконият беради. Буйрак ва беллари энг заиф аъзолари бўлиб,

буйрак оғриғи, буйрак яллиғланиши, қанд, сийдик тұхташи каби касалликларға учраши мүмкін. Улар, шунингдек, қон бузилиши, тери касалликлари, экзема, бош ва ошқозон оғриғи каби хасталиклар билан ҳам оғриши мүмкін.

Мезон ойида туғилғанлар ўз руҳий мувозанатини йүқтотса, вахимага тушиб қоладилар. Ўз кучини түплаб, бамисоли тарози мувозанатта келғанда, уларда бой ақл-заковат, ҳис-түйфу ва меҳр-муҳаббат уйғунылыги намоён бўлади. Тарози куз белгиси бўлғанлиги туфайли ҳам бу ойда туғилғанлар учун қиши жуда совуқ, ёз эса жуда иссиқ туюлади.

### **Тарози белгиси остида туғилған эркаклар**

Улар барқарорлиги, эпчиллиги, чапдастлиги билан атрофдагиларнинг меҳрини қозониб, бошқаларга ўринли маслаҳат бера оладилар. Ҳар бир муаммо, мунозарали масалалар юзасидан аниқ хулоса ва қарорга кела оладилар.

Улар сиз билан шу қадар ёқимли ва мулоим муносабатда бўладиларки, натижада баъзи камчиликларини унтутиб юборасиз. Ҳатто унинг орзу-истаклари сизнинг орзу-истакларингиз бўлиб қолади. Уларнинг дилбарлиги Чаён белгиси остида туғилғанларнинг гипноз қила олиш хусусиятидан фарқ қиласади. Унда ҳеч қандай файритабийлик йўқ. Мезон буржида туғилғанлар феъл-авторида зиддиятлар кучли, ҳаёти эса беҳаловатдир. Агар ўз маромини, мувозанатини топа олса, улар билан бирга бўлиш енгил, ёқимли ва қувноқ кечади.

Мезон ойида туғилғанлар бирон-бир қарорга келишга қийналадилар. Бундай бўлған тақдирда ҳам ўз қарорини ҳеч бир огоҳлантиришсиз ўзгартириши, ундан воз кечиши мүмкін. Бошқалар ҳиссиётини

таҳқиrlаshни истамаса ҳам кўпинчa ихтиёrsиз ра-вишда кишини ранжитиб қўйиши мумкин. Бирон кишига нисбатан ноҳақ муносабатда бўлганлигини англасалар ҳам ўз қарорларини ўзгартиришга қий-налишади.

Бу белги остида туғилган эркакларнинг кўпчилиги ўзи учун етарлича эркинлик яратса олади ва ҳаёти ишқий саргузаштларга бой бўлади.

Башарти, умр йўлдошингиз ушбу бурж остида туғилган бўлса, шуни билингки, бир қарашиб сиз билан боғлиқ барча нарсалар билан қизиқаётгандай туюлса ҳам, сир-асрорингиз билан кам қизиқади.

Ҳамма нарсага, ҳодисага мушоҳадакорлик билан «қарши» ёки «ёқдаш» нуқтаи назаридан қарайди. Унинг муайян бир муаммо юзасидан чиқарган хуло-салари ҳаққоний, аниқ, тўғри, ақдан етук ва амалий бўлса-да, унга шахсий муносабатини ошкор қилишини истамайди.

Тарози белгисидагилар ҳар нарсага «қози»дирлар. Бу белгидаги эркаклар абстракт қизиқувчанликдан мунозара қиладилар. Ундан бирон-бир сирни билиш амримаҳол. Шунинг учун унга ишониш мумкин. Сиз унга юрагингиздаги бутун гапларни, ташвиш, кечин-маларингизни ошкор этишингиз мумкин. Аммо бу унга ҳеч қандай таъсир кўрсатмаганидан изтиробга тушасиз.

Ушбу белги остида туғилган эркаклар одамови бўлмасалар-да, кўпчилик йифиладиган жойларни у қадар хуш кўрмайдилар. Турли жанжалли мунозара-ларни, кўнгилсизликларни ва чигал ишларни ёқтири-майдилар, тинчлик, осойишталикни хуш кўрадилар.

Бу белги остида туғилган эркаклар қариб-қартай-гунча ҳам аёлларга нисбатан эътиборини, қизиқиши-ни йўқотмайдилар. Улар ҳар қандай аёлни ўзларига ром қила оладилар.

Оила қурғанларидан сүнг осойишталиктин таъминлашга ҳаракат қиласылар. Фарзандлар учун яхши ота бўлса-да, турмуш ўртоғини ҳамма нарсадан юқори қўяди.

Тарози белгиси остида туғилган эркаклар севги бобида Арслон, Чаён ва Сигир белгилари остидагилар каби устун, мукаммал бўладилар. Улардаги бундай хусусият амалда ҳар қандай аёлнинг, қизнинг қалбини, вужудини забт эта олиш имкониятини беради. Аммо у ўз мақсадига эришгач, бундан буёғига нима қилиш кераклиги тўғрисида иккиланиб қолади.

Қалби ва бутун вужуди забт этилган қиз ёки аёлга уйланиш керакми ёки йўқми, деган масала уни қаттиқ қийнайди. Севги ҳеч қачон унинг учун ўз қийматини йўқотмайди. Ишқ бобида жуда эрта ва осон ғалаба қозонади. Атрофида эса доимо қизлар, аёллар парвона бўладилар. Лекин шуниси ҳам борки, улар аёл ёки қизнинг кўнгил истагини рад этишдек шафқатсизликдан қочишга интилиши оқибатида турмуши муваффақиятсиз бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ўз ҳаётида ҳақиқий муҳаббатини «қўлдан чиқариб» юбориши мумкин. Ҳар уч аёлдан биттасини ўзига муносиб деб билади. Шунинг учун унинг аёллар билан дўстлиги, севгиси кўпинча ўзаро мос бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, у бундан камдан-кам азият чекади, тез унутади.

Мезон ойида туғилган эркак юмшоқкўнгил бўлиб, ўзининг баҳтсиз турмушидан воз кечолмай, тутқундай яшай беради.

Бундай эркакнинг хаёли бутунлай жинсий лаззат билан банд бўлади. Бошқа ҳеч қайси буржда туғилган эркак жинсий мулоқотга унингдек муҳтож бўлмайди. Унда ҳеч қачон эркаклик қуввати мумаммоси туғилмайди, чунки унинг имконияти жуда юқоридир.

Бу белги остида туғилған әркаклар ўzlари учун шерик танлашда жуда әхтиёт бўлмоқлари керак. Аёл – унинг учун жинсий объект холос. Шунинг учун у аёлларнинг ўзига хослигини тўлалигича тушунмайди ва қўллаб-қувватлай олмайди. Жуда кам аёлларгина ўzlарига нисбатан бундай муносабат билан узоқ вақт келиша оладилар.

Тарози белгиси остида туғилған әркак ҳаётда нимани хоҳласа, шунга лойиқ эканлигига ҳеч иккиланмай ишонади. Агар унинг ҳаёти, турмуш тарзи ўз хоҳишига мос бўлмаса, умидсизликка, руҳий тушкунликка ва қўрқувга тушади.

Унинг тасаввуррида табиий танланиш инстинкти белгиловчи аҳамиятга эгадир. Унга қолса, бирон-бир аёл билан танишувдан сўнг дарҳол у билан ётоқقا кира қолса. Аммо бундай қилмишни, хатти-ҳаракатни камдан-кам аёллар ижобий баҳолайди. Жинсий мулоқотда эса улар бошқаларга нисбатан жуда содда ва ҳиссиздир. 35–56 ёшлар уларнинг баркамоллик давридир. Бу даврда улар оқиллик билан хотиржам, баҳтли ҳаёт кечиришлари мумкин. Уларнинг ишқ-муҳаббатдан кучли лаззат оладиган даври – умрининг кузидир.

### **Тарози белгиси остида туғилған аёллар (қизлар)**

Бундайлар ҳақиқий топилмадир. Улар кўплаб фазилатларга эга бўладилар.

Бундай аёллар оиласиий ва ҳаётий масалаларда ўз турмуш ўртоғига ўринли маслаҳатлар бера оладилар. Ўзининг бийрон тили билан ҳар қандай мунозарада турмуш ўртоғини ўзига оғдириб олиши мумкин. У буни ҳеч бир жанжал-тўполнонсиз, аксинча хушумомалик билан бажара олади. Бу аёл шахсий ҳаётда

ҳам, иш фаолиятида ҳам ёлғизликтен ёқтирмайды. Одатда, Тарози белгили аёллар муло-йим, аммо маълум жиҳатдан қаттиққўл онадирлар. Унинг учун эр биринчи даражадаги оила бошлиғидир.

Тарози белгили аёл серуйқу, тақинчоқ ва безакларни яхши кўрадиган бўлади. Кўнгиласиз вазиятларни юмшатиш, ножўя хатти-ҳаракатдан, ўйламасдан қабул қилинган қарордан эҳтиёт қилиш уларнинг асосий хислатларидандир. У сизнинг бўйнингизга осилган тош бўлиб қолишни истамайди. Ўз фикрини сизга мажбур қилиб ўтказмайди, балки юмшоқлик билан таклиф тарзида айтади. Тарози белгисидаги ўртамиёна аёл ақдан етук бўлиб, ҳар нарса ва ҳодисани таҳдил қила олади. Унинг бу хусусияти эркаклар муаммосини ижобий ҳал этишда ёрдам беради. Бирон-бир қарорга келишда эса ортиқча эҳтиросларга берилмайди, ўринли маслаҳатлар бера олади. Бундай хусусияти унинг бошқа камчиликларини босиб туради. Дўстона муносабати ва дилбарлиги билан бошқалардан ажralиб туради. Эрни донишмандлик, жуда мулоимлик билан тўғри йўлга сола олади.

Бундай аёлларни Кўй, Чаён, Арслон ва Бузоқ белгиси остида туғилганлар юқори баҳолашади, юксак қадрлашади ва илоҳийлаштиради. Бундай муносабат, албатта, адолатлидир. У ҳам шундай муносабат билан жавоб беради. Аммо шуни эслатиб қўймоқчимизки, Тарози белгиси остида туғилган эр-хотин ўзаро муросага келиши жуда қийин. Кўй, Чаён, Арслон ва Бузоқ белгилари остида туғилганлар Тарози белгисидаги аёллар билан Тоҳир-Зуҳродек бўлишади. Бу аёллар сизга тегишли ишларга бурнини суқавермайди, сирингизни ошкор этмайди, ўзгалар олдида сизни ноқулай аҳволга солмайди. Руҳий мувозанатини йўқотса ҳам, эртами-кечми ўзига келиб, чиройли табассум билан сизга боқади.

У жуда хассос бўлгани учун унинг муҳаббати исботини жисмонан билишга сизни ортиқча куттирмайди. Камчиликлари зоҳир бўлиб турса ҳам, уларнинг ўрнини чиройли табассуми, оғушига оҳиста олиши ва оташин бўсалари билан қоплади. Қисқаси, у хонадонингизга файз киргизувчи «фаришта» бўлади. Унинг асосий хусусияти – қандай мавқеда бўлмасин ва қандай ишни бажармасин аёллигини, аёллик латофатини доимо сақлашидадир. Агар сиз – унинг турмуш ўртоғи, ҳар бир сўзингизга «ҳа» деб жавоб беришини истасангиз, у бунинг уддасидан ҳам чиқа олади.

Тарози белгили аёллар бир вақтнинг ўзида ҳам иродаси кучли, ҳам юмшоқ кўнгил ва мулоимидир. Бундай хусусият эса камдан-кам аёлларда бўлади. Унинг мулоимлиги, қаҳр-ғазабингизни юмшата олиш қобилияти, ҳимоясизлиги, заифлиги ва аёллик нафосати юқори эканлиги сизни ўйлашга ва у билан шунга мувофиқ муносабатда бўлишга мажбур қиласди.

Агар оилангиз бошига бирор ташвиш ёки мушкул иш тушса, уни бартараф қилишга, биринчи навбатда, шу аёл бел боғлайди. Бундай вазиятда унинг сиз учун, оилангиз учун қанчалик керак эканлигини, қанчалар бебаҳо эканини янада кўпроқ ҳис этасиз.

У ҳеч қачон сизнинг мавқеингизни, оиладаги ролингизни камситмайди ва қадрсизлантирумайди. Унинг таҳсинга лойик яна бир хислати ўзининг ақлинини, донолигини дилбар қиёфаси остига яшира олишидадир. Ўз болаларини ардоқласа ҳам, яхши парвариш этса ҳам, уларни сиз – севимли турмуш ўртоғидан кейинга қўяди. Сизни улуғлайди. Қисқаси, у ўз фарзандларини сиз учун – севимли ёри учун туғиб-тарбиялади.

Бу белги остида туғилган аёллар бир-бирига зид кучларнинг қурбонидирлар. Жинсий ҳаётда эҳтирос-

ли, жисмоний қониқишини қизғин ҳис қиласы. Аммо шу билан бирга, ундан руҳий жиҳатдан завқланады, роҳат олади. Бирок жинсий муносабатда жонбозлик күрсатмайды. Ташаббусни шериги құлға олиши кеп рак. Бундай вазиятда Тарози белгили аёл ўзининг тез ўзгарувчан кайфияти билан уни құллаб-қувватлаши ёки рад қилиши мүмкін.

Бу белги остида туғилған аёл «ұта сирли» мавзуда сұхбатлашишни у қадар хуш күрмайды, чунки у ўз эхтиросини, ҳиссиётини сўз билан ифодалай олмайды, зуҳур этмайды, шунинг учун жинсий эхтиёжини ташқи белгиларда ифодаламайды. У бундай эхтиёжнинг қондирилишини юксак даражадаги эхтиросли ҳиссиёт, деб билмайды, балки фақат жисмоний қониқиши ҳосил қиласы, холос.

Ушбу белги остида туғилған аёл (қиз)лар жуда эхтиёткорлик билан ўзига йўлдош танлаши керак. Унинг учун энг номувофиқ киши бу Така белгисидагилар бўлиб, Пари ва Чаён белгилари остида туғилғанлар эса энг мувофиқ келадиганларидир. Унинг учун энг катта «душман» унинг билан бир белги остида туғилғанлардир.

### **Тарози белгиси остида туғилған болалар**

Тарози белгиси остида туғилған болалар ёлғизликни ёқтиirmайдilar. Гарчи бирон кимса у билан мулоқотга киришмаса ҳам ён-атрофида бўлишининг ўзиёқ болани тинчлантиради. Тарози белгисидаги болаларнинг истараси иссиқ, ёқимтой, хушбичим бўлиб, кўпларнинг кулдиргичи бўлади. Туғма гўзаллик шайдосидир. У жўшқин ёки фамгин, мунгли мусиқани ёқтиrmайди. Айниқса, ота-оналарининг ўзаро можароларини кўтара олмайди. Шу боис, унинг олдида овозингизни баланд кўтарманг, ўзаро жанжал-

лашманг ва тортишманг. У бундай нохушликлардан эзилиши ва оқибатда касал бўлиб қолиши мумкин.

Тарози белгисидаги гўдак чўмилишни унча хуш кўрмайди. Фақат бир оз катта бўлганда, бошқа болалар билан биргаликда чўмилишни ёқтиради.

Унга нисбатан зўравонлик қилиш, куч ишлатиш, бақириш ёмон таъсир қилади ва уни асабий қилиб қўйиши мумкин. Боланинг кайфияти қутилмаганда ўзгариши, ҳозиргина қувнаб турган бола фамгин бўлиб, ранжиб қолиши мумкин. Шунга эътибор берингки, бола бирор нарсадан бундай кайфиятда уйқуга кетмасин. Ҳар қандай муаммолар у уйқуга кетгунга қадар ҳал қилинмоғи керак. Болани ухлатаётганингизда, албатта, алла айтишни, меҳрибонлик билан силаб-сийпаб, икки юзидан ўпиб қўйишини унутманг! Бола ўзини бахтиёр ҳис этгандагина асаб тизимлари яхши ривожланади. Агар унинг кайфияти яхши бўлса, у билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш ҳам осон бўлади.

Тарози белгиси остида туғилган бола учун телевизор у қадар фойда бермайди. Тегишли кўрсатувларни танлашни билмайди. Ҳар қандай кўрсатувни бефарқлик билан кўраверади. Яххиси, унинг олдида телевизорни қўймаслик керак.

Тарози белгиси остида туғилган бола билимни яхши ўзлаштиради, аммо тез толиқади. Бу ҳолат ўқувчилик, талабалик йилларида уни қийнаб қўяди. Бир иш билан узоқ шугуланишга сабри чидамаганилиги сабабли уни охиригача етказишга қийналади. Бундай болаларнинг ота-оналари, мураббийлари унга бошлаган ишини охиригача етказишни ўргатишлари керак.

Афсуски, бу болалар спортни у қадар ёқтирмайдилар. Бола улгайиши билан уни спортнинг тана тузилиши ривожланишига ёрдам берувчи – культу-

ризм, бадиий гимнастика каби турлари билан шуғулантирмақ мақсадга мувофиқдир. Уларни санъат, айниқса, расм чизиш ва мусиқа билан шуғулланиш қизиқтиради. Санъат уларни хотиржам қилади, жисмоний ва маънавий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мезон буржида туғилган болалар у қадар қайсар бўлишмайди. Бирон-бир ишга ўйламай киришмайди. Ўз хонасини тартибли, озода сақладайди. Китоб-дафтарларини ва бошқа ўқув қуролларини яхши сақладайди. Кўп нарсани билишга интилади. Ўз табиати, ташқи қиёфаси билан атрофидагиларнинг диққатини ўзига тортадиган, ёқимтой бўлади.

Бундай болалар бир томондан қобилиятли бўлсалар, бошқа томондан, уларни дарс тайёрлашга мажбур қилиш қийин. Бунинг сабаби оддий ва антиқадир. Улар ҳеч қандай машғулотни ёлғиз бажаришга кўнига олмайдилар. Ҳар бир ишни ҳамкорликда уддалашга мойилдирлар.

У билан бирга дарс қилишга, биргаликда машғулот ўтказишга ҳаракат килинг! Бу унинг учун жуда фойдалидир. У сизни хафа қилса, ранжитиб қўйганлигини айтсангиз кифоя. Унга бошқа жазо беришнинг ҳожати йўқ. Улар ҳеч кимни, айниқса, ота-оналарини, ўқитувчиларини хафа қилишни истамайдилар. Агар уни ўз хатти-ҳаракати билан бирон одамни ранжитиб қўйиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирангиз, шунинг ўзи кифоя қилади. У бундай номаъкул ишни бошқа такрорламайди.

Тарози белгиси остида туғилган болалар қарорга келишга қийналади. Унга буни машқ қилдириш керак. Аммо машқ давомида унга мураккаб вазифа бермаслигингиз даркор.

Мезон буржида туғилган болалар табиатан киришимли, дилкаш бўладилар. Дўстларини уйга таклиф

қилишни ва уларникига меҳмонга боришни ёқтирадилар. Унинг феълидаги бундай хислатга қаршилик кўрсатманг!

Тарози белгили болаларнинг яшовчанлиги ўртамиёнадир. Буйраги ва сийдик йўллари инфекция билан заарланиши мумкин. Мизожининг белгиси ҳаво бўлган бошқа одамлардагидек, уларда ҳам асаб бузилишлари рўй бериши мумкин. Улар аксарият ҳолларда асаб бузилиши оқибатида касал бўладилар. Ошқозон, бош ва бел оғрифи билан оғрийдилар.

Тарози белгили болаларга ота-оналарнинг ўзаро жанжали, ташқи муҳитнинг номувофиқлиги, кескин ранглар, қаттиқ жарангдор товушлар, ҳар қандай жисмоний ва маънавий зўрлик салбий таъсир кўрсатади. Яххиси, у билан хотиржам сухбатлашмоқ керак.

Мезон буржида туғилган болаларга нисбатан эътиборли ва яқин муносабатда бўлиш лозим. Бунда:

- оиласида тинч, осойишта шароит бўлиши;
- уларни санъат билан шуғуллантириш;
- бошлаган ишини охирига етказишга ўргатиш;
- аниқ ва қатъий қарорга келишга ўргатиш зарур.

### **Мезон буржида Тарози белгисида туғилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари лозим**

**МЕЗОН – ҲАМАЛ.** Ўзаро қарама-қарши хусусиятларга эга. Улар ўртасида қурилган оиласида ихтилофлар юзага келади. Тарози белгисида туғилганлар ўта дўстлашувчан бўладилар. Уларнинг бундай хусусияти Кўй белгисидагиларнинг рашкини қўзғатади. Ҳамал буржидагиларнинг хусусий мулкчилиги, «фақат менини бўлиши керак», деган қарашига Мезон буржидагилар жавоб бера олмайдилар. Аммо уларнинг жинсий майллари ўзаро мувофиқ келади. Шундай бўлса-да, оила қуришлари тавсия этилмайди.

**МЕЗОН – САВР.** Мазкур бурж остида туғилғанлар ўртасида оила қурилса, эр-хотиннинг ўзаро мұносабатларида мураккаб вазиятлар юзага келади. Бундай зиддиятли ҳоллар Савр буржидағиларнинг қайсағлары туфайли юзага келади. Жисмоний ва жинсий майллари ўзаро мувофиқ тушади. Шунинг учун бир-бирларининг күнглига қараб яшасалар, узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечиришлари мумкин.

**МЕЗОН – ЭГИЗАКЛАР.** Ўзаро уйғун бўла оладиган жуфтлик. Улар бир-бирлари билан кучли биоқувват орқали тортиладилар. Кўпинча, Эгизак белгисидагилар Тарози белгисида туғилғанларни бир кўришдаёқ ёқтириб қоладилар. Ўзаро ўхшашдирлар: иккиси ҳам жўшқин, у қадар рашикчи эмас ва бошқалардан кўп нарса талаб қўлмайди. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро уйғун тушади ва узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – САРАТОН.** Ушбу бурж остида туғилғанлар ўзаро бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Ички дунёси жўшқин бўлган Қучиқ белгисидагилар Тарози белгисидаги жуфтининг уларга нисбатан бефарқлигидан азият чекадилар. Ўзаро келишиб, бир-бирларига тоқат қила олсаларгина, уларнинг оилавий ҳаёти таъминланади.

**МЕЗОН – АСАД.** Ушбу буржда туғилғанлар ўзаро ўхшаш хусусиятларга эга. Тарози белгисидагилар – ҳиссиётли, Арслонлар эса – сезувчан бўладилар. Ўзаро бир-бирларига мос тушадилар. Аммо Мезон буржида туғилғанлар Арслонларнинг ҳукмронлик ҳиссига бўйсунишларига тўғри келади. Шу талабга жавоб бера олсалар, ўзаро турмушлари кўнгилдаги-дек бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – СУМБУЛА.** Мазкур буржда туғилғанлар ўртасида қурилган оиласида турли зиддиятлар юзага келиши кутилади. Пари белгисидагиларнинг ўз жуф-

тига нисбатан танқидий мулоҳазалари Тарозини мувозанатдан чиқаради. Мезонда туғилғанларнинг ўта «Элпатақлиги», янги дўстлар ортиришга мойиллиги, ўз навбатида, Пари белгисидаги жуфтининг асаб толалирини таранглаштиради ва улар бундай ҳолатга чидай олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**МЕЗОН – МЕЗОН.** Улар ўртасида ажойиб, ҳамма ҳавас қиласиган оила юзага келади. Иккиси ҳам кувноқ, жўшқин ва мафтункордирлар. Ушбу келин-куёвлар, худди узукка кўз қўйгандек бир-бирига мос тушади. Жинсий майлари ҳам бир-биirlарига монанд. Улардан ажойиб, бир-биридан гўзал, хушбичим ўғил-қизлар дунёга келади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – АҚРАБ.** Ақраб буржидағилар рашкчи бўладилар. Бу эса Тарози белгисида туғилғанларга хуш ёқмайди. Чаёнлар ҳукмронликка интиладилар. Чаёнларнинг бундай хусусиятига Мезон буржида туғилғанлар бўйсунишга мажбур. Шунинг учун ҳам улар ўртасида айрим келишмовчиликлар, зиддиятлар юзага келиши мумкин. Чаён белгисидагилар Тарози белгисидаги жуфтини мувозанатдан чиқариб юбормаса, уларнинг оиласи ҳаёти барқарор кечади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – ҚАВС.** Мазкур буржларда туғилғанларнинг ўхшаш томонлари бор. Масалан, уларнинг ҳар иккисини ҳам сайру саёҳатларга ўчлиги, саргузаштларни севиши каби жиҳатлар бирлаштириб туради. Уларнинг жинсий майлари ҳам ўзаро мос тушади. Фақат йўқотарларга бир оз эркинлик берилса, уларнинг оиласи ҳаёти узоқ ва давомли бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – ЖАДИЙ.** Дастробки даврда уларнинг оиласи ҳаётида ўзаро боғлиқлик, мувофиқлик юзага келади. Айниқса, уларнинг жинсий майлари ўрта-

сида уйгунлик бўлади. Кейинчалик улар ўртасида ўзаро низолар юзага кела бошлайди. Оилада турли ихтилофлар, келишмовчиликлар рўй беради.

**МЕЗОН – ДАЛВ.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Иккиси ҳам сайру саёҳатларни севади. Дўстлар билан суҳбатлашиш жону дили. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ келади. Улардан хушбичим, гўзал ва дилбар ҳамда оқил фарзандлар вояга етадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**МЕЗОН – ҲУТ.** Ўзаро мураккаб муносабатлар жуфтлиги. Қизиқишлари турлича бўлган ушбу бурждагилар ўртасида қурилган оилада келишмовчиликлар, зиддиятлар юзага келади. Улар бир-бirlарини севишиб турмуш қурган бўлса, нозик ҳиссисётларини англаб иш тутишлари талаб этилади.

**Тарози (Мезон буржи) белгиси остида түғилган машҳур ва таниқди кишилар:** Махатма Ганди, Д.Дидро, Фридрих Ницше, Нильс Бор, Дуайт Эйзенхауэр, Мирзакалон Исмоилий, Олим Хўжаев, Одил Ёқубов, Абдурауф Фитрат, Нажмиддин Комилов.

## ЧАЁН – АҚРАБ ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ

*24 октябрь – 22 ноябрь оралығида түгілғанлар. Плутон сайёраси бошқаради. Мизожини белгилөвчи үнсүр – сүе. Тимсоли – Чаён. Буржига хос ранглар – тұйқ қызыл, алғон ранг, олов ранглари. 4,5,8,9,10,11,21,100,666 – баҳтли рақамлар саналади.*

Ақраб буржига остида туғилғанларни күпчилик орасидан эңг аввало, уларнинг күзларидан билиб олиш мүмкін. Уларнинг күзларидан гипнотик нур таралиб туради. Бу белги остида туғилғанларнинг нигоҳи ўтқир бўлиб, сизни бор вужуди билан кўриб тургандай туюлади. Улар ҳеч қачон ўзларини танқид ҳам қилмайдилар, бошқаларнинг танқиди ва мақтотидан уларда ҳеч қандай ўзгариш ҳам бўлмайди, чунки ўз ютуқ ва камчиликларини яхши биладилар.

**Ақраб буржидаги туғилғанларнинг феъл-авторидаги ижобий жиҳатлар** шуки, улар аниқ бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қиласиди, событқадам, жўшқин, вазмин, оғир-босиқ, мустақил, зийрак, сезгир, ички туйфуси кучли, ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини оча олади, қатъий, чидамли, дадил, жасур, журъатли, иккиланмайди, мистикага мойил, масъулиятли, тўғри, қонун-қоидани бузмайди.

**Феъл-авторидаги салбий жиҳатлар:** қайсар, ҳокимиятпарат, бойликка ўч, рашкчи, ўзбошимча, бошқаларнинг гапига кирмайдиган, шафқатсиз, берраҳм, қасоскор, сирли характерга эга бўлади.

Плутон сайёраси бошқарадиган, Чаён белгиси остида туғилған кишиларда магнетизм – бошқаларни ўзига оҳанрабодек тортиш хислати кучлидир. Ўзлари ҳам оиласа, дўстларига, яқин кишиларига бор вужуди билан тортиладилар. Шунинг учун узоқ сафарга

чиққанда, гүё оиласида қандайдир бахтсиз ҳодиса, күнгилсизлик содир бўлгандай туюлади.

Улар хушбичим, тўқис ва соғлом бўлишади. Шунга монанд равишда қўрқмас ва жасур ҳамдирлар. Зўр бериб ишлашлари, ортиқча ҳаракат туфайли ўзларини касалга чалинтиришлари мумкин. Аммо иродаси фоят зўр бўлганлигидан тез соғайиб кетадилар ва қувватга кирадилар. Кўпинча уларнинг бурун-томоқлари, бели ва спорт билан шуғулланганларида оёқлари оғрийди. Бу белги остидагилар геморрой, чипқон, тери-таносил, юрак ва томоқ касалликлари билан касалланишлари мумкин.

Улар олов, портлашлар ва радиациядан узоқда бўлганлари маъқул, чунки бундай ҳодисалар уларнинг организмига, руҳиятига салбий таъсир кўрса-тади.

Ушбу буржда туғилганлар молиявий жиҳатдан ниҳоятда омадли бўлиб, ўзларининг тиришқоқлиги, интеллектуал салоҳияти, сабр-тоқатлилиги, ҳаётий энергияси кўплиги билан бошқа буржларда туғилганлардан фарқ қиласидилар. Уларда интуитив олдиндан билиш, ҳис этиш ҳам кучли ривожланган бўлади.

Ҳаётий қуввати ҳаддан зиёд эканлиги учун уларнинг бу ҳаракатини интеллектуал жиҳатдан йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бошқача қилиб айтганда, ушбу буржда таваллуд топган болаларни ёшлик давриданоқ ўқишига, фанлар бўйича ўзлаштиришига эътибор қаратиш лозим. Олий маълумотга эга бўлган «Чаёнлар» жамиятга ҳам, ўзига, оиласи ва яқинларига ҳам кўп фойда келтирадиган шахс бўлиб этишадилар. Акс ҳолда, улардаги кучли қувват ва ҳарорат бошқа йўналишлар: уларнинг қаттиққўллиги, талабчанлиги, бераҳмлиги каби жиҳатлари орқали намоён бўлиши мумкин. Ўқимишли Чаёнлардаги бу хусусиятлар интеллект орқали бошқарилади ва ижо-

бий томонга яъни саховатли, сахий, олижаноблик, ватанпарварлик, ожиз ва кучсизларни ҳимоя қилиш, уларни құллаб-қувватлаш, раҳм-шафқатли бўлишга йўналтирилади.

Ақраб буржида Чаён белгисида туғилганлар билими, маълумоти қанчалик юқори бўлса, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳам шу қадар нуфузли бўлади ва кексайганда ҳаёти шу қадар тўкис ҳамда фаровон кечади.

### **Чаён белгиси остида туғилган эркаклар**

Бу белги остидагилар бошқалар эътиборига тез тушади ва ўз дўстларига доимо содиқ бўладилар. Уларнинг қобилияти, хотираси ўта зўр бўлиб, атрофдагилар кўрсатган ғамхўрлик ёки ёмонликни ҳеч қачон унтишмайди. Бир неча мартагина сухбатда, мулоқотда бўлган танишларини ҳам узоқ вақт хотирасида сақлаб қолади ва тез-тез эслаб туради.

Умуман, Ақраб буржида туғилганлар жасур бўлиб, жисмоний оғриқдан ҳам, йўқчиликтан ҳам, бошқа ҳаётий қийинчиликлардан ҳам қўрқмайдилар, бундай муаммоларни шак-шубҳасиз енгиб ўтишларини яхши биладилар.

Кутилмаган зарбадан дастлаб оз-моз эсканкирасалар-да, тезда ўзларини қўлга ола биладилар, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзларини бошқара оладилар. Уларни психик-руҳий ҳодисалар, саргузаштли воқеалар, қизғин ҳаёт кўпроқ қизиқтиради. Шунинг учун Ақраб буржида туғилганларнинг кўпчилиги милиция ходими, психиатр, файласуф, фантаст-ёзувчи, журналист бўлади. Ушбу белги остида туғилган жарроҳлар ўз табиатларига кўра «тошбагир», «аёвсиз» бўлсалар-да, тиббиётда энг яхши, кучли шифокорлар.

Чаён белгиси остида туғилган раҳбар одатда қаттиққұл, ўз режаларини сир тутадиган, жамоасида намунали интизом ўрнатишга интиладиган бўлади. Агар бирор хизматчи унинг қаттиққўллигига бўйсунмаса, интизомни бузса, дарҳол унинг «баҳридан ўтади». Бундай раҳбар ишчанликни юксак қадрлаб, кўнглига ёққан кишисини ўта ҳурмат қилади. Плутон бошқарадиган раҳбар ҳеч қандай қийинчиликдан қўрқмайди ва ўзининг кучли иродаси билан ҳар қандай тўсиқдан ўта олади.

Чаён белгиси остида туғилган кишиларни ўз фазилатларини бошқаларга ошириб мақташига, кўпроқ ўзига ишонишига, нигоҳи ўткирлиги ва ўзини бафоят тута билишига, шахсий ишларини бошқаларга айтишдан ўзини тийишига, ўз келажагига оид аниқ режа тузганлигига қараб бошқалардан ажратиб олиш мумкин.

Чаён белгиси остида туғилган хизматчи ўзини ҳам, бошқаларни ҳам алдамайди, ўз хатосини бошқаларга оширмайди ҳам. Хизмат вазифасини бажариш жараёнида лавозим пиллапояларидан муваффақият билан кўтарилиб боради. У нима қилаётганини онгли равишда билади. Қисқаси, бундай кишилар ўзларининг номукаммаллигидан нолимайдилар.

Чаён белгиси остидаги ходим раҳбарига ўта содиқ бўлади, жуда ишчандир. Агар ишини ҳам, раҳбари ни ҳам ёқтириб қолган бўлса, ҳатто ишдан ташқари вақтда ҳам ишлайверади. Бундай ходимни раҳбар жуда қадрлайди ва унинг фикрига қулоқ солади.

Чаён белгиси остидаги эркак билан қизиққан аёл ёки қизларга айтадиган гапимиз шуки, бундай эркаклар билан ҳаёт кечириш у қадар енгил бўлмайди. Ақраб буржига туғилганлар ташқи кўринишидан хотиржам бўлсалар-да, ботинан жўшқиндиrlар. Улар билан озгина эҳтиётсиз муомалада бўлиш оқибатида

қаттиқ озор чекиб қолиш мумкин. Бардошингиз етарли бўлсагина бу белги остидаги эркак билан оила қуришингиз мумкин ва умрингизнинг охиригача у билан баҳтли ҳаёт кечирасиз!

Шуни яхши билингизки, Чаён белгиси остида туғилган эркакда ақл ва эҳтирос ирова кучи билан тенг бошқарилади. Улар, одатда, юқори ақл-заковатга эга бўлиб, фалсафа, назарий масалалар билан кўпроқ шуғулланадилар. Мазкур белгидаги эркаклар ўзи ёқтирган қизни бағрига босгунга қадар уни узоқ «қийнаши» мумкин.

Бундай оиласда у (эркак) ҳукмрон бўлади. У баъзан қаҳрли, бағритош бўлиб ҳам қолади. Яхшиси, у билан жанжаллашмаслик керак. Агар бундай вазият рўй берса, ундан яхшилик кутманг! Ўз жонингизга қасд қилиб, кўпқаватли уй деразасидан пастга ташламоқчи бўлсангиз ҳам у сизни бу йўлдан қайтартмайди. Бундай мураккаб ҳолатда у жуда шарттаки бўлиб, камчиликларингизни юзингизга айтишдан ҳам тоймайди.

Аслида бундай умр йўлдоши билан фахрлансангиз арзиди. Чунки у билан киши ўзини хотиржам, ташқаридан бўладиган ҳар қандай хавфдан ҳоли ҳис этади. Айни маҳалда, у қаттиқ рашқ қилишини ҳам унутмаслик керак.

Ақраб буржи остида туғилган эркакларнинг жинсий майли ўта кучли бўлса-да, аёлларга нисбатан шилқимлик, хира пашшалик қилишмайди. Улар Мезон буржида туғилган эркаклардан фарқ қилиб, ўз эҳтиросини, талабини қондириш учун катта имкониятга эгадирлар.

Чаён белгисидаги эркаклар Арслон белгисидаги эркаклардан фарқли равишда аёллардан устунлигини исботлашга ортиқча уринмайдилар. Шуни ҳам қайд этиш керакки, у жинсий ожизликдан эмас,

балки аёлларнинг унга нисбатан устун бўлиб қолишидан кўпроқ чўчийди.

Бундай эркаклар жинсий ҳаёти давомида кўпроқ аёлларнинг ҳирсий жиҳатларини эмас, заиф, нозик, тез таъсиранадиган томонларини, руҳий жиҳатларини ўрганади. Бу жараёнда у аёлга мухолиф сифатида қарайди: ғолиблик ҳисси билан ҳирсий тажриба ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, бу соҳада кўлга киритган муваффақиятларидандир.

У жуда совуққон, ўта одобли, зарур бўлиб қолганда ҳар қандай ролни ижро этаверади. У ожиз-нотавон, жоҳил, рашкчи, ҳасадгўй, бадгумон киши ҳолатларига туша олади. Бу ҳам унинг тугма нозик ва кучли ақл-заковатга эга эканлигидан далолат беради.

Жинсий муносабатлардан бошқа барча ҳолатда у кишиларга меҳрибон, ғамхўр, марҳаматли, раҳмдил ва муниздир. Унинг фикрича, аёлларга бўйсунниб қолишдан эмас, балки уларни бўйсундиришга интилишдан кўпроқ қўрқиш керак.

### **Ақраб буржида туғилган аёл(қиз)лар**

Ақраб буржида туғилган аёл одатда гўзал, мағрур ва ўзига ишонган бўлади. Агар эркак бу аёл ёки қизда ўзига нисбатан бирон қизиқиш сезмаса, яхшиси, вақтни бекорга ўтказмагани маъқул. Чунки киши ички дунёсини у рентген нуридек кўра олади.

Тақдир сизга бу белги остида туғилган қизни севишни ато этган бўлса, унда сиздан бу бобда ҳар жиҳатдан устун бўлиш талаб қилинади. Чунки у сиз билан фахрлана олиши керак. Бу аёл (қиз)лар кучли шахсларга содиқ бўлиб, иродасиз эркакларни у қадар хуш кўрмайдилар.

Чаён белгиси остида туғилган аёл (қиз)лар рашк бобида чегарасиз, кек сақлайдиган бўладилар. Улар

зоҳиран анча совуққон кўринсалар-да, ҳар жиҳатдан, шу жумладан, севги бобида ҳам жўшқиндилар. Уй-рўзгор ташвишлари, оиласий мушкулотлар туғилган пайтда ўз эрига таянч бўлади.

Чаён ота фарзандларига ўта қаттиққўл бўлса, чаён она болаларини доимо эмоционал ҳимояда тутади. Бундай оналар фарзандларининг истеъдодини, қизиқишини қўллаб-қувватлайдилар, тақдирлайдилар. Фарзандлари вояга етганда эса онаси уларга яқин маслаҳатчи бўлиб қолади, чунки бундай аёллар инсон табиатини, ҳаёт моҳиятини яхши тушунадилар.

Ақраб буржида туғилган аёлнинг жинсий майли, эҳтироси бошқа аёлларга нисбатан кучлидир. У жинсий муносабатни ёқтиради ва бундай муносабат тўғрисида таклиф тушганда, чанқоқдик билан бажонидил рози бўлади. Ўз жинсий эҳтиёжини ҳеч қандай ахлоқий ва ижтимоий қонун-қоидалар билан боғламаган ҳолда қондиради.

Жинсий ҳаёт уни мақсад ва фаолият сифатида қизиқтиради. Унинг ҳаётида бундай алоқа жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Ундан ўзини тийганда эса ҳам руҳий, ҳам жисмоний-тиббий жиҳатдан азият чекади.

Бу белги остида туғилган аёллар ёқимтой, кўзга тез ташланувчан бўладилар. Уларга табиат шундай бир ҳаётий қувват, ҳарорат инъом этганки, бу имкониятларини ҳар қандай соҳага йўналтира оладилар.

Бу белги остида туғилган аёл ёки қиз номи Чаён бўлса ҳам ўзининг хушбичимлиги билан мағрур бўлади ва ўз ҳурматини шундай сақлаб қолиш тўғрисида қайфуради. Унинг жўшқинлиги ва серзавқлиги, ҳароратлиги ёши ўтгунга қадар сақланади.

Тўшакда тўла эркинлик, лаззат, ҳузур, гашт истаган эркак буларнинг барчасини Чаён белгиси остида туғилган аёлдан топади. Оилада жинсий муносабат-

лар борасидаги эскича қараашлардан ҳоли бўлиб, эр учун яхши жуфти ҳалодир.

Ақраб буржида туғилган аёлнинг бой жинсий ҳаёті ўз жуфтининг жинсий қувватдаги камчилиги билан эмас, балки янги таассуротларга чанқоқлиги билан изоҳданади. Агар жуфти ҳалоли ўзига қизиқтира олса, эҳтиросини қондира олса, унинг учун бошқа эркак керак бўлмайди. Бундай шароитда аёлнинг ишқий-жинсий саргузаштлари истисно тариқасида фақат гедонистик мақсадда, яъни турли хил жисмоний қониқиши ҳосил қилишга интилиш билан боғлиқ бўлади. У жинсий ҳаётни севгидан бошқа аёлларга нисбатан тузукроқ ажратади олади.

### **Ақраб буржи остида туғилган болалар**

Ақраб буржи остида туғилган болалар кучли, хотиржам ва ёқимтой бўладилар. Улар ота-онасини «гипноз» ёрдамида ўз иродасига бўйсундира оладилар. Бундай болаларни қаттиққўллик билан тарбиялаш лозим. Айни маҳалда унга нисбатан меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиш, кўнглини ўкситмасдан, хатосини тушунтириб тарбиялаш зарур.

Чаён-бала қўрқмас, уришқоқ бўлади. Кимда-ким уни хафа қиласа, буни бир умр эсида сақлаб қолиши мумкин. Улар қасоскор бўладилар.

Чаён белгиси остида туғилган бола ҳар қандай жисмоний оғриққа ёки касалликка ўта бардошли бўлади. Агар бирор жойини кесиб олса ва уни жарроҳлик йўли билан тикиш лозим бўлса, наркоз бермай тикса ҳам оғриққа дош бера олади.

Ақраб буржида туғилган болалар ва қизлар ўқиши ҳамда ёзишни жуда эрта ўрганиб оладилар. Мактабда эса ўқув материалини осон ва тез ўзлаштирадилар.

Бу болалар қўрқинчли фильмларни, илмий-фантастик асарларни ва гайритабиий ҳодисаларга бойтурли саргузашт асарларни севадилар.

Улар ишқ домига тенгқурларига нисбатан эртаилинадилар. Бу белги остида туғилган болалар кўплаб хислатларга, хусусиятларга эга бўлиб, ўз мақсаддарига эришиш учун чидам ва бардош билан ҳаракат қиласидилар. Шунинг учун яқинлари зарур ёрдамни ундан аямасликлари керак.

Чаён белгисида туғилган болалар зарур-нозарурни интуитив тарзда ҳис этадилар. Ўғил болалар бошқа белгилардагиларга нисбатан тажовузкорроқ бўлиб, бошқаларга зиён етказишлари мумкин. Боланинг ота-онаси ва тарбиячиси унинг тажовузкорлигини бошқара олишга ўргатмоғи зарур. У сизга тажовуз қиласа ҳам унга нисбатан ҳеч қачон бундай муносабатда бўлманг! Акс ҳолда бола жоҳил, қаҳрли, шафқатсиз, раҳмсиз ва золим бўлиб улғаяди. Яхшиси, унинг тажовузкорлигини интеллектуал жиҳатдан йўлга солишга ҳаракат қилинг! Чунки бу болани ҳаётнинг «сир-асрор»лари кўпроқ қизиқтиради.

Чаён белгиси остида туғилган болалар дўстларни саралаб, кўнглига хуш келадиганларини танлаб олади. Уларда кимнидир хуш кўриш ёки кимнидир ёмон кўриш хусусиятлари кучли. Ўз дўстларига, яқинларига ўта талабчан бўлган фарзандингизга, ўқувчингизга ҳар қандай инсонда нуқсон ва камчиликлар бўлишини юмшоқлик билан тушунтириб боришингиз керак. Унга ўзининг камчиликларини ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Аммо буни жуда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш керак. Чунки улар ўз заиф жиҳатлари кўрсатилишини ёқтирамайдилар.

Чаён-болани тарбиялаш осон бўлмайди. Кўп ҳолда уни жазолашга тўғри келади. Шу маънода унинг

оиладаги баъзи имтиёзларини чеклаш мумкин. Аммо ҳеч қачон урманг ва асло руҳий тазийик ўтказманг! У буни бир умр эсдан чиқармайди.

Бола ота-онасига, тарбиячиси ва яқинларига нисбатан ҳурматини йўқотмаслиги учун доимо ҳаққонийлик йўлида туриング. Шуни эсингизда яхши тутингки, у ҳеч қачон ноҳақдик билан келиша олмайди.

Чаёнлар баъзан ҳаддан ташқари таваккал қиласидар, қуюшқондан чиқадилар. Бироқ нимани хоҳласалар, нимагадир интилсалар, унга эришмагунча ҳаракат қиласверадилар ва, албатта, ўша нарсага эришадилар.

Чаён-фарзанд ўта ҳароратлидир. Бу эса ортиқча зўриқишига сабаб бўлиши мумкин. Айни маҳалда у жуда яшовчандир.

Ақраб белгиси остида туғилган болаларга нисбатан зўрлик қилиш, ноҳақдик қилиш уларга салбий таъсири кўрсатади.

Айни маҳалда уларни ишонтириш орқали ҳақиқатпарварлик йўлида тарбиялаш лозим. Бола ёмон ўқиса, унда фанга нисбатан қизиқиш уйғотинг, унинг мақтанчоқдигини қувватламаслик, камтарин бўлишга чақириш, бошқаларнинг хатти-ҳаракатига босиқ, хотиржам муносабатда бўлишга ўргатиш зарур.

Шуни ҳеч қачон унутмангки, мазкур буржда туғилган фарзандингизни, айниқса, у ўғил бола бўлса, ўқимишли, олий маълумотли ёки бирон фойдали касб эгаси қилиб вояга етказсангиз, келажакда у етук инсон бўлиб, оилангизга ҳам, жамиятга ҳам кўп фойда келтиради. Акс ҳолда эса бундай фарзанд, жоҳил ва ёвуз, бераҳм ва тажовузкор бўлиб шаклланиши турган гап.

## **Ақраб буржида Чаён белгисида туғилғанлар кимлар билан оила қуришлари мүмкін ёки бунга таваккал қылмасликлари лозим**

**АҚРАБ – ҲАМАЛ.** Ўзаро мұраккаб оилавий жуфтік. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келади. Иkkиси ҳам кучли жисмоний ва жинсий құвватга эга. Муаммо шундаки, Ҳамал буржида туғилғанлар эркинлікни севади. Чаён белгисидагилар эса рашк-чидирлар. Ҳар иkkиси ҳам хусусий мұлкчиликка мойил ва ўз билганидан қолмайди. Шундай бўлса-да, бир-бирларига кучли тортиладилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**АҚРАБ – САВР.** Мазкур бурждагиларнинг жинсий майллари маълум ёшгача бир-бирларига боғлайди. Шунингдек, ҳар иkkиси ҳам жинсий имкониятлари ни турли ва хилма-хил вазиятларда синааб кўришга мойилдир. Иkkиси ҳам мағрур, қайсар ва ҳукмронликка интилади. Ўзаро оилавий муносабатларда кўплаб зиддиятлар юзага келиши кутилади.

**АҚРАБ – ЭГИЗАКЛАР.** Ушбу бурждагиларнинг жинсий майллари ўзаро мос келади. Аммо эгизакларнинг ҳақпарварлiği, танқид қилишга мойилліклари Чаён белгисидаги жуфтларига у қадар хуш келмайди. Чаён белгисида туғилғанлар мақсадға интилевчи, бир ишга уринсалар уни охиригача бажариш хусусиятига эга. Эгизаклар эса ундей эмас, бир вақтнинг ўзида бир неча ишни бошлаб, уларни охиригача бажара олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар ўртасида муайян тушунмовчиликлар, номувофиқликлар юзага келиб туради.

**АҚРАБ – САРАТОН.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтік. Жинсий майллари ҳам ўзаро мос тушади. Чаёнлардаги ҳукмронлик, етакчилик ҳисси Қучиқ белгисидагиларни қониқтиради. Рашк бобида ўза-

ро келишмовчиликлар кутилиши мумкин. Аммо «эр-хотиннинг уруши – дока рўмолнинг қуриши», деганлариdek, ўзаро ўйғунлик яна тикланади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**АҚРАБ – АСАД.** Мазкур жуфтлик ўртасида кучли жисмоний ва жинсий эҳтирос ва ўзаро мойиллик бор. Иккиси ҳам ўта раشكидирлар. Ўч олишга иштиёқманлар. Арслонларнинг ҳукмронлик ҳисси, мақтанчоқлиги, ўзига ишонувчанлиги, бошқаларнинг унга таъзим қилишини исташи, фақат ўз манфаатинигина кўзлаши каби жиҳатлари билан Ақраб буржида туғилганларнинг мустақил бўлишни ўта севиши, қатъиятлилиги, талабчанлиги, ўта қайсарлиги, ҳукмрон бўлиш истаги зўрлиги, қасоскорлиги каби жиҳатлари ўзаро зиддиятлидир. Шундай бўлса-да, улар ўртасида қизиқарли ва давомли муносабатлар кутилади. Арслонлар алангали эҳтиросга ва жунбушга келганларида, Чаён белгисидагилар ўзларидаги гипнотик хусусиятлари ила уларни тинчлантира оладилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**АҚРАБ – СУМБУЛА.** Бу белги остида туғилганлар ўзаро ўжашдирлар. Аммо жинсий майллари ўзаро мос эмас. Чаён белгисидагиларнинг кучли жинсий майлларига Пари белгисидагилар доимо ҳам жавоб берга олмайдилар. Ақраб буржида туғилганларнинг турли экспериментларига Пари белгисидаги жуфтлари қаршилик кўрсатадилар ва истамайдилар. Чаён белгисидагилар Парилар устидан ҳукмронликка интиладилар.

**АҚРАБ – МЕЗОН.** Тарози белгисида туғилганлар ҳиссиётли ва ўзгарувчан бўлади. Чаён белгисидагилар эса хусусий мулкчиликка мойил ва кўпроқ ўзини кўзловчи бўладилар. Ҳар иккисининг жинсий майлари ўзаро мос тушади. Мезон буржида туғилганлар Ақраб буржидаги жуфтининг ўзгармас характеристига

бўйсунишларига тўғри келади. Акс ҳолда улар ўртасида турли келишмовчиликлар, зиддиятлар юзага чиқади. Уларнинг оиласи тинч, осуда бўлади, деб бўлмайди.

**АҚРАБ – АҚРАБ.** Ўта «қалтис» оилавий жуфтлик. Иккисининг ҳам характери ўта мураккаб. Жўшқинлик, қайсарлик, рашқчилик, худбинлик, мустақиллик каби хусусиятлар ҳар иккисида ҳам шакланган бўлади. Улар ўртасида ўта жўшқин жисмоний ва жинсий муносабатлар рўй беради. Аммо оилавий ҳаётнинг бошқа муносабатларида турли кўнгилсизликлар, келишмовчиликлар содир бўлиши кутилади.

**АҚРАБ – ҚАВС.** Ўзаро зиддиятли жуфтлик. Ҳар иккиси ҳам мустақил, эркинликка интигувчи бўлади. Ўқотар белгисидагилар Чаён белгисидаги жуфтини ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилади. Бу эса Чаёнларга мутлақо ёқмайди ва жуфтига қарши «ниши»ни ишга солади. Ўқотар эса ҳудди овчилик, ўз ўлжаси ов қилишга ва уни маҳв этишга иштиёқманддир. Уларнинг буржий хусусиятлари ўзаро мос эмас. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**АҚРАБ – ЖАДИЙ.** Улар ўзаро мос тушадилар. Чаён белгисидагиларнинг ўта кучли жинсий ва ҳиссий майлларига Така белгисидагилар жавоб бера оладилар. Шу жиҳатлари билан ўзаро мос келадилар. Бу эса уларнинг бошқа муносабатлари учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Улар ўртасида қурилган оила мустаҳкам ва давомли бўлади. Ҳар иккиси ҳам бир-бирларидан қониқиб яшайдилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**АҚРАБ – ДАЛВ.** Ҳукмронлик ҳисси кучли бўлган Чаён белгисидагилар эркесвар Даљ буржидаги жуфтини ўзига бўйсундиришга интилади. Жинсий майллари ҳам турлича: кучли жинсий қувватга эга бўлган Чаёнларга нисбатан совуққон бўлган Сув

қуювчилар ўз жуфтларининг талабларига етарлича жавоб бера олмайдилар. Бунинг натижасида Чаён белгисидагилар ўз уйида қондира олмаган эҳтиёжини бошқа жойларда қондиришга ҳаракат қиласади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**АҚРАБ – ҲУТ.** Майллари ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Ҳар иккисининг ҳам унсури сув бўлганлиги туфайли ўзаро тез қўшилиб кетадилар. Чаён белгисидагилар балиқ белгисидаги жуфтлари устидан ҳукмронликни қўлга оладилар. Бундай ҳукмронликка қаршилик кўрсатиб бўлмайди. Аслида, Ҳут буржидагилар ўзларининг доно маслаҳатлари, олдиндан пайқаш хусусиятлари билан Чаён белгисидаги жуфтларига яқин дўст ва ёр бўла оладилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**Ақраб буржидаги Чаён белгиси остида түғилган тарихий, таниқли ва етук шахслар:** Жаваҳарлал Неру, Мартин Лютер, М.В.Ломоносов, Вольтер, Ф.М.Достоевский, Авенариус, Мария Кюри, Теодор Рузвельт, Усмон Носир, Роберт Кеннеди, Индира Ганди, генерал Д.М.Карбишев, Наби Раҳимов, Пиримкул Қодиров, Музаффар Ҳайруллаев, Эргаш Каримов, Ўткир Ҳошимов, Билл Гейтс.

## ҮҚЧИ – ҚАВС ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ

*23 ноябрь – 21 декабрь оралигиде түгілғанлар. Юпітер (Мұштари) сайёраси бошқаради. Мизожини белгиловчи үнсүр – олов. Тимсоли – Кентавр (юнон афсоналаридаги ярим одам, ярим от маҳлүк).*

*Буржига хос ранглар – күк, бинафша, мөвий. 3, 4, 9 – баҳтли рақамлар саналади.*

Үқчи юлдузлар буржида икки ёрқын юлдуз жойлашган. Бу жуфті юлдузларни араблар «шаула» – найза, ниш деб атаганлар. Сомон йўлида жойлашган Үқчи юлдузлар туркуми қучли юлдузлар гурӯҳи ва туманликларга бойдир.

Үқчи – Альрами юлдузининг арабча номи. Үқчи йўналишида Галактикамиз маркази жойлашган бўлиб, унинг ядроси юлдузлар оралиғидаги қуюқ чанглик билан қопланган. Буни биринчи маротаба Собиқ Иттифоқ астрономлари 1948 йилда инфрақизил электрон оптикаси ёрдамида суратга туширганлар.

Үқчи юлдузлар буржида Күёшнинг қишки туриш нуқтаси жойлашган бўлиб, унинг аҳамияти каттадир.

**Қавс ойида туғилғанларнинг ижобий жиҳатлари:** фаол, очиқ, самимий, софдил, қувноқ, тўғрисиз, ҳаққоний, эркесвар, дўстлашувчан бўладилар. Уларга мушоҳадакорлик, одиллик, жасурлик, билимга ўчлик, бошқаришга қизиқиши ва муайян мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиш хосдир. Улар олижаноблиги ва омилкорлиги билан бошқалардан ажralиб турадилар, табиатан ҳаққоний, қувноқ, келажакка ишонч билан қарайдилар; эртанги кун бугунги кундан яхшироқ, афзалроқ бўлади, деган умид билан яшайдилар. Ёлғон гапириш улар учун ётдир.

**Қавс ойида туғилганларнинг салбий жиҳатлари:** уларнинг бефарқлиги, бетакаллуфлиги. Уларнинг сўзи худди ўқ, каби тўғри бўлиб, ўйлаганини гапирадилар. Биринчи мулоқотдаёқ сизни хафа қилиб қўйишлари мумкин. Улар бирор нарса таъсирида «пов» этиб ёниб кетадилар, кучли ҳаяжонга тушадилар, ичкиликка мойил бўлиб, сир сақлай олмайдилар. Юзаки, бесабр, шуҳратпарааст бетакаллуф, сергалва, bemuloҳаза, ўз манфаатини кўзловчи, ўзгалирга буйруқ беришни ёқтирадиган, ҳамма нарсани бошқаришга интиладиган ва болаларга хос баъзи хусусиятларга эга бўладилар.

Бу даврда туғилганларни Юпитер сайёраси бошқаради. Қавс буржи бошқа буржалар ичида энг кучли шахсларни дунёга келтиради. Ҳозиргача ўтган буюк ва таниқли тарихий шахсларнинг етмиш фоизидан зиёди шу бурж вакилларидир. Ушбу бурждага туғилган болаларда ўқишига, илм-фанга иштиёқ жуда ҳам кучли бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур бурж остида туғилганлар орасида олимлар ҳам кўпчиликни ташкил қиласиди. Улар тарихдан маълумки, «бойлик билан бирга ҳурмат ва шон-шарафга ҳам мұяссар бўладилар».<sup>22</sup> Улар баъзан ўzlари билмаган ҳолда болаларча тўғриликлари туфайли бошқаларни хафа қилиб қўйиши мумкин.

Уларнинг қалби уммон каби кенг бўлса-да, қаттиққўлликни ҳам қотираадилар. Аммо уларнинг қаттиққўлликлари тубида меҳр-муҳаббат яширинган бўлади.

---

<sup>22</sup> Қаранг: Буржалар ва пуллар. –Т.: «Янги аср авлоди». 2011 й. 34- бет.

## **Қавс буржида туғилған әркаклар**

Қавс буржида туғилғанлар жасур кишилардир. Таваккал қилиб, хавфли ишларга құл уришлари мүмкін. Шундай бўлса-да, улар ҳаётда кам енгилишади. Автомобилни тез бошқарадилар. Қувноқлиги, зеҳни ўткирлиги ва мақсад сари сабитқадамлик билан интилиши, уларга ҳар доим муваффақият қозониш имконини беради. Саёҳат қилишни ҳамда турли ҳайвонларни ёқтирадилар.

Ўқчи фавқулодда ишонувчан ва соддадир. Унинг орзулари қизиқ ишларидан келиб чиқади ва доимо мантиқий асосга эга бўлади.

Ҳаёти давомида кўплаб қўнгилсизликларга дуч келса-да, «девонанинг ишини Худо ўнглабди», деганларидай, иши юришаверади. У шу қадар омадлики, ҳатто баъзан ўзи ҳам бунга ишонмайди.

Ўқчи белгиси инсоннинг тос-сон қисми бўғинлари тимсолини ифодалайди. Улар касалликка кам чалинадилар ва доимо ҳаракатда бўладилар. Уларнинг аксарияти тасодифий баҳтсизликларни ҳисобга олмагандা, узоқ умр кечиришади. Касалхонага фақат баҳтсиз ҳодисалар ва жароҳатланиш туфайли тушадилар.

Қавс ойида туғилғанлар жисмоний жиҳатдан кучли, чидамли ва бардошлидир. Сони ва тос-сон бўғинлари ревматизм, ишиас (қуймич нервининг яллигланиши), подагра (модда алмашинувининг бузилиши туфайли юз берадиган, бўғинлар қизигандан зирқираб оғрийдиган касаллик), иситма, безгак каби касалликлар билан оғриши мумкин. Ўпка ва нерв тизими ҳам касалланиши, бузилиши мумкин, қон таркибининг бузилиши қўпинча дармонсизликни келтириб чиқаради.

Ўқчиларда хафагарчилик тез ўтиб кетади. Қиморга, ичкиликтан чекишига мойиллilikлари бор.

Ишқ-муҳаббат бобида ҳам шундай. Аёлларга нисбатан мулоим, юмшоқкўнгиллик билан муносабатда бўладилар. Уларнинг хотираси кучли, тарихий воқеалар ва бошқа турли ҳодисалар содир бўлган вақтни яхши эсда сақлаб қоладилар. Айни маҳалда доимо ниманидир йўқотиб юрадилар.

Мазкур бурж вакилларининг кўпчилиги дангалчи бўладилар. Шунинг учун улардан яхши синовчиучувчи чиқиши мумкин. Бу даврда туғилган одамлар яхши мутахассис ва хизматчи бўлиб етишадилар. Раҳбарлик ишларини ҳам уddaрайдилар. Бундай раҳбарлар қўпол, бақироқ, қизиқон бўлсалар-да, уларда Дон Кихотнинг хусусиятлари бордек туюлади.

Ушбу бурж остида туғилган ходим ишчан бўлиб, берилган топшириқларни яхши бажаради. Ҳамма гапни очиқ гаплашиб олишга мойил. Агар у ишда маъюс кўринса, уни бирон-бир топшириқ билан сафарга жўнатган маъқул. Чунки саёҳат – унинг жони дили. У сафарга доим тайёр бўлади.

Уларда сезги ғоят юқори даражада ривожланган. Мазали таомни, яхши ичимликларни, мусиқани, санъат асарларини, қуёшни, табиатни, жамоатни севишади.

Ўқчи белгиси остида туғилган эркакларда вақти-чоғлик қилишга қизиқиши туфма бўлиб, уларнинг кўпчилиги аёллар билан қўнгилхушлик қилишни ёқтиради. Эҳтироси юзаки бўлса-да, очиқкўнгил, мафтункор дўст бўлади.

Аёлнинг навқиронлиги, ҳусн-латофати ва чироий уни тўла асир қиласди. Унинг аёллар мадҳида айтганлари, уларга хушомади аксарият ҳолларда ҳақиқатга мос бўлади. Табиийки, унда жинсий қовушишга майл кучли. Агар бу йўлда қийинчилликка дуч келса, азоб ҳам чекмайди.

## Ўқчи буржида туғилған аёл (қиз)лар

Ўқчи аёл (қиз)лар барча ишни мустақил бажаришни хуш күришади, ўз ҳаёт йўлини жуда эрта танлашади. Улар ҳам «пов» этиб «ёниб» кетадиганлар жумласидандир. Шунинг учун улар билан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлмоқ зарур. Бошқаларнинг буйруқларига уларнинг тоқати йўқ.

Улар эркаклар билан дўстликни севги ўрнида қабул қилишади, бу уларнинг асосий камчилигидир. Қизиқиши доираси кенг, ҳар қандай шароитда ҳам ўзларини турли масалалар билан овунтира оладилар. Қайгули, фожиали -ҳодисаларни, шу тўғридаги кинофильмларни томоша қилганда ўзларини йифидан тўхтата олмайдилар.

Уй-рўзгор ишларини эса мақтовга лойиқ дараҷада бажара олмайдилар. Оилада ўз бурчларини талаб даражасида уддаласа-да, баъзан бу юмушлар «жонларига» тегади. Шундай ҳолат юз берганда бир оз саёҳат қилишларига имкон бериш, уй юмушларидан ҳоли қўйиш лозим.

Бу аёллар икки тоифада бўладилар: биринчи тоифаси – болаларга хос характерга эга, серҳаракатдирлар. Улар оиласа, уй-рўзгор ишларига қийинчилик билан мослашадилар. Ўзларининг жонли, эпчил, чапдаст ва амалий фаолиятлари туфайли ҳар қандай соҳада ҳам муваффақиятга эриша оладилар.

Иккинчи тоифадагилар ақдан етуқ, сермушоҳада бўлиб, санъатни, китобни севадилар. Кўпинча кутилмаганда ўзининг ошкора баёноти ёки саволи билан сизни нокулай ҳолатга солиб қўйипши мумкин.

Очиқ юзлиги, киришимлилиги билан у ҳар қандай одамни ўзига мафтун эта олади. Айни маҳалда атроф-муҳитни қандай кўрса, шундайлигича қабул қиласиди. У ҳеч қачон ҳеч кимни алдамайди, сиз

ҳақиқатни билишни истамасангиз ҳам уни юзингизга айтади. Йўғингизда нималар билан шуғулланганини, кимлар билан учрашганини сўрасангиз, батафсил сўзлаб беради. Бироқ ундан ранжисангиз ҳам уни хафа қилиб бақира кўрманг. Бундай муоммалангиздан у «портлаб кетиши» мумкин. Сиз ундан ниманидир истасангиз, илтимос тариқасида сўранг, лекин зинҳор талаб қилманг. Чунки уни мажбур қилиб ўзингизга бўйсундира олмайсиз.

Ўқчи белгиси остида туғилган аёл эркак киши олдида, ҳатто севгилиси олдида ҳам ўз мустақиллигини йўқотмайди. Ўзига аёл сифатида қарашингизни ва шундай муносабатда бўлишингизни истайди. Чунки бу аёл ёки қиз руҳан жуда кучлидир.

Бу белги остида туғилган аёллар табиатан қувноқ, қизиқувчан, таассуротларга чанқоқ, эҳтироси баланддир. Улар ҳаётнинг барча соҳаларида фаол иштирок этишади. Ҳайратомуз шов-шувларни, гайритабиийликни, таассурот алмашишни ёқтиради. Феъли яхши, дилкаш, ташқи таъсирдан, масалан, таъм, ҳид, тасвир, товушдан завқ ола билади.

Унинг қомати, бадани ўзига жуда ёқади. Бундан у муҳаббат доми сифатида фойдаланади. Унинг жинсий имкониятлари юқори бўлиб, амалда миқдори билан ҳам, сифати билан ҳам чексиздир. Қалб ҳароратининг асосий қисмини ўз жуфтига бағишлиайди ва унга содик бўлади. Аммо унинг одатдан ташқари киришимли, дилкашлиги ва янги танишувларга эҳтиёжи катталиги кўпинча қулай шароит бўлганда, ўзгалар тўшагида ўз якунини топиши мумкин.

Ўқчи аёлни жинсий ҳаёт шу қадар ўзига тортар экан, у оила қуришдан аввал ўз жуфтининг руҳий ва жисмоний имкониятларидан яхши хабардор бўлиши керак. Агар бу аёл жинсий қуввати ўрта ва кучсиз эркакларга турмушга чиқсалар, оқибати

кўпинча ажралиш билан, асаб касалликлари билан ёки ундан ҳам ёмонроғи, ўз жуфтига хиёнат қилиш билан тугайди.

Улар жинсий жиҳатдан тез қўзғалади, маъшуқи билан очиқчасига, ташаббусни қўлга олиб иш кўради. Унинг билан қилинганд «кайфи-сафо» ҳар икки томоннииг тўла лаззат олиши билан тугайди.

### **Ўқчи белгиси остида туғилган болалар**

Ўқчи белгиси остида туғилган болалар ва қизлар доимо кувноқ, хушчақчак, ёлғизликка тоқат қилмайдиган бўладилар. Мазкур белгида туғилган бола чақалоқлигидан ёлғиз қолишни хоҳдамайди, шовқин-суронда ўзини яхши сезади ва ҳатто ухлайверади ҳам.

Уларнинг энг асосий хислати – ҳаққонийлик, тўғриликдир.

У улғайган сари уйда ва ташқарида фаол ҳаракат қила бошлайди. Шунинг учун хавфли нарсаларни, турли кимёвий, заҳарли, ўткир ва тез аланга оладиган буюмларни ундан яшириб қўйинг. Ўз эҳтиётлизлиги билан кўпинча гурра бўлиб, бирор жойини кўкартириб юради. Бундан у қадар ташвишнинг ҳожати йўқ. Аммо кесадиган, куйдирадиган нарсаларни ундан яширинг. Ўзининг қалтис ҳаракати билан бирон жойини синдириб олиши ҳам мумкин.

Ўқчининг мизожини белгиловчи унсур – Кўй ва Арслонники каби олов белгисидир. Бу белги остида туғилганлар кўп ухлайди, ҳарорати юқори, бошқаларга нисбатан етакчи бўлишга интилади. Улар дўстлашишга ишқибоз бўлиб, доимо дўст қидирадилар. Бу болалар Кўй ва Арслон белгиси бўлган болалардан фарқ қилиб, ўз хатосини тан ола биладилар. Ҳақиқат-

парвар, тўғрисўз бўлганлари учун атрофдагиларнинг унга нисбатан ноҳақлигини, алдовни кечира олмайдилар.

Вояга етган сари ташқарида, очик ҳавода фаоллиги ортади. Спортга қизиқади. Жониворларни, ҳайвонларни севади. Агар унга ит олиб берсангиз, уни машқ қилдиради. Улрайган сари уни уйда тутиб туриш қийинлашади. Ўтириб қунт билан дарс қилишга тоқати йўқолади. Саботлилик ҳам унинг табиатига мос эмас.

Бу болани тартиб-қоидага, тозаликка ўргатиш учун анча куч-қувват сарфлашингиз лозим, шунингдек, бу йўлда анчайин машаққат ҳам чекасиз.

Уларда ақлий фаолият билан жисмоний фаолликни навбатма-навбат кучайтириш тавсия этилади. Ҳаракатчанлигини ўзбошимчалик билан чеклаш уларга руҳий жиҳатдан салбий таъсир этади. Ўқчи бола мантиқий мазмундаги ўйинларни ёқтиради.

Катта ёшдагилари сиёsat билан ҳам қизиқиши мумкин. Шунинг учун уларга сиёsat билан боғлиқ китоб ва ойномалар ўқишга, кинофильмларни кўришга имкон бериш зарур.

Ўқчи белгисидаги боланинг соғалифи яхши, яшовчанлиги юқори бўлади.

Бу белги остида туғилган фарзандингизга:

- уларнинг жисмоний фаолигини чеклаш;
- уларга нисбатан қизиқёнлик қилиш;
- ноҳақ айблаш ва алдаш салбий таъсир кўрсатади. Агар уларни арзимаган нарса билан алдасангиз, ноҳақлик қилсангиз, ўзингизга нисбатан унинг ҳурматини йўқотасиз.

Ўқчи болага нисбатан сабр-тоқатли, бардошли, дўстона, ҳаққоний муносабатда бўлинг! Уни алдаманг! Тозаликка, тартиб-қоидага ва интизомга ўргатинг! Кичиклигига ўқишга муҳабbat қўйишига

ўргатмасангиз, кейин кеч бўлади. Очиқ ҳавода у билан кўпроқ бўлишингиз зарур.

### **Қавс буржида Ўқотар белгисида тугилганлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қилмасликлари лозим**

**ҚАВС – ҲАМАЛ.** Ўзаро бир-бирларига қизиқиш пайдо бўлади. Чунки уларнинг ҳар иккисини белгиловчи унсур – олов. Шунинг учун ҳам ҳар иккиси жуда тез, оловдек аланга олади ва қизиққон бўладилар. Ҳар иккисининг ҳам дўстлари кўп ва улар фаол ҳаёт кечирадилар. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келишида бир оз муаммо юзага келади. Ана шу муаммони бартараф этсалар, бу соҳада «келишув»га келсалар, оиласвий ҳаётлари кўнгилдагидек бўлади.

**ҚАВС – САВР.** Эркесвар Ўқотар белгисидагилар Савр буржидаги жуфтларининг ҳукмронликка эришишга интилишлари билан муроса қила олмайдилар. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро уйғун тушмайди. Дунёқарашлари ҳам бошқа-бошқа. Биргаликда узоқ ва баҳтли ҳаёт кечиришлари мушкул. Шунинг учун уларнинг бир-бирлари билан оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – ЭГИЗАКЛАР.** Ўзаро бир-бирлари билан ўхшаш жуфтлик. Иккиси ҳам турли саргузаштларни, сайру саёҳатларни, ҳаёт ўйинларини севади. Бир мунча вақт бир-бирлари билан ўзаро қизғин ҳаёт кечириши мумкин. Эгизак белгисида тугилганлар танқид қилишга мойил бўладилар. Ўқотарлар эса танқидни қабул қила олмайдилар. Вақт ўтиши билан ўзаро оиласвий муносабатларда келишмовчиликлар кучайиб бориши кутилади.

**ҚАВС – САРАТОН.** Эркесвар Ўқотар Қучиқ белгисидагилар учун қуляй ҳаёт ва турмуш шароити яратиб бера олмайди. Бири ўт, бири сув белгисида

бўлганлиги учун ҳам ўзаро қовушиши қийин. Масалан, Ўқотарлар Қучиқ белгисидаги жуфтларининг нозик ҳис-туйғулари билан ҳисоблашмайдилар. Жинсий майллари ўзаро мос келса-да, Қучиқ белгисидагиларнинг норозиликларидан Ўқотарлар безор бўладилар. Шунинг учун уларнинг бир-бирлари билан оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – АСАД.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Иккисининг ҳам белгиловчи унсури – олов. Иккиси ҳам нисбатан мустақил ва эркинликка интиувчи ва ўз билганларидан қолмайдиганлар. Бундай оиласарда эр-хотиннинг ҳар иккиси ҳам раҳбар лавозимларда ишлаши кузатилади. Ўзаро жинсий майллари ҳам уйғундир. Улар сайру саёҳатларга иштиёқмандлар. Биргалиқда ёқимли ва эсда қоларли даражадаги кўнгилхушликлар гувоҳи бўладилар. Бундай жуфтликлар оиласининг, эл ичида обрў-эътиборли ва ҳурматга сазовор бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ҚАВС – СУМБУЛА.** Ўқотарлар учун Пари белгисидагилар жуда зерикарли саналадилар. Ўз навбатида, Пари белгисидагилар Қавс буржидаги жуфтларини енгилтаклиқда, бекарорликда айблайдилар. Ўзаро жинсий майллари тўғри келса-да, турмушнинг бошқа муносабатларида ўзаро мос эмаслар. Шунинг учун ҳам уларнинг бир оила бўлиб яшаганларида кўплаб зиддиятлар юзага келиши кутилади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – МЕЗОН.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Мулоҳазали Тарози белгисидагилар Ўқотарларнинг турли «нағмалари»га дош бера олади. Нозик масалаларда бир-бирларига чексиз ҳузур баҳшида этадилар. Бу эса турмушнинг бошқа жиҳатларида юзага келадиган зиддият ва ихтилофларни ҳал этишга муҳим асос бўла олади. Улар ўзаро баҳтли ҳаёт кечиришлари мумкин.

**ҚАВС – АҚРАБ.** Чаёнлар ўзлари учун ишончли ва вафодор шерик топишига интиладилар. Ўқотарлар эса буни уддалай олмайдилар. Ўқотарларнинг эркесеварлиги Чаёнларнинг «қаҳрини» келтиради. Иккиси ҳам қайсар, ўзбошимча, ҳукмронлик қилиш ҳисси кучли ва ўз билганларидан қолмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – ҚАВС.** Буржларнинг ўзаро муносабатлари соҳасида олдиндан айтиб бериш қийин бўлган жуфтлик. Уларнинг ўзаро бир хил характеристи оиласвий турмушда кўплаб муаммоларни юзага келтиради. Иккиси ҳам эркесвар, ўзбошимча, айтганидан қолмайдилар. Ҳар иккиси ҳукмронлик қилиш ҳиссининг кучлилиги, уларнинг ўзаро иноқ ва тотув яшашларига монелик қиласди. Янги ҳиссиётларни, саргузаштларни излашлари билан бир-бирларидан узоқлашадилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – ЖАДИЙ.** Така белгисидагилар Ўқотарларга нисбатан жуда эҳтиёткор бўладилар. Чунки Ўқотарлар Такаларни доимо таъқиб қилиб, нишонга олишга ва ўз ўлжасига айлантиришга интиладилар.

Ўқотар белгисидагилар «ичимдагини топ» қабилидагилардан. Жадий буржидагилар эса ошкораликни севадилар. Боз устига, Така белгисидагилар ишлаб пул топиб, уни жамғаришни яхши кўрадилар. Ўқотарлар эса борини ўз манфаатлари йўлида сарф-харражат қилишга мойилдирлар. Бунга эса Такалар тоқат қила олмайдилар. Шунинг учун улар биргаликда узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечира олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҚАВС – ДАЛВ.** Сув қуювчи белгисидагилар ўзаро муроса қилишга интилсалар, мазкур буржлар ўртасида қурилган оила давомли бўлади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам саргузаштларга ишқибоздирлар. Иккиси ҳам у қадар рашкчи эмаслар. Шунингдек, жинсий

майллари ҳам ўзаро мувофиқ келади, гүёки оловни кислород билан янада алангалатгандек. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ҚАВС – ҲУТ.** Уларнинг жинсий майллари ўзаро мувофиқ келса-да, бир оила бўлиб яшашлари қийин кечади. Иккиси ҳам ўзлари учун ишончли ҳамроҳ излашади. Аммо бир-бирларига ишончли ҳамроҳ бўла олмайдилар. Балиқ белгисидаги жуфтининг зерикарли ҳаётидан безор бўлган Ўқотарлар бошқа саргузаштлар илинжида бўладилар. Бу эса Балиқ белгисидагиларга умуман ёқмайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**Қавс буржида Ўқчи белгиси остида туғилган машҳур ва таниқли кишилар:** Мұхаммад Ризо Оғаҳий, Марк Твен, Бетховен, Н.М.Карамзин, Н.А.Некрасов, Ф.Энгельс, Г.В.Плеханов, А.В.Луначарский, В.К.Блюхер, И.В.Сталин, Рокосовский, Жуков, Конев, Черчилл, К.Симонов, Иззат Султон, Ҳамид Олимжон, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Ҳўжаев, Ҳамза Умаров, Раж Капур, Муножат Йўлчиева, Юлдуз Усмонова ва бошқалар.

Сталин 1879 йил 21 декабрь соат 4.20 да, яъни Ўқчи Ўғлоққа (Жадий буржи) ўтишининг охирги даражасида туғилган. Қадимги манбаларга кўра, бундай ҳолатда туғилганларда ҳар икки белгининг таъсири бўлади. Бундай ҳолатда туғилганлар ўта сирли, жумбоқди ва ўта шафқатсиз шахслар бўлади. Уларнинг аксари ўз буржи доирасидан чиқа олмаганлар ва ўзларининг ўта шафқатсизликлари билан тарихда қолганлар.

Милодий 284 йил 17 ноябрдан 305 йил 5 январгача ҳукмронлик қилган Рим императори Гай Аврелий Валерий Диоклетиангина икки бурж оралиғида туғилганлар ичida ўзининг буржлари доирасини

енгиб ўтган тарихий шахсдир. Рим империяси ҳукмдори Гай Аврелий Валерий Диоклетиан миодий 245 йил 21 декабрдан 22 декабрга ўтар кечаси яъни икки буржнинг ўзаро алмашиниш оралиғида дунёга келган.

Қадимги Рим империясига йигирма йил давомида ҳукмронлик қилган император ҳеч ким кутмаган ҳолда ўз тожидан воз кечади. Рим шаҳридан узоқроқдаги қишлоққа бориб, деҳқончилик қилиб, карам етиштириш билан кун кечира бошлайди. Кўплаб сарой аёнлари, сарой мунахжимлари император ҳузурига келишиб, ундан пойтахтга қайтишини ва тахтга ўтириб, империяга ҳукмронликни давом эттишини илтижо қиласидар. Мунажжимлар император ҳазратлари умрининг охиригача ҳукмронлик қилиши мумкинлиги ва ҳеч қандай хавф-хатар унинг тахтига тажовуз қилмаслигини уқтирасалар ҳам, Диоклетиан тахтдан бутунлай воз кечганлиги ва қайтиб пойтахтга бормаслигини айтади. Сарой аёнлари нима учун бундай қарорга келганлигини сўраганларида, Диоклетиан: «Етар энди, бегуноҳ одамларнинг бошларини танасидан жудо қилгандан кўра, ўз меҳнатим билан етиштирган карамларимни шартта-шартта кесиш менга кўпроқ ҳузур бағишлияди. Сизлар боринглар ва қайтиб бу ерга келманлар. Мен ўз аҳдимдан ҳеч қачон қайтмайман», деб жавоб беради. Шундай қилиб, Диоклетиан қолган умрини деҳқончилик қилиб ўтказади. Диоклетиан 316 йил 3 декабрда, 71 ёшда вафот этган.

## **ЖАДИЙ – ТАКА (ҮГЛОҚ) ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**22 декабрь – 20 январь оралигидә түгилғанлар. Сатурн (Зұхал) сайдераси бошқаради. Мизажини белгиловчи үнсүр – түпроқ. Тимсоли – тоз Такаси. Буржига хос ранглар – қора, яшил, түк жигарранг. 3,5,7,8,14 – баҳтли рақамлар саналади.**

Така буржи номи билан Ернинг жанубий тропик қисми номланған. Икки минг йиллар аввал бу буржда қишки Қүёш туриши нұқтаси мөс келған. Ҳозир бу нұқта Үқчи буржига түғри келади. Фазогирлар Така буржидан коинотда йұналиш күрсаткичи сифатида фойдаланиб, уни учар қанот деб атайдилар.

Така – Тор худоси тимсолини беради. Қадимги мисрликлар тасаввурида Тор худоси ёвузлик рамзи – Сет худоси билан абадий курашда.

22 декабрь – 20 январь ўртасида туғилғанларни Сатурн (Зұхал) сайдераси бошқаради. Бу белгідагиларни билиш анча қийин бўлиб, уларни кўпроқ жамиятнинг юқори табақаси орасидан қидиришга түғри келади. Уларнинг ташқи кўринишини ҳам тасвирлаш мушкул. Улар бақувват, қотма, пружинасимон ёки аксинчча, дўмбоқ ва юмшоқ табиатли бўладилар. Кўпчилиги буғдой ранг, қора соч, нигоҳи ўткир, қора кўз ёки қўй кўз бўлади.

Жадий ойида туғилғанлар қўли гул, овози бир маромда, босиқ бўлиб, беозор, ёқимтой ва хушмуомаладир. Аммо ичдан метиндан қаттиқ.

Така белгиси остида туғилған кишилар ўз табиатларига қўра ҳокимиятни, муваффақиятни ва анъаналярни ҳурмат қилиб, доимо юқори даражага қараб интиладилар. Баъзилари романтик ҳам бўлиб,

ажойиб шеър бита оладилар. Ўз авлодларини, ўзидан ёши улувларни жуда ҳурмат қиласидар.

**Жадий ойида туғилғанларнинг ижобий жиҳатлари:** уларнинг ўз олдига қўйиган муайян мақсадлари бўлади, улар эҳтиёткор, меҳнатсевар, жавобгарлик ҳисси кучли, юзага келган қийинчиликни сабот билан енгиб ўта оладиган, ҳам бўйсуниб, ҳам бошқаларга буйруқ бера оладиган, қатъиятли, чекинмас, тадбиркор бўладилар.

**Салбий жиҳатлари** шундан иборатки, улар тез жонга тегади, ҳамсуҳбатини зериктириб қўяди, билими чекланган, кўпроқ эскилик тарафдори бўлиб, шароитга қийин мослашади, бадгумон, рашкчи, одамови, дилгир, фамгин ва ҳокимиятпаратстдир.

Жадий одамнинг талоқ ва тизза қисмларини информалайди. Ушбу ойда туғилғанларнинг тана тузилиши заиф бўлиб, айниқса, ёшлигига нимжон бўладилар. Улар кўпроқ бод, тери касалликлари, совуқ таъсирида келиб чиқадиган хасталиклар билан оғриши мумкин. Тиззаси ҳам шикастланишлар ёки модда алмашинуви бузилиши, мухитнинг ўзгариши оқибатида оғриши мумкин.

Уларнинг саломатлиги яхши эмас. Овқат ҳазм қилиш тизими ва ичаклари тез таъсирга берилади. Уларнинг касаллиги асосан, совуқдан, шамоллашдан ва нотўғри овқатланиш натижасида келиб чиқади. Бироқ уларнинг аксарияти кўп касал бўлишига қарамасдан, узоқ яшайдилар. Йиллар ўтиши билан жисми қариса ҳам руҳи ёшлигича қолаверади.

Жадий ойида туғилған шахслар жуда ҳам қаноатли, сабр-бардошли ва чидамлидир. Тушкунлик кайфияти уларга ёмон таъсир қиласиди. Айни маҳалда уятчан бўлишларига қарамай, шуҳратпаратстдирлар.

Зоҳирда ёлғизликни кўпроқ ёқтирадиган кўринсалар-да, ботинда кўпчилик ичидаги бўлишни ва киши-

ларнинг ўзларига нисбатан тавозели бўлишларини истайдилар. Бирор қилиқ қилиб, ҳамманинг дикқатини ўзига қаратишни хоҳлайдилар. Аммо Сатурнга хос характеристери намунали хулққа эга бўлиб, жиддий иш билан шуғулланишни талаб қиласди.

Қайсар бўлишларига қарамай, ақли етукдир. Ҳар қандай қийинчиликни, тўсиқни озор чекмай енгиб ўта оладилар. Улар билан курашмай қўя қолиш керак, чунки бу бефойда уринишdir. Баъзан ўз танқидий қарашларини, фикрларини юзхотир қилмасдан, бетгачопарлик билан кескин айта оладилар. Аммо шу билан бирга, ортиқча душман орттириб олмаслик учун етарлича ақл-идрокка, зеҳнга эгадирлар. Кўпроқ келишиб иш олиб боришга ҳаракат қиласдилар. Ҳар қандай ғовни эҳтиёткорлик билан айланиб ўтишга ҳаракат қиласдилар. Олис юлдузни эмас, балки олдида турган мақсадни кўзлайдилар.

Жадий буржи остида туғилганлар 14–20 ёшлар оралиғида ақлан шакланадилар. 56 ёшдан кейин уларнинг ижодийлик, яратувчилик хусусияти ўз маромига етади.

### **Жадий ойида туғилган эркаклар**

Така буржида туғилган эркаклар йил сайин ёшариб бориб, муҳаббат домига бошқаларга нисбатан кеч илинадилар. Бирор амал ёки мавқега эга бўлгандан кейингина оила қуришлари мумкин. Оила ришталарига қаттиқроқ боғланганлиги сабабли ота-онаси бағрида узоқ яшайди. Бинобарин, бундай эркак билан турмуш қурмоқчи бўлган аёл ёки қиз, энг аввало, унинг ота-онаси ҳурматини жойига қўйиши, уларга ёқиши керак бўлади. Акс ҳолда ундан умидини узгани маъқул.

Така белгиси остида туғилган эркак одатда, садоқатли эр бўлиб, ўрта ёшдан ўтгандан сўнг бошқа

аёлларга назар ташлаши мумкин. Улар ҳиссий кечинмаларини сўз билан ифода қила олмайдилар ва буни ёқтирмайдилар ҳам. Шу жиҳатдан уларни тарбия қилмоқ зарур. Бундай эркакнинг турмуш ўртоғи унга муҳаббат изҳор қилмаса, таъна остида қолади. Айни маҳалда улар бошқа буржда туғилган эркакларга нисбатан садоқатлироқ бўлиб, турмуш ўртоғи уларнинг вафодорлигини қадрлай билиши керак. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, улар ўз рафиқаларини турмуш ташвишлари ва қўнгилсизликларидан муҳофаза қила оладилар.

Така эркаклар зоҳирда мақтовларсиз ҳам хотиржам яшайверадиган кўринсалар-да, мақтов сўзларини эшитишни ёқтирадилар. Айни маҳалда ҳар қанақа мақтовни ҳазилга буриб юбориши мумкин. Худди мана шунинг оқибатида мақтов гапларни бошқа эшитмаслиги мумкин.

Кисқаси, Жадий ойида туғилган эркак юмшоққўнгил, кучли бўлади. Агар у билан ўзаро севишиб турмуш қурган бўлсангиз, қариб-қартайган чоғида ҳам сиз унинг учун севикли ёр бўлиб қоласиз.

Бу белги остида туғилган эркакдан чиққан раҳбар ходим, гарчи қаттиққўл бўлса-да, ходимларига отадай бўлиб қолади. Ҳар бир ходимдан ўз бурчини аниқ бажаришини талаб қилувчи бу раҳбар камдан-кам ҳолларда овозини кўтариши мумкин.

Хузурига ташриф буюрганлар унинг расмий муомаласидан чўчийдилар. Аммо у марҳаматлидир. Дангасалик қилган ёки топшириқни вақтида, кўнгилдагидай қилиб бажармаган ходимлар ундан яхшилик кўрмайдилар. Яхши ишлаганлар эса унинг кўмаги билан катта мукофотларга сазовор бўладилар.

Жадий ойида туғилган ходимлар ўта ҳалол ва виждонли, доимо иш билан машгул бўладилар. Ҳаёт йўлини жуда эрта танлайдилар ва аста-секин шу

йўл билан кўтарилиб борадилар. Иш жойларини эса камдан-кам ҳоллардагина ўзгартирадилар. Шоншухрат кетидан қувмасалар-да, тўла ва чинакам ҳокимииятга эришишга интиладилар. Улар яхши ташкилотчи бўлиб, ишни бир текис олиб борадилар. Ушбу ойда туғилган эркаклар кўпроқ банк ходими, ҳисобчи, педагог, илмий ходим, муҳандис, меъмор, бошқарувчи бўлиб ишлашини ҳаёт кўрсатмоқда.

Унинг учун ҳаёт битмас-туғанмас шодлик, баҳт, хурсандчилик манбаидир. Ҳаётни беҳуда ўтказмаслик унинг шиоридир. Жинсий муносабатлар жабҳаси эса унинг учун ажабтовур бир олам бўлиб, у ҳатто бу нарсага сифинишгача бориб етади.

Ушбу белги остида туғилган эркак аёллар билан муносабатда бўлганда, жисмоний ҳузур олишни ёқтиради. Аммо у ўзидан кетгунга қадар эҳтиросни ҳис қилгандагина тўла жисмоний қоникиш ҳосил қила олади. Бундай эркаклар бир аёл билан бўлгандагина жинсий эҳтиросдан кучли даражада лаззат оладилар. Айнан шу нарса уларнинг бошқа аёллар билан суҳбат қуришига тўсиқ бўлади.

Жадий ойида туғилган эркак бошқаларга нисбатан энг баҳтсиз ёки энг баҳтли бўлиши мумкин. Улар жуда камдан-кам аёлларгагина ажойиб дўст ёки шерик бўлади. «Ичимдагини топ» бўлганлиги сабабли атрофдагилар учун жумбок бўлиб қолаверади.

Жуда режали одам бўлгани учун ҳатто ўз умр йўлдоши билан ҳам кун тартиби бўйича жинсий суҳбат қуради. Аммо унинг бундай совуқёнлигидан хафа бўлмаслик керак. Така белгиси остида туғилган эркак эротик ишқ билан бошқа эркакларга нисбатан узоқроқ шуғуллана олади.

## **Жадий ойида Така белгиси билан туғилған аёл (қыз)лар**

Ушбу ойда туғилған аёл (қыз)лар оғир-вазмин, феъл-атвори яхши, ишқ-муҳаббатда барқарор, әхтиросли күринаңдилар. Уларнинг кайфияти тез ўзгариб туради ва узоқ вақт руҳий тушкунликда юришади. Агар унинг қадрига етилмаса ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлинса, ҳафталаб, ҳатто ойлаб руҳий тушкунликда юриши мумкин. Шунинг учун уни иложи борича лозим даражада қадрлаб, вақти-вақти билан мақтаб турмоқ лозим.

Жадий ойида туғилған қизлар ўсмирлик ёшида у қадар кўзга ташланмасалар-да, вақт ўтиб бирдан гулдай очилиб кетадилар. Ўрта ёшларда эса ҳусну таровати ёш қизларникидек бўлади. Уларнинг бадани нозик, аллергияга бериувчан бўлади. Улар учун упа-эликдан фойдаланиш шарт эмас ва кўплари фойдаланмайдилар ҳам. Жадий ойида туғилған аёллар 60 ёшида ҳам кўзга чиройли кўринаңдилар.

Бу белги остида туғилған ўртоғингизнинг отонаси ёки қариндошларига ҳеч қачон илтифотсизлик қила кўрманг. Унинг туғишганлари сизнинг ҳам туғишганларингиздек бўлиши керак. Қайнонангизни ҳазилга нишон қилиш эса асло ярамайди.

Кўп ҳолларда ушбу буржда туғилған аёл (қыз)лар ўз оила аъзолари – ота-оналарининг ҳам моддий жиҳатдан, ҳам маънавий жиҳатдан ягона суяничиғи бўлади. Керак бўлганда турмуш ўртоғини ҳам ўз ота-онасига, қариндош-уруғига ёрдам беришга мажбур эта оладилар.

Бу белги остида туғилған оналар ўз болаларига нисбатан қаттиққўл бўлсалар-да, аммо одиодирлар. Болаларини гўзал ахлоқ, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялайдилар. Фарзандларини камдан-кам,

истар-истамас қучиб ўпса ҳам ҳеч бир аёл ўз болаларига унингчалик содик бўлолмайди. Бу ойда туғилган аёллар ўз мустақиллигини жуда қадрлайдилар. Турмуш ўртоғининг хиёнат қилишини эса асло кечирмайдилар.

Қандай бўлишларидан қатъи назар уларнинг асосий мақсади – ўзларига ёққан эркакни «қўлга киритиш»дир. Зотан, бу эркак улар фахрлана оладиган даражада юқори мавқеда, лавозимда бўлмоғи керак.

Табиатан ишchan бўлган бу аёллар учун севги ва никоҳ, оила иккинчи даражали бўлиши, севса ҳам оила қурмаслиги мумкин. Ташқи жиҳатдан ҳамма масалалар бўйича охирги ўрин билан кифояланаверадиган бўлиб кўринса ҳам, ишонишингиз мумкинки, маррага ҳаммадан аввал келадилар.

Агар шу ойда туғилган аёл (қиз) билан турмуш қуриш истагингиз бўлса, оилангиз асосини мустаҳкам қилиб таъминлашингиз зарур. Чунки бу буржда туғилган қиз ёки аёл энг қимматбаҳо нарсаларга ишқибоздир.

Жадий аёл ташқи кўринишидан гарчи чиройли ва ёқимли бўлса ҳам бунга ўзи у қадар қатъий ишонмайди. Шунинг учун доимо унинг келишган, хушбичим, гўзал эканлигини таъкидлаб туриш керак.

Така белгиси остида туғилган аёл жинсий соҳада ўта кучли эҳтироснинг қурбонидир. Бу аёл Чаён белгисидаги аёлдан фарқ қилиб, жинсий муносабатни севгидан ажратса олмайди, шеригини ҳаддан зиёд севади. Бундай яқин ўзаро муносабат унинг баҳтига тўсиқ бўлиши ёки баҳтини чегаралаб қўйиши мумкин. Шу билан бирга, жинсий жиҳатдан ўта ҳароратли, ҳиссиётли бўлганлиги учун кўп қийинчиликларга дуч келиши, кўп ҳолларда эса қониқа олмаслиги мумкин. Унга ҳамма эркаклар ҳам ёқавермайди. Баъзан улар жуда ёш турмушга чиқиб,

ўзини англаб улгурмасдан бошқасини севиб қолиш ҳоллари учраб туради. Бу унинг учун ҳаётда ягона севгидек туюлади.

Жадий ойида туғилган аёл кучли, жўшқин, завққа, эҳтиросга эга, жинсий фаолиятга мойилдир. Дастребабки жинсий, ишқий саргузаштлар унда кучли завқ, хоҳиш уйғотади. Бу соҳада у тажовузкор ва ўта рашикчи бўлса ҳам ўз йўлдошидаги шундай хусусиятларни кўтара олмайди.

Така белгиси остида туғилган аёлда шунчалар катта жисмоний эҳтирос, хоҳиш борки, бундай хоҳишни қондириш жуда қийин. Ундан шунчаки бўса олиш билан вақтни беҳуда ўтказишининг қизифи йўқ. У танлаган камдан-кам эркакларгина жинсий мулоқотнинг ўта юксак завқини тотадилар.

### **Жадий белгиси остида туғилган болалар**

Жадий ойида туғилган болалар ёшларга хос бўлмаган ақдга ва камолга эга бўлиб, кўпинча отоналарини, оила аъзоларини ўз қобилияти билан ноқулай аҳволга солиб қўядилар. У билан болаларча, тилингизни чучук қилиб гапира кўрманг, сизга шундай назар билан қарайдики, яширингани жой топа олмайсиз.

Ушбу ойда туғилган бола кучли иродаси билан ва муайян мақсадни кўзлаб фаолият юритиши билан бошқа болалардан ажralиб туради. У кўп инжиқлик қилмайди. Аммо хоҳламаган ишини бажаришга мажбур қилиб бўлмайди.

У бошқалар ўртасида камгап, уятchan, ҳаётга жиддий қарайди. Такачаларни кулдириш ҳам қийин, зеро, уларда ҳазил-мутойиба ҳисси етишмайди. Доимо жиддий ва зўриқиша бўлиб, ўзини бўш қўя олмайди. Улар кичиклигида анча қийинчилликлар

туғдиришади. Ота-оналари улар туфайли күп қайфуришларига түғри келади. Энг муҳими, бундай болани ўзини бўш қўйишга, қувноқлик, хушчақчақликка ўргатиш керак ва бунинг учун зарур муҳитни яратиш лозим. Кўпроқ қувноқлик, қаҳқаҳа зарур. Болалик даврида нимжон бўлиб ўсса ҳам улғая борган сари танаси бақувватлашиб боради. Шунинг учун 14–15 ёшларига қадар уларнинг соғлигини эътибор билан назорат қилиб бориш даркор. Уларни, айниқса, баҳтсиз ҳодисалардан, тасодифлардан эҳтиёт қилиш керак. Нарвонга чиқиши ва зинада юришдан асраш даркор, чунки айнан шу омиллар улар учун баҳтсиз ҳодисага сабаб бўлиши мумкин. Асаб туфайли кўпинча ошқозони касалликка учрайди. Бинобарин, боланинг асабийлашувига йўл қўймаслик керак. Асаб негизида айниқса, тишлари ва тиззалари касалла ниши, бод қўзғаши, томири тортишиши, асабий жазавага тушиши мумкин.

Жадий ойида туғилган болалар кўпроқ ёлғизликни ёқтириб, сершовқин давраларни хушламайдилар. Битта ёки иккита ўртоқ унинг учун кифоя. Меҳмонга, бирор сершовқин жойга боришни хоҳламаса, зўрламанг. Бу ойда туғилган ўғил болалар, қизларни, қизлар эса ўғил болаларни ёқтирумаслиги мумкин.

Баъзан Така белгиси остидаги болалар ўз тенг-қурларига нисбатан секин ривожланади. Ота-оналар кўпинча бундан хавотирга тушадилар. Бундай ташвишланиш ўринсиздир. Улар майда қадам билан ҳаракат қиласалар-да, эртами-кечами, албатта ютуққа эришадилар.

Улар тартиб-интизом борасида сизни ҳеч қийна-майдилар. Туғма жавобгарлик ҳиссига эга бўлган «такача»лар ўзлари билан катталардек муносабатда бўлишни, сухбатлашишни хуш кўрадилар.

Така белгиси остида туғилған бола учун энг катта жазо ваъда бериб, унинг устидан чиқмаслик ва у билан ёш боладек муносабатда бўлишдир. Сизнинг бу ойда туғилған фарзандингиз ёки ўқувчингиз Ҳамал, Асад, Қавс ойида туғилған болалар каби тўполончи, сершовқин эмас, ўзи билан ўзи овора бўлади. Уни ҳеч қачон шоширманг! Улар ҳар қандай вазифа ёки топшириқни бажаришлари учун кўп вақт талаб қилинади. Тезлик ва шошма-шошарлик улар учун ётдир.

Бундай бола улгая боргани сари тартибли ва ҳатто, синчков, ўта расмиятчи бўлиб боради. Ўз ўйинчоқдари, китобларини тартибли сақдайди. Кун тартибига осон кўнигади.

Бундай болалар ва қизлар ўз уйини, оиласини жуда севадилар. Шунинг учун кўча чангитиб юришдан кўра кўпроқ уйда бўлишни ёқтирадилар. Мактабда ўқиш даврида қийналмайдилар.

Агар Жадий буржида туғилған бола мактабда дарсларни яхши ўзлаштира олмаётган бўлса, бу унинг дангасалиги туфайли эмас, балки қайсиdir машгулотни ўтказиб юборганлиги, натижада кейинги мавзуларни яхши тушунмаётганлигидандир. Демак, унга тушунмаган жойларини яхшилаб ўргатиш керак бўлади. Ота-оналар ҳам, ўқитувчи ҳам бунга алоҳида эътибор бермоқлари зарур. Фақат уни ҳеч қачон бошқалар билан таққосламанг, унга кимнидир намуна қилиб кўрсатманг, ўз тенгқурининг хизматини, фазилатини ошкора ва намойишкорона айтига кўрманг! Чунки у меҳнатсевар, тиришқоқ ва иззатталабдир. Бундай муносабатдан хафа бўлади, диққати ошади, асабийлашади ва оқибатда, бирталай нохушликлар юз беради. Шуни яхши билингки, бундай вазиятда у панд-насиҳатга, танбеҳга эмас, амалий ёрдамга муҳтождир.

Баъзан унинг кайфияти бўлмайди. Бунинг сабабини аниқлашга ва турли йўллар билан кайфиятини

күтариб, кулдиришга ҳаракат қилинг! Узоқ йиғла-шига йўл қўйманг!

Жадий ойида туғилган болалар кўпинча катталар-га тақлид қилишни севадилар. Қиз бола онасининг кўйлакларини кийиб кўришни, «она-бола» ўйнашни ёқтиради. Ўғил бола эса отасига тақлид қилиб, врач, ўқитувчи ёки раҳбар-амалдор бўлишни яхши кўради.

«Такача» вақтни беҳуда ўтказмайди, фойдали, амалий иш, масалан, кутича, ўйинчоқ ва шунга ўх-шаш нарсалар ясаш билан банд бўлади.

Уларни очик ҳавога чиқишига, офтобда юришига кўндириш қийин. Ваҳоланки, улар учун айнан шу-лар зарурдир.

Жадий ойида туғилган болаларга нималар заар қилиши мумкин? Яна такрорлаймизки, ўта уятчан, одамови бўлганлиги учун сершовқин давраларга киришга мажбур қилманг!

Мактабда ўқишини яхши ўзлаштирмаётган бўлса, бунинг учун уришманг! Бунинг сабаби юқорида ай-тилганидек, унинг дангасалигида эмас. У ёрдамга муҳтождир. Тушунмаган ёки ўтказиб юборган дарс-ларини ўқитувчи ёрдамида ўргатинг!

Ҳеч қачон уни бошқалар билан таққосламанг! Тенгқурларининг ютуқ ва муваффақиятларини унинг олдида таъкидламанг! Акс ҳолда бола қаттиқ қайфуради, асабийлашади ва турли камчиликларга йўл қўяди.

Уни кўпам шошилтирманг! Ўз ишини, берилган топшириқни аста-секин бажаришига имкон беринг!

У билан катталардек муносабатда бўлинг! У масть-улият ҳиссини яхши сезади. Жуда ҳам жиддий бўл-ганлиги сабабли уни юмшатишга, вақтичоғликка, ҳазил-мутойибага ўргатинг! Бахтсиз ҳодисалардан муҳофаза қилиб юринг!

## **Жадий буржида Така белгисида туғилғанлар кимлар билан оила қуришлари мүмкін ёки бунга таваккал қылмасликлари лозим**

**ЖАДИЙ – ҲАМАЛ.** Ушбу буржларда туғилғанлар ўзаро үхшашдирлар. Иккиси ҳам кучли шахс, тиришқоқ, мақсад сари интилевчі бўладилар. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро уйфундир. Вақт ўтиб бориши билан турмушнинг кўплаб муносабатларида ўзаро мусобақа кучайиб боради: ҳаётлари давомида эришган ютуқлари, болалар тарбиясида қўшган ҳиссалари, жисмоний ва жинсий қуввати кабиларда. Оилавий муносабатлари узоқ ва давомли бўлиши мүмкін. Аммо уларнинг турмуши ўзига хос мураккаб ва нотекис йўллардан ҳам ўтиши мүмкін. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЖАДИЙ – САВР.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Иккиси ҳам амалий хатти-ҳаракатга мойил, мақсад сари интилевчан, сабрли, юзага келадиган турмуш муаммоларини биргалашиб ҳал этишга қодир. Уларнинг жинсий майллари, қувватлари ва қизиқишилари ҳам ўзаро мувофиқ тушади. Оилавий муносабатларнинг аксарият жиҳатларида ўзаро мос тушадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЖАДИЙ – ЭГИЗАКЛАР.** Така белгисининг Эгизаклар белгисидагилар билан бир-бирларини тушунишлари қийин кечади. Мазкур буржда туғилғанлар ўзаро мувофиқ эмаслар. Жинсий майллари, қизиқиши ва эҳтиёжлари ҳам ўзаро уйғун эмас. Эгизаклар жўшқин ва тез, Така белгисидагилар эса аксинча, эҳтиёткор ва шошилмай, мулоҳаза юритиб иш кўрадилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЖАДИЙ – САРАТОН.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган жуфтлик. Така белгисидагиларнинг ҳаддан ортиқ талабчанлиги ўта ҳиссиётли Қучиқ белгисидагилар

ҳаётида нокулайликлар түгдирди. Боз устига, Така белгисидагиларнинг чуқур фикрий таҳдиллари, ўз жуфтига нисбатан ошкора фикр-мулоҳазалари Кучиқ белгисидагиларнинг ўзига бўлган ишончини йўқотади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЖАДИЙ – АСАД.** Арслон билан ҳам қурган оиласи камдан-кам мустаҳкам бўлади. Ҳар иккиси ҳам мустақил, ўзаро зиддиятли хусусиятларга эга. Оилавий муносабатларда ҳар иккиси ўз фикрига эга ва ўзича қарор қабул қиласидилар. Иккиси ҳам қайсар, ҳукмронлик қилишга мойилдирлар. Арслон белгисида тугилганларнинг жинсий эҳтироси ва қувватига ҳамда турлича экспериментларига Така белгисидагиларнинг тоқати дош бермайди. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЖАДИЙ – СУМБУЛА.** Ўзаро ўхшаш жуфтлик. Иккиси ҳам амалий ҳаракатчан, хотиржам ва эскича қадриятлар тарафдорлари дидир. Жинсий майллари ўзаро мувофиқ келмаса-да, турмушнинг бошқа соҳаларида ўзаро уйғунликка эришса бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЖАДИЙ – МЕЗОН.** Дастрлабки муносабатларда бир-бирларини ёқтирасалар-да, оилавий турмушда мутлақо бошқа-бошқа қарашларга эга бўладилар. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро мос эмас. Оилада турли зиддиятлар, муаммолар юзага келаверади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЖАДИЙ – АҚРАБ.** Ўзаро мувофиқ келадиган жуфтлик. Оилавий муносабатларда Чаён белгисидагилар ҳукмронлик ва етакчилик қилишга интилади. Бу эса Така белгисидагиларни ҳам қониқтиради. Така белгисидагилар ўз жуфтларига ишонсалар, оила жуда мустаҳкам бўлади ва улар узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЖАДИЙ – ҚАВС.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган жуфтлик. Така белгисидагилар пул топиб, уни эҳтиёткорлик билан жамғаріб боришга мойилдирлар. Ўқотарлар эса топганини ўз манфаатлари йўлида сарф-харажат қилишга мойил. Ўқотар Такаларни доимо таъқиб қиласи ва нишонга олиб, ўз ўлжасига айлантиришга интилади. Тезроқ қочиб қол Така, бўлмаса, ҳолинг хароб бўлади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ЖАДИЙ – ЖАДИЙ.** Ҳар иккиси ҳам бир хил хусусиятларга эга. Иккиси ҳам эскича қарашларга мойил, жиддий, тежамкор, топганларини сарф қилишдан кўра жамғаріб боришни лозим топадилар. Жисмоний ва жинсий қувватлари, қизиқишлари ва майллари ҳам ўзаро мувофиқ келади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ЖАДИЙ – ДАЛВ.** Така белгисидагилар амалий ҳаракатчан бўладилар. Сув қуювчи белгисидагилар эса янги мулоҳазалар ижодкори. Уларнинг бундай хусусиятлари оилавий турмушнинг барча соҳаларида намоён бўлади. Даљ буржидагининг эркесварликлари Така белгисидагиларга хуш ёқмайди. Даљ ойида туғилганлар Така белгисидагиларга зиддир. Уларнинг ўзаро оилавий ҳаётларида тез-тез келишмовчиликлар юзага келиши кутилади. Бундай оила муваффақиятсиз бўлади.

**ЖАДИЙ – ХУТ.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Така белгисидагилар ўз жуфтлари устидан тўла ҳукмрон бўла оладилар. Улар ўзаро бир-бирларининг «кемтик» жиҳатларини тўлдирадилар ва узоқ умр биргаликда баҳтли яшай оладилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

Нужум илмига кўра, ақлий, руҳий, жисмоний ҳамда жинсий жиҳатдан ўзаро тортишув кучи, уйғунлик бўлсагина оила тинч, муваффақиятли ва мустаҳкам бўлиши кутилади.

**Жадий ойида Така белгиси остида түғилган машхур ва таниқді кишилар:** Жанна д'Арк, Иоган Кеплер, Исаак Ньютоң, Луи Пастер, Н.Е.Жуковский, А.С.Грибоедов, Аброр Ҳидоятов, Зикир Мұҳаммаджонов, Асқад Мұхтор, Эркин Воҳидов, Тоҳир Малик ва бошқалар.

## **ДАЛВ-СУВЧИ (КҮНАК) ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

**21 январь – 18 февраль оралыгыда түгил-  
ганлар. Уран сайёраси бошқаради. Мизожини  
белгилөвчи унсур – ҳаво. Тымсоли – Сув құювчи,  
Буржига хос ранглар – күк-яшил, бинафша ва  
оч ҳаворанг.**

**2,4,8,9,11,13 – баҳтли рақамлар саналади.**

Сувчи юлдузлар буржини күзда яққол күриш мумкин. Араблар бу буржни «Сув қуяётган одам», деб атаганлар. а – Саъд-ал-малик юлдузи – «баҳт салтанати», в – Саъд-ал-суд – «сув баҳти», деб аталған. Сувчи күзасидан сув Жанубий балиқнинг оғзига қуйилади. а – Фомалъгаут – арабчадан таржимаси «балиқнинт оғзи» демакдир. Бу ёрқин юлдузга нисбатан 90° да жойлашған учта ёрқин юлдузни күриш мумкин. Улар – Альдебаран (Аддабарон), Регул ва Антарес-лардир. Бу юлдузлар осмонни тенг қисмларга бўлиб туради. Қадимда уларни «осмон қўриқчилари», деб ҳам юритиб келингган. Улар қадимги шарқ ҳалқдари яратган энг дастлабки йил ҳисоби тузилишида катта аҳамиятга эга бўлганлар.

Сувчи юлдузлар буржи унсури ҳаво бўлиб, уни Уран сайёраси бошқаради. У катта саёҳатларга, янги дўстларга, янги ҳиссиётларга доимий равишда интилишни ифодалайди.

Сувчи – бу коинотга тегишли бўлиб, ердаги ишлар ва қоидалар билан фақат зарурият юзасидан шуғулланади. Ҳозирги даврдан ташқарида, эртанги кун билан яшайди. Янгилик яратиш, кашф этиш унга катта қониқиши, қувонч баҳш этади. Кундалик турмушнинг яроқсизлигини ҳис этиб, ўзи учун совуқ, зимистон, оғир меҳнат, тузатиб бўлмас касалликлар, зерикиш, ёмонлик, ўғирлик ва қаллоблик, хоинлик

ва хунрезлик каби инсонийликка зид бўлган жамики салбий қарашлар, тушунчалардан ҳоли бўлган сунъий жамият, олам кашф этади. Юқорида кўрсатилган хислатлар буюк ҳамюртларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурга хослиги уларнинг ушбу бурҷда таваллуд топғанлиги билан боғлиқдир.

Сувчиларга таваккалчилик ва янги foялар билан ҳаётни ўзгартириш ҳусусияти хосдир. Ушбу белги навқиронлик ва жисмонан соғломликни ифодалайди.

Сувчилар 50 ёшларга борганда ақдий фаолиятнинг чўққисига эришадилар. Улар узоқ яшаш сирлари билан жуда қизиқишиади. Шаклланиш даври 21–28 ёшлар ўртасида. Тимсоли: қуш ва тайёра учиши, булултарнинг сузиши. Қора ранг улар учун хосиятсизdir.

**Далв ойида туғилганларнинг ижобий жиҳатлари:** мустақиллик, ўзига хослик, яратувчилик, киришимлилик, дилкашлик, ижтимоий барқарорлик, хурофотлардан ҳолилик, ҳақиқатга эришиш йўлида бардошлилик, инсонпарварликдир.

**Салбий жиҳатлари:** шахсиятпаст, сергап-лақма, бекарор, жавобгарлик ҳиссидан маҳрум, файриодатий, бетакаллуфлик.

Далв ойида Сувчи белгиси остида туғилганлар жисмонан бақувват, кучли бўладилар. Аммо оёқлари, тўпиқ суяги кучсиз бўлиб, асаб тизимининг, қон таркибининг бузилиши, камқонлик, сиқилиш, томир тортишиш, оёқнинг чўзилиши ва синиши, тўпиқ суягининг жароҳатланиши каби касалликларга учраши мумкин. Ушбу ойда туғилганларга файриодатий, кам учрайдиган хасталиклар ҳам хос бўлади.

Сувчи белгиси остида туғилганлар билан муносабатда бўлган киши ҳар қандай кутилмаган ҳолларга тайёр бўлмоғи керак. Уран сайёраси бошқарадиган Далв ойида туғилганлар хушмуомала бўлса-да, жамоатчилик фикрига зид иш тутишни ёқтирадилар

ва бундан яширин қониқиши ҳосил қиласылар. Ўзларининг файриодатий хулқи билан кишиларни ҳайрон қолдиради. Кўпинча улар ўзларининг гаройиб кийиниши билан умум қабул килинган нормаларга бўйсунишни хоҳламасликларини ифода қиласы.

Сочлари майнин, юзининг ранги оқ, рангпар бўлади.

Уларнинг дўстлари кўп, янги танишларни тез орттирадилар. Сувчи олийгоҳ ректори билан ҳам, кўчадаги безори билан ҳам ёки поездда, бир купеда кетаётган йўловчи билан ҳам тез дўстлашиб кетаверади. Эски дўстларини оғир аҳволда ташлаб кетмайди. Ҳатто аввалги хотини, ёқтирган қизи ёки танишига «кел, дўст бўлиб қолайлик», деб таклиф қилиши ҳам мумкин.

Сиёsat, спорт, автомобил ва бошқа кўплаб соҳаларга қизиқади ва шуғулланади. Уран сайёраси уларга исёнкор руҳ бағишлигаран бўлиб, жамият туб қайта қуришга муҳтожлигини инстинктив равишда ҳис этади. Аммо иш сиёsatга бориб тақалганда, жуда эҳтиёткор бўлиб қолади.

Нужум илмининг таъкидлашича, ҳозирда Сувчи белгиси остида туғилган шахс ўйлаётган нарсага жамият бир неча ўн йиллардан сўнггина эришади. Ҳақиқатан ҳам, уларнинг кўпи даҳо бўладилар. Тарихдан маълумки, даҳоларнинг 70 фоизи шу белги остида туғилган.

Ушбу ойда туғилганлар ноёб қобилиятга – руҳий касалларни, асабий тутқаноқларни ва ўта қўрқиб кетган болаларни, кишиларни тинчлантира олиш хусусиятига ҳам эга бўладилар. Агар бунга ишонмансангиз, ўз устингизда тажриба ўtkазиб кўришингиз мумкин. Бундай хусусият уларнинг асаб тизими олий даражада тузилишга эга эканлигидадир. Ўзлари эса соғломликлари билан мақтана олмайдилар. Қишининг совуғидан, ёзниг иссиғидан қийналадилар.

Улар учун қўп ҳаракат қилиш, очиқ ҳавода сайд қилиш ва ухлаш фойдали. Афсуски, қўпроқ хона дераzasини очмай, бурканиб, ўраниб ўтиришни хуш кўрадилар. Нерв ҳужайраларининг фаоллиги, тез қўзғалувчанлиги учун улар «қуш уйқуси»дирлар.

Сувчининг хотираси у қадар кучли бўлмаса-да, бу заифлик ундаги кучли интуиция билан тўлдирилади. Бўлажак воқеа-ҳодисаларни, ўзгалар фикрини ақл бовар қиммас даражада пайқайди, айта олади. Телефон ёки уй қўнфириғи жирингласа, ким эканлигини олдиндан айтиб бериши мумкин. Айни маҳалда у гипнозга тез берилади.

Далв ойида туғилган шахс табиатан тўғри сўздир. Пул қарз беришни ёки қарзга олишни у қадар ёқтиримайди. Улар учун пуллар – ҳеч бир қадрга эга бўлмаган шунчаки қоғоздир. «Шундай тасаввур туғиладики, гўё уларнинг чўнтаклари ва ҳамёнлари тешик. Далвларда пуллар турмайди, улар, гўё қоронгилик ва ўзгалар қўйнига сочилиб кетади».<sup>23</sup>

Унда эринчиоқдик даври ҳам бўлиб туради. Аммо вақти келганда бу эринчиоқдикни енгиб, бир ойда бажариш мумкин бўлган ишни бир ҳафтадаёқ уddaрайди. Кўпчилик уни тушуна олмаслиги мумкин. Чунки у бошқалардан илгор, эртанги кун билан яшайди. Унинг танҳо қалбини билмоқчи, ўрганмоқчи бўлсангиз, сиз ҳам у билан бирга эртанги кунда яшай олишингиз керак.

### **Далв ойида туғилган эркаклар**

Физиклар, астрономлар, давлат арбоблари, фантаст-ёзувчилар, шоирлар, улуғ мутафаккирлар орасида Далв ойида туғилган эркаклар қўпчиликни ташкил этади.

---

<sup>23</sup> Қаранг: Буржлар ва пуллар. – Т.: «Янги аср авлоди». 2011 й. 41-бет.

Уларга расмиятчилик ёт бўлиб, эскилик, қолоқликни ёқтирмайдилар. Табиатан босик, жиддий, бошқаларга ортиқча юк бўлишга йўл қўймайдилар. Уларнинг ҳаёти таҳликага, хавф-хатарга тўла бўлиши мумкин, аммо бундан тушкунликка тушмайди, ўзини йўқотмайди. Шундай хавф-хатарларнинг бирида улар учун ҳаёт тугагандек туюлади. Аммо тақдир бу хавфдан яна қутқаради. Ҳаётда бадавлатликни ҳам, қашшоқликни ҳам, ажойиб ютуқларни ҳам, муваффақиятсизликларни ҳам, фожиаларни ҳам, хурсандчилик ва дилсиёҳликларни ҳам тотиб кўришади.

Сувчи эркак бошқалар сир-асорини, махфијатини билишга қизиқса ҳам жуда эҳтиёткорлиги туфайли ўз сирини асло ошкор этмайди. Характери жуда мураккабдир.

Агар сиз ушбу ойда туғилган эркак билан қизиқсангиз, уни ўз «тузогингизга» илинтиromoқчи бўлсангиз, Сувчи белгисидаги кишиларни янада чуқурроқ билишга ёрдам берувчи қуйидаги фикрларга эътибор беришингиз керак бўлади.

Энг аввало, уларнинг атрофидагилар билан қандай муносабатда бўлишини аниқлаб олайлик. Унинг қизиқиши ранг-барангдир. Ҳар бир кишига, ким бўлишидан қатъи назар қизиқиш билан қарайди. Ўз манфаатини қурбон қилишдан ҳам тоймайди. Бу хусусияти унинг севги бобидаги ҳаётига ҳам тааллуқлидир. Унинг ёрдамига муҳтоҷ бўлган ҳар бир кишидан у хоҳ таниш бўлсин, хоҳ нотаниш ўз ёрдамини аямайди.

Агар сиз унга қизиқиш билан қараётганингизни пайқаса, бунга алоҳида эътибор беради. Фақат сиз бутун ички сирингизни очмаслигингиз, жуда дўстлашиб кетсангиз ҳам маълум жиҳатдан жумбоқли бўлишингиз зарур. Бу эса унинг сизга нисбатан қизиқишини янада ортиради.

У қызлар билан дүстлашишни хуш күради. Сизни у қадар ёқтирмаслигини таъкидламоқчи бўлаётганини сезсангиз, билингки, сиз уни аёл сифатида жуда қизиқтириб қолгансиз. Бироқ у ўз ҳиссиётини узоқ вақт ва пухта равишда яшира олади. Жуда юмшоқ, мулоим бўлиб кўринса-да, бу фақат бир ниқоб, холос. Агар бирор нарсадан қаттиқ ранжиса, аччиғи чиқса, жуда қаҳрли, тажовузкор бўлиши мумкин.

Жуда озода, покизалиги унинг асосий хусусиятларидан яна биридир. Сизга қимматбаҳо совға-саломдан кўра оддий совғалар қилишни хуш кўради.

Сувчининг Қисқичбақа, Така ёки Тарози белгилари остида туғилганлардан фарқ қилувчи хусусияти уларнинг оила қуришдан, никоҳдан қандай қилиб бўлса-да қочишига интилишидир. Бундай ҳолат йиллаб давом этиши мумкин. Унинг барча тенгқурлари уйланиб, аллақачон бола-чақали бўлиб кетганда биргина у бўйдоқлигича юради. Тенгқурларингиз орасида энг кеч оила қурганларнинг кўпи, албатта, шу белгидагилардир.

Оила қургандан сўнг ҳам эркинлигича қолишига интилиб, эски дўстлик алоқаларини сақлаб қолади. Уни ярим тунгача кутиш, рашик қилиб, гумонсираб жанжал кўтаришнинг ҳожати йўқ. Чунки у хиёнатга мойил эмас. Гумонсирашингиз, рашик қилиб таъна-дашном беришингиз оқибатида у шундай гап тўқиб чиқариши мумкинки, уни эшитгач, сиз, қандай аёл экан у, деб тинчингизни йўқотасиз.

Сувчи эркак рафиқасига яқин дўст сифатида қарайди. Агар сиз қайсиdir жиҳатдан уни тўла қониқтира олмасангиз, шу билан муносабатини узади. Энг ёмони, бунинг сабабини тушунтириб ўтирумайди ҳам.

Кайфияти ёмон пайтда танҳо бўлишни, гоҳида ёлғиз хаёл суришни ёқтиради. Бундай вазиятда унинг тинчини, диққатини бузиш ярамайди. Чун-

ки у бундай пайтларда баъзан муҳим ва ўта зарур фояларни, кашфиётларни доҳиёна равишда ўйлаб топади. Қисқаси, сиз учун у – ажойиботлар олами. Бу оламда адашиб қолмаслик учун эҳтиёт бўлинг!

Типик Сувчи ҳар куни эрталабдан кечгача ишлагандан кўра «оч» ўтиришни афзал кўради. Уларнинг кўпчилиги буйруқ беришни, мажлисларда қатнашишни, зерикарли масалаларни муҳокама қилишни ёқтирадилар. Улар орасида раҳбар ходимлар учраса-да, баъзилари ўзининг билиб бўлмас характерлари билан ажойиб бошлиқ бўлади. Далвда туғилган раҳбар фаромушхотирлигига, тортинчоқлигига қарамай, унда кучли ички туйфу, муаммоларни чуқур таҳдил қилиш, фактларни солишиши, фойдаси кўп тегадиган кишидан тортиб, то оддий кўча боласигача – барча билан дўстона муносабатда бўлиш, бўлажак воқеаларни олдиндан кўра билиш хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Ундан ҳар қандай ишларни кутиш мумкин. Бу раҳбарни қўл остидаги ходимларнинг шахсий ҳаёти, сиёсий қарашлари, манфаатлари у қадар қизиқтиромайди. Бирор ходими ҳушёрхонага тушиб қолганини, бошқаси қўшхотинли эканлигини билса ҳам, гўёки унга тааллуқли эмасдек буларга эътиборсиз бўлади. Аммо ёлғонга тоқат қила олмайди. Давлат буюмидан шахсий манфаат йўлида фойдаланганингизни билиб қолса борми, мансаб пиллапояларидан юқорилаб боришингизга нуқта қўйилди, деяверинг.

Ишда ушбу белги остида туғилган ходимни билиб олишингиз у қадар қийин эмас. У гоҳ сумкасини ўйда қолдиради, гоҳ ручкасини қаергадир ташлаб кетади, сўнг эслай олмай, сиздан ручкангизни бериб туришингизни тез-тез илтимос қилиб туради. Бироқ ўзининг ихтирочилик таклифлари билан бошқаларни ҳайрон қолдиради.

Далвда туғилған әркакларнинг темпераменти кучсиз бўлса-да, жинсий муносабат борасида у меъёридадир. Тарози ва Чаён белгиси остида туғилған әркаклардан фарқ қилиб, Сувчилар аёлларга муҳолиф сифатида қарамайдилар. Аёлларни «бегуноҳ» деб ҳисоблаб, доимо уларни ҳимоя қиласидилар. Арслон белгисидаги әркаклар каби у ҳам «әркаклар тўғрисидаги bemalni aфsonalарга» ишонишга мойилдир. Сувчи – аёллардаги эстетик гўзаликни, уларнинг жинсий кўркамлиги билан уйғун ҳолда қабул қилувчи камдан-кам әркаклардан биридир. Кўпинча турмуш ўртоғи фавқулодда хирадлик, шилқимлик қиласидиган, жинсий қониқмайдиган аёл бўлади. Жинсий ҳаётда эришган энг юқори натижаси ўртача әркакларницидан унча юқори эмаслигини тасаввур ҳам қила олмайди. Ўз турмуш ўртоғига нисбатан эса ўта марҳаматли, кўнгилчанлик билан муносабатда бўлади. У рашкчи эмас ва хусусий мулкчиликка асосланган худбинликтан йироқдир.

Унинг сизга нисбатан садоқатлигига келсак, бундан хотиржам бўлишингиз мумкин. Нозик ҳиссиётлар уни у қадар қизиқтирумайди. Шу боис, у жинсий мулоқотга мукласидан кетмайди.

### **Далвда, Сувчи белгиси остида туғилған аёл (қиз)лар**

Улар юлдуз буржарида туғилған аёллар орасида энг гўзалидир. Гўзалик бобида у билан фақат Мезон буржида туғилған аёл ёки қизларгина беллаша олишлари мумкин. Жўшқинлиги ўртамиёна бўлиб, бу аёл ёки қиз билан жуда яхши, кўнгилдагидек муносабатда бўлиш мумкин. Фақат унинг эркига, дўстлари билан муносабатига, турли қизиқиши ва иштиёқига тўсқинлик қиласангиз бас. У билан ҳеч

қачон зерикмайсиз. Келишган, ораста, зебо бўлиб, рақсга ҳам яхши тушади. Қисқаси, бу белгидаги аёл ёки қиз маълум маънода сеҳргардир. Ўз сеҳри билан бир умр «мажнун»га айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Аммо тақдирнинг бешафқат қонунига кўра, улар турмушга эрта чиқиб, камдан-кам ҳолларда баҳтли бўладилар.

Сиёсий арбоблар, илмий ходимлар ва педагоглар учун идеал турмуш ўртоғи бўла оладилар. Шуни яхши билингки, Давлда туғилган турмуш ўртоғингиз эртанги кун билан яшайди. Келажакни олдиндан айта олади. Доимо ва шу ондаёқ рёёбга чиқмаса ҳам, вақти келиб унинг айтганлари ҳаётда ўз тасдигини топади.

Ақлли, меҳмондўст уй бекаси бўлиб, ҳар қандай шароитга тез кўникиши мумкин. Агар эрининг хиёнат қилганини билиб қолса борми, қанчалик севмасин, шу ондаёқ бундай эрнинг баҳридан ўтади.

Бу аёлнинг эркаклар учун яна бир афзал томони шуки, у эрининг жамғармаси билан қизиқмайди. Пул улар учун ҳеч қачон биринчи даражали аҳамият касб этган эмас. Эри бадавлат бўлмаса ҳам ақд-идроқи учун ҳурматини жойига қўяди.

Бу аёлнинг ўзига хос ахлоқий қарашлари бўлиб, шунга мувофиқ яшайди. Жўшқин, жуда ҳароратли аёлни кўпроқ ёқтирадиган эркакка Давлда туғилган аёл тўғри келмайди. У сизга интилгани ҳолда кўпроқ асосий бойлиги – эркидан ажralиб қолишдан кўпроқ қўрқади.

Бу аёллардаги ўзгарувчанлик Уран сайёраси таъсирида бўлиб туради. Дўстлари ва танишлари кўп, ёлғиз қолишдан асло чўчимайди. Сизнинг ишингиз билан қизиққани ҳолда ўз сирини яширади. Ёлғонни ҳам, ёлғон гапиришни ҳам ёқтиромайди.

Суҳбатлашганда дастлаб сипо бўлиб, ҳатто тортиниб турса-да, аста-секин ўзгариб, ўз фикри би-

лан ҳар қандай күпни күрган кишини эсанкиратиб қўйиши мумкин.

Бу аёлга ёки қизга ўз фикрингизни зўрлаб ўтказишга тиришманг. Чунки у тенгсизликка тоқат қила олмайди ва сиз учун «осмондаги ой»га айланиб қолади.

Оилали, айниқса, фарзандли бўлганда анча қиинчилик туғилади, чунки бу аёл жамоатга, кўпчиликка ўрганганд-да. Энди эса кўпроқ ўз фарзанди билан уйда бўлишига тўғри келади. Фарзандига оналиқ меҳрини ошкор қилишни унча ёқтирамайди. Болаларининг хатти-ҳаракатига бардошли, ҳатто бефарқ бўлади. Фарзандларининг оиласидаги бурчи ва вазифаларига, гигиена талабларига риоя қилиш-қимасликларига эътиборсиз бўлади. Шунинг учун бу вазифаларни унинг турмуш ўртоғи ўз зиммасига олишига тўғри келади. Эътибор берсангиз, Сувчи белгиси остида туғилган аёл овқатдан олдин боласи қўлинни ювдими-ювмадими, у қадар аҳамият бермайди.

Қайси соҳада бўлмасин, ўз фикрингизни ёки қайси ишни қандай бажариш зарурлигини тушунтирсангиз, гўё бу ўгитларингизни қабул қилгандай жилмайиб қараб туради-ю, аммо бари бир, ўз билганидан қолмайди.

Ушбу ойда туғилган аёлларнинг жинсий ўзига хослиги яққол бўртиб туради. Бу аёл ўта жўшқин ҳам эмас, совуқ ҳам эмас. У Чаён белгиси остида туғилган аёллардан фарқ қилиб, ортиқча эҳтиросга берилмайди. Аммо ўз ҳаётида жинсий мулоқотнинг аҳамиятини қадрсизлантиромайди ҳам.

Сувчи аёл босиқ, ўзини тутиб олган, ўртамиёна эркак учун идеал йўлдош бўлади. Унга жўшқинлик, эҳтирослилик, жунбушга келиш хос эмас. Оилавий ҳаётда жинсий алоқа тун билан боғлиқ анъанага

айланади. Ҳаммаси кўнгилдагидек, яхши бўлишини истаб, бунга алоҳида эътибор билан тайёрланади. Эр эса унинг келишини кутиб, тоқати тоқ ҳам бўлади.

Бу аёллар ўз эрига садоқатлидирлар. Энг яхши кўрган машғулоти – меҳмон кутиш. Элпatak, давраларда қовушувчан, бошқаларни ўзига қаратишни, ром этишни ва хурсандчиликни ёқтиради.

Ўз туйгуларини сўзда у қадар ифодалай олмайди. Жинсий эҳтироси эса ақди ва меҳри билан чамбарчас боғлиқdir. Агар ўзига муносиб умр йўлдоши топа олса – ибрат бўладиган тарзда бахтли бўлади. Шунинг учун ушбу белги остида туғилган қизларга мазкур бурж тўғрисидаги мавзунинг охирида келтирилган маслаҳатларга кўра оила қуриш тавсия этилади. Чунки бу қизлар кўпинча севги билан дўстликни ажрата билмайдилар.

### **Далвда, Сувчи белгиси остида туғилган болалар**

Бундайларнинг характери Эгизаклар белгиси остида туғилган болаларникiga ўхшаш бўлади. Улар Эгизаклар каби ақлий фаоллик, ақлий озуқага эҳтиёжнинг катталиги, қайсар, кучли қўзғалувчалиги, сезгирилиги, фантазия-га бойлиги ва файриихтиёрийлиги билан ажralиб турадилар. Фикр чақмоқ каби ўткир бўлганлиги учун уларнинг орасида ўта қобилиятли болалар кўп учрайди. Кўпинча ота-оналарини, мураббийларни ўзларининг ўткир зеҳнлари билан лол қолдирадилар. Умум қабул қилинган нормаларга салбий муносабатда бўладилар.

Ташки кўринишдан хотиржам, ювош бўлсалар-да зиддиятли характерга эгадирлар.

Сувчи бола ёш бўлишига қарамай, тузилиши мураккаб механизмларга ҳам ақли етади. Абадий

двигателга ўхшаган нарсаларни ихтиро қилишга қизиқади. Бу белги остидаги қызлар раққоса, президент ёки буюк олима бўлишни орзу қилсалар, ўғил болалар кўпроқ давлат арбоби, сиёсатчи, археолог, антрополог, физик ёки фантаст ёзувчи бўлишни орзу қиладилар. Сотувчилик, ҳамширалик, котибалик каби касблар улар учун зерикарли саналади ва уларга қизиқмайдилар.

Бу ойда туғилган болаларга таълим-тарбия бериш ҳам мураккаб бўлиб, ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилардан катта масъулиятни талаб қиласди. Чунки улар барқарор ақлга эга, заковатли, зийрак бўлиб, мантиқан ҳайратда қолдирадиган даражададирлар. Айни маҳалда уларнинг табиати зиддиятли, хотираси эса фаромушдир. Бирор вазифа ёки машқни умумий ечиш усулидан қочиб, ўз усули билан бажариши мумкин. Ҳар қандай билим, фактлар, ахборотларни осон ва тез ўзлаштиради.

Сувчи болалар кўзлаган мақсадларига эришиш йўлида событ қадамдирлар. Бирор нарса билан қизиқиб қолса, албатта, уни охиригача ўрганади ва шу билан шуғулланади. Янги билимларни ўзгаларнинг иштирокисиз ҳам осон эгаллай боради. Шунинг учун бу белги остида туғилган фарзандингизнинг иложи борича алоҳида дарсхонаси, ҳеч бўлмагандан, стол-стули бўлиши мақсадга мувофиқдир. Қизиқиши бўлмаган нарсаларни хотирасида сақлаб қололмайди. Бундай болаларнинг барча фанларга, айниқса, гуманитар фанларга лаёқати кучлидир. Ушбу ойда туғилган кўпчилик шахслар, агар эътибор берсангиз, адабиётга қизиқади ёки илмий қобилиятга эга бўлади.

Ёшлигига улар жуда уятчан, тортинчок, спортга бефарқ бўладилар. Ота-оналар, тарбиячилар бундай боланинг кўпроқ очиқ ҳавода бўлиб, жисмоний тарбия билан шуғулланишига эътибор бермоғи зарур.

Бўш вақтини фақат китоб ўқиши билан ўтказса, нимжон, кучсиз бўлиб ўсади.

Сувчи болаларнинг яшовчанилиги ўртамиёна бўлиб, улар камқонлик, овқатдан заҳарланиш, тўпиқ суюгининг лат ейиши, вена қон томирининг кенгайиши ва ҳаво белгисидагиларнинг барчасига хос бўлган асаб касалликларига дучор бўлади.

Ҳар хил тортишув, баҳс-мунозаралар, оиласдаги уриш, ота-онанинг бетайин хатти-ҳаракати боланинг руҳай ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Енгилтак болалар билан ҳам иложи борича мулоқот қилмасликлари керак. Чунки уларнинг бетайин хатти-ҳаракати боланинг руҳий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ақлан чарчаши асабийлашувига, бош оғриғига, овқат ҳазм қилиш жараёнининг бузилишига, уйқусизликка олиб келади. Бунинг энг яхши давоси – хотиржам, тинч, шовқиндан ҳоли мухитда бўлиш ва очик ҳавода жисмоний тарбия билан шуғулланишдир.

Дўстлар масаласида уларда муаммо бўлмайди. Тез ва осон дўст орттирадилар. Тенгқурлари ҳам уларга интилади, чунки бу болалар билан ўйнаш қизиқарлидир. Бундан ташқари дўстлари, танишларининг ижтимоий келиб чиқиши ва аҳволи Сувчи болалар учун аҳамиятсиз: вазирнинг ҳам, оддий фаррошнинг ҳам фарзанди билан дўстлашиб кетаверишади.

Сувчи болалар ўта кескин ахлоқий қадриятга эга бўлиб, кишиларни фақат ёмон ёки яхши, деб баҳолайдилар. Шунинг учун инсон жуда мураккаблигини, ҳар бир киши ўзига хос яхши салбий жиҳатларга эга бўлишини унга тушунтириб бериш лозим.

Далвда туғилган болалар бошқа белгидаги болаларга нисбатан тинч, осойишта шаклланнб, вояга етадилар. Баъзилари жуда ёшлигидан шеър ёзишни машқ қилади. Буни, албатта, қадрламоқ керак. Улар-

нинг энг асосий фазилати инсонга, барча кишиларга муҳаббатидир.

Далв ойида Сувчи белгиси остида туғилган болаларга жанжал-тўполон, тортишув, енгилтак ва бетайин болалар билан ўртоқчилик қилиш салбий таъсир кўрсатади.

Қайсарлиги тутганданда, жаҳди чиққанданда у билан жанжаллаша кўрманг! Аксинча, уни ўз ҳолига қўйинг! Вақт ўтиб, ўзига келади. Бу бола кийинишида ҳам, юриш-туришда ҳам бошқаларга ўхшамасликка ҳаракат қилади. Бунинг учун уни койиманг!

Сувчи бола, энг аввало, ақлий озуқага муҳтож бўлади. У очиқ ҳавода сайр қилиб, спорт билан кўпроқ шуғулланиши керак. Бироқ у алоҳидалини, ажралган муҳитни, ҳар қандай иш билан ёлгиз шуғулланишини кўпроқ ёқтиради.

Сувчи белгиси остида туғилган фарзандингиз ёки ўқувчингизни юқорида\_кўрсатилган маслаҳатларга асосланган ҳолда тарбиялаб борсангиз, келажакда ундан, албатта, буюк шахс етишиб чиқади.

**Далв буржида Сув қуювчи белгисида  
туғилганлар кимлар билан оила қуришлари  
мумкин ёки бунга таваккал  
қилмасликлари дозим**

**ДАЛВ – ҲАМАЛ.** Мазкур буржларда таваллуд тоғланларнинг характер-хусусиятлари ўзаро ўхашаш. Дастрекни оиласидаги муносабатларда Далв буржидагилар Кўй белгисидагиларнинг етакчилик қилишларига қаршилик кўрсатадилар. Аммо бундай қаршилик оиласида турли зиддиятларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкин. Уларнинг жинсий майллари ҳам мос келади. Эртами-кечми, Ҳамал буржидагилар ўз жуфтлари устидан тўла ҳукмронликка эришадилар

ва оилавий мунозанат таъминланади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ДАЛВ – САВР.** Ушбу жуфтлик ўзаро мувофиқ келмайди. Уд белгисидагиларнинг қайсараги, дабдабани севиши, қўполлиги, тўпорилиги ва мустақиллиги Далвда туғилганларнинг характерига монанд эмас. Айниқса, жинсий майллари, қизиқишлари ўзаро мос эмас. Далвда туғилганлар жуда элпатақ, дўстлашувчан, Саврда туғилганлар эса «ичимдагини топ» деганлардан. Иккиси ҳам бир-бирларига ён босишни истамайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ДАЛВ – ЭГИЗАКЛАР.** Агар Далвда туғилганлар Эгизакларни ўzlарига бўйсундира олсалар, оилавий муносабатларда барқарорлик таъминланади. Ҳар иккиси ҳам ақлий жиҳатдан ривожланган ва сўзамолдир. Далвда туғилган умр йўлдошининг ҳаётий фаолияти (касби, қизиқишлари, жинсий майллари) Эгизакларни қизиқтиурса, ўз жуфтига яқин ёрдамчи бўладилар ва оила янада мустаҳкам бўлади. Акс ҳолда оиласда келишмовчиликлар, зиддиятлар ортиб боради.

**ДАЛВ – САРАТОН.** Қисқичбака белгисидагилар билан қурилган турмушда чуқур дўстлик ва ўзаро ҳурмат ҳукмрон бўлади. Ушбу жуфтлик дастлабки оилавий муносабатларда ўзаро мувофиқ келгандай туюлса-да, вақт ўтиши билан Сув қуювчи белгисидагиларнинг элпатаклиги Қучиқ белгисидагиларнинг жонига тега бошлиди. Ўзаро мураккаб муносабатлар жуфтлиги. Бир-бирларини тушунишлари қийин кечади.

**ДАЛВ – АСАД.** Ўзаро мос келмайдиган жуфтлик. Арслонлар оилавий муносабатларда қўпроқ жисмоний, жинсий мулоқотга интиладилар. Арслон белгисидагиларнинг ўзига бўйсундиришга интилиши, мақтантчақлиги, ўзганинг фикри билан ҳисоблашмасдан ўз фикрини ўтказишга интилиши, юзаки-

лиги, тийинни ўн жойидан тузиши, ўта рашкчилигі Даљ буржидагиларнинг характерига мувофиқ эмас. Уларнинг кучли эҳтиросларига, жисмоний ва жинсий қувватларини сарф этишларига Сув қуювчи белгисидагилар жавоб бера олмайдилар. Арслонларда ҳукмронлик қилиш ҳисси кучли. Даљда туғилганларда эса эркесварлик кучли. Шу тариқа Арслонларнинг ҳукмронлигига Даљда туғилганлар дош бера олмайдилар. Арслонлар «доми»да яшаган Сув қуювчилар руҳий-психологик жиҳатдан босим остида яшашларига түғри келади. Оила қуришлари тавсия этилмайды.

**ДАЛВ – СУМБУЛА.** Мазкур бурждада туғилганлар ўзаро жинсий муносабатлардан кўра, маънавий қарашлари, қизиқишлари билан ўзаро яқинроқдирлар. Пари белгиси остида туғилганлар билан жисмонан тортишиш кучли бўлса-да, аммо бу оиласдан жанжал-тўполон аримайди. Даљда туғилганларнинг сахийликлари Париларга у қадар ёқмайди. Оиласий муносабатларда уларнинг ўзаро монанд машгулотлари, қизиқишлари бўлса (масалан, касби, ихтисослиги, маълумотлари бўйича), муносабатлар барқарор бўлиши мумкин.

**ДАЛВ – МЕЗОН.** Мезонда туғилганлар билан жуда баҳтли бўлиши кутилади. Ўзаро уйғун тушадиган ажойиб жуфтлик. Иккиси ҳам эҳтиросли ва дилбар. Уларнинг жинсий майллари ҳам ўзаро уйғундир. Бир-бирларини жуда яхши тушунадилар. Узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечирадилар. Улардан ажойиб, бир-бирларидан гўзал, дилбар ва хушбичим ўғил-қизлар дунёга келади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ДАЛВ – АҚРАБ.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган жуфтлик. Аммо Чаён белгисидагилар гипнотик қувватлари билан Даљда туғилганларни ўзларига тортадилар. Шу тариқа Сув қуювчи белгисидаги-

лар Чәёнларнинг «доми»га жуда осон тушеб қоладилар. Даљв буржидагилар жуда ишонувчан ва тез алданадилар. Эркесвар Сув қуювчиларга осон бўлмайди. Чунки Чәёнлар ўта рашқчиidlар. Чәён белгисидагиларнинг ўта ҳароратлилиги, мустақиллиги, ҳар нарсанинг моҳиятига етишга интилиши, қаттиқўллиги, қайсаrlиги, ҳокимиятпаратслиги, хусусий мулкчилик характери, ўта рашқчилиги, қасоскорлиги ва «ичимдагини топ»лиги Сувчи белгиси остида туғилганларнинг мустақиллиги, ўзига хослиги, киришимлилиги, эскилики ёқтиирмаслиги, шахсиятпаратслиги, бетакалуфлиги, сергаплиги, лақмалиги, жавобгарлик ҳиссининг йўқдиги каби хусусиятлари билан ўзаро мос тушмайди.

Шунингдек, Чәён белгисидагиларнинг кучли жинсий қуввати ва эҳтиёжларига Даљв буржидагилар жавоб бера олмайдилар. Оқибатда, Ақраб буржидагилар ўзларининг бу соҳадаги талабларини ташқаридан қондиришга мажбур бўладилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ДАЛВ – ҚАВС.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Иккиси ҳам фаол ва олдиндан пайқаш қийин хусусиятларга эга. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқдир. Рашқчи эмасликлари ҳар иккисига хос бўлган хусусиятдир. Одамлар, дўстлар даврасида ўзларини жуда яхши ҳис қиласидар. Улар узоқ ва баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ДАЛВ – ЖАДИЙ.** Мазкур бурждагиларнинг жинсий майллари мос эмас. Амалий қарашларга эга бўлган Жадийлар Сув қуювчиларни ўзларига жалб қилишлари қийин. Жадийлар Сув қуючининг эркинлигини ҳам чеклаши мумкин. Бу эса Даљв буржидагиларнинг асабийлашишига сабаб бўлади. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ДАЛВ – ДАЛВ.** Улар ўзаро уйғун тушадилар. Бир хил буржда бўлганлиги, иккиси ҳам сув унсуридали-

ги, ўзаро қоришиб кетиши ва тил топишмашарини осонлаштиради. Уларнинг ўзаро қарашлари, қизиқишилари ва машғулотлари ҳам жуда ўхшашдир. Оиласий муносабатлари жуда ёқимли, ҳузурли ва кўнгилли бўлади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ДАЛВ – ҲУТ.** Ўзаро мос эмас. Чунки Балиқ белгисидагилар ўта гумондор бўлиб, Сув қуювчиларнинг ёт-бегоналар билан ҳам дўстлашиб кетишлигини қабул қила олмайдилар. Эркинликка интигувчи Даљ буржидагилар Балиқ белгисидагиларнинг яшаш ҳавзасидан безийди ва ўзига бошқа макон излайди. Ҳут буржидагилар ҳам бунга қаршилик кўрсата олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**Даљ ойида Сувчи (Кўнак) белгиси остида туғилган машҳур ва таниқди шахслар:** Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фрэнсис Бэкон, Галилео Галилей, Чарльз Дарвин, Авраам Линькольн, Жюль Верн, Томас Эдисон, Д.И. Менделеев, Эрнст Мах, А. П. Чехов, Франклайн Рузвелт, Антонио Грамши, Рональд Рейган, Ҳабибий, Хислат, Ойбек, Саида Зуннунова, Ортиқ Отажонов ва бошқалар.

## **БАЛИҚ – ҲУТ ЮЛДУЗЛАР БУРЖИ**

*19 февраль – 20 март оралығида туғилғанлар. Нептун сайдераси бошқаради. Мизожини белгіловчи үнсүр – сүв. Тымсоли – бир-бирига қарама-қарши сузуучи икки балиқ. Буржига хос ранглар – мовий, дөңгиз ранги. 6, 7, 11 – баҳтли рақамлар саналади.*

Балиқ буржы түғрисида күплас қадимги манбадарда, шу жумладан Инжилда, Гомер, Гесиод асарларида маълумот берилген.

Бу белги остида туғилғанларда бошқа барча белгиларнинг хусусиятлари озми-күпми мужассамлашган, шунинг учун уларнинг характеристики ноаниқ ва зиддиятли бўлади. Шунга қарамай, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам бор. Шуҳратпарастлик уларга ёт, бойликка ҳирс қўймайдилар. Ўз ҳаёт фаолиятида турли тўсиқларга қарши курашишдан кўра кўпроқ «оқим бўйлаб сузиш»ни маъқул кўрадилар. Аммо ҳаётда бирон ютуққа, юксакликка эришганлиги беҳуда яшамаганлигининг исботи бўлади.

**Ҳут буржидаги Балиқ белгисида туғилғанларнинг ижобий жиҳатлари:** хушфеъл, кўнгли очик, юмшоқкўнгил, ройиш, эҳтиросли, идеалист, динга мойил, раҳмдил, меҳрибон, марҳаматли, ғамхўр, ёрдамга доимо тайёрлик каби хислатларга эга бўладилар.

Орзулари улкан бўлади. Воқеликка лоқайд қарамайдилар. Унга «жамият бузилияпти, мамлакат инқирозга юз тутди, атроф муҳитнинг ифлосланиши бизни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди», дессангиз бунга парво қилмаслиги мумкин. Бироқ, бу ҳолат, у ўз характеристини намоён қила олмаслигини кўрсатмайди.

Нептун сайёраси бошқарадиган бу кишиларнинг қаҳри келса, қаттиқ ғазабланадилар. Нептуннинг суви совутмагунча қаттиқ хафа бўлиб, ҳовурдан тушмайдилар.

Балиқ белгиси кишининг ақдий ва жисмоний қобилигини, оёқ кафтини ифодалайди.

Балиқ белгисидаги кишиларнинг танаси кучсиз бўлиб, қайта тикланиш қуввати камдир. Улар асосан ичак касалликлари, модда алмашинувининг бузилиши туфайли юз берадиган ниқриз (бармоқларнинг қизигандай зирқираб оғриши), оёқ кафтлари, катта бармоги оғригига учраши, оёқ орқали шамоллаш, шишиш ва инфекция билан касалланиши мумкин.

Уларнинг оёқ-қўллари кичкина, бадани ипакдек майин, юмшоқ бўлади.

Бўйи у қадар баланд эмас, юрганда гўё сузиб кетаётгандек кўринади.

Балиқ белгисидагиларнинг ҳам Чаён, Қисқичбақа белгисида туғилганлар каби спиртли ичимликлардан узоқ юришлари лозимлигига ақди етади. Аммо баъзилари турли фам-ташвишлардан ўзларини чалғитиш учун ичкиликка муккасидан кетадилар.

Эътибор берган бўлсангиз, бу белгида бир-бirlарига қарама-қарши йўналишда жойлашган икки балиқ: бири оқимга қарши юқорига, иккинчиси эса оқим бўйлаб, қуйига сузаётган тарзда тасвирланган. Бу тимсол тасодифий эмас. Балиқ белгиси остида туғилганлардан кимда-ким юқорига қараб сузса, масалан, Эйнштейндек, ҳаётда кўп нарсага эришади, инсониятга жуда катта наф келтириши мумкин; кимнинг бунга қурби етмаса, қуйига қараб оқим бўйлаб сузса, ҳаётда оддий, хокисор киши бўлиб қолаверади.

**Салбий жиҳатлари:** журъатсиз, қатъиятсиз, ҳар қандай таъсирга бериувчан, «оқим бўйлаб су-

задиган», ноомилкор, ғамгин, реалликдан нисбатан ажралган бўладилар.

Улар бой тасаввурга эга, ҳазил-мутойибага мойил, шоиртабиат бўладилар. Аммо кескин танқид билан уларнинг бундай қобилиятини бўғиб қўйиш мумкин.

Бу белги остидаги шахс сирли ва ўта нозик ички туйфуга эга бўлади. Нептун сайёраси бошқарадиган бу белгидаги киши зиддиятли, беҳаловат, ўзи билан ўзи курашувчан бўлади. Бундай зиддиятли таъсиридан киши кўпинча қалбан озор чекади, безовта бўлади, сиқилади. Мазкур белги, шунингдек, инсонпарварлик ва ўз-ўзини бирон-бир иш учун қурбон қилиш тимсоли ҳамдир.

Ушбу белги остида туғилган шахслар артистларга хос табиатга эгадирлар. Улар бошқалар устидан ҳукмрон бўлишга интилмайдилар, ўз манфаатларини ортиқ даражада кўзламайдилар. Бойликка у қадар ўч бўлмаса-да, пул топиш учун жонини жабборга беришмаса-да, имконият бўлганда пул топишдан воз кечмайдилар. Бой-бадавлат бўлишга интилмасалар-да, бадавлат яшашни истайдилар: уларнинг фалсафаси шундайдир.

Хут ойида туғилганлардан ажойиб ўқитувчилар, олимлар, яхши ҳамширалар чиқади. Бироқ бир жойда узоқ вақт бўлишга уларнинг тоқати йўқ.

Уларнинг «оқим бўйлаб сузиш»и шахсий ҳаёти учун хавф туғдириши мумкин. Лекин ўз хатти-ҳаракатлари, меҳрибонлиги билан атрофдагиларда катта эътибор уйғотишиади.

Уларга «оқим бўйлаб сузиш»га халақит берилмаса, ҳаётдаги барча чекланганликка бефарқ бўладилар. Ҳаётдаги кўп муҳим нарсаларга бефарқ қарашлари туфайли уларни бирон нарсага қизиқтириш, жалб этиш қийин.

Амалга ошириш имконияти бўлмаса ҳам юксак орзулас оғушида яшашни ёқтиришиади. Яхши хо-

тирага эга бўлган Балиқ белгисидагилар бўлажак воқеаларни олдиндан ҳис эта оладилар.

Танқидга тоби йўқроқ бўлганлиги учун у билан муносабатда бўлиш қийин кечади. Кўп куч-қувватини қариндошларига, дўстларига, яқинларига сарф қиласди. Ўзи тўғрисида ҳеч ўйламайди ёки жуда камдан-кам ҳоллардагина қайгуради.

Балиқ белгиси остида туғилган шахс жунбушга келтирувчи ва тинчлантирувчи турли воситалар – дори-дармонлардан ўзини тиши зарур. Ортиқча зўриқишдан, кўнгилсизликлардан эҳтиёт бўлиши керак. Ёмон овқатланиш унинг овқат ҳазм қилиш органларига ва жигарига салбий таъсир қиласди. Оёғи, қўли оғриши, шамоллаши, грипп билан касалланиши, ўпкаси шамоллаши мумкин.

Улар узоқ умр кўришларига ишонадилар, шунинг учун ҳам ўз соғлиқлари тўғрисида кам қайгурадилар. Аммо уларнинг соғлифи у қадар мустаҳкам эмас. Тез ҳолдан тоядилар, аммо дори-дармон ичишдан қочиб, дам олишни, ухлашни афзал кўрадилар.

### **Балиқ белгиси остида туғилган эркаклар**

Балиқ белгиси остида туғилган эркаклар табиатан романтик бўлиб, ҳаётдан узилган орзулар оғушида яшайдилар. Бундай романтик киши билан танишган ва унга турмушга чиқмоқчи бўлган қизларни огоҳлантириб шуни айтамизки, сиз унга турмушга чиқсангиз ё икки киши учун меҳнат қилишингиз ё ундан кўнгил узишингиз керак бўлади. Чунки ширин, аммо қуруқ орзу билан ҳозирги – бозор иқтисодиёти ва молиявий-иктисодий инқироз шароитида яшаш қийин кечади.

Хут буржида туғилганлар бошқаларга ҳамдард бўладилар. Бу эса уларнинг руҳиятига таъсир этади,

чунки улар табиатан ўта таъсирчандирлар. Уларда мантиқий қарашга нисбатан ички түйфу күчлироқ бўлади.

Балиқ белгиси остида туғилган кишининг ҳаёти ёшлигидан яхши кечса, у ҳақиқаттўй, самимий ва оқкўнгил, хотираси яхши ва илмга қобилияти бўлади.

Агар шу белгидаги умр йўлдошингиз ҳаракатчан, интиувчан бўлса, шон-шуҳратли, бой-бадавлат бўлади ва сиз у билан баҳтли яшайсиз. Аксинча бўлса, оқимни англай олмаса, ўзини бошқара билмаса, кўплаб кўнгилсизликлар рўй берishi кутидади.

Бу белгидаги эркак дадил бўлиши, журъатли, аниқ қарор қабул қилиши, муайян мақсадни кўзлаб ҳаракат қилиши, муваффақият қозонишга тўқсинглик қилувчи пуч орзуладан воз кечиши зарур. Аммо уларнинг кўпчилиги бундай қила олмайдилар ва қила билмайдилар.

Бу белгидаги киши бирон иш билан машғул бўлса, унинг интуицияси ақд-заковати билан уйгунашиб, катта муваффақиятга эришиши, шон-шуҳратга ва бойлика эга бўлиши мумкин.

Мазкур белгидаги киши 25 ёшга қадар ўз ҳаёт оқимини топа олмаса, келгуси ҳаётдан кўп нарса кутмаслиги лозим.

Оқимини ўз вақтида топган Балиқ-эркак ҳар қандай аёл учун ноёб топилмадир. У буюк шахс бўлиши, оиласи ҳаётини намунали тарзда йўлга қўйиши мумкин. Бундай хусусиятга эга «балиқ» хурофтдан ҳоли, имконияти эса битмас-туганмас бўлади.

Бу белгидаги шахс узоқ вақт дам олишга муҳтоҷ бўлади. Унинг қалби, руҳи ташқи таъсирлардан тез-тез ҳоли бўлиб туришга, мавжуд зўриқишилардан тозаланиб туришга муҳтоҷ. Шунинг учун ҳам, агар у баъзан камгап, эътиборсиз бўлиб қолса, уни

кайиманг! Унинг учун баъзи-баъзида шундай ҳолат зарур бўлади.

Кўнгли жуда нозик бўлганлиги учун уни хафа қилиб қўйиш осон. У йоғлар ҳаёти билан, турли файритабиий ҳодисалар, астрология, руҳий ҳодисалар билан қизиқади. Бу эса унга ижобий таъсири этади.

Уни чалфитиши, аҳмоқ қилиш осон эмас, чунки у сизнинг дилингиздагини кўра олади. Рашқдан эса талвасага тушмайди. Рашқ қилиши учун бирон-бир баҳона бўлса ҳам ҳеч нима билмагандай юра беради. Болалар уни севадилар, у билан жуда қувноқ, хушчақчақ бўладилар. У болаларнинг муаммолари билан қизиқади, онгини ва ҳаётий ҳавасларини ривожлантиради.

Сиз ўз шикоятларингиз билан уни безор қилиб юборишингиз мумкин. Чунки балиқ – бу ожизлик белгиси. Эҳтимол, сизнинг асабингизга тегиши, қўрқитиши мумкин. Аммо сиз унга куч тўплашда ёрдам беришингиз лозим.

Шундай соҳалар борки, бу белгидаги кишилар уларга жуда мос келади ва ажойиб раҳбар, ташкилотчи бўлиши мумкин. Бу – радио, телевидение, таълим ва тижорат соҳалариидир. Шунингдек, улардан ажойиб актёр, режиссёр, турли бадиий дасталарнинг раҳбарлари чиқади.

Нептун бошқарадиган бу раҳбар ўз қўли остидагиларга камдан-кам ҳолларда ҳайфсан эълон қиласди. Агар уларда бирон жиддий фоя пайдо бўлса, доимо тинглашга тайёр бўлади.

Бу белгида туғилган киши жуда жўшқин жинсий ҳаёт кечиради. Йўлдошларида дуруст таассуротлар, ҳиссиётлар қолдирали. Ўзгаларга ички дунёсини ҳеч қачон очмайди.

Тўшак тўғрисида тез-тез сўзлашни, ҳамтўшагининг гўзаллигини, ёқимтой бадани тўғрисида сўзла-

ганды завқали, қизғин, шаҳватона тарзда түлқинланып сўзлашни ёқтиради. Кўпинча жинсий мулоқотда «енгилиб» қолади. Бирон-бир аёл унинг ички дунёсига кира олмайди.

### **Балиқ белгиси остида туғилган аёл (қиз)лар**

Улар ёқимтой, дилбар, кескин ажралиб турадиган ўзига хосликка, нафосатга, гўзалликка эга бўладилар. Тўқисликни, шинам бекаму кўстликни, мукаммал гўзалликни севадилар.

Уларнинг кайфияти ва соғлиги Ой фазаларининг алмашинувига боғлиқ бўлади. Тўлин ой даврида улар тўла қувватга, ҳароратга, ҳаётий кучга эга бўладилар ва аксинча, янги ой туғилган даврда лоҳасланиб кайфиятсиз, лоқайд бўлиб юрадилар. Унда бой ички ҳаёт жўш уриб туради. Юмшоққўнгиллиги, нафосатлилиги, дилбарлиги туфайли ажойиб хотин ва она бўладилар.

Нужум илмида ҳам бу аёллар фоят баркамоллиги, латофати билан машҳурдирлар.

Унда салбий жиҳатлар ҳам йўқ эмас. Ташқаридан қараганда, ҳар қандай эркак бу аёллар, қизларнинг «соҳиби» бўлишни ҳавас қиласди. Бундай аёл эркак кишини ўз сояси остида қолдиришга, уни тўсиб кўйишга деярли интилмайди. Сизнинг устингиздан озгина бўлса ҳам ҳукмронлик ҳисси унда йўқ. Бундай аёл сиз уни ҳимоя қилишингизни, унинг тўғрисида қайфуришингизни истайди холос. У сизнинг елкангизга бошини жон-дили билан қўйиб, бу оламда унинг учун сиз қанчалар керак эканлигингиш шаъма қила олади. Сизнинг бошингизга тушган ҳар қандай ташвишни, кўнгилсизликни бирга кечиради, ҳис этади.

Балиқ-аёл магрур эр учун кўҳлик, ювош хотиндир. У ажойиб латофат, назокат эгаси. Худди асалари

гулга ёпишганидек йигитлар бу белгидаги аёлга ёки қизга интиладилар, тортиладилар. У билан бир оғиз суҳбатлашишнинг ўзиёқ кишига ҳузур бахш этади, қалбига ором беради. Балиқ белгисидаги аёл ўз эрини ҳеч қачон ва ҳеч нимада айбламайди.

Айтишларича, балиқ чуқур жойни ёқтирап экан. Сиз аёлнинг сирли жиҳатларини шу орқали билиб олишингиз мумкин. Уни бундай «сузиш»га нима мажбур қиласди? Энг аввало, у ўз жозибаси, кучини сизда синаётганда, «ичимдагини топ» қабилида иш тутади, гоҳида алдайдиган бўлади. Бу аёл ташқи кўринишдан гўё ўзини ҳимоясиз, заиф, кучсиз қилиб кўрсатса ҳам, ички жиҳатдан катта кучга эга бўлиши мумкин.

Мазкур белги соҳибаси иқтисодиёт тўғрисида фикр юритмаслиги мумкин, аммо хўжаликни яхши юритади, ораста кийина олади, турли мазали таомлар тайёрлай олади. Ҳамма қатори оладиган иш ҳақига кўплаб совға-салом танлай олади.

Уларнинг кайфиятлари март ойи шабадасидек ўзгарувчан бўлади. Улар ҳиссиётга жуда берилган бўлишади. Агар уларнинг ҳиссиётига тегилса, тинмай кўз ёш тўкиши мумкин. Бундай вазиятда улар сизга пинҳона таънали назар ташлайди.

Хут-аёл учун ўзининг журъатсизлигини ва ҳадиксирашини енгиб ўтиш энг оғир муаммодир. Агар унинг қўрқинчи, ҳадиксираши чуқурлашса, нима учун ёлғиз қолганига ҳайрон бўлади, ажабланади. Ҳар бир нарсадан ҳадиксирайверади. Айни маҳалда ўзининг журъатсизлигини кескинлик билан, мустақиллиги, донишмандлиги билан қоплай олади. Балиқ белгиси остида туғилган аёл бутун қалб қўрини болаларига бахш этади. У фарзандларининг қўрқинчи, журъатсизлигини бошқалардан ортиқроқ ҳис эта олади. Кўп нарсаларни болаларига раво кўради.

Хут-аёлни туғилган куни билан табриклашни ёдингиздан чиқарманг, акс ҳолда у сизни кечирмайди. Ким бўлишидан, қандай вазифани бажаришидан қатъи назар у аёллигини юз фоиз сақдаб қолади.

Бу белгидаги аёл кучли романтик бўлиб, ички дунёси жўшқиндир. У турли даврларда ўз нигоҳида воқе бўлмайдиган хилма-хил образлар яратади. Болалигида эса ҳаётийликдан кўра кўпроқ нореал эртакларга қизиққан бўлади.

Бу белгига туғилган аёлларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифадагилар, у қадар жўшқин бўлмагани ҳолда эркак билан ўзаро яқин муносабатда бўлганлар. Қоидага кўра, бу тоифа аёллар ўз эрлари билан узоқ ва баҳтли яшайдилар. Иккинчи тоифа аёллар эса беҳаловат, ўйноқи бўладилар. Бу тоифа аёллар, агар керак бўлса, қароқчи билан ҳам баҳтли яшаб кетиши мумкин. Кўпинча бундай тоифадаги аёллар артистлар, сиёsatчиларнинг, яъни шон-шуҳратга эга бўлган кишиларнинг жазмани, маъшукаси бўладилар.

### **Балиқ белгиси остида туғилган болалар**

Агар сизнинг фарзандингиз ушбу белги остида дунёга келган бўлса, у жуда ювош, мулоим, тинчликни хуш кўрувчи ва оққўнгил бўлади, кўп орзу қилади: хаёлпараст бўлиб, ҳаётий воқеликни ўз фантазияси билан чалкаштириб юборади.

Бу болалар сув билан боғлиқ ҳар қандай ўйинларни, сеҳрли эртакларни, гаройиб ҳодисаларни ёқтиради. Аммо ғалва, қичқириқ ва зўравонликни кўтара олмайди. Зўравонлик бу болани даҳшатга солади. Шунинг учун ҳам у ётишдан олдин телевизор кўрмаслиги, фамгин, маъюс куй ва қўшиқларни тингламаслиги керак. Умуман, тез хафа бўлади,

ранжийди. Шу негизда у касал бўлиб қолиши ҳам мумкин. Унинг учун энг зарур нарса – тинч, осо-йишта муҳит, уй шароити.

Бу бола серғалва, тўполончи ва шафқатсиз, қаҳрли болалар билан муносабатда бўлолмайди.

Сиз унга реал воқеиликни ҳис этишни, амалий фаолиятни ўргатишингиз лозим. Бола ўз диққатини бирон нарсага тўплашга, аниқ қарор чиқаришга, узил-кесил хулоса чиқаришга қийналади. Ҳатто пальто ёки плашини, кўйлак ёки оёқ кийимини танлаш сингари оддий ҳолларда ҳам мустақил иш тутишга иккilanади. Шунинг учун уни мустақил иш тутишга, қарор қабул қилишга ўргатиш керак. Пул соҳасида ҳам ҳеч нимани тушунмайди. Унга оз-моз пул беринг-да, қандай сарф қилишни ўргатинг!

Унинг нимага қодир эканлигини, нимага қоби-лияти борлигини аксар ҳолларда аниқлаш мушкул. Нептун бошқарадиган бола ҳар қандай нарсага қо-дир. У санъат билан шуғулланиши лозим, чунки бу унинг кайфиятини яхшилайди. Уй ҳайвонлари билан ўралашса ҳам яхши бўлади.

Одатда, Балиқ белгисидаги бола шуҳратпарастликдан ҳоли бўлиб, унда бундай хусусиятни шакллантиришга уриниш бефойдадир. Лекин унга таълим бериш осон. Аммо баъзан унда қатъият етишмайди ва оқибатда, кўпинча ўзи учун яхши имкониятларни қўлдан бой беради.

Унга бақириш, болани калтаклаш ва бошқача жа-золаш билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Босиқдик билан тушунтирилса, тезроқ қабул қиласи. Уйда унга алоҳида жой ажратиб беринг! Шунингдек, қатъий кун тартибини белгилаб беринг, бу унинг учун катта фойда келтиради.

Бу белги остида туғилган болада яхши ёки ёмон муносабат тезда акс этади. Бу унинг заифлигини бил-

диради. Яхши ва ёмон нарсанинг фарқига етмаган пайтда у носоғлом таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Мазкур белгидаги болангиз ёки ўқувчингиз ёмон болалар таъсирига тушиб қолган бўлса, улардан ажратиб олиш қийин бўлади. Бунинг учун ота-оналар унинг ўртоқлари ким эканлигини аниқлаши, у билан руҳан яқин муносабат ўрнатиши керак бўлади. Энг яхши ва ишончли йўл у билан қалбан яқин муносабатда бўлиб, осойишта ва тинч вазиятда гаплашиб олишдир.

Балиқ белгиси остида туғилган боланинг умумий яшовчанлиги у қадар кучли эмас. Ота-оналар уни турли хафагарчиликлардан, озордан эҳтиёт қилишлари керак. У ҳар қандай касалликка: томоқ оғрифи, ўпка, ошқозон касалликлари, шиллиқпарда яллиғланишига учраши, унда юрак ва ички секреция безлари касалланиши мумкин.

Балиқ – киши организмининг оёқ кафти тимсолини билдиргани учун бу белгидаги фарзандингизга оёқ кийимини диққат билан танлашингиз зарур. Чунки у ясси оёқ ва ясси товоң бўлиши, қадоқ бошиши, оёқ бармоқлари қийшайиб қолиши мумкин. У ваҳима бўлиб қолиши (vas-vac), ойпараст (уйқуда уйғоқдек юриш) касалликларига берилишга мойил бўлади. Бундай касалликларнинг одини олиш учун сиз унга доимо эътибор бериб юришингиз, унинг ғамгин, маъюс бўлишига, хафагарчилигига ва асабийлашига йўл қўймаслигингиз лозим. Шунда унинг юқорида кўрсатиб ўтилган касалликларга чалиниш эҳтимоли кам бўлади.

Бу белгида туғилган аксарият болалар артистона хусусиятга эга бўладилар. Улар мактабда арифметикани ўрганишда қийналсалар-да, шеър ёзишга, расм чизишга ёки драма тўгарагида бирон роль ўйнашга кўпроқ қизиқадилар.

**Балиқ белгиси остида туғилған болаларга түгри келмайдыған ҳолатлар:** – телевизорда күрсатыладыған күркінчли, дағыштаты тарихий воқеалар, зўравонлик, жохыллукни намойиш қылувчи фильмлар, фамгин, мунгли күйлар;

– уришқоқ ва қаҳри қаттиқ болалар билан ўртоқ-чилик қилиш;

– ҳар қандай қыңқириқ, ваҳима, асабийлашув;

– носоғлом мұхитдаги катта ёшдаги болалар билан дүйстасышиш.

**Бу белги остида туғилған болаларга зарур нарасалар:**

– тинч, осойишта мұхит;

– уй ҳайвонлари, санъат турлари билан машғул бўлиш;

– керак бўлганда, бирон-бир дадил қарорга келишини ўргатиш;

– реалликни ҳар қандай хомхаёлдан ажратса билишини ўргатиш;

– диққатини бир жойга тўплашга ўргатиш;

– пул сарфлаш йўлларини ўргатиш керак.

**Ҳут буржига Балиқ белгисида туғилғанлар кимлар билан оила қуришлари мумкин ёки бунга таваккал қылмасликлари лозим**

**ҲУТ – ҲАМАЛ.** Ўзаро уйғун тушадыған жуфтглик. Ҳамал буржини бошқарадыған Марс сайёраси Ҳут буржига ижобий таъсир күрсатади. Шунингдек, Балиқ белгисида туғилғанлар билан баҳтли яшашлари учун Қўй белгисидагилардан кўп нарсалар талаб этилади. Аввало, улар балиқларнинг ҳиссиётларига танқидий назар билан қарамасликлари талаб этилади. Оилавий муносабатларда Балиқ белгисидаги жуфтига ён босишлирига түгри келади. Ана шу каби талабларни бажарип шарты билан оила қуришлари тавсия этилади. Шундагина улар баҳтли ҳаёт кечира-

дилар. Ахир сиз Ҳут буржида туғилған жуфтингизни қаттиқ севиб қолғансиз-ку. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ҲУТ – САВР.** Ҳар иккиси ҳам ўзаро ўхшаш белгилар. Уларнинг ўта сезувчанлиги, одиндан сезиш ҳиссининг юқорилиги каби жиҳатлари билан ўзаро мувофиқ келадилар. Ўзаро оиласий муносабатларда Балиқ белгисида туғилғанлар қатъий қарорга эга эмасликлари билан фарқ қиласи. Шу жиҳатдан Савр буржидагилар Балиқ буржида туғилған жуфтларига нисбатан эътиборлироқ бўлишлари талаб этилади. Улар ўртасида оила қуриш тавсия этилади.

**ҲУТ – ЭГИЗАКЛАР.** Улар ўртасида ўзаро уйғунлик йўқ. Эгизаклар тез ўзгарувчан, Балиқлар эса ўта сезувчан ва гумондордирлар. Эгизакларнинг кўнглига келган ишни қилишлари Балиқ белгисидаги жуфтида кўплаб гумон ҳосил қиласи ва ўртадаги ишонч йўқолади. Ўзаро бир-бирларига қўнишишлари ҳам мумкин. Вақт ўтиши билан эса Балиқ белгисидагиларнинг жиззакилиги оиласий иноқликни бузиши мумкин.

**ҲУТ – САРАТОН.** Ўзаро уйғун тушадиган жуфтлик. Иккиси ҳам сув белгисида ўта сезувчанлик хусусиятига эга. Жинсий майллари ҳам ўзаро мувофиқ тушади. Бу жуфтликда Қисқичбақа белгисидагилар ўз жуфтларига нисбатан етакчилик қиласи. Бундай етакчиликка, Балиқ буржидаги жуфтлари монелик қилмайдилар ва уларга тўла ишонадилар. Улар бир-бирларидаги ўта нозик ҳиссий эҳтиёжларини ўзаро тўла қондира оладилар, айниқса, жинсий муносабатлар орқали. Бу эса улар ўртасидаги оиласий муносабатларнинг энг муҳим ва белгиловчи асоси ҳисобланади. Улар узоқ йиллар баҳтли ҳаёт кечиришлари кутилади. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ҲУТ – АСАД.** Ўта тортингчоқ Балиқларни Арслонлар тушуна олмайдилар. Балиқ белгисидагиларнинг

ўта эҳтиросли «нафмалари» Арслон белгисидаги жуфтининг «асабини» қўзгайди ва кўпинча бундай ҳолларда Арслонлар «наъра» тортадилар. Балиқ белгисидаги жуфти Арслон белгисидаги шеригидан кўнгли оғрийди ва бош олиб узоқ-узоқларга «сузиб» кетгиси келади. Бу иш қўлидан келмаган Балиқлар эса Арслоннинг чангалида бир умр асир бўлиб яшашига тўғри келади. Ўзаро жуда мураккаб муносабатлар бирлиги.

**ҲУТ – СУМБУЛА.** Ташқи кўринишдан Пари ва Балиқ белгидагиларнинг бир-бирларига мойилликлари бўлса-да, уларнинг жисмоний қизиқишлари, жинсий эҳтиросларининг кучи у қадар яқин эмас. Ўзаро бошқа-бошқа хусусиятларга эга бўлган бурж вакиллари. Парилардаги танқид қилишга мойиллик Балиқ белгисидаги жуфтининг эҳтиросларини чилчил қиласди ва қалбини кўп бора ранжитади. Парилар келажакни кўзлаб ҳаракат қиласдилар, Балиқ белгисидагилар эса вазият тақозоси билан иш қўрадилар. Бундай хусусиятлар уларнинг ҳар иккисини ҳам қониқтирумайди. Улар ўртасида оила қуриш тавсия этилмайди.

**ҲУТ – МЕЗОН.** Ушбу белгидаги туғилганлар кўпинча ўзаро оташин севишиб оила қурадилар. Уларнинг ҳар иккиси ҳам гўзал, келишган ва хушбичимдирлар. Жинсий майллари ҳам уларнинг ҳар иккисига олам-олам қувонч ва ҳузур баҳш этади. Аммо оиласвий муносабатларнинг бошқа жиҳатларида ўзаро мос тушмайдилар ва бошқа-бошқа қарашларга эгалар.

Тарози белгисида туғилганлар Ҳут буржида туғилган жуфтларига ҳомийлик қила олмайдилар. Балиқ белгисидагиларнинг ўта эҳтирослилиги ўз навбатида, Тарози белгисидаги жуфтлари руҳиятига мос келмайди. Улар ўртасида оила қуриш тавсия этилмайди.

**ХҮТ – АҚРАБ.** Ўзаро қойилмақом равища мос тушадиган жуфтлик. Күпинча Чаёнлар балиқ белгисидагиларни севиб турмуш қуришлари кузатилади. Чаёндаги ўзига ром қилиб, сеҳрлаб олиш хусусиятига Балиқ буржидагилар лақقا тушадилар ва Чаёнга маңкам ёпишадилар. Узукка күз қўйғандек ўзаро бир-бирларига мос тушадилар. Юлдузлари юлдузларига мувофиқдир. Оиласий муносабатларда Чаёнлар Балиқлар устидан тўла ҳукмронликни қўлга оладилар ва ўз жуфтларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Бу эса Балиқларга ҳам мойдек ёқади ва ўзлигини жуфтига баҳш этади. Улар ўртасида оила қуриш тавсия этилади.

**ХҮТ – ҚАВС.** Ўзаро мувофиқ келмайдиган жуфтлик. Ўқотарлар ҳаддан зиёд мустақил ва ўзбошимча. Жинсий муносабатларда ҳам Балиқ буржидагилар ўз жуфтининг талабларини бажара олмайдилар. Балиқдан зерика бошлаган Ўқотар бошқа саргузаштлар излашга тушади. Яхшиси, улар ўртасида оила қурилмагани маъқул.

**ХҮТ – ЖАДИЙ.** Ўзаро мувофиқ келадиган жуфтлик. Кучли ва ҳукмронликка интилувчи Такалар Балиқларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдилар. Балиқлар эса ўз навбатида, кучли эҳтирослари билан Такаларни «сийлайдилар». Ушбу буржлар ўртасида қурилган оилада улар узоқ ва баҳтли ҳаёт кечирадилар. Оила қуришлари тавсия этилади.

**ХҮТ – ДАЛВ.** Ўзларининг жинсий эҳтирослари, майллари билан бир-бирларини қизиқтиришлари мумкин. Аммо, бошқа жиҳатлардан ўзаро мос эмас. Чунки Балиқ белгисидагилар ўта гумондор, «ичимдагини топ» қабилида бўлиб, очик, элпатак, киришимли бўлган Сув қуювчиларнинг ёт-бегоналар билан ҳам дўстлашиб кетишларини қабул қила олмайдилар. Далв буржидагилар воқеаларга нисбатан мантиқий

фикrlайдилар. Балиқ белгисидагилар эса ўта ҳисси-ётлидирлар. Эркинликка, мустақилликка интилевчи «Ҳаво» белгисидаги Даљ буржидагилар Балиқ белгисидагиларнинг яшаш ҳавзасидан безийди ва ўзига бошқа макон излайди. Ҳут буржидагилар ҳам бунга қаршилик кўрсата олмайдилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**ҲУТ – ҲУТ.** Ўзаро бир хил бўлган мазкур бурж эгаларининг жинсий майллари мос тушади. Ҳаётнинг бошқа муносабатларида эса мураккабликлар мавжуддир. Иккиси ҳам эҳтиросли, ўта сезувчан, ҳар нарсадан гумондор ва ҳалпастдирлар. Ҳаётий бўлмаган орзулар, уларни бир-бирларидан йироқлаштиради. Оила қуришдек ўта масъулиятли ҳолатда, қатъий қарор қабул қилишга қодир бўлмаганиликлари сабабли, ўз турмушидан қониқмайдилар. Шунингдек, бундай турмушдан воз кечишга ҳам қийналадилар. Оила қуришлари тавсия этилмайди.

**Ҳут буржида Балиқ белгиси остида туғилган машҳур ва таниқали кишилар:** Ҳумоюн Мирзо, Коперник, Микеланжело, Жорж Вашингтон, Виктор Гюго, Альберт Эйнштейн, В. И. Вернадский, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Усмон Юсупов, М. С. Горбачев, Зулфия, Акмал Қосимов ва бошқалар.

## МУНДАРИЖА

СҮЗБОШИ .....	3
КИРИШ .....	8

### *I БОБ. МУЧАЛ ҲАҚИДА ТУШУНЧА*

Сичқон мучал йилида туғилғанлар .....	24
Сигир мучал йилида туғилғанлар .....	31
Йүлбарс мучал йилида туғилғанлар .....	39
Күён мучал йилида туғилғанлар .....	48
Аждархо (балиқ) мучал йилида туғилғанлар .....	56
Илон мучал йилида туғилғанлар .....	66
От мучали йилида туғилғанлар .....	75
Күй мучали йилида туғилғанлар .....	83
Маймун мучали йилида туғилғанлар .....	94
Товуқ мучали йилида туғилғанлар .....	102
Ит мучали йилида туғилғанлар .....	112
Түнғиз мучали йилида туғилғанлар .....	121

### *II БОБ. БУРЖЛАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА*

Күй (ҳамал) .....	139
Сигир (уд) – савр юлдузлар буржы .....	149
Эгизаклар – жавзо (эрантиз) юлдузлар буржы .....	160
Саратон ойи – қисқиңбақа юлдузлар буржы .....	172
Асад – арслон белгисидеги юлдузлар буржы .....	189
Пари – бүгдей боши (сумбула) .....	200
Тарози – мезон юлдузлар буржы .....	212
Чаён – ақраб юлдузлар буржы .....	227
Үқчи – қавс юлдузлар буржы .....	241
Жадий – така (үглөк) юлдузлар буржы .....	254
Далв – сувчи (күнак) юлдузлар буржы .....	269
Балиқ – ұхт юлдузлар буржы .....	287

*Илмий-оммабон нашр*

**МУЧАЛ ВА БУРЖЛАР:  
ТОЛЕНОМА**

Мұхаррір  
Маъмура ҚҰТЛИЕВА

Бадиий мұхаррір  
Үйғун СОЛИХОВ

Мусаҳҳиқ  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Суннат МУСАМЕДОВ

Техник мұхаррір  
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АI № 252,  
2014 йил 02.10 да берилган.

Босишига 2016 йил 19.05.да рұжат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табоги 19,0

Шартли босма табоги 31,92

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нұсха. Буюртма № 113.

Баҳоси келишилған нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8,

Қатортол күчаси, 60.

**Мурожаат учун телефонлар:**

Нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-72;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlod@mail.ru